

**А.С. ПУШКИН**



**А. С. ПУШКИН**



**ИЗБРАННОЕ**



---

**ГОСИЗДАТ УЗССР**

1949

**А.С. ПУШКИН**



**ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР**

---

**ЎЗДАВНАШ**

1921

Редакторлар:  
*Ойбек, Уйғун, Шайхзода,  
Миртемир, Зулфия, Х. Гулом.*

Техредактор: *Уманский*  
Рассом: *И. Икромов*

---

Теринга берилди 18/IV 1949. Босишга  
рухсат этилди 12/V 1949. Р 02450. Фор-  
мати 70×92/32. Ҳисоб нашр. 14,0. Бос-  
ма д. 8,75+расмлар 0,5 ЎзДАВНАШР.  
Шартнома № 592—48. Индекс н/а.  
Тиражи 8000. Баҳоси 12 с.

---

Тошкент. 1-нчи босмахона. 1949.  
Заказ № 34.

**А.С.ПУШКИН**

**ПОЭМАЛАР**







## РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА

ДОСТОН

БАҒИШЛОВ

Сизга — кўнглим маликалари,  
Дилраболар, сиз учун ёлғиз,  
Кечмишларнинг нақли бу бари,  
Олтин вақтим аямай ҳаргиз;  
Эзма мози оҳанггига мос —  
Ёздим дадил қоғоз юзига.  
Шўх захматим олинг, сизга хос!  
Учмай ҳечким олқиш сўзига  
Умидларда бўламан хушҳол:  
Ишқ дардида ўртанган дилбар,  
Гуноҳкор назмимга, эҳтимол,  
Ташлаб қўяр қиё бир назар.

БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Денгиз бўйи, ямяшил чинор,  
Олтин занжир чинор тагида.  
Чечан мушук тун-кун беқарор  
Айланади теварагида.

Ўннга юрса — қўшиқ куйлайди,  
Сўлга юрса — эртақ сўйлайди.

Му'жиза мўл у олис ёқда:  
Тонг қолғулик баланду пасти,  
Сув париси ўлтирар шохда,  
Дайдиб юрар саёқ алвасти;  
Одам юрмас сўқмоқларида  
Ғалати жонворлар босган из,  
Бир кулбаки дарча - эшиксиз  
Турар товуқ оёқларида.  
Жумбоқ тўла води, тўқайзор;  
Тонгда денгиз асов, шиддаткор  
Тошар қумлик, ҳолий қирғоққа.  
Тиниқ сувдан чиқар буёққа  
Нақ ўттиз уч кўркам паҳлавон,  
Саф олдида денгизчи бобо,  
Қиролзода ўтар ногуҳон,  
Тутқун тушар унга қаттол шоҳ;  
Ва жодугар деган бедаво  
Денгиз, ўрмон устида учар,  
Юрт олдида, булутлар аро  
Баҳодирни кўтариб кечар;  
Ўтиради бека зиндонда,  
Хизматида сур бўри тайёр,  
Ҳам ялмағуз кампир ўрмонда —  
Ўғурида вайсайди айёр.  
Ва шоҳ Кашчей озгин - бедармон  
Зар устида топширмоқда жон.  
У ерда рус руҳи... Русия ҳиди бор!  
Денгиз бўйи ўша кўк чинор  
Соясида ўлтириб бир бор,  
Бол еб, бўза ичканман андак.  
Чечан мушук сўйловди чўпчак,



Битта эртак эсимда бутун,  
Мен жаҳонга ёяман букун...

Кечмишларнинг ҳикоясидир,  
Қадим замон ривоясидир.

Владимир — қуёш базм тузар:  
Баланд сарой жиққа - жиқ одам;  
Кенжа қизи тўйини ўтказар,  
Мард ўғиллар дўстлар жамулжам.  
Куёв Руслан азамат, ўктам,  
Ёвқур эди ҳам князьзода.  
Чўнг жомларда тошарди бода,  
Соғлиқ учун ичар дамодам.  
Шошилмас - кан боболар ҳеч ҳам,  
Аста бўшар даврада кўза,  
Кумуш жомлар лиқ тўла бўза,  
Еб - ичишар экан хотиржам.  
Шодликлари қуйилар дилга,  
Косалар лим кўпирар такрор,  
Соқилари сипоҳ, та'зимкор,  
Бир - бир тутар ўтирган элга.

Суҳбат авжда — қийқириқ-сурон,  
Ва давралар гувиллар шодон,  
Бирдан янграр ёқимли овоз,  
Пардаларни таранглайди соз;  
Ҳамма солар Баянга<sup>1</sup> қулоқ  
Уста бахши куйлар хушчақчақ.  
Мақталарди Людмила, Руслан,  
Ва тожким, Лель<sup>2</sup> этмиш армуғон.

Лекин, юрак сапчиб беқарор;  
Суюк ёрдан узмас кўзини,

Емас-ичмас, ошиқ Руслан зор,  
Хўрсинар ва қийнар ўзини,  
Мўйлов бурар ва дили ёнар,  
Дақиқада дақиқа санар.  
Қовоқ солиқ ва диққи нафас,  
Утиришар учта жувонмард,  
Базм авжига қўшилаёт демас,  
Кемиргандай дилларини дард.  
Дастурхонда турар кўза бўш,  
Унутилмиш шароб жомлари,  
Бемазадай тўй таомлари,  
Ҳатто Баян дилга бермас жўш,  
Хижолатда ерга боқмоқда:  
Учови ҳам рақиб, Русланга,  
Ҳасад заҳри дилни ёқмоқда,  
Бебахт севги ёр учовлонга.  
Бири Рогдай, қўрқмас баҳодир,  
Қиличи юрт очишга қодир;  
Қиев даласига қўшган ер.  
Ўзга бирин бақироқ Фарлаф дер,  
Сипоҳироқ ҳам кеккайганроқ,  
Базмларда енгилмас, броқ,  
Ҳарбу-зарбда жуда адаблик.  
Яна бири—ўйчан, кам гаплик,  
Ҳазар ёқлик Ратмир хонзода;  
Учаласи сўлғун, ранглар оқ,  
Шўх базмдан ғами зиёда.

Базм адоқ, турар аламон;  
Аралашар суронли йиғин,  
Барча боқар қўшалок томон,  
Кўзни ерга тикади келин,  
Гўё бағрин эзмоқда бир ғам,  
Куёв эса, қувноқ жуда ҳам.  
Тун қўйнида олам кўрар туш,

Харёқ жимжит, ярим тун яқин;  
Мудрар бойлар бўзадан сархуш,  
Ва уй-уйга тарқашар сокин.  
Куёв шодмон, висолдан рози,  
Ва уятчан ёрининг нози —  
Хаёлида барқ урар бутун.  
Улуғ князь меҳр-шафқат ила,  
Сирли, ғамгин марҳамат ила  
Дуо ўқир қўшалоқ учун.

Бошладилар ҳусн париси  
Қизни никоҳ тўшаги томон.  
Шамдонлар ҳам ўчди бариси,  
Чироқ ёқди севги тангриси,  
Умидларга етишди омон.  
Муҳаббатнинг совғалари шай,  
Рашкчил уст-бош мана пайдар-пай  
Гилам узра тушар барчаси...  
Эшитасизми, севги шарпасин,  
Бўсаларнинг ёқимли сасин,  
Сўнг ҳадикнинг зори гинасин?..  
Эри шавқдан маст ҳозирданоқ.  
Фурсат яқин, улар ҳам... броқ,  
Даҳшат солди момоқалди роқ,  
Туман, чақмоқ ва ўчди чироқ,  
Чопар тутун, титрайди ҳар'ён,  
Қалби тамом муз бўлиб Руслан  
Жимиб қолди... Бу жимлик аро,  
Икки марта янграб шум овоз,  
Кимдир, қора дуддан ҳам қора,  
Кўтарилди ва этди парвоз...  
Хона бўмбўш, кўринмас биров,  
Беҳол турар ҳайратда куёв.  
Совуқ терда, титрайди тизлар,  
Муздеқ титроқ қўлларин чўзиб,

Гунг тинликдан ёрини излар...  
Ёр йўқ, унинг тўйини бузиб,  
Олиб қочмиш кимнинг ҳийласи,  
Қўлин чўзса фақат бўш ҳаво,  
Зулмат ичра йўқ Людмиласи,  
Ютмиш қандай белгисиз бало.

Оҳ жафокаш ошиқ — ёридан йироқ,  
Бемурод, беумид ўртанса талай,  
Гарчанд унга ҳаёт зиндондир, броқ,  
Ўлмайин юриши мумкин ҳарқалай.  
Лекин узоқ йиллар муродга етмай,  
Кўз ёши, ранжлардан кейин бахтиёр,  
Ма'шуқасин қучса ва бир дам ўтмай,  
Мангуга айрилса, қолса зору-зор,  
Шундай кунда, дўстлар, нетар эдим мен,  
Яхшиси, тез ўлиб кетар эдим мен.

Шўрлик Руслан ҳайтовур омон,  
Улуғ князь, аммо, не деди?  
Шум даракдан лол ва бағри қон,  
Куёвига ғазабкор эди,  
Чарлаб сарой аҳлини дарҳол:  
„Қайда! қайда Людмила?“ сўрар,  
Изтиробда тўлғанади чол,  
Юзин қўрқинч-яллуғи урар.  
Эшитмайди Руслан: „Ўғиллар,  
Ва ёронлар ҳолимга ёнинг,  
Хизматингиз эсда, норғуллар,  
Қариб қолган чоқда қизғонинг!  
Ким қизимни излаб от чопса,  
Ким беҳуда чекмаса заҳмат,  
Людмилани ақтариб топса,  
Унга — қиз ҳам ярим салтанат.

Сен-чи Руслан, йигла, шум, ют қон,  
Сақлолмадинг хотининг омон!  
Ким талабгор. Айтнинг, дўст — ёрон?.. “  
— Мен! Дер қайғу сўлдирмиш Руслан.  
— Мен! Мен! Янграр пайдар-пай хитоб.,  
Рогдай блан келар Фарлаф дов,  
Ҳам шодумон Ратмир дер жавоб:  
„Эгарлаймиз отларни дарров,  
Керак бўлса, кезамиз жаҳон,  
Чўзилмагай, мўйсафид, ҳижрон,  
Қўрқма, бекач тоқилур зинҳор!“  
Чол сўзлалмас, унсиз миннатдор,  
Кўзида ёш, қўлин узатар,  
Ва фотиҳа бериб кузатар.

Йўлга тушди бирга тўртовлон,  
Ғам юкидан Руслан бемадор.  
Эсга тушиб жудо бўлган ёр,  
Изтиробда қийналади жон.  
Днепр бўйи — сулув қирғоқлар,  
Остларида шўх арғумоқлар —  
Ҳайноқлашар, учади тўзон,  
Ҳам учади тўртов паҳлавон.  
Кўзлардан ҳам бўлдилар ғойиб.  
Лекин князь узоқ мунғойиб,  
Кўзни узмас саҳро юзидан,  
Гўё учар улар изидан.

Руслан сўзсиз, нолон, кечар йўл,  
Ақли-ҳуши ўзида йўқ, суст...  
Қоқ белига тиралган ўнг қўл,  
Елкасидан қараб устма-уст,  
Орқароқда боради Фарлаф,  
Ва гердайиб урар нуқул лоф:  
„Аранг, дўстлар, эрк олдим охир,

Дуч келарми менга дев ҳозир?  
Тил тортқизмай оқизардим қон,  
Рашким, ишқим йўлида қурбон!  
Қувон, менинг тийғи пўлотим,  
Қувон, менинг жонкуяр отим!“

Шод кўринар ҳазарлик ёш хон,  
Хаёлида у аллақачон —  
Людмилани кўрар қўйнида.  
Рақс тушқудай оти бўйнида.  
Қонда ёнар ёшликнинг чўғи,  
Кўзларида умид яллуғи,  
Гоҳ йўлдошлар қошида чопар,  
Гоҳи тўхтар қўққис якжилов,  
Ариллар от гижинг ва осов,  
Гоҳ тепалар бошида чопар.

Рогдай оғир, сокин, бадқовоқ,  
Ваҳма солар нома'лум қисмат,  
Беҳуда рашк, беҳуда қийноқ,  
Хавотирда, бетинч у фақат,  
Кўзлар қўрқинч, чақмоқлар чақар  
Ва серзарда Русланга боқар.

Тўрт рақиб ҳам бирга ва йўл бир,  
Йўл юрдилар ҳамдам узун кун.  
Қораймоқда дар'ё, ёнбағир,  
Шарқдан соя солиб келар тун.  
Қуюқ туман дар'ё бошида,  
Отлари ҳам ҳордиқ талабкор,  
Қўрдиларким шу тоғ остида  
Йўлни кесган кўндаланг йўл бор.  
„Тарқалайлик!“ дедилар „Етар,  
Ўз толин синасин ҳарким“.  
Ҳарқайси от бир томон кетар,  
Тўрт ботир тўрт йўлга тушди жим.

Шўрлик Руслан, неткайсан ёлғиз,  
Даштнинг совуқ оғушларинда?  
Фалокат тўй ва сеvimли қиз  
Ҳамон хаёл ва тушларингда.  
Дубилғангни босиб кийибсан,  
Тизгинни ҳам кушод қўйибсан,  
Кетмоқдасан аста чўлларда,  
Тепаларда; хилват йўлларда,  
Ҳам қалбингни қайғу йўнмоқда,  
Умид, армон аста сўнмоқда.

Вале, қўққис қаршида бир гор,  
Горда хира ёруғлик ҳам бор.  
Табиатнинг ўзига ёшдош,  
Мудроқ гумбаз. — Ғамгин, эгиб бош,  
Тўғри кириб келди баҳодир:  
Ва не кўрди, бу қанақа сир?  
Ўтирарди горда битта чол,  
Кўзи равшан ва оппоқ соқол.  
Қарашлари ювош, меҳрибон,  
Қаршисида ёнуқ чироғдон,  
Кўҳна китоб ўқирди ўзи,  
Варақларга тикилмиш кўзи.  
„Хуш келибсан, ўғлим, буюргин!“  
Табассумкор дер чол Русланга.  
„Йигирма йил сарғайдим, кўргин,  
Қоронғилик тегди бу жонга.  
Учрашимиз билардим аниқ,  
Кутган кунга етдим ахир мен,  
Қисмат шундай экан, не ёзиқ,  
Утир, ўғлим, қулоқ солгин сен:  
Людмиладек ёрдан айрилдинг,  
Қуввату мадордан айрилдинг,  
Лекин, бу ғам бир зумдек учкай,  
Бахтсизлигинг чўзилмас йироқ,

Хушвақт, тетик, ҳар балога шай,  
Ишончли бўл, қайғирма броқ.  
Илгари бос! Юр шимол томон,  
Олға! Қилич ва кўксинг қалқон,  
Ўз бахтингни ўзинг оч, ўғлон!

Билгил, Руслан, қўрқинч ёвинг бор,  
Ва йўлларда не-не ғовинг бор.  
Сени мазах қилган, тўғриси,  
Жодугардир Черномор номлик,  
Гўзалларнинг қадим ўғриси,  
Бор ҳунари сурлик, фирромлик.  
У шимолда—тоғлар хўжаси;  
Лекин, ҳануз ҳечким билмайди  
Қайда жойи, қайда ўлжаси?  
Сенга, броқ, ҳеч бас келмайди,  
Фитналарнинг сенсан қирони,  
Маконига қўйгайсан қадам,  
Ва панжангда ёвузнинг жони.  
Бундан ортиқ сўзнинг наф'и кам,  
Ўз тақдиринг — ўз қўлингдир,  
Ва боражак шу йўлингдир!“

Оёғига ўзини ташлаб,  
Чол қўлини ўпар паҳлавон,  
Юрагида ғам арий бошлаб,  
Кўзга ёруғ кўринар жаҳон.  
Нафас ўтмай, яна ботир хит,  
Сиёқида алам, изтироб ...  
„Аён, — надан қалбингда азоб,  
Тинчитмоқ ҳам осон, эй йигит!—  
Дер чол, — сенда ваҳима, қўрқинч,  
Маҳв этар деб қизни жодугар.  
Беҳуда ўй, тут кўнглингни тинч,



Ёринг учун йўқ зарра хатар.  
У — самодан юлдуз олади,  
Макри ойга ларза солади,  
Замон — борлиқ қонуни, броқ,  
Ёвуз амалидан кучлироқ.  
У — омонсиз қасрлар учун  
Қизғончиқ ҳам тажанг посбон,  
Қийноғида у гўзал тутқун,  
Қийнар, фақат у ўзи нимжон.  
Қиз гирдида чарх урар сарсон,  
Шум ёзмишин қарғайди шум чол...  
Лекин, вақт кеч, азиз паҳлавон,  
Ётиб ухла, андак ором ол!"

Сўнаётган чироқ ёнида —  
Юмшоқ ўтга чўзилар Руслан,  
Ўт тутатиб йиғит қонида,  
Оҳларидан уйқу ҳам сўзон.  
Оҳ чекади, тинч ётолмайди,  
Ўз-ўзини ухлатолмайди...  
Турди ахир ўрнидан полвон:  
„Ухлолмадим, нетай, отажон!  
Нетай, жонда бўлмаса ором,  
Кўнглим ёниқ, хавфдаман мудом.  
Рухсат бўлса сирингни билай,  
Ва муборак суҳбатинг тинглай.  
Кўшкни, кўнглим очилса озроқ,  
Кечир, битта беадаб сўроқ:  
Рост де, кимдан кимни бузруквор,  
Нечун сенга бу кимал толи' ер,  
Қайдан келдинг сен бу даргоҳга,  
Ким кувламин бу узлатгоҳга?"

Чол илжаяр бегир, дардманд  
Сўнгра дейди: „Эй, азиз фарзанд

Эсда ҳам йўқ қаҳратон диёр,  
Мен туғилган олис у аймақ,  
Из тушмаган қора тўқайзор,  
Ҳам ошино саноксиз яйлоқ.  
Асли финман; мен чўпон эдим.  
Ва ғам билмас новқирон эдим.  
Ёшлик дўстим — ўрмонзор қишлоқ;  
Шовқин солган сойлар, анҳорлар,  
Тикка тоғлар, ўнгирлар, ғорлар,  
Ғарибона, бебош, шўхлик чоқ...  
Лекин, узоқ даврон сурмадим,  
Шундан ортиқ суюнч кўрмадим.

Ўша чоқда қўшни қишлоқда  
Қиз бўларди Наина номлик,  
Назокатлик ва гул андомлик,  
Тенгсиз сулув бутун аймақда.  
Пода ҳайдаб тонг пайти бир кун,  
Келмоқдайдим яшил ўтлоққа,  
Най чолардим; анҳор сершовқин,  
Титроқ солар эди қирғоққа.  
Сув бўйида бир садаф сийна —  
Гултож тўқир эди, на гўзал,  
Ҳам ёзмишим шунда бўлди ҳал...  
Оҳ, ботир, у эди Наина!  
Мен ёношдим, термулдим тўйиб,  
Ва чинакам кўнглимни қўйиб,  
Суйгусида куйишни билдим,  
Куйгусида суюшни билдим.  
Ёниб қолдим, ўртаниб қолдим,  
Севги сирин ўрганиб олдим,  
Не самовий суюнчлари бор,  
Ҳам не чоғлик эзар жафокер!..

Чопиб ўтди - кетди ярим йил,  
Қалбим титраб ахир очдим дил:

Наинажон, дедим, — суйман,  
Хасратингда ёниб-куяман.  
Кулоқ солди мағрур, дилозор,  
Бино қўйиб ўзига чунон,  
Жавоб берди қиз беэ'тибор:  
„Мен суймайман сени, эй чўпон!“

Қора бўлди кўзимга дун'ё:  
Туғма чодир, салқин ўрмонлар,  
Шўх ўйинлар, жўра чўпонлар,  
Бўлолган йўқ дардимга даво.  
Кўнглим ёнар, сўлиқ ранги-рўй,  
Энг оқибат қурдим шундоқ ўй:  
Тарк этай фин яйлоқларини,  
Чарлай яқин ўртоқларимни,  
Сафар учун қўшин тузайин,  
Қўрқинч гирдобларда юзайин;  
Харбу-жангда давруқ оларман,  
Мағрур қизга ёқиб қоларман.  
Балиқчилар бошини қўшдим;  
Хатар излаб денгизга тушдим,  
Ота-бобо яшаган диёр —  
Ёвқур кемаларнинг сурони,  
Тийғ жаранггин эшитди илк бор;  
Умид блан кездим дун'ёни,  
Юртдошларим жангда жур'аткор,  
Расо ўн йил душманнынг қони  
Оқди тинмай қор ва селларга.  
Донғим кетди олис элларга,  
Ёт-юртларнинг тождорлари,  
Хавфга тушди менинг қаҳримдан,  
Қўшинлари ва сардорлари  
Қочди шимол тийғи заҳридан.  
Жанг қилардик қувноқ, шиддаткор,  
Ўлжаларни бўлишар эдик.

Енгилганлар блан бир қатор  
Тотув базм қуришар эдик.  
Лекин, юрак Наинага банд,  
Эсдан чиқмас майдонларда ҳам,  
Шодмон базм-суронларда ҳам,  
Зориқардим яширин, ҳасратманд.  
Қумсар эдим фин қирғоқларин;  
Бўлди, юртга юринг ёронлар!  
Уйлар кўрки бўлсин қалқонлар,  
Қиличларинг ва садоқларинг! —  
Дедим — шовқин солди кемалар,  
Ўтган йўлда қолди ваҳмалар.

Ўз соҳилга қарай йўл солдик,  
Мағрур, шодмон етиб ҳам олдик.  
Ҳаёлларим — бўлди чинакам,  
Мен ҳам етдим асли армонга.  
Жилвакордир толиим бу дам,  
Мен ҳам етдим васли жононга.  
Кўзга илмас, сулув қиз учун  
Келтирдим мен қонли тийғ, қалқон,  
Қанча олтин, инжу ва маржон;  
Қаршисида турдим, дил жўшқун;  
Қуршамшиди дугоналари,  
Жимжит боқар ҳасад-ла бари;  
Тутқун янглиғ лол, итоаткор —  
Турдим эвоҳ, қиз бўлди ниҳон,  
Деди совуқ ва без'тибор:  
„Мен севмайман сени, қаҳрамон!“

Мангу рад этилган ишқ қийноғига  
Сен ҳали йўлиққан эмассан, Руслан!  
Эвоҳ! Қолмагансан нафрат доғига,  
Нима ҳам дей сенга, ғалати инсон! —  
Хушбахтсан! Бағрингни эзасан бекар,  
Ёрга суюмлисан, суйганинг қадар!

Ўғлим, сўзламоқнинг не ҳожати бор,  
Барини сўзлашга бормиди мажол?  
То сўнгги кунгача, оҳ, ёлғиз-бедор,  
(Ҳолбуки, бир оёқ гўрда, бемалол,  
Ва руҳим уйқуда...) эсимга тушар,  
Кўҳна ҳасратларим жонни қамчилар.  
Эсга тушади-ю, юрак уюшар,  
Оппоқ соқолимга оқар томчилар.

Броқ, тингла: мен ўсган ёқда,  
Балиқчилар аро овлоқда —  
Бир билим бор сирлик ва пинҳон.  
Мангу жимжит, олис тўқайзор —  
Сихргарлар учун чет макон,  
Бари оқсоч, пийри бузруквор,  
**Фикрлари ҳикмат блан банд;**  
**Ўтганларни улар билишар,**  
Ҳикматлари эса, кўп баланд,  
Ғойибдан ҳам хабар беришар.  
Айтмишлари ваҳм, шиддаткор,  
Қулоқ солар барча қари-ёш,  
Каттиқ, мудҳиш иродаси бор,  
Ўлим, ҳатто, севги эгар бош.

Мен-ку, ишққа ҳамон фидойи,  
Ғуссасида шайдо, савдойи,  
Жазм этдимки — қиз-ку димоғдор,  
Мен ҳам сихр ўрганиб боқай,  
Мағрур дилда ишқ ўтин ёқай,  
Сихр амри-ла ёр бўлгуси ёр.  
Эрк қучоғи томон йўл солдим,  
Жойим — хилват, қоронғи тўқай,  
Ва талай йил та'лимот олдим.  
Жодугарлик дилга бўлди жой.

Келди кўхна орзу миждаси,  
Қўрқинч сирга бўлдим ошино,  
Аён бўлди ақл-ла расо:  
Сихр қудрати, афсун ҳижжаси,  
Муҳаббатга, армонга даво!  
Сен меники, Наина, демак!  
Лекин, бекор экан заҳматим,  
Енгди мени қайсар қисматим.

Ширин умид ва тотли хаёл;  
Армонларим юракда тошқин,  
Афсун ўқийбошладим, шошқин,  
Ҳам чақирдим, руҳларни дарҳол, —  
Эй кечиринг! — мен ўғри ғаддор,  
Ёвуз бўлдим, қилдим густоҳлик.  
Наинани илдим, Черномор,  
Мени ука атаса ҳақлик.  
Мижжа қоқмай туриб — тўқайда,  
Қора тундай қоронғи жойда  
Яшин яшнаб, солди суронлар,  
Увлай кетди сихрий бўронлар,  
Даҳшатидан тош-тупроқ ларзон...  
Ва қаршимда кўрдим ногўҳон:  
Сочлари оқ, кўзлари чўкик,  
Букри елка, қомати букик,  
Бенур кўзлар хунук ялтилар,  
Ва калласи ҳадеб қалтилар,  
Кексаликка аянч бир тимсол,  
Оҳ, ўғлим, бу эди Наина!..  
Қотиб қолдим, тилим бўлди лол  
Кўз олдимда арвоҳ, ажина.  
Ишонмасдим, қилардим тусмол,  
Ва ниҳоят қолмади мажол.  
Ўксиб-ўксиб кўзим тўкди қон,

Чидаёлмай кўтардим фиғон:  
Оҳ, Наина, ноҳот сенсан, оҳ,  
Қайда ўша кўркинг, жамолинг?  
Қаҳрига дуч этдими худо.  
Турқинг мудҳиш, қўрқинч тимсолинг!  
Айт, мен қачон ўтдим жаҳондан  
Кечиб жондан, кечиб жонондан,  
Қачон? „Расо қирқ йил бўлди-ку“  
Жоду қиздан жавоб бўлди шу.  
Яна сўзлар—чийиллар эди;  
— Не чораки, қаридик, деди,  
Бугун ёшим тўлди етмишга,  
Йиллар учди галаю-гала.  
Баҳоримиз айланди қишга,  
Қариб қолдик биз биратўла...  
Аммо, жоним қайғурма сра;  
**Ўтса-ўтар вафосиз ёшлик,**  
**Шак йўқки, мен ҳозир оқ сочлик:**  
Андак букри, балки, кўз хира,  
Қадимгига ўхшамайман ҳеч,  
Эмасман шўх, сулув ва дилбар,  
Аммо (қақилдоқки...) гарчанд кеч,  
Сирим очай: мен ҳам жодугар!

Ҳа, жодугар экан ростакам,  
Қаршисида бедармон, беҳол,  
Турарэдим серрайиб мен ҳам,  
Бир аҳмоқки — етук, баркамол,  
Жам'ий ҳикмат ва сиҳрим увол...

Не кўргулик: сиҳри иродам  
Шумлигидан бўлдим шармисор,  
Менга оқ соч ва букри санам

Ишқ арз этар кўп эҳтироскор.  
Қийшиқ оғиз, қўрқинч табассум,  
Товши гўр ноласи янглиғ шум,  
Ва бедаво, эзма, бижилдоқ,  
Ҳа деб бўлар севгига иқрор.  
Тасаввур эт, на аччиқ қийноқ!  
Титраб-қақшаб турардим ночор;  
Тинмас эди тутса ҳам йўтал,  
Оғир ишқий можаро тугал:  
— Ҳа, юракка тушундим ахир,  
Дарди— ёлғиз ёниқ эҳтирос,  
У яралмиш эҳтиросга мос.  
Уйғонди ҳис, титрайман дир-дир;  
Ишқий армонларга ҳуморман...  
Садқанг кетай, қучоғимга кир...  
Уламан оҳ... Кел, интизорман...

Руслан, шундай қилиб, жодугар  
Имо қилар ҳам кўз сузарди.  
Шу тоб арвоқ ва қашанг қўллар  
Чакмонимни тортар, узарди.  
Шундай қилиб, мен йўқотдим эс,  
Юмар эдим, қўрқиб кўзимни,  
Ва ниҳоят жонга тегди пес,  
Додлаб, юла қочдим ўзимни.  
Вайсаб қолди: „О, тубан инсон,  
Тинч умримга солдинг ғалаён,  
Бокира қиз эдим беармон,  
Найна деб йиғлар эдинг қон,  
Қочдинг, Шундай жами' эркаклар!  
Бевафолик уларга ҳунар!  
Эвоҳ, менинг ўзимда гуноҳ,  
Йўлдан урди ул бахти сиёҳ,  
Ишқий эҳтиросда ўлгандим,  
Жоним блан таслим бўлгандим...



Хап! Бевафо! Ваҳший! Савдойи!  
Қиз ўғриси! Бадном! Саззойи!“

Қочиб кетдим. Ўшандан бери,  
Тириклигим — хилват маконда.  
Чолга юпанч ёруғ жаҳонда  
Ақлу хикмат, сукунат ери...  
Чорламоқда мени гўристон;  
Лекин, кампир эсида у дов,  
Юрагини ёндирар ҳамон  
Ишқ оташи — энг сўнги олов.  
Алаmidан, у олмоқчи кек,  
Шумлик излар шумдил ҳардамда.  
Жек кўради сени ҳам мандек,  
Броқ...  
Қайғу мангу эмас оламда!“

Суқ ҳис блан тинглади полвон —  
Чол бобонинг ғамли қиссасин;  
Ҳатто киприк қоқмади бирон,  
Туннинг майин парвоз шарпасин  
Эшитган йўқ чўмиб хаёлга.  
Тонг ҳам отди порлоқ жилвакор...  
Ва хўрсиниб ботир — миннатдор  
Оғуш очди жодугар чолга.  
Умидларга кўнгли лиммолим,  
Фордан чиқди. Кишнар аргумоқ,  
Узангуга қўйди тик оёқ.  
Ҳам отини ниқтаб қўйди жим;  
„Отажоним, омон бўл, омон!“  
Чопакетди ўтлоқлар томон.  
Чол донишманд йигитга иноқ,  
Кетидан дер „Оқ йўл, йўлинг оқ!  
Ҳайр, ёринг севгин чинакам,  
Чол кенгашин унутма ҳеч ҳам!..“

## ИККИНЧИ ҚЎШИҚ

Ҳарбу-зарбда омонсиз ёвлар,  
Яраш билманг, беаёв чопинг!  
Олинг жирканч, чиркин махтовлар,  
Шу сан'атда майли шон топинг!  
Қаршингизда танг қолсин жаҳон,  
Мудҳиш зафарлардан бўлиб лол,  
Лек, ачинмас сизга ҳеч инсон,  
Аралашмас ва бермас малол.  
Сиз, эй ўзга йўсинлик ёвлар,  
Я'ни парнас\* баҳодирлари,  
Кўтарасиз беҳаё довлар,  
Эл кулар сиз бақирган сари;  
Сўкишинггу, лекин секинроқ.  
Сиз, эй севги бобида ёвлар,  
Мумкин бўлса, яшанг дўст—иноқ!  
Дўстлар, бенаф' алғов-далғовлар:  
Қиз қалбини тақдирий азал  
Кимга ёзган бўлса, мутлақо  
Шу севилар, уники гўзал!  
Учакишмак — тентаклик, гуноҳ,  
Ноҳот тангри ёлғиз бир қувонч —  
Ишқ лаззатин бермиш дун'ёда?  
ЕТкулик-ку, сиз учун юпанч:  
Жангу-жадал, муза ва бода...

Борар ўктам, бетийиқ Рогдай,  
Белгисиз ғаш ва мужмал бир ҳис  
Қўнглин ғажир эди пайдар-пай;  
Йўлдошлардан айрилиб, олис  
Диёр томон солган эди йўл,  
Кўз кўрмаган ўрмон ўнги-сўл,  
Оғир ўйлар бағрини тилар,  
Иблис мал'ун васваса қилар,

\*) *Парнас* баҳодирлари—шоирлар,

Жонни қийнаб ҳасрат ва озор,  
Пичирлайди полвон ғазабкор:  
„Ўлдираман!.. Соламан қирон...  
Мен бузмаган ғов қолмас бирон...  
Руслан!.. Билгунг... йиғлаяжак қиз...“  
Ва от бошин буриб, тўхтовсиз,  
Орқасига чопди у равон!

Худди шу тоб: ардоқли Фарлаф,  
Тушга қадар уйқуда қолиб,  
Жилга бўйи — салқин, кўмкўк, соф,  
Кўланкада хилват жой солиб,  
Роҳат-роҳат олар эди дам,  
Тушлик қилар эди хотиржам.  
Кўрди бирдан: кимдир ёбонда,  
Чопиб келар мисоли бўрон.  
Фурсат — қатанг, турди шу замон,  
Қолди тарқоқ уён-буёнда —  
Совут, қалқон, найза, дубулға,  
Қолди тушлик ва зилол жилға,  
Отланди-ю, жўнади илдам,  
Қувлаб келар изма-из у ҳам.  
„Тўхта, қочоқ! Ҳой беор тўхта!..“  
На’ра чекар белгисиз одам.  
„Жирканч махлуқ, тўхта, етайин!  
Бошинг тандан жудо этайин!“  
Ошна эди Рогдайга бақирӣқ  
Даҳшат солди унга чақирӣқ.  
Сезардики бу шаксиз ажал,  
Қамчи босди отига жадал.  
Чопар, гўё: қуёнки — қўрқоқ:  
Қулоқлар — динг, шошма-шолалоқ...  
Сакраб-сакраб чопар ўрмондан,  
Қотқоқ ва дўнг, холи ёбондан,  
Този итдан қочади ночор...

Баҳор тегиб, қандай эриб қор,  
Оққан эди лойқа тўлқинлар,  
Нам ва юмшоқ ер кўкрагида  
Ўйган эди ўрлар, ўпқинлар,  
Қора ботқоқ ва лой тагида  
Теран ўрга етди арғумоқ,  
Ва ҳурпайди ёллари оппоқ.  
Пўлат сувлиқ чайнаб, силкиб дум,  
Сакраб ўтди ўрдан ўшал зум.  
Сувори-чи, қўрқоқ — нотавон,  
Ўрга қулар ошиб умбалоқ.  
Қора бўлди кўзига жаҳон,  
Ўлим кутар, ботқоқда қочқоқ.  
Рогдай учар, ёндашар ўрга!  
Ҳам кўтарар қилич беомон:  
„Ўл, эй қўрқоқ бор, киргин гўрга!“  
Ва Фарлафни танир ногуҳон,  
Қараб қолар, қўллари тушар,  
Сиеқида аён ҳайронлик,  
Чексиз ғазаб ва пушаймонлик,  
Тиш ғирчиллар, қони уюшар;  
Ўрдан нари жўнар қаҳрамон,  
Боши солиқ, ёнар, қон ютар...  
Аммо, ҳушин йиғади чаққон,  
Ўзин зўрга кулгидан тутар.

Кейин юрди тўғри тоғ сари,  
Дучор бўлди кампир — ўлимтик,  
Букри, оппоқ қордай сочлари;  
Хассасини кўтариб у тик,  
Шимол ёққа қилди ишора:  
„Ўша ёқдан топгайсан, зора“.  
Рогдай шодмон, умидлар тошқин,  
Ажал ҳайдаб, учди у шошқин.

Фарлаф-чи, хўш? Қолди лой ўрда,  
Қўрқар, ётиб ўйларди ҳамон:  
Тирикманми? Ёки мен гўрда?  
Ёвуз рақиб йўқолди қаён?  
Гўр садосин эшитар йигит,  
Ва тепадан кўринар кампир:  
„Тур, азамат, ҳамаёқ жимжит;  
Ортиқ кимса учрамас, бўш қир.  
От келтирдим сен учун, қўзғол,  
Сўзларимга, ботир, қудоқ сол!..“

Ҳижолатда, ночор, бемажол,  
Ботқоқ ўрдан тирмашар Фарлаф,  
Пусиб қарар: холи чор-атроф,  
Хўрсинди-ю, деди бахузур:  
„Соғ эканман, тангримга шукур!“

„Инои!—деди кампир,— бери боқ,  
Людмилани излаш ёмон-мас;  
У узоқда, жуда ҳам узоқ,  
Уни топмоқ бизга осон-мас.  
Ёруғ дун'ё кезмоқ хатарнок,  
Кенгашимга, йигит унагин.  
Бўлиб кетма беҳуда ҳалок,  
Секин кетга қарай жўнагин.  
Қайт Киевга — хос маконингга,  
Отамерос қишлоғингга қайт.  
Коҳиш, озор солма жонингга:  
Қўлга тушар Людмила бир пайт!“

Ғойиб бўлди кампир шу замон,  
Ақли расо бизнинг қаҳрамон  
Тўғри уйга қарай йўл солди.  
Хаёлида на довруқ, на шон,  
На Людмила севғисеи қолди!

Тўқайзорнинг сая диядираши,  
Қуш учиши, сув шилдираши  
Уни ташлар эди фарқ терга.

Руслан учар кўп олис ерга;  
Атроф ўрмон, ўксук ёбонлар,  
Хаёлида: Людмила мудом,  
Дил қувончи, ўша суюк ном;  
Ошиқади ва дер: ёронлар!  
Топарманми? . . Қайдасан бекам,  
Кўраманми ёпиқ кўзингни?  
Тингларманми дилбар сўзингни?  
Ё жодугар қўлида, эркам,  
Қоларсанми мангулик тутқун,  
Қоларсанми қари қиз бўлиб,  
Ва қоронғи зиндонда сўлиб?  
Ё рақибим келарми бир кун? . .  
Йўқ, жонгинам, бўлма жигархун:  
Ҳали қилич менинг ёнимда,  
Бошим омон, қасос қонимда.

Келар эди бир кез кечқурун,  
Тикка тоғлик дар'ё бўйида,  
Ботир тоғда, дар'ё қуйида,  
Атроф жимжит. Қўққис ажиб ун,  
Бир нафасда ўқ визиллаши,  
Жанг сурони, от изиллаши,  
Бақриқ, чақриқ, тўлди ёбонга  
„Тўхта!“ янграр гулдирос овсэ.  
У қайрилди: ваҳший чавандоз  
Учиб келар эди шу ёнга,  
Найза санчмоқ бўлиб Русланга;  
Шу аснода чақмоқ сингари,  
Учди князь қўрқинч ёв сари.

„Аҳа! Ётдим ахири ёанга!<sup>а</sup>  
На’ра чекар ўктам чавандоз:  
„Шай бўл, дўстим, шай қонли жангга!  
Шу ёбонда ўлгайсан бероз,  
Қайлиқларинг сўнгра излаб боқ!“  
Руслан ёнар, ғазаби чақноқ,  
Унга таниш бу тажанг овоз . . .

Азиз дўстлар! Бизнинг қиз-чи, хўш?  
Баҳодирлар турсин шу жойда,  
Эсга олғум, фурсат топиб бўш.  
Бизнинг кўҳлик бекажон қайда, —  
Ўша ҳақда ўйлаш керак-ди,  
Черномордан сўйлаш керак-ди.

На ғариба, на гўзал хаёл . . .  
Хаёлим шўх сирдоши, у кун,  
Сўйламишдим: қоронғи бир тун,  
Людмила — у соҳиби жамол,  
Кўнгли ёниқ Руслан қўйнидан  
Ғойиб бўлди қора туманда.  
Шўрлик! Сени иссиқ ўрнингдан,  
Ила қочди ёвуз, бир онда,  
Гулдай никоҳ тўшагинг қолди.  
Қуюн каби самони бузиб,  
Қора тутун зулматда сузиб  
Ўз тоғига етиб ҳам олди.  
Ақли-ҳушни йўқотган эдинг,  
Жодугарнинг қўрқинч боғида —  
Тўсат пайдо бўлган чоғингда  
Титраб, унсиз, тек ётган эдинг . . .

Ўз кулбамнинг бўсағасидан  
Кўрган эдим бир кун, фасли ёз,  
Товуқхона султони хўроз.

Кеккайиши дағдағасидан,  
Қўрқоқ макиён ҳурпайиб қочар.  
Султон шавқ-ла қанотин очар  
Ўз ёрини қучмоқ учун шай.  
Бошларида шу пайт чарх урар  
Жўжахўр қуш, қадимий ўғри —  
Бўз қарчиғай, маккор қарчиғай,  
Ҳалокатли режалар қурар,  
Бирдам шўнғиб ҳовлига тўғри,  
Яшиндай тез... учар осмонга,  
Макиённи элтар ёвуз қуш  
Панжасида дара томонга.  
Қўрқув, ҳайрат гангитган хўроз,  
Ғусса чекар, ғамзада, нохуш.  
Ма'шуқасин чақиради боз,  
Фақат кўрар дайди шамоллар  
Қанотида учиб юрган пар...

Тонг откунча ётди бекажон,  
Озурда ҳол ва оғир беҳуш,  
Кўрар эди гўё қўрқинч туш.  
Ниҳоят кўз очди у гир'ён,  
Юрагида оловли тўфон.  
Ва бир мажҳул ҳадик — қўрқинч бор;  
Дил орзуманд, наш'ага хумор,  
Ва кимнидир ёниб излар жон.  
Пичирлайди: қайда, қайда ёр?  
Чарлар, тўсат қолмас рангда қон.  
Қўрқиб - пусиб боқар тўрт томон:  
Людмила, хўш, қайда кошона,  
Ва севинчбахш ётоғинг қайда?  
Мудҳиш сукут мудраган жойда  
Ётар танҳо бебахт жонона;  
Соя-салқин, юксак пешайвон.  
Пар ёстиқлар, момик тўшаклар,



Дарпардалар, гулдор бежаклар,  
Бахмал, кимхоб товланар чунон,  
Қимматбаҳо, нақшин жияклар;  
Ёқутларки, ёнар мисли чўғ.  
Ҳар бурчакда олтин исриқдон,  
Учар хушбўй ҳид, атирлик буғ;  
Бас. Сихрли қаср тасвири!  
Менга ахир қандай хайри бор.  
Шаҳризода<sup>3</sup> қачонлар эди —  
Бу тўғрида қилмиш хабардор.  
Гар бўлмаса ҳузурингда ёр,  
Ёруғ қаср ҳам — қора ғамхона.  
Биласизки, ўша кечаси,  
Висол ва айш важи — ҳаммаси,  
Кийинганди бизнинг жонона  
Момо ҳавво сингари енгил,  
**Ма'сум, нафис эди уст — энгил!**  
**Табнат ҳам Амур<sup>4</sup> либосли!**  
Афсус, расм эмас бу кийим!..  
Ҳайрон бека қаршисида жим  
Пайдо бўлди маҳрами хоси —  
Уч сулув қиз, ясанган, ювош,  
Салом берар бари эғиб бош,  
Кейин бири қўзғалиб секин,  
Бекажонга қарай юради.  
Бармоқлари биллурий, эркин,  
Олтин сочларини ўради,  
Ҳозир бизга ёт-мас бу ҳунар,  
Сўнг тиллақош манглайга қўнар.  
Тағин келди ювош, уятчанг,  
Бир қиз, кўзин тикиб қуйига,  
Людмиланинг роса бўйига  
Кийгизди бир кўйлак мовий ранг.  
Олтин сочлар ва оқ сийнаси,  
Елка, қўллар, бели толмаси

Шаффоф туман — парда остида.  
Ўтли ҳасад ва рашк қасдида  
Парда ўпар самовий кўркин.  
Гўзал оёқларда жуфт кавуш,  
Ажибадан ажибадир чин!  
Энг сўнгги қиз жим ва бетовуш,  
Унга тутар инжудан камар.  
Эшитилар ҳушчақчақ лапар,  
Ғойибона бир қиз қўшиғи.  
Афсус, на бу қиз ярашуғи,  
На тиллақош, шода маржонлар,  
На либослар ва на дурдона,  
На зар камар, на пешайвонлар,  
На хушомад ва на тарона —  
Қиз кўнглини этолмасди шод,  
Акс этарди кўзгу беҳуда  
Зебу-зийнат ва қиз жамолин.  
Юрагида аламли фар'ёд,  
У ҳасратда, кимга дер ҳолин...

Ҳақиқатни кимки севса-ю,  
Қалб сирини ўқиган бўлса,  
Шубҳа йўқки, дилдан билур у:  
Хотин киши ҳасратда сўлса,  
Ёш тўкади, броқ, топгай важ,  
Тутолмайди фаҳму-фаросат;  
Ойнакка қарашни унутгач,  
Демак, унда оғирдир ҳасрат!

Мана тагин Людмила ёлғиз,  
Не қилишин билмай, шўрли қиз,  
Панжарага ёндашар, дилхун;  
Туман босган бўшлиқлар томон  
Нигоҳ ташлар мунгли ва сузгун:  
Борлиқ ўлик, қопламиш булут,

Гидам ёзмиш қорли биёбон,  
Қояларда улуғвор сукут,  
Ярқирайди оппоқ, оппоқ қор;  
Мудрар асрий сукунат ҳамон,  
На уй ва на чиққан тутун бор,  
На қорларда йўловчи бирон...  
На янграйди шўх ов, шўх сурон,  
Ўксиз тоғлар ва дараларда.  
Қор қуюни ва совуқ бўрон  
Ўшқиради фақат, серзарда,  
Оқ уфуқлар чекида, нолон,  
Чайқалади яланғоч ўрмон.

Юм-юм йиғлаб ночор, умидсиз,  
Бу даҳшатдан юз ўгирар қиз.  
Не кўргилик кутар тагин, оҳ,  
Чопар гир'ён кумуш эшикка,  
Нағма чолиб, очилар тикка,  
Сўлим боққа чиқади ногоҳ:  
Ип эшолмас Арמיד боғлари<sup>5</sup>,  
Ўхшашини билмас Сулаймон<sup>6</sup>,  
Тенг келаолмас Таврид тоғлари<sup>7</sup>,  
Фусункор ва дилбарди чунон.  
Кўз олдида: ажиб, улуғвор,  
Товланарди чиройлик ўрмон,  
Ва хурмозор — яшил хиёбон,  
Лавр тўқайи, Миртазор ҳушбўй<sup>8</sup>,  
Ёнғоқзорки, кўкка чўзмиш бўй,  
Ва олтин ранг пўртохол қатор;  
Соялари сувда этар акс.  
Тепа, тўқай, гулшанлар асл,  
Водилари барқут ямяшил,  
Баҳор оташида тушар рақс.  
Салқин баҳор еллари яйрар —  
Кенг майсазор — дала ёқларда.

Тиним олмас, булбул шўх сайрар  
Жимжималик кўк бутоқларда.  
Фавворалар олмос, шўх бирам,  
Булутларга қарай сапчийди;  
Тағларида саф қатор санам,  
Тириклардай ярқирар кўркам  
Феб, Паллада мухлиси Фидий<sup>9</sup>,  
Тамошага келсайди, агар,  
Мафтун бўлар эди шу қадар,  
Тушар эди қўлдан чўкич ҳам.  
Мармар тўғонларга урар сув,  
Тўзонлари — марварид, инжу;  
Сачрар мисли алангалик ёй.  
Чопқиллашар шўх шалолалар.  
Буралишиб оқар жилға, сой,  
Мудроқ тўлқин, тўқай соябон,  
Ҳар гўшада гуллар, лолалар.  
Ҳушбуй атри ёргудай димоғ,  
Салқин, сўлум, оромбахш макон,  
Яшилликки, асрий ва бедоғ,  
Орасида ярқирар шийпон.  
Бетасалло Людмила кезар,  
Боғ кўркига суқланмас асло,  
Сихрий ҳашам қийноғин сезар,  
Дил истамас ором, тамошо.  
Юрар сўлғун ва беихтиёр,  
Сихрий боғда айланар такрор,  
Тағин аччиқ-аччиқ кўзёши,  
Кўкка боқар, тугаб бардоши,  
Хира кўзлар термулар, аммо,  
Жавоб қотмас тош юрак само...  
Шаҳло кўзлар нурланиб тўсат,  
Бармоғини қўяр дудоққа;  
Хаёлида қўрқинч бир ният...  
Келиб қолмиш ўнгирлик тоққа,

Кўз олдида: икки қоя, жар,  
Осма кўприк анҳор устида,  
Оғир, теран қайғи кўксида,  
Қиз келади дил тўла кадар;  
Ва айқирган сойга термулиб  
Ёқасини қилади пора.

„Тўлқин оғушига кўмилиб  
Улмоқ — дейди — энг гўзал чора“.  
Броқ, сувга — сакрамади қиз,  
Нари, энгил юриб кетди тез...

О, инсонлар, ғалати хилқат!  
Бўгса ҳамки оғир азоблар,  
Машаққатлар, ғам, изтироблар,  
Барибир; етса емоққа фурсат —  
Бўш ошқозон бошлайди ғавғо,  
Аянч ҳолин арз этади тик,  
Хуф'я ўтинч, хуф'я можаро...  
Бу қисматга нима ҳам дердик?

Сен ҳам, соҳибжамол Людмила,  
Кун тиғида югурдинг хийла,  
Ҳординг, тинди кўз ёшларинг ҳам,  
Ва кўнглингда ўйладингки: бас!  
Майсазорга чўкди; шу нафас:  
Ёйилади оқ чодир шинам  
Бош устида салқин соябон;  
Ҳам олдида тўкин дастурхон,  
Товоқ-қошиқ биллурдан тугал.  
Дарахтзорлар кетида тўсат —  
Уд навоси янграш шу маҳал.  
Тутқун бека тинглар дарҳайрат,  
Лекин, ўзи махфий ўйларди:  
„Асираман, йироқларда ёр,  
Ортиқ ҳаёт менга на даркор!  
О, ёвуз ҳирс, фажи' ишқ дарди.

Сен, э кўздан ғойиб жафокор,  
Ҳам умид, ҳам бергучи озор,  
Қўрқинч эмас на ҳукм, на ҳийла,  
Ва пок ўлаолур Людмила!  
Даркор эмас, на соябонинг,  
На куй ва на мўл дастурхонинг,  
Тингламайман, туз ҳам татмайман,  
Боғларингда ўлиб кетгайман!  
Бека шундай ўйларди якка,  
Ўйладию — тушди емакка...

Бека турди; ва ўтмай бир зум  
Соябону, биллур қошиқлар,  
Уд садоси ва ярашиқлар...  
Бари ғойиб, бари гумдон-гум.  
Аввалгидек жимжит айлана,  
Бека танҳо боғларда яна,  
Ҳайрон кезар тўқайдан-тўқай.  
Кечар дамлар, мовий самода,  
Юзади тун маликаси ой:  
Қоронғилиқ тушган аснода  
Тоғ бошига ётди аста у,  
Бекажонни енгмоқда уйқу,  
Шу кез ғойиб, белгисиз қувват  
Насимдан ҳам енгилроқ, эрка,  
Даст ҳавога кўтарди тўсат,  
Қаср томон учарди бека.  
Ерга қўйди кўп эҳтиёткор.  
Яна ўшал кулфат ётоғи;  
Онғқимоқда оқшомғи гулзор,  
Кўз ёши-ю, ҳасрат ётоғи.  
Пайдо бўлди уч қиз ҳам дарров;  
Шошар-пушар ва чарх уришар,  
Ечинтирмоқ бўлиб туришар,  
Броқ, ғамгин эди ҳар учов,

Ҳам зўраки тиллари соқов,  
Кўзларида хижолат, туман,  
Махфий алам, ўкинч кўлкаси;  
Шум тақдирдан ожиз гинаси...  
Шошилалик: улар бу маҳал —  
Ечинтирди қизни галма-гал,  
О, бепарво чирой на гўзал,  
Ич кўйлақда қолиб қордан оқ,  
Чўзилади тўшакка мудроқ.  
Ҳўрсинишар, бош эгар уч қиз,  
Йироқлашар учов тўхтовсиз,  
Эшикни ҳам аста бекитар.  
Тутқун бека, хўш, энди нетар!  
Баргдай титрар, ўрайди қўрқув,  
Маммалар муз, кўз тинар, душвор,  
Учди кўздан бир зумлик уйқу,  
Ухлаёлмас, ҳуш'ёрдан-ҳуш'ёр,  
Жим боқади зулматга фақат...  
Қоронғилик, ўлик сукунат!  
Юрагининг пўк-пўк уриши...  
Қора босар: пичирлар сукут,  
Кўрингандай биров юриши,  
Келишмоқда: учди тамом қут;  
Ёстиқларга беркинар гир'ён.  
Бирдан... қўрқинч! Қўрқинч!.. Ростакам  
Ғала-ғовур; ҳар'ёқ чароғон;  
Оний шу'ла барқ урар кўркам.  
Ва очилиб эшик ўша зум,  
Кирар беун ва сипоҳ туркум.  
Қўлларида яланғоч қилич  
Ҳабашларнинг қаторлари зич,  
Эҳтиромкор қўшоқ ва қўшоқ,  
Болишларга қўйилган оппоқ  
Соқол кўтаришиб келади.  
Энг сўнгида мағрур елади:

Бадбашара, букри ва хунук,  
Боши тақир, йўқ бир дона тук,  
Кийиб олган эди ниш қалпоқ.  
Бўйнин чўзар кеккайиброқ чол,  
Унга тегиш ҳалиги соқол.  
Яқинлашар чол... Ўшал фурсат  
Бека сакраб тўшакдан тушди;  
Ва қўл солди қалпоққа тўсат,  
Чолга тушиб титраган мушти,  
Ўзи қўрқиб чинқирди чунон.  
Гала ҳабаш карахту, гаранг,  
Букчаяр чол, титрар, нотавон,  
Бекадан ҳам баттар, ҳоли танг...  
Тез қочмоқчи эди Эргажал<sup>10</sup>,  
Қулаб тушди, соқоли чигал;  
Кўп уринар, турар, йиқилар,  
Ҳижолатда ҳабашлар ҳайрон,  
Гала-говур, чопишар ҳар'ён,  
Бир-бирини туртар, сиқилар;  
Энг сўнг, гўё, бир қучоқ ўтин,  
Кўтаришиб кетишар... Чоғи —  
Ечишмоқчи чигални бутун,  
Людмилада қолди қалпоғи.

Нетар бизнинг суюк қаҳрамон,  
Тўсат тўқнаш эсдами бугун?  
Қаламингни қўлга ол чаққон,  
Орловский<sup>11</sup> чизгил: жанг ва тун!  
Ой ёруғи титроқ ва сўлғун;  
Икки ботир олишди қатанг.  
Қаҳри жўшқин, қалблари тўлқин,  
Найзалари синди, қизгин жанг,  
Қиличлар ҳам тамом чил пора,  
Совутларда ёнар қора қон.  
Қалқонлари тешик дубора



От устида бўғишар ёмон.  
Кўтарилар қора тўпроқ, чанг,  
Терға ботди икки арғумоқ.  
Бир-бирига чирмашар таранг,  
Бел олганча қолишар узоқ,  
Эгарларга, гўё, михланмиш,  
Мучалари худди сихланмиш,  
Чирмашди-ю, қотиб қолдилар,  
Томирларда югурар олов.  
Икковин ҳам кўкси қалтирар,  
Ва бўшашар мана икки ёв.  
Кимдир, бирин қулаши яқин...  
Бирдан бизнинг суюк қаҳрамон,  
Темир панжаларда, гўёки чақин,  
Суворини эгардан равон  
Узиб олди, кўтарди бошга,  
Ва дар'ёга отди зўравон.  
„Йўқ бўл!“ деди ёвуз йўлдошга;  
„Шум хасадчи, ўлгин беомон!“

Пайқадингми, азиз ўқучи,  
Ким блан жанг қилди мард Руслан:  
У — қонли жанг излаб юргучи,  
Киевлилар суянган ўғлон,  
Людмилани суйгучи Рогдай.  
Днепрнинг сулув бўйидан,  
Рақибини излагач талай  
Келиб топди уни даф'атан.  
Ғайрат кетабошлаган эди,  
Жанг фарзандин ташлаган эди.  
Русияга суюк, қадим паҳлавон  
Бўш саҳрода берди ахир жон.  
Эшитдикким, Рогдайни дарҳол,  
Сув париси, соҳиби жамол  
Олди совуқ қучоқларига,

Ва тармашиб яноқларига,  
Сув тагига бошлади чаққон,  
Қаҳ-қаҳ уриб кулди шодумон.  
Баҳодирнинг кўлкаси тунда,  
Соҳилларда кезди саргардон,  
Гоҳи пайдо булар тўлқинда,  
Балиқчилар қўрқар кўп замон:

### УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Тотув, хушбахт дўстлардан йирбоқ,  
Яшрингансан сояда бекар  
Ше'рларим! Ёмон кўз, броқ;  
Бекинсанг ҳам кўрмиш муқаррар.  
Гўр танқидчи ма'зират учун,  
Сўрамўқда мендан даргумон:  
Руслан ботир қайлигин нечун,  
Отайман қиз, ба'зан бекажон.  
Бу эмасми мазах ва бўҳтон?  
Сен кўрдингми, азиз китобхон,  
Аччиқ кекнинг қора доғини?  
Сўйла Зоил<sup>12</sup>, сўйла сотқин жон,  
Не жавоб дей. Айт буёғини?  
Уял бадбахт, уял, беидрок!  
Баҳслашмайман, уял, зардоб ют!  
Мамнунманки — ҳақман, виждон пок,  
Ожизона қиламан сукут.  
Фаросат бор сенда, Климена<sup>13</sup>,  
Ерга боқар кўзларинг хумор,  
Озор берар сенга Гимена...<sup>14</sup>  
Кўраманки, йиғлашдасан зор;  
Ше'рларимга томар яширин ёш,  
Чин юракдан қизардинг алвон,  
Кўзлар толгин, хўрсиндинг ювош,  
Хўрсинишинг важи ҳам аён!  
Қўрқ ҳасадкор! Оз қолди фурсат.

Амур блан ўжар пушаймон —  
Дўстлашмоқда — якдил, ҳамжиҳат,  
Олчоқ калланг учун тайёрдир  
Бир қалпоқки, кўп қасоскордир,

Ярқирайди совуқ субҳи дам  
Чўққуларда, юксак тоғларда.  
Ажиб қаср ва чорбоғларда  
Ҳали сукут, дилида алам,  
Чол беқалпоқ хона тўрида,  
Эгнида тўн, эснар сўрида.  
Унсиз қўллар уни ўрашиб,  
Тавози'кор тутишар тарақ,  
Оқ соқолин аста тарашиб,  
Чигилларин ёзишар узоқ.  
Ҳам наф' учун, гўзаллик учун,  
Қуйишади атир шарқона;  
Мўйловларки, учи йўқ — узун,  
Ғажакланар ҳийлакорона;  
Қаёқдандир дарчадан шу кез,  
Учиб кирди қанотли илон.  
Шалдирайди пўсти темир — жез,  
Ҳалқа-ҳалқа биланглаб, чаққон,  
Наинага айланди у тез,  
Онг-тонг боқар эди аламон.  
„Салом бўлсин, азиз оғажон,  
Кўп замонки ҳурмат қиламан,  
Сиз — Черномор, яхши биламан,  
Овозингиз — машҳури жаҳон;  
Дўстлаштирар бизни қора кун,  
Сенинг ёвинг ёвдир мен учун.  
Қора булут қонғир бошингда,  
Хатар узоқ эмас, қошингда,  
Ва хўрланган номусим мудом,  
Мени ундар ол деб интиқом“.

Кўзларида рижор кулки,  
Қўл узатар унга дўстнамо:  
„Азиз Наина, дер,— гап шулки,  
Бу иноқлик менга бебаҳо,  
Финни расво қилгаймиз иков,  
Фитнасидан қўрқмайман, асло,  
Хавф сололмас менга ожиз ёв;  
Толиимдан ўргилай, билки:  
Шу бахтовар соқол менга ёр;  
Бежиз зийнат эмас бу зинҳор.  
Қирқмагунча душманним илки,  
Ё қиличи... бўлгум омонда.  
Менга писанд на бир баҳодир,  
На бир инсон бу ишга қодир.  
Ниятларки кўнглимга жо'дир,  
Ғов бўлолмас кимса жаҳонда;  
Менга бўлур Людмила мангу,  
Руслан эса, ўлимга маҳкум!“  
Ва такрорлар ялмағуз жоду:  
„Унга ўлим! Ҳа унга ўлим!“  
Кейин уч бор шувуллади у,  
Ерни тепди уч марта зуғум,  
Айландию қора илонга,  
Қанот ёзиб учди осмонга.

Жодугардан — жодугар ризо,  
Кимхоб жубба кийди жилодор,  
Тетик, дилшод, ёлғиз муддао:  
Тутқин қизга дуч бўлиб такрор,  
Мўйловини оёққа ташлаб,  
Қулингман деб арзу ҳол бошлаб,  
Севгисини қилмоқчи изҳор.  
Оро бериб ўзига жадал,  
Қиз ёнига кетди Эргажал.  
Хоналардан бир-бир ўтади:

Бека қиз йўқ, излаб кетади,  
Боғ панжара, яшил тўқайда,  
Кўл ёқаси, шалола томон,  
Кўприк ости ва хилват шийпон...  
Йўқ!.. Изи ҳам йўқ бирон жойда.  
Ким тасвирлар чол изтиробин,  
Титраб, қақшаб чеккан азобин?  
Кўзларига олам қоронғу,  
Ва ёввойи фар'ёд солди у:  
„Буён! Қуллар, буёнга чопинг!  
Ишонаман сизларга буён!  
Людмилани изланг, тез топинг!  
Сизга дейман, Топинг шу замон!  
Йўқса кўзингизни ёшдайман,  
Соқолим-ла бўғиб ташлайман!“  
Айткайманми, сенга, китобхон,  
Дараги йўқ, қайларда сулув?  
Тонг отгунча тақдирдан ҳайрон,  
Ҳам йиғлар, ҳам куларди бийрон;  
Соқол қизга соларди қўрқув,  
Бу — Черномор, билар бекажон,  
Кулунч эди; бас аён. Ҳеч чоқ  
Кулги, ваҳма бўлолмас иноқ!  
Тонг шу'ласин кутиб олди қиз,  
Тўшагини тарк этиб, турди  
Ва жамодин у ихтиёреиз  
Юксак, сайқал кўзгуда кўрди:  
Елкаларки, оқ гулдан ҳам оқ,  
Зар кокиллар паришон, тарқоқ,  
Қалин сочин бепарво қўли,  
Тоза тараб ўрар бир йўли.  
Ва кечаги кийимларини  
Топиб олди бурчакдан шу зум;  
Хўрсинди-ю, кийди барини,  
Йиғламоққа бошлади юм-юм,

Лекин, кўзин кўзгудан олмас,  
Эрка хаёл мавж урар тагин,  
Бир кўрай, дер, жоду қалпогин:  
Ҳар'ён жимжит, ҳечким кўз солмас,  
Уни биров кўриб ҳам қолмас...  
Гар қиз бўлса ўн етти ёшда,  
Қандай қалпоқ ярашиқ бўлмас!  
Қизлар чечан зебга қарашда!  
Қалпоқ блан бека овора;  
Қош устида, чаккада, бошда,  
Ё ўгириб кияр дубора.  
Ва нима денг? О, қадим жумбоқ!  
Кўринмасди кўзгуда барно.  
Айлантирди — ўнгида порлоқ  
Бека — ўзи бўлди шахт пайдо,  
Ўгирди — йўқ тагин, ажабо.  
Бошдан олди ва деди қувноқ:  
„Соз! Жуда соз! Жоним жодугар!  
Бунда ортиқ менга йўқ хатар.  
Қутулгайман машаққатлардан!“ —  
Севинчидан қизарар экан,  
Ёвуз чолнинг қалпогин олди,  
Ва бошига терс кияқолди.

Қаҳрамонга тагин қайтайлик,  
Уят-масми, ҳадеб қалпоқдан,  
Гап юргузсак соқол, тароқдан,  
Руслан тақдирин ҳам айтайлик!  
Рогдай жанги бўлгач бирёғлик,  
Руслан ўтди қора ўрмондан.  
Кўрар: води — чексиз нечоғлик,  
Шу'ла ёғар тонги осмондан.  
Титраб кетди у беихтиёр:  
Қадимий жанг дашти, бу — ошкор.  
Атроф бўмбўш; суяк ҳартомон;

Сарғаймишдир мисоли сомон  
Тепаларда совут бесаноқ,  
От жабдуғи, қалқонлар тарқоқ;  
Қилич ётар қўл суягида,  
Ут қоплаган қалпоқ тагида  
Чиримоқда кекса, чол чаноқ.  
Баҳодирнинг бутун қомати,  
Ва ёнида чўзилган оти,  
Жонсиз қотмиш. Найзаю-садоқ,  
Занглар ерга қадалганича,  
Ва чирмовуқ ўралганича...  
Бу саҳронинг оғир сукути,  
Нима бузар, не ҳам аритар!  
Фақат кўкда қуёшнинг ўти  
Улим водисини ёрутар.

Оғир нафас олади полвон,  
Ғамгин боқар бўш теваарак;  
„Ким тўлдирмиш ёбон, эй ёбон,  
Оғушингни бежон суякка?  
Ким тулпори этмиш поймол,  
Қонли жангда, сўнгги аснода?  
Ким бош қўймиш мардона, ҳалол?  
Янграмиш ким доди самода?  
Жимиб қолдинг эй саҳро недан,  
Ва ўт босмиш. Унутмиш ҳаёт?  
Қора кечмиш панжаларидан  
Менга ҳам йўқ, эҳтимол нажот?  
Тепачада, балки, гўр очиқ,  
Жимжит, унга қўйилар Руслан,  
Таранг созин чолмагай Баян  
Ҳам куйламас у хақда ортиқ!“

Ва эсига тушди: мард учун  
Яхши, тифдор бир қилич керак,

Хатто совут; яроқ бусбутун  
Сўнги жангда бўлмиш юз бўлак.  
Биёбонни айланар полвон:  
Бутазорда беҳисоб қалқон,  
Суякларла ётар ёнма-ён,  
Синган қилич, дубулға... Руслан  
Ўзи учун излайди яроқ.  
Дашт гуввуллар, не бўлди содир,  
Соқов саҳро недан тамтароқ.  
Қалқон олди танламай ботир,  
Дубулға ҳам, бурғу ҳам топди.  
Мос бир қилич кўрмади броқ.  
Жанг водисин айланиб чопди,  
Қилич кўпу, енгил, калтароқ:  
Сулув князь зўравон эди;  
(У бу замон ботири эмас —  
Қилич эрмак ва ғиди-пиди...)  
Пўлат найза олди сўнг нафас,  
Кўкрагига қоплади совут,  
Олға қараб солди у човут...

Бўзармоқда оқшомги алвон.  
Қир, водада уйқу олди жой.  
Бурқимоқда зангори туман,  
Аста-аста қалқар олтин ой.  
Дашт қорайди. Қора сўқмоқда  
Хаёл суриб келади Руслан,  
Ва кўради: қарши овлоқда  
Қораймоқда тепа каттакон,  
Ҳам нимадир хириллар қўрқинч.  
Қулоқ солиб, яқинроқ борди:  
Тепа гўё нафас оларди,  
Ҳеч сесканмай. Руслан боқар тинч.  
Лекин, оти чимира қулоқ,  
Тисланади, босиб қалтироқ,



Ҳа деб ўжар бошин суларди,  
Еллари ҳам тип-тик турарди.  
Булутсиз ой болқар шу палла,  
Оқ тумандан чиқиб баралла  
Ёришади тепа; мард Руслан  
Бир му'жиза кўради аён.  
Топарманми тасвирига сўз?  
Тепа эмас, жони бор калла,  
Уйқу босган катта икки кўз;  
Хуррак чекар ўзи дамба-дам,  
Тебранади дубулғаси ҳам,  
Юксакларда учар патлари,  
Ва ҳилпирар соядай бари.  
Совуқ, қўрқинч, сўнук чиройда,  
Оғир сукут қуршаб атрофин  
Ғамгин саҳро устида ғамгин,  
Номсиз посбон хилват бу жойда,  
Тоққа етди дов ҳам баҳайбат;  
Очиқ-ойдин кўради Руслан,  
Уни чулғаб довдираш — ҳайрат,  
Бузмоқ бўлди сирли уйқусин.  
Атрофида айланиб юрди,  
Ва кўз солиб, яқиндан кўрди:  
Қошу кўзин, аломат тусин,  
Бурни қаршисида жим қолди,  
Тоновига найзасин солди  
Қитиқлади; бужмайди калла,  
Эснадию, очди кўзини,  
Ҳам аксурди калла... Шу палла  
Титроқ босди саҳро юзини,  
Кўтарилди кўкка чанг, қуюн,  
Бойқуш учди галаю-гала —  
Мўйловидан ва кипригидан.  
Жим тўқайлар уйғонди бутун,  
Янграб ҳаво аксуригидан:

Типирчинар, арғумоқ кишнар,  
Ва орқага суринди ногоҳ,  
Руслан зўрға жиловдан ушлар,  
Янғиради изидан садо:  
„Йўл бўлсин, ҳой номард паҳловон!  
Орқага қайт, ҳазил этмайман,  
Сурбет бўлсанг, тўғри ютгайман!“  
Ғаши келиб кўз солар Руслан,  
От жиловин тортиб мард сувор,  
Кулимсираб қўйди улуғвор.  
„Не истайсан, менда ниманг бор?“ —  
На’ра чекди калла шиддаткор;  
„Мана менга тангридан қўноқ!  
Қулоқ сол ҳой, йўқол илдамроқ!  
Ухлашдаман, ахир тун ҳозир,  
Хайр!“ Лекин шавкатли ботир,  
Қаҳри тошиб, дағал сўзгабоп,  
Совлат блан қайтарди жавоб:  
„Овозингни ўчир, бўш калла!  
Эшитгандим ҳақ гап бир палла:  
Манглай кенггу, лекин мия кам!  
Мен келаман шовқинсиз, ҳуш’ёр,  
Келиб қолсам қутулиш душвор.“

Ғазабидан бўғилиб шу дам;  
Қаҳри оташ олиб беаёв,  
Пишқирди бош; гўёки олов,  
Қонли кўзлар ялтирар эди,  
Лаблар кўпик, қалтирар эди.  
Қулоқлардан бурқийди ҳовур,  
Бирдан бошлаб зўр ғала-ғовур,  
Пуфлай кетди бош князь томон;  
Арғумоғи кўзларин юмар,  
Боши солиқ, ночор, бедармон,  
Қуюн, ёмғур, зулматга чўмар,

Йўл адашиб тентирар сарсон,  
Даҳшат чангалида у ҳорғин  
Даштга қарай ҳовлиқар тағин,  
Ҳордиқ олсам, деб ўйлар мудроқ,  
Руслан жилов буради, броқ,  
Яна пуфлар, лол, ҳеч умид йўқ!  
Калла бўлса бир телбасумон  
Қаҳ-қаҳ кулар, ва урарди дўқ:  
Йўл бўлсин ҳой, ботир! Қаҳрамон!  
Ҳай-ҳай секин! Тўхта зўравон!  
Синади-ку бўйнинг беҳуда,  
Эй сувори, қўрқмагин жуда,  
Отинг чарчаб қолмай, менга ет,  
Мени сийлаб, бир зарб уриб кет!“  
Бош ўйнатиб мудҳиш тилини,  
Ғашга тегар эди бетиним,  
Алам қоплаб Руслан дилини,  
Найзасини ўйнатади жим;  
Пўлат тиглик, совуқ бу найза  
Дағал тилга санчилди расо,  
Ўнгачидан қон ўша лаҳза  
Оқиб кетди мисоли дар'ё.  
Аччиғидан ва оғриқдан ганг,  
Лаҳза-лаҳза туси айнарди,  
Ва боқарди князьга аранг,  
Рангги қочиб, темир чайнарди,  
Индайолмас, қаҳри қайнарди.  
Шундоқ бўлур саҳнада ба'зан:  
Мельпоменнинг<sup>15</sup> нўноқ мухлиси —  
Гангиб қолар тўсат ҳуштакдан,  
Кўзи тинар, оқарар туси,  
Ва сўзини унутар, ҳайрон,  
Титрар, боши қуйи солинар.  
Дудуқланар, ахири тинар,  
Мазах қилар, кулар аламон...

Соз фурсатни пайқаб баҳодир,  
Ганг ва гаранг изза бош сари —  
Учиб борди қийғир сингари  
Ва кўтарди ўнг қўлин қодир,  
Қулоч кериб, зарб урди охир,  
Чаккасига тушди мушт оғир.  
Янграб кетди даштда янғироқ,  
Шудринг босган кўмкўк кўкатлар  
Юзин тутди қонли кўпиклар.  
Галдираклар, босиб қалтироқ,  
Юмалар бош, чўлда суринар,  
Чўян дубулғаси шарқираб.  
Бўшаб қолган жойда кўринар  
Ботирона қилич ярқираб.  
Суюнчидан дилда ҳаяжон,  
Дарров қўлга олди қаҳрамон;  
Қонга ботган кўкатни босиб,  
Бошни қувар соҳиби қирон.  
Дилда — қатанг ният, қасди жон,  
Қулоқ бурнин олмоқчи кесиб...  
Мана Руслан урмоққа тайёр,  
Кўтарди ҳам, броқ шу фурсат,  
Эшитилди — ботир дарҳайрат.  
Бош ёлворар эди нолакор...  
Секин тушди обдор тиғи,  
Сўнди шаддод қаҳри — аччиғи;  
Сўнди қатанг қасос ҳисси ҳам  
Нола эзган далда ўшал дам:  
Офтобнинг табтида шундоқ,  
Эриб кетар музлар ёзги чоқ...

„Сен ақлимни киргиздинг ботир!  
Хўрсиниб, сўз бошлаб қолди бош, —  
Сенинг қўлинг бақувват, қодир,  
Аниқ бўлди — мен гуноҳкорман.“

Мурувват қил бўлма бағри Тош;  
Мен бўйин эгишга тайёрман;  
Ёзмишимга йиғласанг арзир.  
Ботир эдим мен ҳам бир донгдор,  
Ўзимга тинг кўрмасдим ҳечбир,  
Қонли жанглар чоғи; бахтиёр  
Яшар эдим: кошки-ди укам  
Бўлмасайди рақиб, муттаҳам!..  
Э, Черномор, ёвуз ва маккор,  
Сен балога этдинг гирифтор!..  
Оилага бердингми ҳеч бахт,  
Сен туғилиб бадном Эргажал!  
Жек кўрардинг сен мени тугал,  
Хасад қилар эдинг ҳамавақт!  
Ёвузликка ўраб ўйимни,  
Кўролмасди расо бўйимни.  
Мен ҳарқачон, бўлсам-да бўйдор,  
Содда эдим; бадбахт укам-чи,  
Бир қаричлик бўй блан бадкор...  
Шайтондак шум ёвуз, алдамчи.  
Мен шўрликман, сен билгил сирин.  
Танг қолгулик унда бор соқол,  
Соқолида маш'ум куч яширин,  
Жек кўради оламини дажжол.  
То соқоли қоларкан бутун,  
Ёвузликни қўймас шум бир кун...  
Шундай, бир чоқ, бўлиб дўст гўё:  
Эшит, деди менга муғомбир. —  
Муҳим хизмат, бош тортма асло,  
Афсун китобидан топдим сир;  
Шарқ тоғларин нариги ёғида,  
Ва денгизнинг жим қирғоғида,  
Ертўлада сақланур шамшир,  
Билармисан?.. Қўрқинч! Кўп қўрқинч!  
Сихр чигилин ечдим мен ахир,

Буюргуси ёвлашган тақдир,  
Ахир аён бўлгуси қилич  
Иккимизни ҳалок қилгуси,  
Менинг соқолимни қирққуси,  
Сенинг бошинг гўрга тиққуси.  
Ёвуз рухга тегиш тилсим, сир,  
Бизда бўлса насоз, ўйла бир!  
„Хўш? Бу ишнинг нимаси оғир?  
Дедим унга, — мен жуда шайман,  
Олам чеки десанг боргайман“.  
Бир елкамга қарағай солиб,  
Бир елкамда бадкирдор укам,  
Кенгаш учун ўтқазиб олиб,  
Тушдим олис йўлларга мен ҳам.  
Юрдим, юрдим, тангрига шукур,  
Пайғамбарлик қолиб безухур.  
Аввал ишим келди жуда ўнг,  
Олис тоғлар нарғи ёғида,  
Ертўлани топиб олдик; сўнг —  
Уни бузиб, очган чоғимда  
Қўлга кирди тилсим қилич-чўнг...  
Броқ, толи' шум экан жуда:  
Ўртамизда ўт олди жанжал,  
Иқрорманки, эмас беҳуда!  
Қилич кимга? Бўлган йўқди ҳал,  
Мен талашдим, жўшди Эргажал;  
Қўп сўкишдик икков: ниҳоят,  
Ўйлаб топди дасиса маккор,  
Ўзин тутди, мулойим ғоят,  
Бенаф' ғавғо, талаш на даркор!  
Деди менга Черномор дадил, —  
Орамиздан совуқлик кетсин,  
Яшамоқни буюрар ақл,  
Майли, тақдир ўзи ҳал этсин:  
Қани тигга ким бўлур эга!

Ўтиб, қулоқ солайлик ерга,  
Ўвузлик не ўйлаб топмагай!  
Кимки аввал эшитса садо,  
Унга қолур қилич доимо.  
Сўнг у ётди, тингламоққа шай.  
Шундоқ, ерга ётдим мен анқов,  
Эшитмадим ҳеч товуш аммо.  
Ўйлардимки, алдангуси ёв!  
Лекин, ўзим алдандим, эвоҳ.  
Оғир жимлик пайти у расво  
Секин келиб, орқамда турмиш,  
Қўл кўтармиш ва қилич урмиш;  
Шамшир тушди қуюн янглиғ тез,  
Қайрилишга бўлган йўқ фурсат,  
Бошим учди елкамдан шу гез,  
Табиатдан устун бир қудрат  
**Сақлаб қолди бошгинамда жон.**  
Гавдам қолди у тиканзорда,  
Одамлардан олис диёрда,  
Чирир кўмилмаган устихон.  
Сўнг Эргажал келтирган эди,  
Макон бўлди шу ҳоли ёбон:  
Мангу шамшир сақлайсан, деди.  
Букун уни олдинг, қаҳрамон!  
Сенга тақдир ўзи мададкор,  
Ол, соҳиб бўл, тангри бўлсин ёр!  
Балки, ёвуз бўлгуси дучор,  
Агар кўрсанг албатта ол ўч,  
Жазоларга бўлсин у шум дуч,  
Шунда мен ҳам бўлғум бахтиёр.  
Ва оламдан кечкум хотиржам,  
Бўлғум сандан рози, миннатдор,  
Унутгайман тарсакингни ҳам...

## ТҮРТИНЧИ ҚҰШИҚ

Мен уйқудан туриб ҳар саҳар,  
Тангрим, дейман, қуллик, шукрона:  
Ки, кўп эмас, ҳозир жодугар,  
Хотиржамроқ бизнинг замона,  
Уларга ҳам, дейман — шон бўлсин!  
Тўй-тамоша қилмоқ хатарсиз...  
Ёш қиз учун ва йигит учун  
Найранглари унча зарарсиз,  
Аммо, ўзга сиҳрбозлар бор  
Жек кўраман, жуда тўғри сўз;  
Шўх табассум, ёки, мовий кўз,  
Ва меҳрибон овоз — на маккор!  
Қочинг, дейман, дўстларга холис,  
Қўрқинг бу хил ма'жун заҳридан,  
Менга ўхшаб кечинг баҳридан,  
Ўлганда ҳам улардан олис!

Ше'риятнинг порлоқ даҳоси,  
Сир ва ҳул'ё, илҳом шайдоси  
Севги армон, ҳатто иблислар,  
Гўр ва ужмох, туш, оғир ҳислар —  
Қўшиқчиси, шимолий Орфей<sup>16</sup>,  
Кечир мени! Ўзга нима дей,  
Сен беқарор музамга сирдош,  
Ҳам жонкуяр мураббий, қўлдош,  
Бу ғалати қиссамда, кечир,  
Изларингдан эткайман парвоз,  
Ўжар муза ва бежирим соз  
Алдоқларин очкайман бир-бир.

Дўстлар, эшитгансиз: бир бадном,  
Кечмишларда, аввал ўзини,



Йннайкаин ҳамма қизини  
Боғишламиш иблисга тамом.  
Сўнгра тўкиб садақа, эҳсон,  
Номоз ўқиб, рўза тутганмиш,  
Қилмишига бўлиб пушаймон  
Валиликка, ҳатто, ўтганмиш,  
Сўнг ўлганмиш. Ўн икки қизи<sup>17</sup>  
Кетган эмиш оғир уйқуга...  
Бизни солган талай қайғуга,  
Банд этганди даҳшатнинг ўзи:  
Ўша тунлар, ҳасратли тунлар,  
Манзаралар, сирлар, тугунлар,  
Ўша гўзал, ҳайратбахш хаёл,  
Ёвуз иблис, тангри ғазоби,  
Гуноҳкорнинг чеккан азоби,  
Қизлардаги иффат ва жамол.  
Улар блан йиғлар эдик биз,  
Айланарди кўзлар нигорон.  
Суюк эди дилга паришон,  
Тутқундаги у ўн икки қиз.  
Чақирардик Вадимни<sup>18</sup> жадал,  
Уйғонишларин ҳам кузатдик,  
Покиза қизларни неча гал  
Ота қабри томон узатдик.  
Хўш, ноҳотки?... Алдашган ахир!  
Нучук қўрқмай бергум башорат?  
Қандай ёзғум, нучук маҳорат:  
На так'ягоҳ, холий монастирь,  
Ва на қизларга хос калисо;  
Танг қоламан, дил изза, аммо,  
Қалтирайман! кўзни юмаман,  
Хаёлларга тагин чўмаман.

От бошини жанубга буриб,  
Ҳаллос уриб, Ратмир чопади.

Үйлардики: кун ботмай туриб,  
Руслан қайлиғини топади.  
Қизғиш оқшом тушмоқда лекин,  
Туманларга термулар секин,  
Сохил бўмбўш, кенг сахро тилсиз,  
Термулишар беҳуда эссиз!  
Сўнгги шу'ла сўнар бир маҳал  
Қарағайзор учлари зарҳал.  
Қора чўққиларнинг ёнидан  
Елиб ўтар баҳодир олға;  
Дарахтларнинг қалин жойидан  
Излар эди кўзи қўналға.  
Чиқиб келар води томонга,  
Қояларда кўринар қўрғон  
Деворлар бўй чўзмиш осмонга,  
Бурчларида манора чандон.  
Баланд девор устида шу дам,  
Денгиздаги оққушдай кўркам,  
Гўзал бир қиз танҳо кўринар.  
Гўзал қизнинг қувноқ ялласи,  
Сал жаранглар оқшом палласи,  
Жимжит водий узра суринар:

„Тунга оғуш очди биёбон;  
Тўлқинлардан эсар совуқ ел.  
Кеч қолибсан, йўловчи полвон  
Бизнинг қувноқ кўшкимизга кел!

„Тунда бунда ором олур жон:  
Кундуз бўлса базм — шодиёна,  
Кел сенга бу чақриқ дўстона,  
Келақол, о, йўловчи полвон!

„Бизда тўп-тўп зулфи паришон,  
Бўсалари ёниқ, жонона,

Кел, сенга бу чақриқ хуф'ёна,  
Келақол о, йўлчи паҳлавон!

„Хўшлашармиз тонг отган замон  
Ва тутармиз шароб паймона,  
Чақригимиз тотув, дўстона,  
Келақол, о, йўлчи паҳлавон!

„Тунга оғуш очди биёбон,  
Тўлқинлардан эсар совуқ ел.  
Кеч қолибсан, сайёҳ паҳлавон!  
Бизнинг қувноқ кўшкимизга кел!“

Имо қилар, чарлар тинимсиз,  
Ва чиройли куйлар эди қиз:  
Қўрғон сари келар хонзода,  
Сулув қизлар бўлиб бир шода  
Дарвозада пешвоз бўлишар,  
Ҳам йигитни ўраб туришар.

Айтишади кўп сучук сўзлар,  
Унга боқар фусункор кўзлар.  
От етаклар иккита жонон,  
Ва кўшк сари юради ёш хон,  
Орқасида шўх, қувноқ қизлар,  
Кўнглин овлаш учун важ излар:  
Дубулғасин олар биттаси,  
Чўнг найзасин бошқа бир жонон,  
Совутини ечар ўзгаси,  
Яна бири қўлида қалқон,  
Олиштирмақ бўлишар тугал  
Енгил уст - бош жанг анжомига.  
Лекин, бошлар йигитни аввал  
Ҳашаматли рус ҳаммомига;  
Қатор-қатор кумуш жомига

Оқақолди бурқироқ тўлқин,  
Сачрар, пуркар фонтанлар салқин,  
Ёйилганди чиройли гилам,  
Ястанади хон Ратмир толқин.  
Шаффоф ҳовур бурқийди ҳардам,  
Ва қизларки чиройли, там-там,  
Кўзларида уялчанг ёлқин.  
Хон гирдида жимжит парвона,  
Қилиқлари нозли сўзона.  
Баҳодирни бири елпийди,  
Қўлларида қайин новдаси,  
Тарқалади ёниқ хуш ҳиди.  
Совисин, деб ҳорғин гавдаси  
Гулоб сепар эди ўзга қиз.  
Сочи атирларда чўмилиб,  
Ўзи завқу шавққа кўмилиб,  
Кечагина суюмли, азиз,  
Тутқун Людмиланинг чиройи  
Эсдан чиқди; ботир ҳавойи;  
Ширин орзу, васл хуморида,  
Кўзлар дайди, бесабр урар барқ.  
Ва эҳтирос интизорида,  
Юрак болқар, оташларда ғарқ.

Чиқиб келди ҳаммомдан энгил,  
Нуқул барқут устида энгил,  
Сулув қизлар аро ўтирар  
Дастурхонлар ёзиқ, базм қураар.  
Не чораки, мен Гомер<sup>19</sup> эмас:  
Танҳо ёзган мадҳлар назмини,  
Соз куйлаган лашкар базмини  
Ва жомларки жаранг, басма-бас...  
Мен яхшиси Парни<sup>20</sup> дек хушҳол,  
Ва бепарво соз чолсам нетар:  
Тун қўйнида бепарда жамол,

Нозли бўса мени жалб этар!..  
 Ярқирайди ойдинда қўрғон;  
 Нигоҳимда, олис кошона,  
 Юрагида оловли армон,  
 Ухлар ҳорғин Ратмир мастона.  
 Пешонаси ва яноқлари  
 Оний ёлқин блан ярқироқ;  
 Хиёл очик ўт дудоқлари  
 Сирли бўса учунди чанқоқ.  
 Эҳтироскор хўрсинади у,  
 Дилраболар кирар тушига,  
 Кўрпаларни босар тўшига.  
 Оғир сукунатда бир сулув  
 Эшик очар. Рашк этар эдан\*,  
 Қирсиллайди, оёқлар шошқин,  
 Учқур уйқу мудрайди недан!  
**Парвоз эт, эй ғафлат кет, йўқол!**  
**Уйғон — кечанг бошланди, қўзғол!**  
**Уйғон — ҳар зум қиммат, уйғон, ол!..**  
 Қиз ёндошар, уйқуда полвон,  
 Фароғатда эҳтирослик жон,  
 Кўрпа тушар устидан қийғоч,  
 Манглайини ўпар ёниқ соч.  
 Қаршисида турар қиз жимжит,  
 Беҳаракат, бенафас, мана  
 Гўёки, риёкор Диана<sup>21</sup>  
 Қаршида-чи, у чўпон йигит...  
 Мана ҳозир тўшакка яқин,  
 Як тиззада, суйканар сулув,  
 Эгилади, нафаси ёлқин,  
 Дир-дир титрар, қалбида орзув,  
 Бахтли йигит туши бўлинар,  
 Ёниқ бўсаларда жон тинар...

\* Уйнинг тахта поли.

Дўстлар, брoқ; бокира созим  
Тинган эди менинг қўлимда,  
Пасаймоқда ёвош овозим.  
Ратмир, майли, қолсин йўлинда;  
Бу қўшиқни қўяқолайин,  
Ва Русланни ёдга олайин.  
Руслан ўша тенгсиз паҳлавон,  
Чин баҳодир, ошиқи нолон,  
Қаттиқ жангдан — талашдан ҳорғин,  
Ширин уйқу қўйнида ҳамон.  
Ёришмоқда жимжит осмон,  
Тонг отмоқда жилвакор, ёрқин.  
Ҳар'ён ёруғ: ўйноқ шу'лалар  
Олтин сoчар манглай сочига,  
Руслан турар; уради эгар,  
Қамчи босар тулпар отига.  
Осов тулпор ўқдай учади,  
Довон ошиб, даштга кўчади.

Кунлар ўтар; ўтлоқлар сарғич,  
Тўкилмоқда япроқлар сўлуқ.  
Тўқайларда шамол ўт ёрғич  
Сайроқ қушлар нағмаси бўғиқ.  
Чўкар оғир ва қора туман,  
Ялан тепаларни қучади;  
Қиш ҳам яқин — ва лекин Руслан  
Ҳамон шимол томон учади.  
Ҳар кун янги ғов, ё тўсқовул,  
Ё, бир ботир блан уришар,  
Ё, алвасти, дев-ла суришар.  
Ойдин тунда ба'зан кўрар ул,  
Уйқусида — сихрли тушда;  
Оқ туманлар қучоққа олмиш,  
Оёқларин шоҳларга солмиш —  
Сув қизлари секин учишда,

Илжайишар унсиз, ҳийлакор,  
Ва ботирни имлар ишвакор...  
Аммо, ғойиб бир куч сақлар соғ,  
Қўрқмас ботир — безарар, бедоғ,  
Юрагида орзулар мудрар;  
Қўрмас уни ва солмас қулоқ,  
Ўзин фақат ёр томон судрар,  
Ёр хаёли айрилмас ҳарчоқ.  
Хўш, буёғи; кўзга кўринмай,  
Ва жодугар шарридан омон,  
Сихрий қалпоқ кийиб биракай,  
Не кун кўрар бизнинг бекажон,  
Бизнинг тенгсиз гўзал Людмила?  
Ҳасратларда сўлипти хийла.  
Доим унсиз ва ғамгин кезар  
Ёлғиз ўзи каттакон боғда,  
Ёр хаёли бағрини эзар,  
Айрилиқда — юраги доғда.  
Ёки хаёл қилади парвоз,  
Гўё, Киев даласида боз,  
Беғам, қувнаб ўйнаб юрармиш,  
Азиз отасини кўрармиш,  
Қучоқлармиш оғаларини,  
Ва оқсочлиқ дояларини,  
Бирга ўсган қизларни кўрар,  
Гўё, тутқун эмасдай юрар!  
Лекин, шўрлик бир нафас ўтмай,  
Хаёл олиб қочганин сезар,  
Жодугарни яқин йўлатмай...  
Тагин ёлғиз ва ғамгин кезар.  
Дилсўхта чол, жами' қуллари  
Дам олмайин излашар тун, кун;  
Бар тутқизмас чиройли тутқун.  
Қўрғон ичи ва боғ йўллари,  
Ҳеч қаерни қўймай изғишар,

Чақришар, яна тўзғишар,  
Лекин, топмас, захмат — беҳуда!  
Қиз уларни мазахлар жуда,  
Сихрий толзор қўйнида гоҳо,  
Қиз бўлади қалпоқсиз пайдо,  
Ва бақирар: буён, буёнга!  
Ҳамма чопар ўша томонга;  
Лекин, дарҳол ғойиб бўлади,  
Чет сўқмоқдан йўлни солади,  
Ва қочади ваҳшийлардан қиз;  
Қайта-қайта аниқ сезилар  
Ҳозир тутқун босиб ўтган из:  
Ё, қизарган мева узилар,  
Қаён кетди бу шигил шохдан!  
Чаманга сув сачрар булоқдан,  
Билишади шу пайт ҳаммаса,  
Мева ер, ё, бека сув ичар.  
Тун уйқуси бир зумда кечар.  
Қайин шохи, чинор сояси  
Бошпанаси эди узун тун,  
Тонгга қадар тўкар эди ёш;  
Ёрин чорлар эди жигар хун,  
Эснар, ғамгин букар эди бош,  
Мудрар эди аҳ'ёнда бир бор,  
Фақат қисқа, инжа ва ҳуш'ёр.  
Тонг тумани таралмай туриб,  
Қиз шалола сари йўл солар,  
Салқин сувда ювиниб олар;  
Бир кун саҳар қолди чол кўриб:  
Ғойиб бир қўл сув сачратади,  
Шалолани тўлқинлатади. . .  
Яна ўша ҳасрат қийнар жон,  
Яна кезар тушгунича тун,  
Боғ ичида айланар сарсон,  
Аҳ'ён-аҳ'ён куйлар кечқурун.



Эшитилар мунгли овози,  
Ҳижрон дарди, танҳолик нози.  
Гоҳ гулшанда излаб барчаси,  
Топишар қиз ташламиш чамбар,  
Ёки эрон шолин парчаси,  
Ё, рўмолки — ёш артмиш дилбар...

Беомон ҳирс оғуси чақиб,  
Алам ва шарр бағрини ёқиб —  
Жодугар ҳал этди энг кейин:  
Людмилани тутгум мутлақо.  
Лемнос — оқсоқ темирчи<sup>22</sup>, гўё,  
Қабул этгач гулчамбар, секин,  
Пардаларга ўради тугал  
Цитери гул жамолини.  
Тангриларга очди галма-гал  
Киприданинг шўхлиқ ҳолини...

Бека диққи нафас ва тажанг,  
Ўлтиради салқин шийпонда,  
Сокин боқар, дераза ёнда  
Силкинучи шохлардан аранг  
Кўринади сўлум чаманзор.  
Нидо келар: „О, суюмли ёр!“  
Кўзга аниқ кўринар Руслан:  
Юзи, кўзи, бўйи-чеҳраси  
Сўлгансимон, кўзлари туман,  
Бўксасида қонли яраси.  
Қиз қалбида титроқ! „О, Руслан!  
Руслан!.. Худди ўзи!..“ Ўқ мисол  
Учар тутқун дилдори томон,  
Титраб, йиғлаб қилади савол:  
„Сен бу ерда... ярадор... на ҳол?“  
Мана етди ва очди қучоқ:  
Оҳ, бадбахтлик... Учди ваҳм, хаёл!

Тўрда қолди бекажон; қалпоқ  
Учиб тушди ерга манглайдан,  
Титраб тинглар, беомон бақриқ:  
„У меники!“ Қўзғалмай жойдан  
Кўрар: ёнда жодугар қирриқ.  
Аянч нола, фар'ёд чекди у,  
Эси оғиб, йиқилиб қолди,  
Шўрлик қизни ажойиб уйқу  
Қанотлари остига олди.

Не бўлади бекажон ҳоли!  
Оҳ фалокат! Нимжон сихрбоз,  
Бужмак қўллар эркалар боз, боз,  
Людмиланинг қизлик жамоли  
Ёвуз чолнинг эркида қолди.  
Ва тармашиб бўсалар олди,  
Фусункор қиз дудоқларидан,  
Қизни қўймай қучоқларидан,  
Уйлар: совуқ заҳматга тўзай,  
Нафис, сирли чечакни узай. —  
Лель сақларди том ўзга учун.  
Ҳозир. . . лекин кексалик оғир,  
Уятсиз чол бўлди жигар хун,  
Оҳ чекди-ю, бўшашиб охир,  
Дармонсизлик тегиб жонига,  
Қулаб тушди қизнинг ёнига;  
Зирқирар қалб, йиғлар, бақирар.  
Табл садо солади қўққис.  
Эргажални кимдир чақирар,  
Саросима, чолда қочар тус.  
Ҳушсиз ётган қиз бошига, чол,  
Қалпоқ кийгизишга улгурар.  
Кимдир, такрор-такрор табл урар!  
Орқасида судралиб соқол,  
Чол нома'лум ёвга югурар.

## БЕШИНЧИ ҚҰШИҚ

Оҳ, нечоғлик сулувдир бекам!  
Менга қиммат хулқиким дилдор:  
Ҳассос, зийрак, боадаб, кўркам,  
Эр ишқига мангу вафодор,  
Енгилтакроқ... Айбми? Айб эмас!  
Бу қилиғи яна ҳам барно.  
Янги чирой блан ҳарнафас  
Этаолур бизни у шайдо;  
Унга, броқ, ўхшарми сра,  
Тенг бўларми шаддод Дельфира<sup>23</sup>?  
Танҳо унга толи' бўлиб ёр,  
Яратипти жозиб, фусункор,  
Унга мафтун қанча юрак, кўз;  
У табассум, суҳбат, ширинсўз,  
Юрагимда ёқади олов.  
Анави-чи, гусардек боёв,  
Берсангиз бас шпору, мўйлов.  
Бахтиёрдир, кимники оқшом,  
Хилватроқда бўлиб интизор,  
Кутиб олар менинг Людмилам,  
Ва атайди чин кўнгилдан ёр.  
Дельфирадан олис юрган ҳам,  
Ҳатто таниш бўлмаган одам,  
Ишонингки, яна бахтиёр,  
Ҳа, айтгандек не дахли ҳам бор!

Лекин, бурғу чолган ким бўлди?  
Жодугарни чақириб жангга,  
Ёмон қўрқув солган ким бўлди?  
Руслан! Қаҳри олиб аланга,  
Етиб келди чол маконига.

Тоғ тагида туриб табл урар,  
Товуши ўхшар қиш бўронига,  
Осов оти нотинч гуркурар,  
Қор тепкилар; у кутиб турар.  
Яшинвори тўсат зарб урди  
Ғойиб бир қўл дубулғасига.  
Руслан гаранг, кўз очиб кўрди:  
Учиб келмиш нақ тепасига,  
Чол Черномор қўлида гурзи.  
Қалқон тутди, эгилди ўзи,  
Қиличини сермади дарҳол;  
Булутларга учди броқ чол,  
Ғойиб бўлди бир зум — юксакдан  
Пайдо бўлди боз сурон солиб,  
Ва Русланни мўлжалга олиб,  
Зу учарди; ботир даф'атан  
Ҳамла қилди эпчил ва чаққон,  
Қорга қулаб тушди чол ёмон;  
Қулади-ю ўтириб қолди;  
Отдан сакраб тушди-ю Руслан  
Чолга қарай жадал йўл солди,  
Соқолидан тутиб ҳам олди;  
Кучанар ва инграр жодугар,  
Ҳам Русланни кўтара учар...  
Арғумуғи қарар изидан;  
Чол кўринар осмон юзидан,  
Булут ора учар шошилиб.  
Соқолига Руслан осилиб,  
Учар, тагда: қора ўрмонлар,  
Из тушмаган тоғлар, довонлар;  
Тубсиз денгиз устидан ўтар,  
Руслан тажанг, танглашар ҳоли,  
Лекин қўлда ёвуз соқоли,  
Сра қўймас, ўжарроқ тутар.  
Уча-уча қолмади мадор,

Рус кучидан бўлиб ҳайрон, лол,  
Сўз қатади сихрбоз маккор,  
Русланга дер: „Князь, қулоқ сол!  
Сенга ортиқ етказмам зиён.  
Мардлигингни суйдим, навқирон,  
Афв этаман сени бегумон,  
Ерга тушқум, броқ шартим бор...  
„Овозингни ўчир э айёр! —  
Сўзни бўлар Руслан, — жафокор,  
Суйганимни қийнайсан ҳануз,  
Тагин қандай битим, шарт! Беюз!  
Жазолагай шу шамшир. Ўғри!  
Майли, учкин юлдузга тўғри,  
Қирқилажак соқолинг, ёвуз!“  
Черноморни босади қўрқув,  
Алам бўғиб томоғидан хип,  
Жим, толмишди ва беҳуда у —  
Соқол силкар, бўлар эди хит:  
Лекин, қўйиб юбормас Руслан,  
Толаларин юлади гоҳо;  
Учиб юргач икки кун расо,  
Учинчи кун чол сўрди омон:  
„О баҳодир, раҳм қил менга,  
Тоқатим — тоқ, қолмади дармон;  
Ўлдирмагин, бош эгай сенга,  
Амр эт — тушай қайга бу замон...“  
— Титрайсан, ҳа! Ҳийлага қўй чек!  
Рус кучига бўйсун ва бош эг!  
Кўтариб уч Людмилам томон!

Қулоқ солар чол итоаткор;  
Ва учади тўғри уйига,  
Дам ўтмайин тушиб қуйига,  
Қўнди қўрқинч тоғларга такрор.  
Бир қўлига Руслан даф'атан

Қилич олди (қолмиш калладан).  
Бир қўлида соқолни сиқиб,  
Супургидай ташлади қирқиб.  
„Билиб қўйгин бизни!—дер Руслан, —  
Хўш, ёввойи, қани зийнатинг?  
Қани кучинг—қани қудратинг“  
Ва оқ қордай соқолни чаққон  
Ураб олар дубулғасига.  
Аргумоғин чорлар ишқириб,  
Келди жонвор кишнаб, пишқириб,  
Қонжиғада от тўрвасига  
Солиб қўйди тириклай чолни.  
Ўтмасин деб қўрқар асл дам.  
Тикка тоққа тирмашар илдам;  
Чиқиб келди, дили шод бу гез,  
Шошар сиҳрий хоналарга тез.  
Дубулғаки, ўралмиш соқол,  
(Оғир зафар нишонаси бу!)  
Олислардан кўрингач, ёху,  
Гала араб қочар бе мажол,  
Жориялар тўп-тўп ва қўрқоқ,  
Арвоҳлардай изғишиб ҳарёқ  
Қочишади. Кезар бир ўзи,  
Сарой ичин ақтарар кўзи,  
Қайлиғини чақирар нуқул,  
Лол гумбазлар берар янғироқ,  
Фақат шуни эшитади ул;  
Шошқин ҳислар тўлқини қайноқ,  
Боғ эшигин очади ахир,  
Юрар топмай, ғам босар оғир.  
Теваракка боқар ташвишкор.  
Бари бежон! Тўқайлар бежон,  
Шийпонлар бўш; водий, хиёбон,  
Сой ёқаси, жарлар... йўқ дилдор!  
Қулоғига кирмас ҳеч товуш,

Бир совуқлик қучади нохуш.  
Ва оламни қилиб қоронғу,  
Босиб келар қора бир хаёл:  
„Балки... оғир тутқинлик... қайғу...  
Бир зум... анҳор...“ шу хаёлда лол.  
Ғусса оғир, ботир эгар бош,  
Ихтиёрсиз эзади қўрқув,  
Беҳаракат, ғўё жонсиз тош,  
Ақли шошар; ҳа деб ўй сураар,  
Қонларида оташ ва оғу,  
Наумид севги захри жўш ураар.  
Ғўё — бека сояси, сулув,  
Тегиб ўтди лабига шу он...  
Ва тўсатдан ғазаби тошар,  
Гулшанларда тинмай адашар,  
Людмилани чақирар нолон;  
Қояларни олади узиб,  
Остин-устин қўпориб, бузиб,  
Қилич блан солади қирон;  
Қулаб тушар бир-бир ўрмонлар,  
Қулаб тушар шинам шийпонлар,  
Шўнғир дарахт, кўприклар сойда,  
Яланғоч дашт пайдо бу жойда!  
На'ра, сурон, бақриқ, қалдироқ,  
Олислардан берар янғироқ;  
Ва жаранглар шамшир ҳарнафас,  
Ғўзал диёр хароба, вайрон.  
Телба ботир излайди қурбон,  
Ўннга, сўлга зарб ураар, тинмас;  
Бўш ҳавони тилиб чопарди...  
Тасодифий сермаб — мард тиғи  
Жодугарнинг сўнгни тортиғи  
Қиз қалпоғин илиб кўтарди.  
Сихрий қувват йўқолиб ортиқ  
Людмиласи кўринди очиқ!

Кўзларига ишонмас полвон,  
Қутилмаган бахтидан ҳайрон,  
Йиқилади ёр оёғига,  
Суюк, вафодор оёғига;  
Қўлин ўпар, тўрларни сўкар,  
Ишқ ва суюнч ёшини тўкар.  
Чақиради — қиз ухлар лекин,  
Дудоқлари, кўзлари юмуқ.  
Ширин шавққа хаёли тўлуқ,  
Оқ сийнаси қалқади секин.  
Кўз узолмас, Руслан телмурар,  
Тағин уни ғусса кемирар...  
Бирдан овоз — таниш ва яқин,  
Ботир тинглар, сўзлар эзгу фин:

„Мард бўл, князь! Келган йўлдан кет,  
Уйқудаги ёрни ёнга ол,  
Юрагингга янги қувват сол,  
Ишқ, номусга вафодорлик эт!  
Гурлаяжак самовий чақмоқ,  
Ва ёвузлик бўлғуси мажоқ,  
Ором, тинчлик салтанат қургай,  
Ёруғ Киев шаҳрида, шаксиз,  
Владимир ҳузурида қиз —  
Сихр бермиш уйқудан тургай“.  
Бағишлади овоз — жон, мадор,  
Жондан ортиқ ва бебаҳо ёр —  
Қайлигин у олди қучоққа.  
Тоғдан тушар секин, беозор,  
Ва йўл солар жим води ёққа...“

Жимжит борар (орқасида чол),  
Ўз йўлидан кетар бемалол.  
Оғушида ухлар эди қиз,  
Баҳор тонги янглиғ ғуборсиз,



Ботир елкасига қўймиш бош,  
Ҳалқа-ҳалқа сочини ёвош —  
Тўлқинлатар саҳро шамоли.  
Кўкси лаҳза-лаҳза чекар оҳ.  
Тинч-осойиш қизнинг жамоли  
Қизил гулдек барқ уради гоҳ.  
Тинчимас ишқ, сирли хаёли,  
Ва жонланур Руслан тимсоли,  
Сирли-сирли пичирлар дудоқ.  
Руслан номин айтар қиз мудроқ...  
Ширин завқда илғайди Руслан:  
Ёр фусункор олар эди тин,  
Жилмаяр ҳам инграрди секин,  
Ҳам сийнаси қалқарди ҳар он...

Водий кечиб, тоғлардан ошиб,  
Кеча, кундуз тўхтамай шошиб,  
Бизнинг ботир йўл юрар, броқ,  
Ҳали олис армонли қирғоқ...  
Қиз-чи, ухлар. Лекин ёш Руслан,  
Бенатижа яллуғда ёниб,  
Ноҳот, доим чекиб озор жон,  
Уни фақат пойлар ишониб,  
Ноҳот, тутар, шу пок ва ма'сум,  
Ҳам беҳаё истаклар маҳкум,  
Шундан, ноҳот, бахтиёр полвон?  
Бу баҳодир ҳақда ҳикоя,  
Авлодларга тўғри ривоя  
Сақлаб келган жур'аткор монах  
Дерки: Руслан шундай эди нах!  
Ишонаман! Ёр истамаса,  
Лаззат — ғамгин, дағал, бемаза!  
Ўхшамасди бека уйқуси,  
Уйқингизга, эй чўпон қизлар;  
Босиб кўклам эрка уйқуси

Майсазорда ухлайсиз сизлар.  
Хотиримда яшил кўкатзор,  
Ва тўқайнинг қалин қучоғи,  
Кеч оқшомнинг қоронғи чоғи,  
Лида уйқусиким, ҳийлакор...  
Оҳ севгининг у ялк бўсаси,  
Енгил, титроқ, шошқин, долғали,  
Хотиримда дўстларим, ҳали:  
Уйқуси-ю, қиз ҳавсаласи.  
Бас, мен бекор гапга овора!  
Нечун бунча ишқ хотираси,  
Юпанчлари, гаму-ғуссаси  
Эсимда йўқ бари, не чора...  
Диққатимни тортган ҳозир шу:  
Бека, Руслан, Черномор, жоду.

Нигоҳида саҳро — кенг ёйиқ,  
Унда-бунда бир арча дўққи.  
Қўрқинч тепа олисдан аниқ  
Қораяди, думалоқ чўққи,  
Қад кўтармиш зангор осмонга.  
Руслан боқиб пайқади дарров,  
Яқинлашар калла томонга.  
Уча кетди арғумоқ осов.  
Мана: ғаройибдан ғариб ҳол,  
Калла боқар — кўзлари турғун.  
Сочлар — қора тўқайзор мисол,  
Манглайини қопламиш бутун;  
Яноқлари беқон ва бежон,  
Олмиш эди қўрғошин тусин.  
Очиқ эди оғзи каттакон,  
Тишларига қўймишди тишин...  
Ярим ўлик калла — сўнгги кун  
Ажал блан олишар беун.  
Ўктам ботир ёндошар дарҳол,

Қўлида — ёр, орқасида — чол,  
Ва дер: „Салом бўлсин сенга, бош!  
Мен бу ерда! Мана — бағритош!  
Ёвуз маҳкум бўлди жазога!  
Қўлга тушди, боқ бу расвога!“  
Мард князьнинг мағрур сўзидан:  
Кўринарди ҳаёт юзидан,  
Ва уйғонди бир зум туйғуси,  
Гуё қочган эди уйқуси:  
Қаради-ю, чекди оғир дод...  
Танигандай ботирни калла,  
Укасин ҳам билди у ношод.  
Шишган эди тонов баралла.  
Пайдо бўлди шу дам ўзида,  
Яноқларда қирмизи учқун,  
Сўнаётган нурсиз кўзида  
Сўнгги ғазаб акс этди жўшқун.  
Изтиробда, бетоқат, беун,  
Ғижирлатар эди тишларин.  
Укасига пичирлар совуқ,  
Та'на, озор — шум қилмишларин...  
Қолган эди сўнг лаҳза аниқ,  
Битмоқдайди оғир аламлар:  
Манглайида сўнмоқда ёлқин,  
Нафас олиш оғир бу дамлар,  
Коса кўзлар айланди толғин,  
Князь, жоду шу дам кўрдиким:  
Сўнг талваса қилиди-ю бош, жим,  
Чўкиб кетди уйқуга мангу.  
Йўлга тушди баҳодир жимжит,  
Орқасида титрар чол ҳам хит,  
Қимирлашдан қўрқар эди у,  
Ҳа деб афсун ўқиб борарди,  
Азозилга хўб ёлборарди.

Қандайдир бир жылғанинг бүйи;  
Қирғоқларнинг тик ёнбошида,  
Соя-салқин тўқай қошида,  
Турар пастак кимнингдир уйи,  
Қарағайлар жиға бошида.  
Жилға оқар секин, жилвакор,  
Олис эмас — қамиш четан бор —  
Мудроқ тўлқин ювар, пилдирар,  
Ва чарх урар, сал-пал шилдирар,  
Салқин еллар эсар беқарор.  
Яширмиш бир водий бу томон,  
Холи, олис, қоронғи, танҳо;  
Гўё — бунда азалдан буён  
Тинчлик, сукут бир ҳукмфармо.  
Арғумоғин тўхтатди Руслан.  
Атроф жимжит эди, беис'ён;  
Аста-аста тонг ёришмоқда,  
Яшил води ва чекка ўрмон,  
Оқ тумандан барқ уришмоқда.  
Қайлиғини ётқизар полвон,  
Ўлтиради ёнига мунгли.  
Ва оҳ чекар; дард тўла кўнгли;  
Бирдан кўрар кўзи ўнгида:  
Тебранмоқда қайиқ елкани,  
Ва балиқчи қўшиқ айтгани  
Янграр сокин жилға кўкида,  
Тўлқинларга тўрини ташлаб,  
Эшкагига хиёл ёнбошлаб,  
Юзар эди балиқчи равон,  
Шу тўқайзор қирғоқлар томон,  
Ва қирғоқнинг жим хонасига,  
Пастак уйнинг остонасига.  
Суюк Руслан кўради аниқ:  
Юзиб келди қирғоққа қайиқ,  
Пешвоз чиқар уйдан кўҳлик қиз,

Бўйи расо, сочлари тарқоқ,  
Табассуми, боқиши тенгсиз,  
Елка, сийна яланғоч ва оқ,  
Ҳама-йўғи фусункор, азиз...  
Мана улар олишар оғуш,  
Ўтиришар жилға бўйида,  
Ҳеч ғубор йўқ икков ўйида,  
Ишқу сафо бошлашар, на хуш!  
Ажабланиб боқар Руслан жим,  
Ахир, хушбахт бу балиқчи ким,  
Кимга ўхшар, кўрган қаёнда?  
Ҳа, шавкатдор ҳазарлик хон-ку,  
Ўша рақиб ва навжувон-ку,  
Муҳаббатда, қонли майдонда;  
Ратмир, жойи шу хилват диёр,  
Людмила ҳам, шон ҳам эсда йўқ.  
Ҳамасидан кечмиш, кўнгли тўқ:  
Қучоғида эритади ёр.

Яқин келар ботир; бетийиқ —  
Дарвиш дарров танир Руслани.  
Учиб келар. Янграр қийқирик...  
Ҳам баҳодир қучар ёш хонни:  
— Нени кўрдим! Бунда сан нечун?  
Нечун ўша сурон ҳаётдан,  
Шон-шарафли тийғи пўлатдан  
Воз кечибсан, ташлабсан бутун?  
Балиқчи дер: „Эй азиз дўстим!  
Жонга тегди жанговар шавкат,  
Бема'ни ҳам хатарнок ваҳим.  
Ишон: ма'сум юпанч, муҳаббат,  
Тинч тўқайзор суюкроқ юз қат.  
Ҳозир жангга эмасман чангқоқ,  
Телбаликка тўламайман бож,  
Бошимда ишқ бахти берган тож,

Ҳамасини унутдим, ўртоқ.  
Людмиланинг жамолин, ҳатто“.  
— Лутфикор хон, жуда хурсандман!  
Деди Руслан, — ёнимда барно. —  
„Мумкинми бу, не қисмат экан?  
Не деяпсан-а? Рус бекаси...  
Ёнингдами, қани у, қани?  
Рухсат... Йўқ! Йўқ! Кўнглим эркаси  
Менга азиз, қўрқитар мани  
Вафосизлик; мен ўзга одам,  
Сабабкори — шу ёр, шу санам;  
Шу ёр менга ҳаёт ва қувонч!  
Йўқотилган ёшлигимни ҳам,  
Пок муҳаббат, тинчлик ва юпанч,  
Барин қайта берган шу эркам.  
Бахтдан сўзлар эди беҳуда,  
Ёш сихргар қизлар туну-кун,  
Ўн икки қиз суярди жуда,  
Мен улардан қочдим, ёр учун!  
Кўшкни ташлаб кетдим бир умр,  
Эманзорнинг сояларида.  
Пўлат қалқон ва оғир шамшир,  
Шон ва ёвлар мандан нарида!  
Беном, ювош дарвишман ортиқ,  
Қолдим хушбахт гўшада, жоним,  
Азизим сен, мен сенга ошиқ,  
Сен блан мен, жоним — жаҳоним!“

Икки дўстнинг очиқ суҳбатин  
Тинглар эди чўпон қиз сулув.  
Хонга қараб тағин ва тағин  
Гоҳ жилмаяр, гоҳ хўрсинар у.

Балиқчи ва ботир қирғоқда  
Ўтиришар кеч тунга қадар;

Қалблар тилга киргани чоқда,  
Соатлар ҳам билинмай ўтар.  
Қораймоқда тоғлар ва ўрмон,  
Ой қалқмоқда — жимжит ҳамаяёқ;  
Йўлга тушмоқ учун айни чоқ,  
Ёрга ўртук ташлади полвон;  
Отга миниб у йўлга тушар,  
Хаёлга фарқ, сукутда ёш хон,  
Хаёлда дўст изидан учар;  
Тилайди бахт, зафар, шон, шавкат,  
Ҳам муҳаббат Руслан дўстига...  
Беихтиёр қучади ҳасрат,  
Мағрур йиллар тушар эсига...

Нечун ахир ёзмапти қисмат:  
Ки беқарор менинг бу лирам  
Ботирликни куйласин фақат,  
Ҳам шу блан (билмайди олам)  
Кечмишдаги дўстлик, муҳаббат?  
Ғамгин чинлиқ куйчиси, нечун,  
Мен келажак авлодлар учун  
Айб, кек сирин ечмоғим даркор?  
Фитна, хиёнатлар тугунин  
Ҳақ куйларда очмоғим даркор?

Бека учун нолойиқ хуштор,  
Фарлаф — шонга йўқотиб ҳавас,  
Топмиш олис, хотиржам диёр;  
Яширин яшар, бўлиб интизор,  
Наинани кутар бу нафас.  
Келди ўша тантаналик вақт,  
Пайдо бўлди сирғар ҳам шахт,  
Деди: „Танийолдингми мани?  
От эгарла, йўлга туш, қани!“  
Бир юмалаб, мушук бўлди шум,

Йўлга тушди, тўхтамай бир зум;  
Фарлаф ўрмонлардан ўтмоқда,  
Жодугар изидан кетмоқда.

Сокин води салқин мудрайди,  
Қучган эди кечалик туман;  
Булутларда ой юзар дайди,  
Оқаради қадимий қўрғон  
Бир лаҳзалик ой шу'ласида;  
Паноҳида ўйчан паҳлавон,  
Ўтирарди ўз ғуссасида.  
Кўз ўнгида ухлар бекажон.  
Фарқ эди у ўй дар'ёсида,  
Уланарди хаёлга-хаёл.  
Ва сездирмай, уйқу, бошида —  
Совуқ қанот елпирди ўсол.  
Боқар эди сузгун кўз ёввош  
Уйқудаги азиз сулувга,  
Оёғига қўйиб секин бош,  
Ҳорғин ботир кетди уйқуга...  
Ҳам кўради ажойиб бир туш:  
Турар эмиш гўё бекажон  
Қўрқинч бир жар лабида, гир'ён,  
Беҳаракат, беранг ва нохуш...  
Бека ғойиб бўлади бирдан,  
Жар устида у қолар танҳо...  
Учар тагсиз ва қўрқинч ердан  
Таниш овоз — нолакор садо...  
Қайлиғига интилар шошиб,  
Жарга учар умбалоқ ошиб,  
Ва тўсатдан кўрар олдида:  
Владимир, юксак кошона...  
Ёзиқ дастурхонлар шоҳона,  
Ҳам ўн икки ўғли ёнида,  
Давра қурмиш кекса полвонлар,



Ўтиришар тўп-тўп меҳмонлар.  
Кекса князь ғазабкор ҳануз,  
Қўрқинч ҳижрон кундагидек,  
Бари қотиб ўтиришар тек,  
Сукунатни бузишга йўқ юз.  
Тинмиш базм, суронлар роса,  
Давра бўйлаб юрмас май коса...  
Ва кўринар ўртада шу дам  
Жангда мағлуб бўлмиш Рогдай ҳам,  
Ўлган эди, тирик ўтирар,  
Хушвақт, қўлда коса кўпирар,  
Ичар, писанд қилмас Руслани.  
Руслан кўрар ҳатто ёш хонни,  
Дўсту, душман бари... Шу замон,  
Жаранг берар созлар яхшиси,  
Куйламоқда ажойиб Боян,  
Ботирларнинг шодмон бахшиси.  
Людмиланинг қўлидан тутиб,  
Кошонага Фарлаф киради,  
Боши солиқ, ғамгин, қон ютиб,  
Чол — қўзғалмай жим ўтиради...  
Князьлар жим ва боёнлар жим,  
Ғамдан диллар тилим ва тилим...  
Бари ғойиб бўлди ногихон,  
Гўё, ўлим пуркмиш, қаҳратон  
Оғушида ётар қаҳрамон.  
Изтиробда ёшини тўкар,  
Титроқ босиб ўйлар: бу туш-ку!  
Маш'ум ру'ё бағрини сўкар,  
Уйғонолмас, оҳ, оғир уйқу!

Тоғ бошида ой ғира-шира,  
Тўқайзорлар кўринар хира.  
Води ўлим сукунатида...  
Хоин келар эди отида.

Кўз олдида очиқ майсазёр,  
Кўринади қорайиб кўрғон;  
Чир айланиб ўтлар от жонвор,  
Ёр пайида ухлайди Руслан.  
Фарлаф қўрқа-пуса кўз солар,  
Ғойиб бўлар туманда жоду.  
Титрар, қалбин муз қоплаб олар,  
Тутолмайди от тизгинин у;  
Яланғочлар қилични секин,  
Шай — ботирни жанг қилмай илса,  
Бир урса-ю, дунимта қилса...  
Бир-бир босиб келади яқин.

Ботир оти сездики: бу ёв,  
Кишнаб, сурон кўтарди дарров,  
Лекин, афсус! Уйғонмас полвон,  
Уйқу босмиш оғир юксумон!..  
Жодугардан хоин шод чандон;  
Олмос қилич тутиб — беҳато  
Уч бор санчди ботир кўксига...  
Ва жўнади титраб — бебаҳо  
Ўлжа ортиб оти устига.

Узун кеча туйғусиз Руслан  
Танҳо ётди тоғ этагида.  
Вақт учмоқда. Оқар дар'ё қон,  
Яралардан кенг кўкрагида.  
Саҳар, очди туманли кўзин,  
Нола чекиб нимжон ва оғир,  
Аранг ердан кўтарди ўзин,  
Қаради-ю, ғам босиб юзин,  
Беҳаракат қулади охир.

## ОЛТИНЧИ ҚЎШИҚ

Амр этасан - мунисим, эркам,  
То бепарво, енгилтак лирам —  
Куй тўқисин қадим ҳангомдан,  
Ҳам вафодор, суюк илҳомдан  
Аямасин ҳеч олтин фурсат...  
Биласанки нозлим, ҳавойи —  
Миш-мишлардан дўстинг емиш лат;  
Кайф-сафога бўлиб шайдойи,  
Эсида йўқ: ижодкор заҳмат,  
Ҳам жарангдор лираким, қиммат...  
Ҳам гармоник эрмакдан олис,  
Лаззат, ором излайман холис...  
Сенинг блан оламан нафас,  
Шавкат донги қулоққа кирмас!  
Ташлаб кетмиш ширин хаёл, ҳам —  
Уйдирманинг сирли даҳоси;  
Этмиш фақат ўзига қарам  
Чанқоқ севгим кайфу-сафоси.  
Амр этасан; ёқарди эркам,  
Сенга ўшал қадим ҳангома,  
Ишқий чўпчак, қисса, жангнома,  
Баҳодирим, бежирим бекам,  
Владимир, Черномор, жоду,  
Ва чол Финки — ғамдош, дардиманд,  
Хаёлингни этар эди банд.  
Жилмаярдинг, босарди уйқу —  
Шўх уйдирмам тингларкан гоҳо;  
Лекин, ба'зан фусункор, сулу —  
Боқар эди кўзларинг шахло...  
Эзмалигим аниқ; этай жазм,  
Тағин теккум эринчак торга,  
Ва ўтириб пойи дилдорга,  
Мард ҳақида дўнгғиллатай назм.

Нелар дедим? Қайларда Руслан?  
Текис даштда ётипти бежон,  
Ортиқ оқмас яралардан қон,  
Оч қарғалар учар бошида,  
Бурғу ётар беун қошида,  
Қимирламас дубулға, камон!

Чарх уради оти кун бўйи,  
Гижинг боши солинмиш қуйи,  
Кўзларида қолмапти олов!  
Олтин ёлин силкитмас осов,  
Шўх-шўх сакраб, урмайди жавлон,  
Кутар: қачон уйғонур Руслан...  
Лекин, қаттиқ князь уйқуси,  
Жарангламас кўп чоқ бурғуси...

Черномор-чи? Эгарга боғлиқ,  
Эсга олмас алвасти кампир,  
Ҳоргин, мудроқ ва бағри доғлиқ;  
Ма'лум эмас ҳали фажи' сир,  
Сўкар Руслан ва бекажонни,  
Аччиғланар, тажанг, жим, бегап,  
Ахир аста боқар — во ажаб!  
Аниқ кўрар ўлик полвонни;  
Ғарқ ётипти қон тўфонида,  
Людмила йўқ, чўл бўш, тапа-тақ  
Шодлик жўшар ёвуз қонида,  
Ўйлар: тамом, озод бўлдим нақ!  
Лек, жодугар эмас эди ҳақ...

Наинадан ўрганиб ҳийла,  
Ва ўлжаси мудроқ Людмила,  
Учар Фарлаф Киевга томон.  
Кўнгли лим-лим қўрқув ҳам армон;  
Мана: Днепр кенг, улуғвор,

Тўлқинланар ва шовқин солар;  
Ана шаҳар, заррин, бўёқдор;  
Шаҳардан у чопқиллаб қолар,  
Майдонларда аламон, шовқун,  
Тиқин, тигиз, шоду хуррам эл,  
От кетидан оқар мисли сел —  
Отасига суюнчи учун;  
Мана, хоин остонасида...

Шу пайт ғамгин кошонасида  
Владимир — қуёш ўтирар,  
Аламзада, нуқул ўй қураар,  
Юрагини эзар оғир мунг.  
Қуршамшиди бойлар, полвонлар,  
Бари теран ғамда — унсиз, гунг.  
Бирдан: дупур, қий-чув, суронлар,  
Не ажиб ҳол сарой ташида;  
Англайолмас, не бўлмиш содир,  
Эшик очиб, шу дам қаршида,  
Пайдо бўлар нома'лум ботир;  
Барча турар ҳайрон ҳангу-манг  
Питирлашар ва бирдан шовқун:  
„Людмила-ку! Фарлаф... Чиндан-а?“  
Кекса князь қўзғалиб, аранг,  
Сиёқида бир зумлик тўлқин,  
Оғир-оғир ва шошқин, мана,  
Ёндошади суюк қизига,  
Сулув қиз ва бахтсизига,  
Ва оталик меҳрини қўюб,  
Силамоқчи бўлади суюб;  
Қизи қия боқмайди, локин,  
Ухлар қотил қўлида сокин,  
Барча тил лол, буриб юзини,  
Кутар князь айтар сўзини,  
Князь оғир бежо ўқраяр,

Ва Фарлафга тикар кўзини;  
Лабин тўсиб бармоғи ила,  
Ҳийлакор дер: „Ухлар Людмила,  
Шу тахлитда топдим тунов кун  
Олис Муром ўрмонзориди,  
Бир алвасти қўлида тутқун,  
Омад келди ёв диёрида;  
Уч кун расо олишдик; ой ҳам  
Уч бор қалқди биз жанг қилган чоқ;  
Уни енгдим, кейин қарасам,  
Менда қолмиш ёш бека ухлоқ;  
Ким қутқаргай уйқудан — мубҳам?  
Қачон келгай уйғонур чоғи?  
Қайдам — бу сир, тақдир жумбоғи!  
Бизга қолди: умид ва чидам —  
Танҳо юпанч — ягона ҳамдам!“

Совуқ хабар, миш-миш, овоза —  
Тарқаб кетди шаҳар ичига;  
Майдон қайнар, зич, беандоза,  
Тўлиб кетди хил-хил кишига;  
Дарвозалар ҳаммага очиқ:  
Одам қалин — тўлқин уради,  
Юксак сўри ва зарбоб момиқ,  
Ҳам уйқули қизни кўради;  
Тик туришар не-не полвонлар,  
Ва ғамгин ҳол не зодагонлар;  
Ноғора-ю, карнай, соз — жаранг,  
Бурғулару чилдирма таранг,  
Гулдирайди бека бошида;  
Кекса князь сўнг бардошида,  
Аламзада, ҳорғин, букулар,  
Қиз пойига бошини суртиб,  
Ҳардам лахта-лахта қон ютиб,  
Юм-юм йиғлар, ёши тўкилар;

Ёндош турар Фарлаф, ранги оқ,  
Жим ўқинар, бағри сўкилар,  
Ва қўрқувдан танида титроқ.

Тун келди-ю, уйқу келмади,  
Кўз юмган йўқ ҳечким шаҳарда,  
Қий-чув, гурунг, тинчлик билмади,  
Сирли уйқу — бахс гўшаларда;  
Ёш қайлиғин унутмишди ёр,  
Ётоғида қайлиқ интизор.  
Лекин, фақат тонг зиёсидан —  
Ботганида сўлуқ ярим ой,  
Янги хатар можаросидан  
Киев гаранг. Ҳой-ҳой, доду-вой,  
Дув қўзғалмиш аламон бори  
Ғуж-ғуж одам қал'а девори...  
Кўришдиким: тонг туманида,  
Кенг дар'ёнинг нарги ёнида  
Кўринади чодирлар оппоқ;  
Совутлари тонгдай ярқироқ,  
Юрар суворилар, сафма-саф.  
Олисларда кўтариб тўзон  
Юк арава келар шу тараф.  
Тепаларда гулханлар алвон,  
Офат:  
Печенеглар<sup>24</sup> кўтармиш ис'ён!..

Аммо, шу кез чол Фин — кўрағон,  
Арвоҳларга қайсар ҳукмрон,  
Олис, хилват ва тинч ғорида,  
Кутар эди оғир, хотиржам:  
Келсин тақдир ёзган кун ва дам,  
Олдин билиб, интизорида.

Ёввойи, чўнг тоғлар кетида,  
Тақир даштнинг олис гўшаси,

Гулдирос ел, бўрон уяси,  
Ҳатто жинлар оқшом пайтида —  
Кўз солишга қўрқувлик диёр,  
Шу диёрда ажиб водий бор,  
Оқиб ётар унда — қўш булоқ:  
Биттасида ҳаёт тўлқини,  
Шилдирайди тошларда қувноқ;  
Ўзгасида мамот оқини,  
Атроф жимжит, шамоллар мудроқ,  
Елпимайди кўклам салқини,  
Асрий қарағайлар шовқини  
Эшитилмас, қушлар ҳам йироқ,  
Саратонда чанқаган оҳу  
Булоқлардан ичолмайди сув.  
То азалдан икки руҳ — қўшоқ,  
Сукунатга кенг ёйиб қучоқ,  
Пойлашгани — шу олис қирғоқ...  
Ҳам кўтариб дарвиш қўш кўза,  
Қўш кўза-ю, лекин бўш кўза,  
Пайдо бўлди руҳлар қошида.  
Ва қўзғалиб қадим уйқудан,  
Қочди руҳлар босмиш қўрқувдан.  
Чол эгилиб булоқ бошида,  
Сув тўлдирар, мавжлари муздек,  
Ва онаси ўлмаган қиздек,  
Кўзалар лиқ, ғойиб ҳавода;  
Сал ўтмаёқ пайдо бўлди чол  
Руслан ётмиш қонли саҳрода;  
Ва ёнига келиб у дарҳол  
Сепган эди мамот сувидан,  
Битди беиз барча жароҳат.  
Мурда топди ажиб латофат.  
Сепган эди ҳаёт сувидан,  
Тетик, бардам, жур'аткор бўлиб,  
Ва навқирон ҳаётга тўлиб,



Турди Руслан; кўзлари ютоқ:  
Ёруғ кундуз ҳуснига мафтун,  
Ёмон тушдек, соядек соёқ  
Милтиллайди хотирда у кун.  
Хўш, Людмила қайда? У ёлғиз!  
Қалби бирдан ёнар ва музлар,  
Бирдан қулар, топмай ёрдан из...

Фин чақирар, қучоқлар, сўзлар:  
„Азиз ўғлим, машаққат тамом,  
Сени кутар кайфу-сафолар,  
Қонли базм чарлар бу айём;  
Зил шамширинг солгай балолар;  
Киев қайтгай тагин аслига,  
Ва етгайсан ёринг васлига.  
Кароматлик узукни олгил,  
Манглайига теккиза қолгил  
Сихрларнинг кучи кетажак,  
Ва ёрингни халос этажак.  
Юзинг кўриб ёвларинг қочар,  
Тинчлик, ором оғушин очар,  
Ёвузликлар битар бегумон,  
Бахтга лойиқ бўлинг иковлон!  
Баҳодирим, узоқ вақт хўшқол!  
Қўлингни бер... Гўрга кирганда,  
Кўришгаймиз!“ — ғойиб бўлди чол.  
Шодлик тошқин, ўт ёниб танда,  
Ҳаёт учун уйғонмиш Руслан,  
Қўл кўтарар чолга изма-из,  
Чол кетмишди беному-нишон!  
Бўш саҳрода тагин у ёлғиз;  
Жавлон уриб арғумоқ келар,  
Эгарига боғлиқ жодугар.  
Князь минар, гижинглайди от,  
Минади-ю, йўлга тушар бот.

Тирик, соғлом, елдай учади,  
Сахро, ўрмонлардан кўчади.

Киев эса бу кез қамалда,  
Қолмиш бадном, шармисор ҳолда?  
Эл кўз тикиб экинзор томон;  
Ғам юкидан диллари нолон;  
Тураб девор, минорлар тўлиқ,  
Кутар жазо, самовий қирон;  
Уйлар тиқин, титроқ, ранг сўлиқ,  
Майдонларда сукут ҳукмрон.  
Владимир — оғир ҳасратманд,  
Қиз ёнида ибодатга банд;  
Қнязь, ботир, мардларин тўплар,  
Ўзи қонли жанг сари жўплар...

Ёв қўзғолди эрта саҳардан,  
Текис дала ва тепалардан  
Лашкар келар — беомон босқин,  
Тўлқин уриб мисоли тошқин.  
Ва шаҳарни этмакда қуршов;  
Шаҳарда-чи, чалиниб карнай,  
Баҳодирлар туздилар ясов,  
Ёв қўшини томон пайдар-пай,  
Ҳам бошланди жангу-жадал, дов...  
Ажал сезиб отлар пишқирар,  
Ишга тушди шамширу садоқ.  
Дала юзин босди тамтароқ,  
Ўқлар кўкда учар, ишқирар,  
Қонларга ғарқ ясси қир, дала,  
Отни қўяр сувори гала.  
Жангга кирди отли қўшин ҳам,  
Сиқик, туташ девордай бардам,  
Қатор блан жанг қилар қатор,  
Пиёдага отлиқ ўқ отар,  
От чопади ҳуркиб қиёда,

Бунда печенег, рус бу ёқда,  
У томонда на'ра, ҳайқириқ,  
Бу томонда қочқин, бақириқ,  
Бири қулар гурзи қаҳридан,  
Бири эса ўқнинг заҳридан,  
Бирин эзмиш совут қучоғи,  
Янчмиш осов тулпор туёғи...  
Жанг чўзилди кеч тунга қадар,  
На ёв, на рус ололди зафар!  
Ғарам-ғарам ўлик кетида,  
Ухлар қўшин шу тун пайтида,  
Оғир жангнинг уйқу асноси.  
Янграр ба'зан жанг майдонидан --  
Мажруҳларнинг мунгли садоси,  
Ва рус ботирларин дуоси...,  
Тонг кўлкаси оқарар дуркун;  
Кумуш каби ярқирар тўлқин,  
Ва туманли шарқ томонидан  
Туғилмоқда шубҳали бир кун.  
Ёришмоқда тоғлар, ўрмонлар,  
Кўк юзидан қочди туманлар.  
Жанг майдони мудрар ҳали тинч;  
Тўсат уйқу бузилди қўрқинч:  
Тўс-тўполон қарши урдугоҳ .  
Бесаранжом, ваҳима, сурон,  
Кўкни тутди жанговар садо,  
Киевлилар боқишар ҳайрон,  
Чопишади бузилиб ясов;  
Ва кўришар: бошлаб қаттол дов,  
Совут кийиб мисоли олов,  
Ёв ичида кўринар биров —  
Бир чавандоз — ажиб қаҳрамон.  
Яшинвори санчар, тиг солар,  
Чопатуриб бурғисин чолар,  
Босар, янчар... бу эди Руслан!

Нагаҳони офат — беомон,  
Басурманга<sup>1</sup> соларди қирон,  
От солади (орқасида чол).  
Қўрқар, титрар, ёв бўлар ўсол,  
Ҳар зарбидан бошлар учмоқда,  
Сафлар нолон сафга кўчмоқда.  
Ва янчмоқда арғумоғи ҳам.  
Бир нафасда ўликлар ғарам.  
Майдон тўла — абжақ бўлганлар,  
Кесикбошлар ва бошсиз танлар,  
Уюм-уюм найза-ю, садоқ,  
Совут, қилич, дубулға, қалпоқ...  
Садо бергач бурғу, жанг — сурон,  
Ва славян суворилари  
Мард изидан учдилар бари.  
Жанг ўт олди... Қирил, басурман!  
Печенеглар даҳшатда, ҳайрон,  
Чопқинларнинг қайсар авлоди,  
Отларини излар саргардон,  
Янгроқ солар ваҳший фар'ёди,  
Сахро юзи қопқора тўзон,  
Қочар Киев тийғидан сўзон.  
Ва тамуғга муқаррар қурбон!  
Рус қиличи галаю-гала  
Қирар тинмай... Этар даб-дала!  
Киев шодмон... шаҳарда бу кез,  
Учар эди Руслан — елдан тез,  
Ўнг қўлида зафарёб қилич,  
Ва найзаси чақнар юлдуздек.  
Совутидан оқар қон қизғич,  
Дубулғада соқол — қундуздек,  
Умид қанотида учарди:  
Кўчалардан ва майдонлардан,  
Шодиёна, шўх суронлардан,  
Қувоқ, хушвақт аламонлардан —

Ўтар, сарой томон кечарди.  
Тўғри кирар, жимжит кошона;  
Бунда ухлар ажиб жонона,  
Владимир — хаёлга ботиб,  
Қиз пойида турарди қотиб,  
Якка эди... дўстлар — ёронлар  
Жўнашганди қонли майдонга,  
Фақат Фарлаф — тушмай қиронга,  
Бунда қолмиш... жанглар, суронлар,  
Ва ёв қиличидан овлоқда;  
Турар эди бунда — пойлоқда.  
Русланни тез таниди ёвуз,  
Кўзи тиниб, қони бўлиб муз,  
Оғзин очар — ун йўқ, тиқилар,  
Оёғига беҳуш йиқилар...  
Адл жазо кутар мунофиқ!  
Эсга тушиб, сеҳирли узук,  
Руслан шошар Людмила сари,  
Ётар эди уйқуда пари,  
Чеҳра — сокин, кўзлари сузук.  
Титроқ қўли юзини силар...  
Му'жизани кўрингки: бекач,  
Бир хўрсиниб очди кўзини.  
Гўё турмиш узоқ ухлагач,  
Туш кўргандай сезар ўзини.  
Нечун бунча узоқ бўлди тун,  
Ва қийналди тун бўйи бутун,  
Азоб берди чигал, ёмон туш,  
Ва даф'атан кўрар — бу ёр-ку!  
Ёр бўйнига қўл ташлар, ёҳу!  
Ҳам баҳодир кўнгли чексиз хуш,  
Ҳечнимани кўрмас, эшитмас:  
Кекса князь суюнчидан лол,  
Ҳўнграб йиғлар ва беҳад хушҳол,  
Икковини қучар басма-бас.

Нечук тугар бу узун қиссам?  
Сенга аён, дўсти вафодор!  
Сўнди чолнинг ноҳақ қаҳри ҳам;  
Фарлаф — учов олдида, ночор,  
Оёқларга ўзини ташлаб,  
Ёвузликдан ҳикоя бошлаб,  
Қилмишига тез бўлди иқрор.  
Хушвақт князь гуноҳин кечар;  
Сихр кучидан маҳрум жодугар —  
Белгиланар ўрдага қорол,  
Балолардан фориг бемалол,  
Владимир шодмон базм қурар,  
Юксак кошонада ўтирар...

Ўтмишлардан қолган ривоя,  
Ва боболар айтган ҳикоя.

#### ЭПИЛОГ

Бепарвороқ яшаб оламда,  
Лақма ва бўш сукут қучоқлаб,  
Сипойи ва ёввош лирамда  
Кечмиш нақлин ёздим ардоқлаб.  
Мен куйладим — эсга тушган йўқ:  
Сўқир бахт — ранж, ёвлар озори,  
Доридаки — ситамкор ва шўх,  
Тентакларнинг гийбат, кирдори.  
Олиб учди қанотлик хаёл,  
Ўй кезади дун'ё тошинда\*.  
Шум қалди роқ булути ўсол  
Тўпланарди менинг бошимда!..  
Сўнмакдайдим... Илк, бўронли чоғ,  
Шўх кунларнинг эзги ёдгори,  
Сен — эй дўстлик, нозли овунчоқ,

---

\* То ш и н д а — ташқарида.

Хаста руҳим сей вафодори!..  
 Қора кунда суянчиқ, ҳамдам,  
 Сен қайтардинг юрак кўркимни,  
 Сен сақладинг менинг эркимни,  
 Жўшқин ёшлик — суюк арзандам!  
 Дун'ё, довруқ мени эсламас,  
 Нева қирғоғидан мен йироқ.  
 Кўз ўнгимда: Кавказ ҳар нафас,  
 Чўққиларки мағрур, ярқироқ,  
 Ва кезаман тик қояларда,  
 Учуримлар, жарлар, шўх оқин,  
 Табиатки, тунд ва серзарда,  
 Манзаралар гўзал ва ёрқин,  
 Юрагимга мунис ва яқин;  
 Аввалгидек руҳим толғинроқ,  
 Хаёл қучар ҳар лаҳза, броқ,  
 Ше'риятнинг оташи сўнук.  
 Таассурот излайман ютоқ.  
 Ўтди аш'ор фасли, на хунук,  
 Қувноқ тушлар фасли, ёр васли,  
 Ва самимий илҳомлар фасли —  
 Ўтди бир-бир, ўтди барчаси!  
 Оқиб кетди шўх ва қисқа кун,  
 Ва кўзимдан яширинмиш бутун  
 Шўх қўшиқнинг шўх илоҳаси...

### ИЗОҲЛАР

- <sup>1</sup> Баян — рус эртақларида бахши, эл шоири.
- <sup>2</sup> Лель — ишқ тангриси, чўпон ва шоирлар ҳомиси эмиш. (Славян мифи).
- <sup>3</sup> Шаҳризода — „Минг бир кеча“ қаҳрамонларидан бири.
- <sup>4</sup> Амур — севги тангриси. Яланғоч ва қанотли бола суратида. (Румо мифи).
- <sup>5</sup> Арמיד — италян шоири Тассо дастонида сихргар гўзал.
- <sup>6</sup> Сулаймон — жуда ҳам бадавлат пайғамбар (афсона).

<sup>7</sup> Таврид — Қримнинг қадимги номи.

<sup>8</sup> Мирт — умрбод яшил дарахт.

<sup>9</sup> Феб — сан'ат тангриси, Паллада — ҳикмат ва до-нишмандлик тангриси, Фидий — қадим юнон скульпту-ри.

<sup>10</sup> Эргажал — халқ дастонларида бўйи бир қарич — соқоли ўн қарич жодугар.

<sup>11</sup> Орловский — поляк-рус рассоми, отлар ва жанг манзараларини маҳорат блан чизган.

<sup>12</sup> Зоил — мунофиқ ва сурбет танқидчи

<sup>13</sup> Климена — шартли ном.

<sup>14</sup> Гимен — никоҳ тангриси.

<sup>15</sup> Мельпомен — трагик артист.

<sup>16</sup> Орфей — қадим юнон афсонавий қўшиқчиси, у куйлаганда ҳатто жониворлар ва тошлар та'сирланган эмиш. Бу ерда шоир Жуковскийни айтмоқчи.

<sup>17</sup> „Ўн икки ухлоқ қиз“ — Жуковский достони.

<sup>18</sup> Вадим — Ўн икки қизга нажот беручи Новгород-лик баҳодир.

<sup>19</sup> Афсонавий юнон шоири, „Одиссея“ ва „Илиада“ автори, юнон қўшинларининг суронли базмларини уста тасвир этгандир.

<sup>20</sup> Парни — француз, шоири, ишқий ше'рлар ёзган.

<sup>21</sup> Диана — ой ва ов тангриси.


<sup>22</sup> Лемнос—оқсоқ тангри — темирчи Вулкан (Гефест) Лемнос оролида яшаганмиш. У ишқ ва гўзаллик ило-ҳаси Венерага (Киприда, Цитерея) уйланганмиш.

Венера эса уруш тангриси Марс блан бирга эрини ал-дамиш. Буни сезган Вулкан кузга кўринмас, темир тўр тўқиб, хотини ва Марсни жиноят устида тутади, кейин бутун тангриларни чақириб шармисор этади.

<sup>23</sup> Дельфира — граф хотин Е. М. Ивелич. Пушкин яшаган вақтда Петербургда шундай қўпол, хунук ва ғийбатчи хотин бўлган экан.

<sup>24</sup> Печенеглар — туркий кўчманчи қабилалардан бири, жанубий Русияга кўп чопқин қилар эди.

<sup>25</sup> Басурман—бу ерда гайридин ма'носида.







## КАВКАЗ АСИРИ

*Н. Н. Раевскийга*

### БАҒИШЛОВ

Табастум-ла қабул эткил, азиз дўстгинам,  
Бу эркинлик музасининг<sup>1</sup> ҳадиясини:  
Бағишладим сенга қувғин сознинг сасини  
Ва илҳомда ширин ўтган дамларимни ҳам.  
Мен бегуноҳ, қайғуларда бўларкан ҳалок,  
Чор атрофда кезар экан ғийбат ва бўҳтон,  
Хиёнатнинг ханжарлари дилни этиб чок,  
Муҳаббатнинг оғир туши мени беомон  
Ҳалокатга судраб қийнаб сўраганда жон,  
Мен ёнингда ором топиб яшардим бедод;  
Биз дўст эдик — топиб қалбим сендан тасалло:  
Узоқлашар эди бошда қутурган бало,  
Этдим нажот соҳилида тангриларни ёд.  
Ҳижронзада ўтар экан кунларим ғамда,  
Уйга толган товушларим шу оғир дамда  
Кавказ юртин туширдилар менинг эсимга,

Улуғ танҳо у Бештовки<sup>2</sup> бошлари туман,  
Овил ва чўллар ҳокими беш бошли султон  
Янги парнасим<sup>3</sup> бўлди-ю, руҳ берди менга.  
Дўстим, кавказ қояларин унутарманми?  
У шарқироқ булоқларни, сўлғин чўлларни,  
Қайноқ даштлар, ўлкаларки, сирдош экволон  
Кезмиш эдик, гар унутсам бўларман оси.  
У тоғларки қароқчилар санқир, сақлар жон  
Ва Илҳомнинг у ёввойи осов даҳоси  
Сукунатнинг қучоғида топмишдир макон!  
Балки юрак учун ошно севимли дамлар,  
Хуш кунларнинг топилажак унда асари  
Ва хирсларнинг зид, беомон ором, озори,  
Учрар таниш ўй, хаёллар, ошно ситамлар  
Ҳамда менинг бу руҳимнинг сир тўла зори.

Ҳархил йўллар блан кетдик биз бу ҳаётда,  
Сен фароғат қучоғида сал топиб камол,  
Яшнадинг-ку — ботир отанг изидан дарҳол  
Ёв ўқининг булутлари остида парвоз  
Эта кирдинг қон чўллари ичра, эй шоввоз.  
Сан орзулар вафодори ва азиз қурбон;  
Мен ёш экан хиёнат, жаҳл ила бўҳтон  
Қувғиндилик бошга етди, ёпишди бало.  
Лекин бардош ва ҳурликни дилга этиб жо  
Кутар эдим мен хайрли кунларни фақат.  
Дўстларимнинг бошларига келиб қўнган бахт  
Менга доим бўлар эди ширин тасалло.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

Давра қуриб бўсағаларда,  
Лақиллашар бир талай черкас,  
Кавказнинг эр ўғилларига  
Бўлмиш эди букун мавзу' баҳс:

Жанглардаги таҳлика, ғавғо,  
Аргумоқ от, ҳаёт ва жўшқин  
Хирс кечирган ишрат ва савдо.  
Мозийдаги даҳшатли босқин,  
Қишлоқларки, талонда буткул  
Яксон бўлган, ёниб бўлган кул,  
Алдов блан кун кўрган виждон,  
Жинояткор маккор улуғлар,  
Қиличидан тирқираган қон;  
Сўз бўлади бари ҳаққида  
Ва шахло кўз асира дилбар  
Ҳикояга монанддир жуда.

Жимжитликда ўтарди суҳбат;  
Ой сузарди тун туманида,  
Отлиқ черкас улар ёнида  
Ҳозир бўлди тўсатдан шул вақт:  
Арқонланган битта ўспирин —  
Судраб келди, этипти тутқун:  
„Мана ўрус!“ дея у бутун  
Йиртқичларча кўтарди шовқун.  
Товушига овул шул замон  
Чопиб келди мисли аламон.  
Лекин асир беҳол ва бесас  
Чавақланган бошдан оқиб қон,  
Мурда каби ётарди бежон.  
Душманларнинг тусини кўрмас,  
Ҳиддатларин эшитмас асло,  
Чарх ураркан бошида бало,  
Нимжон, совуқ оларди нафас.

Ва ёш асир беҳуш ва танҳо,  
Ётиб қолди узоқ бир замон.  
Қизгин қуёш унинг бошида  
Лахчаланиб ётарди жавлон.

Ҳаёт ҳисси уйғониб унда,  
Кўкка учди аччиқ бир садо;  
Офтоб нури иситиб шунда  
Бош кўтарди бу бахтга гадо,  
Ва ташлади заиф бир нигоҳ:  
Буюк тоғлар кўрди баногоҳ.  
Юксак тоғлар, унда йўл босар  
Қабилалар ини, уяси,  
Черкаслар эркининг қал'аси  
Юксалмишдир қаторма-қатор.  
Ва мудҳиш бир тушнинг ваҳмаси —  
Сумон хотирлади: у тутқун;  
Кишанланган оёғлар бирдан  
Шақирлашар кўтариб шовқун...  
Воқиф этди уни ҳар сирдан.  
Хираланди кўзига дун'ё.  
Эй муқаддас ҳурлик, алвидо'!  
У қул.

Овул жим. Якка тутқун  
Бостирма кетида узун кун  
Тикан говлар олдида ётди.  
Пойлоқчи йўқ, черкаслар бари  
Чўлда эди; асир назари  
Узоқдаги йўлларга ботди.  
Яшил парда каби ўнгида  
Ястанганди теп-текис ерлар,  
Ва бир ёнда бўлиб силсила  
Ётар эди қирлар, адирлар;  
Олисларда оралиқдаги  
Йўл туманлик ичра йўқолур:  
Ва тутқуннинг йигит кўкраги  
Оғир ҳаёл блан ўртанур...

Русияга элтар узоқ йўл.  
Шўх ёшлигин унда бахтиёр

Ва беташвиш бошлаганди уд;  
У илк шодлик беролган диёр,  
Унда севган бор назокатни,  
Изтиробдан кўкси бўлган чок,  
Бутун истак, армон, шодликни  
Саёқ турмуш этмишдир ҳалок.  
У хуш кунлар эсдаликларин  
Синиқ қалбга кўммишдир барин.

.....  
.....

Тотди кибор ҳаётни, аммо,  
Англадиким, жирканч, беҳаё:  
Дўстларида кўрди хиёнат,  
Ва муҳаббат, ишқ хаёлида  
Бир алдоқчи туш бордир фақат.  
Нафратланган фони ҳаётнинг  
Бир қурбони бўлишдан қочиб,  
Адоватлар, фитна ва бесўнг  
Одий тухматлардан ўртаниб,  
Киборликдан пушаймон бўлди,  
Юрак бағри лахта қон бўлди.  
Табиатнинг оташин дўсти  
Ташлаб кетди она ўлкасин,  
Узоқ элга ахтариб кетди.  
Озодликнинг хушбахт кўлкасин.

Эй озодлик! У ёлғиз сени  
Излаб кетди бўмбўш дунёдан,  
Эҳтиросла топтаб сезгини  
Кўнгли совиб рубоб, хаёлдан  
Сенинг номинг блан жонланиб,  
Куйламакни билмишди савоб;  
Имон, э'тиқодла ул ёниб...  
Санамингни этганди тавоф...

Ҳамма битди... Тутқун бенаво  
Ҳеч томондан изламас паноҳ.  
Сўнг хаёллар, мана, ҳатто сиз,  
Ҳатто сиз ҳам ташлаб кетдингиз.  
Қул энди ул, эрки кетган, хор,  
Қўяр экан бошини тошга,  
Ғамгин ҳаёт ажалига зор,  
Кўзни тикар кечки қуёшга,  
Мозор кўлкасига интизор.

Тоғ ортида қуёш милтирар,  
Эшитилар узоқдан довриқ,  
Қир, даладан қайтар халойиқ,  
Чолғилари кунда ялтирар.  
Хонадонларда ёнди чироғ,  
Довриқ тинди, оҳиста-секин,  
Тун қўйнида ҳаммани бу чоқ  
Бир юмшоқлик қуршади сокин.  
Қоялардан учиб олисда  
Ярқирарди жўшқин шаршара,  
Мудроқ чўққилар ҳам бир тусда  
Ёпинмишди булутдан парда...  
Лекин, кимдир бу ойдинликда  
Шунча қалин, жонсиз тинликда  
Қадам ташлар оҳиста, ёлғиз?  
Зийракланиб кўз очса тутқун  
Қаршисида юз берди шу ҳол:  
Та'зим қилиб кулимсираб, лол  
Турар эди гўзал черкас қиз.  
Тутқун тилсиз, қизга қарайди,  
Алдамчи бир туш деб ўйлайди.  
Жилва қилур ҳолсиз ҳисларим,  
Дея, қизга тикилади жим.  
Оппоқ ой нурига беланиб,  
Қиз энгашди ва букди тизни.

Шафқат блан нафис жилмайиб,  
Муздай салқин, даво қимизни  
Секин тутди: титрарди қўллар;  
Унутилди қимиз, бетоқат  
Жонсўз, ширин сўзнинг сиҳиргар  
Жарангини ютоқиб тинглар,  
Ва кўзларин излайди фақат  
Англамайди, сўзлар унга ёт;  
Тотли нигоҳ ва яқин ораз,  
Яша — дейди жон фидо нафас.  
Ва асирда тирилар ҳаёт;  
Асир йиғиб сўнгги мажолин,  
Итоатла турди ўрнидан  
Ва марҳамат пиёласидан  
Сероб этди чанқаган ҳолин.  
Оғир бошин тошга қўйди-ю,  
Яна беҳол сизди ўзини,  
Черкас қизга сўнук тўнди-ю,  
Узолмади ундан кўзини.  
Қиз ҳам унга ғамгин телмуриб,  
Хаёл ичра ўлтирди узоқ.  
Ва гўёки хомуш, тек туриб,  
Бўлар эди уни юпатмоқ,  
Недур айтиб лаблар ҳар нафас,  
Бейхтиёр очилар эди;  
Оҳ урарди сиққандай қафас,  
Кўзлардан ёш сочилар эди.

Кунлар ўтар кўлка сингари...  
Пода боқиб ўтар тоғларда  
Кишанланган асир кунлари.  
Намкаш ва зах, салқин мағора  
Уни асрар ёз қуёшидан.  
Кумушдай ой камон сингари  
Ярқираркан тоғнинг бошидан,

Йўлга чиқар у соҳиб жамол,  
Олиб келар асирга шароб,  
Зогора нон ва хушҳидли бол,  
Қимиз блан қиларди сероб,  
Тутқун блан яширин ейишар;  
Жонсўз қараш, нафис бир нигоҳ,  
Мубҳам сўзлар ва ишоралар  
Блан қилар истакдин огоҳ;  
Кўмиб ташлар тоғ қўшиғига  
Бахтли Грузия куйларин  
Айтар эди, осов хотирга  
Ёт бир тилни сингдирар дарин.

Ма'сум юрак кўз очиб энди  
Севган эди, бахтни дўст тутган;  
Лекин тутқун қачонлар эди  
Эҳтиросни унутиб кетган;  
У, ошкора ма'сум севгига  
Жавоб беролмайди юракдан —  
Унутилган севги тушини  
Қўрқар балки хотирламақдан.

Ёшлик бўлмас ноҳосдан хазон,  
Завқлар бирдан кетмас беасар,  
Ҳали қанча саодатли он  
Яна бўлар бизга муяссар:  
Лекин, сизчи, жонли хотирот,  
Сиз дастлабки, эй пок муҳаббат,  
Эй, осмоний жўшқин бир ҳаёт  
Қайтиб учиб келмассиз албат.

Кўниккандай кўринар эди  
Ожиз асир мунгли ҳаётга;  
Қуллик ғами, ис'ён дардини  
Яширин тутар, ёрмас ҳеч зотга.  
Саринликда илк-эрта саҳар



Қояларда танҳо судралар,  
Ёш тутқуннинг мафтун нигоҳи  
Чўзиларди оқ ва зангори,  
Ол тоғларнинг учига қадар.  
Ажойбдир бу манзаралар!  
Қорлиқларнинг мангу тахтгоҳи,  
Булутларнинг жонсиз ҳалқаси —  
Каби кўринарди зарволар\*  
Муз тожи ярқирар бир диёр,  
Икки бошли дов бу қаторда —  
Эльбуски, буюк, улуғвор,  
Оқаради кўмкўк самода.  
Зўр говурга қўшилиб бўрон  
Хабарчиси — момоқалди роқ,  
Даҳшатида гурларкан ҳар ёқ  
Асир отли бу танҳо инсон  
Ўлтирарди тоғликда ҳарчоқ!  
Қуюқлашса пастда туманлар,  
Сакраб ўйнар эди қуёнлар,  
Ҳурккан оҳу қояликларда  
Излар эди жонга парварда;  
Учишаркан бургутлар ҳар ён  
Қийқиришар эди ҳавода,  
Йилқиларнинг кишнаши, пода  
Ма'рашини кўмарди бўрон. . .  
Қора булут қуяр шул замон  
Чақмоқ блан дўл, сел водига,  
Тўлқинларда тиккаликларни  
Ағдаради ва асир дийда  
Харсангларни қулатиб йўлда  
Сел беомон босарди жарни.  
Асир эса тоғ чўққисиди  
Турар эди якка-ю танҳо,

\* З а р в о л а р — чўққилар.

Қора булутларнинг кетидан  
Кутар эди чиқар деб офтоб.  
Довул етмас жойларда ҳамон  
У бўроннинг кучсиз ва бетоб  
Увлашини тингларди шодон.

Лекин, овруполи диққатин  
Бу ажиб эл этган эди жалб.  
Тоғлиларда тарбия, мазҳаб,  
Одатларни кузатар тутқин;  
Содда ҳаётлари хуш келар,  
Меҳмондўстлик, жанговар сифат,  
Билак кучи ва елдай кўчар  
Чаққонликни севмишди беҳад;  
Учқур черкас гоҳи-гоҳида  
Хўп ясаниб, шайланиб жуда  
Қора чакмон кийиб, шалдираб  
Папоқ кийиб олиб бошига,  
Узангига оёқни тираб  
Кўкрак бериб эгар қошига,  
Сўнгсиз саҳро, қия тоғларда  
Зўр ишқ блан ёшликдан жангни  
Машқ қилишиб чопаркан отда,  
Соатларча асир нигоҳи  
Бўлар эди учган қанотда.  
Ёқар эди унга бежирим  
Жуда оддий ҳарбий бу кийим.  
Черкас яроқ блан кўмилган;  
Шунга мағрур ва кўнгил тўлган!  
Кўҳна милтиқ, садоқ, зириҳ бир,  
Қубон ёйи, ханжар ва чилвир  
Ва қилички, манги йўлдоши,  
Юпанчиғи, олтин қуёши,  
Ҳечбир нарса бузмас кўнглини  
Жаранг чиқиб койитмас уни,

Унга доим ёрдир шу сифат:  
Яёвмидир, минганмидир от,  
Ҳамон ўша, ўша кайфият,  
Ўша голиб ва енгилмас зот.  
Унинг бутун кўрки, давлати,  
Беғам казакларнинг офати,  
Тоғ йилқиси наслидан бир от.  
Бу вафодор, чидамли, учқур  
Унинг дўсти,— шу унга қанот.  
Мағорада, ўтлар ичинда  
Маккор, йиртқич бирга топар жой,  
Йўловчини кўрибоқ шунда  
Отилади гўёки ўқ-ёй.  
Қудратли зарб ва тўғри нишон  
Ишни дарҳол қилар саранжом,  
Шу лаҳзада учучи арқон  
Йўловчини судрар жар томон.  
От учади чўлда қуюндай,  
Бир ўт уни элтар илгари,  
Унга йўлдир: ботқоқлик, тўқай,  
Қояларнинг, форларнинг бари;  
Қонли излар чопар кетида,  
Говур блан тўлади саҳро  
У сув ичра кирган гезида  
Шағиллайди шўх, кекса дар'ё.  
Ва дар'ёга ташланган йўлчи  
Ютабошлар лойқа тўлқинни.  
Ҳолдан кетиб тилайди ўлим,  
Ўтмай туриб бир лаҳза, бир зум  
У ажални кўради пешвоз...  
Қудратли от эгасин олиб  
Қирғоқликда қилади парвоз.

Ё қора тун мисли бир парда  
Ётар экан адирликларда,

Черкас келар қирғоққа якка,  
Ва дуч келиб, қаттиқ довулда  
Дар'ёга қулаган тўнғакка,  
Енгсиз чакмон, совут, қалқонни,  
Жиҳозларки, бисотида бор,  
Темир қалпоқ, садоқ, камонни  
Бутоқларга илар беқарор,  
Сўнгра жимжит, чиқармай нафас,  
Уни излаб нишаб тўлқинга  
Ўзни ташлар бу тиним билмас.  
Жимжит кеча. Шағирлар дар'ё;  
Бўйлаб ёлғиз, хилват қирғоқлар,  
Тўлқин элтар уни узоққа;  
Найзага суяниб казаклар  
Тепаликдан қараган ёққа;  
Казаклар тим дар'ёга қарар,  
Шу лаҳзада бадкор яроғи  
Туннинг шу тим, қопқора чоғи  
Сув юзида чайқалиб борар...  
Қазак ўйга чулғандинг нега?  
Ўлим чўлидаги ўрдугоҳ,  
Жангларингми тушди эсингга,  
Полклар айтган мадҳия — дуо,  
Ё ватанми?.. Йўл, бўлғай сенга  
Ҳилагар туш, ёлғончи руё!  
Алвидо' эй, эркин манзиллар,  
Ота юрти, сокин Дон — дар'ё,  
Сиз ҳам эй жанг, чиройлик қизлар!  
Қирғоқларда бир сирли душман —  
Пайдо бўлди, ўқ визиллайди,  
Қонга ботган тепаликлардан  
Ўққа учган казак қулайди.

Ёгингар дамларда оила  
Бдан ота хонадониди

Ўлтираркан черкас, ва уйни  
Босар экан кўмир тутуни;  
Тоғликларда кезиб кечиккан  
Йўлчи тушиб вафодор оддан  
Хориққанча кирар ичкари  
Ва толпинар шу гулхан сари;  
Уй эгаси пешвоз бўлиб  
Олқиш, ҳурмат блан туради  
Ва меҳмонга хушбўй косада  
Чоғир-қирмиз шароб тутади.  
Ҳеч тинмайин бурқулар тутун,  
Йўлчи қўнар хонада бир тун,  
Ва ёпиниб нам чакмониини,  
Бошин қўяр ширин уйқуга;  
Азон пайти меҳмондўст уйни  
Бўш қолдириб, у тушар йўлга.  
Ҳайит кунин йигит-жувонлар  
Тўпланишар яйрашар жонлар;  
Ҳарқачонки, ўйин-кулги бор  
Барчасини этарлар такрор:  
Бўмбўш қолар ёй тўла садоқ,  
Осмон сари йўл очиб шу чоқ  
Қанотли ўқ учар камондан,  
Булутлардан бургутни урар.  
Гоҳ тик қия ёнбағирлардан  
Сабрсизча қаторма-қатор  
Бир имо-ла қулайдилар дув,  
Бамисоли бир тўда оҳу,  
Ерни топтаб этарлар поймол,  
Чанг бостириб далани,— хушҳол  
Гурос-гурос, овуллар сари  
Тапиллашиб чопарлар бари.

Броқ жангга туғилган қалбни  
Зериктирар якнасақ дун'ё,

Кўп вақтлар ялла кайфини  
Хароб этар қаттиқ бир ғавго.  
Кайф чалғитар бошларни кушод  
Ярқирайди қилич шиддатда,  
Қуллар боши кетган бир пайтда  
Ёш-яланглар ўйнашади шод.

Аммо қонли овунчоқларга  
Ўрус асло қилмасди парво,  
Донг ўйинин севмишди аввал,  
Ўлим чанқоғига мубтало.  
Ёнар эди ожиз ҳармаҳал.  
У бешафқат шарафга банда,  
Кўрар эди ўлимин яқин.  
Мағрур туриб якка жангларда  
Қаршиларди ҳалокат ўқин.  
Ва балки у, ботиб хаёлга,  
Бир вақтлар қадрдон дўстлар  
Ва ёронлар аҳлила бирга  
Сафо сурган кунларни эслар...  
Эслар экан тутқунда энди,  
Умидларни бўшга чиқарган,  
У кунларга ачирми дили?  
Ё тоғлилар содда эрмагин  
Иштиёқла қилиб тамошо,  
Ваҳший халқнинг урф-одатларин  
Ойнада этарми иншо.—  
У қалбининг толпинишларин  
Яшрин тутмоқ кўрарди раво;  
Манглайда бирорта ажин  
Шунча ўтиб бўлмапти пайдо.  
Унинг супо жасоратига  
Қолишдилар черкаслар ҳайрон,  
Раҳм этдилар бағишлаб ҳаёт,  
Ғурурланиб ўз ўлжасила  
Шивирлашар ва бўлишар шод.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Яшаш завқи, жўшиб қайнашлар  
Тоғ малаги, сенга бўлди ёр.  
Ва муҳаббат, шодлик бағишлар  
Ёниқ, ма'сум кўзларинг, нигор.  
Тун қўйнида севганинг сани  
Ўпар экан, бесўз, беозор,  
Орзуларга тўлиб тўлганар.  
Унутардинг тамом дун'ёни,  
Ва дер. эдинг: „Эркисим, жоним,  
Чиройингни очгил, жаҳоним,  
Бошингни қўй, кўксим сенга юрт,  
Озодликни, ватанни унут!  
Жон деб қочай сенла чўлларга,  
Ёлғиз сен-ла, руҳимнинг шоҳи!  
Севгил мени, ҳали бокира,  
Ўпилмаган қизнинг яноғи;  
Ва қора кўз черкас тун чоғи  
Менинг танҳо ёлғиз ва якка  
Ётоғимга кирмаган тикка.  
Омонсиз деб бўлдим овоза,  
Гўзаллигим, номусим тоза.  
Фақат битган қисматим маҳкам,  
Мени отам, раҳмсиз акам,  
Ёт овулга—олиб олтин-зар,  
Бир ёмонга сотмоқни истар;  
Ёлвораман отам, акамга,  
Ҳеч бўлмаса, у вақт менга  
Топилар-ку, оғу ё ханжар.  
Беихтиёр бир қодир қувват  
Сенга тортди, солди савдога,  
Эркисиз дўстим, сенга бўлдим банд  
Сенла етар жон муддаога...”

Ва лекин у, сокин қизғониб,  
Эҳтироскор қизга тўнарди;  
Оғир ўйлар ичида ёниб,  
Севгучининг сўзин тингларди.  
Ҳотиралар бир-бир жонланар,  
Ўлтирарди сузгун, паришон  
Ва ҳаттоки кўзлардан ёшлар  
Тирқираб кетмишди бир замон.  
Севги дарди қўрғошиндайин  
Қалбда ётар, қийнарди ғоят  
Ва ёш қизга изтиробларин  
Тўкакетди бир-бир ниҳоят.

„Унут мени: мен арзимайман  
Қувончларинг, муҳаббатингга.  
Маҳв этма кунларни ман блан;  
Ошино бўл ўзингга тенгга. -  
Сўзлардаги ёлқин, аланга,  
Лаблардаги оташ, ҳарорат,  
Ўзаллигинг, жон қарашингга  
Этар вафо, қилмас хиёнат;  
Менинг ғамгин, сўник руҳимдан  
Ишқи унинг бўлар минг а'ло:  
Мен эҳтирос ичра сўларман  
Беорзу ва бетасалло.  
Ёнган қалбнинг мудҳиш асари,  
Мен сеvgи, ки кули соврилган,  
Мени тарк эт ва лекин, шўрли—  
Қисматимга озгина қизғон.  
Баёқиш ёр, нега бурунлар  
Бўлмагандинг кўзга намоён,  
Мен умидга ишонган кунлар,  
Хаёлларга топинган замон!  
Мен бахт учун бўлганман' одош,  
Умид қуши бош олиб кетган;



Инжа́ликлар учуң бўлиб тош,  
Севги нима, дўстинг унутган...

Тирик бўсаларга ўлик лаб  
Жавоб этса оғир нақадар,  
Ёшли кўзлар боқса жовдираб,  
Қаршиласа совуқ хандалар!  
Ва ўртаниб беҳуда ғашда  
Бир тош бўлиб уйқуга кетмак,  
Эҳтироскор қиз оғушида  
Ўзга ёрни оғир ёд этмак!..

Шунча нозик ва шунча секин,  
Мени ўпиб, тинч, беҳовотир,  
Севги соатларй сен учун  
Ўтар экан осудахотир;  
~~Сукунатда ёш тўкиб шунда~~  
Ултираркан ман паришон ҳол,  
Жонланади менинг қаршимда  
Манги дилдор бир ёри тимсол;  
Юрак унинг сари толпинар,  
Эшитмасман, кўрмас ва хомуш,  
Рухим сани унутган бўлар  
Ва хаёлга очаман оғуш;  
Ман уни деб чўлларда якка  
Ёш тўкаман... У менда яшар,  
Бутун ерда бирга адашар,  
Қайғи солар етим юракка.

Мени тарк эт, танҳо хаёллар,  
Кишанларим қолсин ўзимга,  
Хотиралар, кўз ёш, аламлар,  
Бўлолмассан шерик сен унга.  
Қалб арзини тингладинг, видо'!  
Қўлингни бер ... кечир ... алвидо'!

Узоқ эзмас, ва йиғлатмас зор  
Қизни совуқ ғуссали ҳижрон,  
Унутилар севги, хафақон  
Бўлар, қайта ёр топар дилдор“.

Кўз ёшисиз, ма'юсча йиғлаб,  
Қиз ўлтирар бағрини тиглаб:  
Туман тўла, ботган нигоҳи  
Сукут ичра гина ташларди;  
Кўлка каби сўникди, титрар;  
Қўли ётар ошиқ қўлида,  
Совуқ эди, худди муз қадаф;  
Ва ниҳоят, севгининг доди  
Тилга келди, ёнди фар'еди:

„Ўрус, ўрус, оҳ, бу на бало,  
Мен кўнглингни билмасдан асло,  
Нега севдим сени умрбод!  
Қучоғингда сенинг кўп кунлар  
Яшалмадим ғамдан беҳабар,  
Ва саноқли бахтиёр тунлар  
Тақдир этди менга муяссар!  
У, қайтмасми ҳечқачон энди?  
Маҳв бўлдими севинч умрбод?  
Ва сан, тутқун, бу содда дилни  
Алдаб қилаолар эдинг шод,  
Ҳеч бўлмаса, муруватпарвар  
Сукут сақлаб, эркалаб ёлғон;  
Қисматингни мен ҳам овулар,  
Бўлар эдим ғамхўр меҳрибон  
Ва тунларда жафо дийда ёр  
Фароғатин сақлар беозор;  
Истамадинг... Қани эт изҳор.  
Ким экан у севдигинг дилдор?  
Севсанми? Сен севгилими?

Азобларинг равшандир менга: . .  
Сен ҳам кулма ёнишларимга,  
Ёшларимни кечир бир йўла“.

Тинди. Фар’ёд ва кўз ёшлари  
Қиз кўксига бўлмишди қафас.  
Пичирларди лаблар шикоят,  
~~Асир тизин қучиб ниҳоят~~  
Беҳуш зўрға оларди нафас.  
Қиз шўрликни кўтариб аста  
Сўз бошлади тутқун жавобан:  
„Қувғиндиман ман ҳам, йиғлама,  
Қалб азобин татиб кўрганман.  
Йўқ, севгили этмаган ёзмиш;  
Севдим ёлғиз, ўртандим танҳо.  
Дудли ёлқинсимон, шу бўмбўш  
Водиларда бўларман адо.  
Азиз қирғоқлардан кўп узоқ  
Ўлиб кетиб, қоларман чўлда.  
Занглаб кетар бу оғир тузоқ,  
Қувғин еган устихонимда. . .“

Хираланар кўкда юлдузлар,  
Шаффоф олисликда кўринар  
Қор тоғларнинг юксакликлари;  
Бошлар қуйи, ер санаб кўзлар  
Жимжит ажралдилар иккови.

Шундан бери қайғули тутқун  
Овул сиртин дарбадар, сокин,  
Кезар эди танҳо узун кун.  
Ва тунларни ҳар тонг кетма-кет,  
Тонг тунларнинг ортидан кунни  
Қўтарарди қайноқ уфуққа,  
Утар эди тунлар бирма-бир

Ва ғамзада бечора асир  
Қутулишни кутарди йўққа.  
Милтирарми бутоқлар аро  
Тоғ эчкисин шарпа-қораси.  
Қоронғида сакрарми сайғоқ  
Чўчир янграб кишанин саси.  
Кўз тутади: кирарми казак —  
Кечаларнинг омонсиз шўри,  
Қулларнинг халоскор ғамхўри.  
Чақиради... Жимжитдир ҳар'ён  
Ҳайқиради фақат тўлқинлар,  
Ва инсонни ёввойи ҳайвон  
Сезиб қолиб ўзини урар.  
Қора саҳро, тунликка томон.

Асир ўрус ноҳас бир куни  
Қий-чувларни эшитиб қолди;  
Янграр эди ҳарбий бир нидо  
Тоғликларда ҳар'ёқда садо:  
„Йилқига!“ дер югурар, янграр  
Мис сўлиқлар жаранг-жаранглар  
Чакмонлар тим, совутлар яшнар.  
Эгарланган айғирлар кишнар  
Бутун овул босқинга тайёр.  
Ва урушнинг ваҳший авлоди  
Адирлардан дар'ёдай ёғар.  
Йўртиб борар бўйлаб Кубанни.  
Ўлжа олмоқ нияти — ёди.

Овул тинди. Қуёшда кушод  
Пишиб ухлар пойлоқчи итлар  
Ва яланғоч сабзак гўдаклар  
Эркинликда ўйнашадир шод;  
Давра қуриб ўлтирар аждод;  
Найдан чиқар мовий бир тутун,

Қизлар куйлар, сокит кексалар  
Таниш, ошна қўшиқни тинглар,  
Кўнгиллари яшарар бутун.

*Черкас қўшиғи*

1

Дар'ёда чопар тўлқин,  
Тоғликларга тун қўнмиш,  
Казак ҳормишдир бутун  
Найзага бошин қўймиш.  
Казак сен ухлама: тун,  
Дар'ё ортида чечен.

2

Қайиқда сузар казак,  
Тўрини судраб сувда.  
Казак ботишинг бешак,  
Гўдаклар иссиқ кунда  
Чўмилиб ботгандайин:  
Дар'ё ортида чечен.

3

Муқаддас қирғоқларда  
Бўла қишлоқлар гуллар;  
Уйнарлар тўда-тўда.  
Рус куйчилар қочинглар,  
Уйга, аҳли нозанин,  
Дар'ё ортинда чечен.

Қизлар куйлар. Қирғоқда бу ҳол  
Ўрус қилар қочмоқни хаёл;  
Лекин, эркисиз, кишани оғир,  
Дар'ё тошқин, телба ва чуқур...

Қояларнинг бошлари сиёх.  
Сахрога ҳам чўкди қора тун,  
Оқ томларнинг устида сузгун  
Ойеин тушган кўчасиз бир зиё;  
Сув учтида мудрар оҳулар,  
Бургутларнинг сўнгги нидоси  
Тиниб кетди. Тоғларда ҳурар  
Узоқдаги йилқи садоси.

Шунда кимдир келабошлади,  
Қиз рўмоли жилва ташлади;  
Мана — ғамгин, сўник ва адо  
Қаршисида у бўлди пайдо.  
Гўзал лаблар калима излар,  
Босмиш эди ғам кўзларини,  
Сиёх тўлқин каби кокили  
Кўкрак, кифтин ёпиб ёзилар.  
Бир қўлида ярқирар арра,  
Бир қўлида бор пўлат ханжар  
Ва гўёки, қиз махфий жангга,  
Бир ҳарб сари этмишди сафар.

Асир сари ташларкан нигоҳ,  
„Қоч,— деб берди тоғ қизи нидо. —  
Дуч келмагай ҳечқайда черкас.  
Тезроқ, шошил, тун ўтмасин, тун!  
Ол ханжарни, ҳаммаёқ тим-тин,  
Изларингни кимса пайқамас“.

Арра тутган қўллари титрар —  
Чўкди, тутқун оёғига тиз...  
Арра тирнар, темир чийиллар,  
Дув тўкилди ёш ихтиёрсиз. —  
Парчалади кишан шарақлаб,  
„Бўлдинг озод,— дер унга қараб —

Қоч!“ — дер лекин, шайдо қараши  
Ичра ёнар севги оташи.  
Азобланар, лек дайди еллар,  
Ўртигини учириб ўйнар.  
Ўрус деди: „Ёрим, мен сени  
Сени дедим, абад, умрбод,  
Мудҳиш юртдан кетайлик, ҳайҳот!  
Қочайлик кел!...

„Йўқ, ўрус, тамом!

Ҳаёт завқи битди бенишон:  
Мен шодликни билардим, ишон,  
Бари битди ва кетди беном.  
Энди бўлмас! Бордир севганинг!  
Ақтариб топ, сев ва овунтир;  
Яна недан аламим менинг?  
Ма’юсликнинг боиси надир?..  
Хайр! Севгим хайрихоҳлиги  
Ҳарқаерда ёр бўлар сенга.  
Хайр! — унут азобларимни.  
Қўлингни бер... сўнг даф’а... менга“

Ва у, қизга қўлни узатди,  
Қалб жон топиб бўлди парвона,  
Ва ҳижроннинг узоқ бўсаси  
Ишқ аҳдидан берди нишона.  
Қўл ушлашиб, ма’юсча, шунда  
Қирғоқ сари силжидилар жим,  
Ана, ўруснишоб оқинда  
Сузиб борар, тўлқинлар гажим;  
Ортиқ етти ўзга қирғоққа  
Ва бошлади тирмашинмоққа...  
Чалғиб кетди тўлқинлар шу чоқ  
Ва олисда чиқди бир фиғон...  
Ўрус чиқиб қирғоққа шу он  
Кетга боқди... Ёрирди қирғоқ.

Фақат тошлар қубба-қубба, оқ.  
На соҳилу, на ён бағирда  
Қиздан асар йўқ эди сра.  
Ҳамма бежон... Ёлғиз шаббода  
Кезар ухлоқ қирғоқларида,  
Ой нурида, чалқиган сувда  
Битар эди чўзиқ доира.

Бари аён...

Тутқун сўнгги бор  
Нигоҳини отди видо'да.  
Жилваланди: бўш овул, девор,  
Далаларки боқмишди пода  
Ва омонсиз черкас тоғма-тоғ  
Эрк қўшиғин куйлаган онлар  
Кун ярмида дам олган булоқ,  
Кишанини судраб ўтган жар.

Кенг осмонда зулмат тарқалар,  
Водилардан тунни ҳайдар кун,  
Тонг ярқирар, узоқ сўқмоқлар  
Бўйлаб борар эрк олган тутқун;  
Кўз ўнгида унинг туманда  
Рус найзалар ярқирар эди,  
Посбон казак кўҳна қўрғонда  
Овоз бериб ҳайқирар эди.

## ЭПИЛОГ

Хаёл дўсти муза тинмайин,  
Осиёга отарди қулоч,  
Кавказнинг ёввойи чечагин  
Узар эди этгали гултож.  
Жангда ўсган бу тоифалар  
Зийнатлари этарди шайдо,



Шу янги либосда сихргар  
Бўлар эди қаршимда пайдо;  
Кимсасиз овуллар гирдидан,  
Қояларда танҳо, дарбадар  
Кезар эди ва ўша ердан  
Етим қизлар қўшиғин тинглар:  
Ёқмишди жанговар манзиллар,  
Дов казаклар қўпорган сурон,  
Йилқилар кишнаши, шов-шувлар,  
Жимжит мақбаралар ва қўрғон  
Хикоятлар, куйлар илоҳи!  
Хотиралар унга бўлмиш ёр,  
Омонсиз Кавказнинг у балки,  
Қиссаларин этажак такрор;  
Узоқ эллар эртагин сўйлар.  
Мистиславдан<sup>4</sup> қадим жангнома  
Ва русларки, Грузин дилбарлар  
Оғушида ботмишлар қонга:  
Куйлай у онники: шон йўлдош,  
Қонли жангни сезар экан бот,  
Ис'ёнкор Кавказда икки бош  
Бургутимиз<sup>5</sup> ёзганин қанот;  
Оқсоч Терек узра илк аввал  
Буюк жанглар гурлаган маҳал,  
Ва ўруслар довул чолган он,  
Чимиб манглай, қирғинда ҳаргал  
Жўшқин Сициандир<sup>6</sup> намоён  
О, Котляревский<sup>7</sup>, баҳодир  
Кавказ боши ўзра бир бало!  
Сен яшиндай учаркан қодир,  
Наслларни, йўлларинг вабо  
Бўлиб қилди яксон, бенаво...  
Уруш энди бермас тасалло,  
Уч қиличин сен этдинг канда,  
Доди дун'ё, шуҳратга банда,

Ўз жимжит юртингда тинч, кушод  
Ётмоқдасан айшларга толиб...  
Лекин, мана — шарқ чекар фар'ёд!  
Қор бошингни эг энди эй зот,  
Топин Кавказ: келар Ермолов<sup>8</sup>.

Ўчди жангнинг даҳшатли доди:  
Рус қиличи қолди ҳукмрон.  
Эй Кавказнинг кибор авлоди,  
Тортишдингиз, бўлдингиз яксон;  
На ваҳший эрк ишқи; бизнинг қон,  
На ярқироқ зирҳу қанотлар,  
Нада тоғлар, на учар отлар  
Сақлолмади сизларни омон!  
Кавказ, Ботий<sup>10</sup> қавмидай, беор,  
Аждодига келтирар иснод,  
Унутар тама'кор жангни бот,  
Ўқ ёйини ташлар, этар хор.  
Йўлчи келар сизлар яшаган  
Далаларга бежавф-бехатар.  
Ривоятлар, мубҳам эртақлар  
Сўйлар сизнинг қора қисматдан.

### ИЗОҲЛАР

1. Муза — қадим юнон э'тиқодлари бўйича ше'рий ижоднинг илҳом парисидир.

2. Бештов — Бештоғ, Кавказ тоғларидан бири.


3. Парнас — ше'рий илҳом макони. „Кавказ асири“ Пушкин жанубга сургун этилган вақтида ёзилган. Шунинг учун у Кавказни янги парнасим, янги илҳом маконим деб отайди.

4. Мстислав — Ботир номини қозонган ва Кавказда уруш қилганлардан. Яккама-якка курашда князь Радедьюни енгган одам.

5. Икки Бошбургут — рус императорлиғи ма'носида.

6, 7, 8. Сицианов (1754 — 1806), Котляревский (1782 — 1852), Ермолов (1772 — 1861) — Кавказни олишда иштирок этган ва тоғлиларга нисбатан қилган ваҳшийликлари блан машҳур бўлган генераллар.

10. Боту — Ботухон. XIII асрда Русияни олган татар хони.





## БОҚЧАСАРОЙ ФОНТАНИ

Барин чашма чун мо бaсе дам заданд  
Бирафтанд чун чашм барҳам заданд  
Чаро дил барин корвонгаҳ ниҳем,  
Ки ёрон бирафтанд, мо дар раҳем.

*Са'дий.*

Қовоқ солиб ўлтирар Гарой;  
Лабларида каҳрабо чилим;  
Даҳшатли хон атрофида жим  
Сукут сақлаб тек турар сарой.  
Жимжит эди бутун кошона;  
Ҳамма хоннинг ғамгин юзидан  
Қайғу блан ғазаб изидан  
Пайқар эди мубҳам нишона.  
Аммо мағрур соҳиби фармон  
Бесабр қўлин бир силтаб солди:  
Барча аста тарқалди ҳар'ён.

Кўшклар аро бир ўзи қолди;  
Кўкси бироз эркин дам олди,  
Мавжли кўрфаз ойнаси аён  
Акс этгандай сел булутини,

Жиддий маңглай дил тұлқиний  
Айлар эди жонлироқ баён.

У мағрур дил не ғам-ла тұлмиш?  
Қандай фикр банд этмиш уни?  
Русьга қарши бошларми уруш?  
Қул қилишни ұйлар Польшани?  
Уни қонли ўчми ёндирар,  
Ёки қўшин бошламиш ис'ён,  
Қўрқитарми уни тоғлилар,  
Ё Генуя макридан нолон?  
Йўқ, шуҳратдан чарчамишдир хон,  
Бераҳм қўл ортиқ толмишдир;  
Уйларидан жанг йўқолмишдир.

Ноҳот, ҳарам ичра хиёнат:  
Асира қиз жиноят қилмиш?  
Ноҳот, елга учиб диёнат,  
Номаҳрамга иноят қилмиш?

Йўқ Гаройнинг хотинлари ҳеч  
Орзу қилиш, ўйнашни билмай,  
Мунгли сукут ичра эрта-кеч  
Чечакланар эркинлик кўрмай;  
Ҳуш'ёр ва тўнг оға дастида,  
Хафалигу ғамлар остида  
Хиёнатни билмайди улар.  
Зиндон ҳусну-чиройни тўсар;  
Ойна уйда арабий гуллар  
Худди шундай бўғилиб ўсар.  
Мунгга тўлиб навбатма-навбат  
Кунлар, ойлар, йиллар ўтади.  
Билдирмасдан, ёшлик, муҳаббат —  
Барчасини олиб кетади.  
Кунлар бирдай кечар ҳарамда,

Имиллайди соат оқини,  
Ҳоким бўлган ялқовлик, ғамда  
Жилва қилмас сафо тўлқини.  
Ёш жувонлар ҳавасга тўлиб,  
Бир иш қилиб овунмоқ бўлиб,  
Кийишади минг турли либос,  
Суҳбат қизир канизларга хос.  
Ёки ўйноқ сувлар сасида,  
Тоза, шаффоф замзамасида  
Тўп-тўп бўлиб сайр этишади  
Чинорларнинг зич соясида.  
Ортларида уларни пойлаб,  
Ёвуз оға<sup>1</sup> юрар ҳой-ҳойлаб.  
Ундан қочиш, беркиниш бекор:  
Ҳасадли кўз, динг қулоғи бор,  
У ҳар ишдан доим хабардор.  
У туфайли ўрнашмиш мангу  
Қаттиқ тартиб ушбу саройда;  
Унга хоннинг эрки ҳар жойда —  
Ягона бир қонундирки, у  
Уни қур'он фарзидек билар,  
Дилда сақлар ва бажо қилар.  
Унинг кўнгли севги истамас,  
У инсоний ҳислардан маҳрум,  
У сезгига берилмас бир зум;  
На кўз ёши, на юмшоқ нафас,  
На та'нага айлар э'тибор;  
Асиралар чеккан оҳу-зор  
Унга асти қилмайди та'сир,  
Пинагини бузмайди тақир;  
Ёлборишга қулоқ солмайди,  
Ҳақоратни қилмайди писанд,  
Уни ҳеч на юмшатомайди,

---

<sup>1</sup> Оға — ҳарамда сақланадиган пичилган қул.

Тош қалбила у мағрур, ҳурсанд.  
Унга хотин одати аён,  
У кўп кўрган, ҳар ерда, ҳар он  
Ҳурликда ҳам, эркисизликда ҳам:  
Нозли нигоҳ, кўзлардаги нам  
Кўнглига ҳеч ҳоким бўлолмас,  
У, уларга ортиқ ишонмас.

Соч ёзишиб, ҳарам қизлари  
Асиралар чўмилар экан,  
Сихр тўла гўзал юзлари  
Чашмаларда кўмилар экан,  
Қип'яланғоч қизларга лоқайд,  
Без'тибор термулиб, шу пайт  
У пойлоқчи ҳозирдир яна,  
Тутқунларга нозирдир яна.  
У, ҳарамда, тун зулматида  
Эҳтиёткор, аста кезади.  
Уйқунинг шу тинч соатида  
Ҳар эшикка қулоқ осади,  
Ким оромда, ким тушда инграр,  
Ким оҳ тортар — барчасин тинглар.  
Уйдан-уйга билдирмай кўчиб  
Кенг ташлайди у маккор домни;  
Бирор каниз сандираб, чўчиб,  
Тилга олса бегона номни,  
Ё мабодо дўстига бироз  
Тақдирдан койиб, этса роз —  
Дилдагини айласа изҳор,  
Балоларга бўлар грифтор!

Гарой нега тинмай чекар ғам?  
Чилим ўчиб қолган қўлида;  
Ботинолмай дам олишга ҳам,  
Остонада, хоннинг йўлида

Оға имо кутади бу дам.  
Уйга ботган ҳукмдор турар;  
Олдидаги эшик очиқ. У  
Сукут сақлаб, оҳиста кирар  
Севганларин қабрига тўғру.

Хонни кутиб, кўриш кўйида,  
Сачраб турган фонтан бўйида,  
Ипак гилам узра ўйнашиб,  
Бир тўда шўх қизлар осуда  
Ўлтиришар эди яйрашиб;  
Болалардай шодланиб, сувда —  
Мармар тубда кўринган, ликқа  
Гир-гир сузиб юрган балиққа  
Телмуришар эди дил тошиб.  
Гоҳилари сувга атайлаб  
Олтин сирға ташлайди бойлаб.  
Жориялар атрофда хушбўй  
Шарбат ташиб юрарди. Ногоҳ  
Ширин қўшиқ, жаранглаган куй  
Бор ҳарамни айлади огоҳ:

### *Татар қўшиғи*

1

Кўз ёши, ғамларни бошдан кўтариб,  
Тангри ўзи берар охири эҳсон:  
Бахтиёрдир, йиллар сўнгида қариб  
Маккани зиёрат айлаган инсон.

2

Бахтиёрдир, Дунай соҳилларини  
Қони-ла муборак этган қаҳрамон:



Фаришталар ёзиб кокилларини,  
Унга жилва блан бўлар намоён.

3

Ва лекин, Зарема, кимки дун'ёга,  
Унинг роҳатига бермай э'тибор,  
Ҳарамда сен блан кириб сафога,  
Гулдай эркалатса, ўша бахтиёр.

Улар куйлар. Аммо қани у,  
Муҳаббатнинг юлдузи қани,  
Ҳарам кўрки — кундузи қани,  
Қайда қолди Зарема бону?  
Ҳайҳот, унинг гул юзи сўлмиш,  
Қалби оғир қайғуга тўлмиш,  
Махтовларга солмайди қулоқ,  
Кўзларида ёш булоқ-булоқ.  
Яшин урган хурмодек, қадди  
Букилмишдир, йўқ энди ҳадди,  
Ҳечна унга ёқмасдан қолди,  
Чунки Гарой боқмасдан қолди.

Вафосизлик қилди у!.. Аммо,  
Эй гуржи қиз, сен-ла чиройда  
Қим тенглашар? Ҳаттоки ой-да  
Да'во қилса, бўлур муаммо.  
Пешонангга сочингни, дилбар,  
Икки ўраб, қилибсан чамбар.  
Мафтун этар кўзларинг шандир,  
Тундан қора, кундан равшандир.  
Оташ дилни кимларнинг саси  
Сендан кучли баёнлай билар?  
Кимнинг ўтли, ширин бўсаси  
Сеникидан жонлилик қилар?

Сенга чиндан кўнгил берган эр  
Қандай қилиб ўзга ёрни дер?  
Лекин золим, лоқайд Гаройхон  
Ҳарамига Польша қизини  
Асир этиб олгандан буён,  
Сендан нари тутиб ўзини,  
Чиройингга боқмай қўйди-ю,  
Ғамга тўлиб, тунлар беуйқу  
Танҳоликни айлади одат,  
Қўлларингдан кетди саодат.

Ёш Мария яқиндагина  
Ўзга диёр кўкини кўрди;  
Гулдай ҳусни блан қизгина  
Ўз юртида яшаб юарди.  
Фахрланар эди у блан  
Қариб қолган отаси ҳар он.  
Қувончим, деб махтанув блан  
Эркалатар эди беармон.  
Унинг бола эрки чол учун  
Қонун эди, тингларди бутун.  
Мавжуд эди чолда бир тилак:  
Истардики, баҳор кунидак  
Очиқ бўлсин қизининг бахти,  
Хушнуд ўтсин умрбод вақти,  
Заррача ҳам қайғу ҳечқачон  
Юрагига солмасин туғ'ён.  
Ҳатто эрга чиққанида ҳам  
Хотирласин туш каби ҳар дам  
Беташвишу, беозор, беғам  
Яшнаб юрган қизлик чоғини,  
Осмондай кенг эрк қучоғини.  
Юмшоқ хулқи, севимли нози,  
Табиати, лазиз овози,  
Тўниб турган мовий кўзлари,

Дона-дона ширин сўзлари  
Бир-биридан кўп жозибатор,  
Ҳаммасида сиҳрли куч бор.  
Очиқ қўлли, сахий табиат  
Аямаган эди борини:  
Сан'ат блан бериб латофат,  
Безар эди гул дийдорини.  
Сиҳр тўла арфа<sup>1</sup> блан қиз  
Уй базмини жонлантирарди.  
Амалдорлар, бойлар изма-из  
Хотинликка сўраб юрарди.  
Шу қиз — йигит-яланг уйида,  
Оҳ деб юрар улар кўйида.  
Муҳаббатни Мария локин  
Билмас эди, юраги сокин.  
Отасининг қасрида озод  
Ўртоқлари блан ўйнаб шод,  
Учар қушдай ҳур ва хурсанд-ди.

У кўпданми бу ерда банди?  
Татарларнинг лашкари бир дам  
Дар'ё каби, Польшани босди:  
Хирмонларга тушган ёнғин ҳам  
Бу қадар тез ёйилолмасди.  
Хароб бўлиб қонли урушда,  
Етим қолди гуллаб ётган юрт,  
Бу бераҳм, ёвуз юрушда.  
Азоб чекди ғамга ботган юрт.  
Туғаб кетди шод, қувноқ чоғлар,  
Тўниб қолди қишлоқлар, боғлар  
Ҳоким бўлди саройда сукут...  
Мариянинг уйи жимжит, бўш...  
Уй ма'бади ичра бйр тўда

---

<sup>1</sup> Бирхил музика олати.

Мум'ёланган ўликлар хомуш  
Қатор ётар совуқ уйқуда,  
Князьликка махсус нишон-ла.  
Олтин тожу, ҳайбатли шон-ла  
Ўшаларнинг сафида яна  
Пайдо бўлди янги соғона...  
Ота гўрда, асоратда қиз,  
Кошонада бахил бир ворис  
Амри фармон бериб юради,  
Хароб бўлган ўлкада бу он  
Унинг оғир зулми дастида,  
Ёвуз тавқи-ла'нат остида  
Бадном бўлар бутун шараф-шон.

Ҳайҳот! Сақлар қўйнида қулдай  
Боқчасарой ёш князь қизин,  
Эркисизликда ёш тўкар, гулдай  
Сарғайтириб Мария юзин.  
Шафқат қилар у бахтсизга хон;  
Қиз чеккан ғам, нола-ю фиғон  
Уйқусини безовта қилиб,  
Гаройга ҳеч бермайди омон.  
Бечорага хон раҳми келиб  
Қат'ий ҳарам қонунларини  
Юмшатади унга атайлаб,  
Тунд пойлоқчи на тун, на кун  
Қиз олдига кирмайди пойлаб,  
Унинг ғамхўр, парволи дасти.  
Ётар чоқда, жойига уни  
Олиб чиқиб, ётқизмас асти,  
Марияга нигоҳ тикмакка.

Ботинолмас унинг кир кўзи;  
Жорияси блан қиз якка  
Хилват уйда чўмилар ўзи.

Асиранинг ғамгин оромин  
Бузиб қўймай, бўлмай деб зомин  
Хон ўзи ҳам қўрқар ичида;  
Ҳарамнинг бир йироқ бурчида  
Унга яшаш ижозат этган.  
Гўё унда самовий бир жон  
Яширинган, узлатга кетган.  
У ерда ҳеч тинмасдан бир он  
Азиз қизнинг олдида тун-кун  
Чироғ ёниб турарди бутун.  
У ерда қиз кўнглин юпатиб  
Мас'уд кечган ўтган замон-ла  
Ўз юртини дилга эслатиб  
Умид яшар ёввош имон-ла.  
У ерда ёш тўкар тинмай қиз  
Кундошлардан нарида, ёлғиз.  
Лекин атроф фарқ бўлмиш тамом  
Тентакларча бир ишрат ичра;  
Му'жиза-ла ажралган ҳужра  
Ёш санамни сақлайди омон.  
Озгин ҳислар қурбони кўнгил  
Бузуқ кайфлар орасида ҳам,  
Бир гаровки, сақлайди ҳар дам  
Бир илоҳий ҳисни муттасил.

Тун қорайди, босди қоронғу  
Тавриданнинг гул боғларини;  
Чаманларни маст қилди уйқу,  
Гуллар эгди япроқларини;  
Узоқлардан булбул зорини  
Эшитаман, ой дийдорини  
Кўрсатади юлдуз кетидан,  
Кўмкўк, тоза осмон бетидан  
Нур тўкади гулзор боғларга,  
Қуюқ ўрмон, баланд тоғларга

Боқчасарой кўчаларида  
Кечки маҳал, оқ рўмол ўраб,  
Оппоқ, ойдин кечаларида  
Бир-биридан ҳол-аҳвол сўраб,  
Гаплашишиб ўлтириш учун  
Оддий татар хотинлари тек  
Липиллашиб енгил соядек  
Уйдан-уйга кезишар бутун.  
Сарой тинган; ухлаган ҳарам  
Фароғатга чўмиб парвосиз;  
Тун тинчлигин бирон нарса ҳам  
Бузолмайди; содиқ муҳофиз  
Ўзи кезиб чиқиб бор-йўқни,  
Ётмиш; аммо тинч қўймас ташвиш  
Ҳатто унда ухлаган руҳни.  
Хиёнатни кутиб хавфланиш  
Ором бермас сра ҳам бунга:  
Гоҳ кимнингдир шивирлагани,  
Гоҳ бировнинг пичирлагани,  
Гоҳ қичқириқ эштилар унга.  
Беҳудага алданиб, бирдан  
Сапчиб турар, қалтироқ босар;  
Атрофига тинч қулоқ солар...  
Ҳар'ёқ сокит, сас йўқ бир ердан;  
Фақат ширин куйлаб томчилар  
Мармар ҳовуз ичра ўйнашар,  
Фақат булбул — бедор куйчилар  
Севимли гул узра куйлашар.  
Булар уни узоқ банд этар,  
Яна такрор уйқуга кетар...

Қандай хушдир билгучиларга  
Шарқ кечасин қора чиройи!  
Пайғамбарни севгучиларга  
Қандай ширин боқади ойи!

Уларнинг уй-ўчоғларида  
Мафтун этар гулбоғларида  
Ой остида сирларга тўлган  
Тинчлик блан ошно бўлган,  
Ором блан дарду-фароғат  
Тошиб ётган ҳарамларида,  
Кечаларнинг тинч дамларида  
Қандай кўрк бор, қандайин роҳат!

Хоннинг ҳамма хотинлари тинч  
Ухлар эди, биттаси нотинч,  
Ухлайолмай, ўрнидан туриб,  
Эшигини очди-ю, аста  
Битта-битта оҳиста юриб  
Ташқарига чиқди бир пасда...  
Қушдай мудраб, кўзи илиниб  
Қари оға олдида ётар.  
Агар бу иш унга билиниб  
Қолса, умри қайғига ботар...  
Оҳ, у чолнинг қаттиқдир қалби,  
Ялинганга бермас э'тибор:  
Уйқуси ҳам алдамчи, айёр!  
Ёнбошидан секин, руҳ каби  
Сездирмасдан ўтиб кетди у.

.....  
Бир эшикка бориб етди-ю,  
Қўли титраб, очди қулфини...  
Ичкарига кирди ва уни  
Сирли ваҳм босди шу замон,  
Ажабланиб боқди ҳартомон...  
Шамдон ёнар, тўкар сўник нур,  
Ялтирайди бурчакда бир бут,  
Қиз ётади, юзида сукут,  
Кўксида ххж порлаб кўринур.  
Эй гуржи қиз! Булар ҳаммаси

Эслатдилар сенга мозини,  
Гуё, ўтган кунларнинг саси  
Айтган каби бўлди розини.  
Кўз олдида тинч роҳат блан  
Ухлаб ётар у князь қизи,  
Қизликка хос ҳарорат блан  
Оташ каби қизариб юзи,  
Кўринади кўз ёши изи,  
Заиф жилва бетида ёнар;  
Ёмғир ювиб ўчиб кетган ранг  
Ойнинг хира нурида аранг  
Худди шунга ўхшаб товланар.  
Гуё малак мовий осмондан  
Учиб тушиб, ухлаб ётгандай,  
Асирага ачиниб жондан,  
Уйқусида йиглаб ётгандай.  
О, Зарема, не бўлди сенга?  
Чидолмади, қалби сиқилди,  
Беихтиёр ерга йиқилди.  
Ва ялиниб: „Ачингил менга,  
Рад этмагил арзимни!“ деди.  
Унинг сўзи, у чеккан фиғон,  
Ухлоқ қизни чўчитиб, шу он  
Уйқусидан уйғотган эди.  
Князь қизи туриб, олдида  
Бир бегона хотинни кўрди.  
Қўрқиб унга қараб қолди-да,  
Ҳаяжон-ла қалтираб сўрди:  
„Кимсен? Тунда, танҳо нечун сен  
Бу ердасан?“ — „Сенга келдим мен,  
Омон бергил, тақдирим учун  
Менга фақат қолди бир чора...  
Раҳм айласанг, йўқолса зора  
Умрим уфқин қоплаган тутун.  
Бахт қўйнида кўп ҳузур қилдим,



На қайғуни, на ғамни билдим...  
Ўтди ором берган у соя,  
Тингла, ҳалок бўлмайин зоя.

Мен бу ерда туғилганим йўқ,  
Менинг юртим йироқдир, йироқ.  
Ўтган кунлар, у дардли фироқ  
Ёдимдадир ҳали ҳам тўлиқ.  
Ёдимдадир гуллаган боғлар,  
Осмон блан ўпишган тоғлар,  
Тоғдан оққан ирмоқлар, сойлар,  
Ўтиб бўлмас қалин тўқайлар,  
Ёдимдадир у олис кунлар,  
Ўзга одат, ўзга қонунлар.  
Аммо қандай тақдир-ла, нечун  
Ўз юртимдан айрилганимни,  
Бу ёқларга қайрилганимни  
Билмайман мен; фақат қора тун,  
Елкан узра турган одаму  
Ҳамда денгиз эсимда, холос...  
Қўрқувдан пок, тинчликда хандон,  
Ҳарам ичра гуллаб юрардим.  
Итоатли кўнгил-ла ҳар он  
Ишқ дарсини кутиб турардим.  
Менинг сирли орзуларим тез  
Ушалдилар; қонли урушдан  
Чарчаб, даҳшат солган юрушдан  
Қайтиб келди ҳарамга хунрез.  
Та'зим қилиб, хоннинг олдига  
Биз ҳаммамиз чиқдик. У менга  
Диққат блан, индамай, сўзсиз  
Очиқ, нурли назарин солди,  
Сўнгра мени чақириб олди...  
Шундан бери биз ками-кўстсиз;  
Ажралишмай, роҳатда масрур

Нафас олдик бахт блан ҳар дам,  
Бирор марта на фитна, на гам,  
На тухмату, на шубҳа, қусур,  
На азобли рашкнинг ситами,  
На хафалик ва на алами  
Бизга панжа сололгани йўқ,  
Бахтимизни ололгани йўқ.  
Мария, сен дуч келдинг унга,  
Бир кўришда хуш келдинг унга...  
Шундан бери кўнгли торайди,  
Жиноятли ўй-ла қарайди!  
Хиёнат-ла етказиб озор,  
Эшитмайди ҳеч итобимни,  
Сўрамайди асти тобимни,  
У ноладан, фиғондан безор;  
У, эскидай менга толпинмас,  
Менда энди аввалги нафис  
На ширин сўз унга ва на ҳис  
Гўё битган, гўё топилмас.  
Жиноятга бедахлсан сен,  
Мен биламан, айб сенда эмас...  
Демак, тингла: чиройлиман мен,  
Менга ҳечким тенглашаолмас.  
Биргина сен ҳарамда бутун  
Рақиб бўлаолардинг менга;  
Аммо, айтиб қўяй мен сенга,  
Туғилганман эҳтирос учун.  
Сен мен каби севаолмайсан;  
Совуқ кўркинг блан сен нечун  
У бир ожиз дилни қийнайсан?  
Қўй Гаройни; у менинг ёрим,  
Бўсаси-ла ёнар рухсорим;  
Менга қат'ий қасам'ёд этган;  
Қўпдан бери бутун армонин,  
Ўй ва хоҳиш, аҳду паймонин

Мен-ла буткул иттиҳод этган;  
Хиёрати мени ўлдирар,  
Хазон этар, гулдай сўлдирар...  
Мен йиғлайман; кўргил, тизимни —  
Букдим сенинг қаршингда, мана,  
Сарғайтирма менинг юзимни,  
Ялинаман қайтариб яна,  
Севинчимни, оромимни бер,  
Ул бурунги Гаройимни бер...  
Менга зарра этма э'тироз,  
У меники, сенга асирдир,  
Йўлларингда кўзи басирдир.  
Хоҳ таҳқир эт, хоҳи қилиб роз,  
Не истасанг, айлагил шуни,  
Аммо бездир ўзингдан уни,  
Онд ич... (Гарчи, мен қур'онни деб,  
Муҳаббатни ҳамда хонни деб  
Ўз динимни сотган бўлсам ҳам,  
Аммо менинг онамнинг дини  
Сенинг дининг эди.) Кел, мени  
Ҳалос айла, ёд этгил қасам,  
Ўша дин-ла онд ич, Гаройни  
Заремага қайтармоқ учун...  
Билгил, агар йўқ десанг менга,  
Кўрсатурман ханжарнинг кучин...  
Она юртим яқин Кавказга“.

Шу сўзларни айтди-ю, бирдан  
Ғойиб бўлди дарҳол у ердан.  
Та'қиб этмоқ учун изма-из  
Ботинолмай, дов қилмай дили,  
Орқасидан чиқолмади қиз.  
У азобли эҳтирос тили  
Ма'сумага асло ошномас;  
Аммо унинг овози, у сас

Сал анигу, ажойиб эди,  
Қўрқув тўла гаройиб эди.  
Қандай ёшлар, қандайин фар'ёд  
Бу хўрликдан айлайди озод?  
Не кутади уни? Ноҳот, у  
Қолган аччиқ ёш кунларин шу —  
Асоратда ўтказади зор?  
Эй худойим, эй парвардигор!  
Агар Гарой бахтсизни мангу?  
Шу махбасда унутса эди,  
Ё ғамлардан халос айлаб, у  
Улимга тез юз тутса эди,  
Қандай шодлик блан ғам тўлган  
Бу жаҳонни тарк этарди қиз!  
Кўпдан ўтган ҳаётнинг лазиз  
Лаҳзалари, кўздан йўқ бўлган!  
Не бор энди унга дун'ёда?  
Вақти етди, кутарлар уни:  
Катта очиб ором қўйинини  
Чақирарлар уни самода...

.....  
Кунлар ўтди, кетди Мария,  
Тарки умр этди Мария.  
Кўпдан орзу этган оламни  
Янги малак каби ёритди.  
Аммо уни, гўзал санамни  
Нелар мозор қўйнига элтди?  
Асоратми, ҳасратми, ғамми,  
Эрксизликда тортган ситамми,  
Касалликми, ё бошқа бир шар?  
Ким билади? Ундан йўқ хабар...  
Латофатли Мария ўлмиш,  
У ёш ғунча очилмай сўлмиш!  
Бўшаб қолди тумрайган сарой,  
Ташлаб кетди юртини Гарой!

Яна ўзга қирғоқлар томон  
Уруш блан кетди ёвуз хон;  
Тағин тўфон бўронлар ора  
Ғамгин учар қон қусаб хунрез,  
Аммо унинг юраги қора,  
Оловланар унда бошқа ҳис.  
У кўп чоқлар тўқинишларда  
Қиличини тикка ушлар-да,  
Яна бирдан қотиб қолади,  
Жинниларча назар солади,  
Атрофига бўзариб, гўё  
Ваҳимага тўлгандай дили,  
Аллanelар гулдираб тили,  
Ёш тўкади бамисли дар'ё.  
Унутилган, разил у ҳарам  
Хон юзини кўрмайди бу дам;  
Унда, азоб қўйнида маҳкум,  
Ҳақир оға қўлида мазлум  
Қаримоқда хотинлар ғамда.  
Кўпдан улар ичра ҳарамда  
Гуржи хотин кўринмас; уни  
Муҳофизлар дар'ёга отган,  
Бечора, сув тубига ботган...  
Князь қизи жон берган туни  
Бажарилиб бу қонли қазо,  
Кўзин юмган Зарема... Эвоҳ,  
Қандай оғир бўлмасин гуноҳ,  
Кўп даҳшатли бўлган бу жазо!

Кавказ қўшни тупроқларини,  
Русьнинг типтинч қишлоқларини  
Уруш блан қилиб кўп вайрон,  
Тавридага қайтиб келди хон.  
Саройнинг чет бурчини сайлаб,  
Марияга эсдалик айлаб

Мармарлардан ясатди фонтан;  
Тепасида Муҳаммад моҳи  
Бир бут блан тақдис этилмиш.  
(Рамз, албатта, бўлмағур бир иш,  
Нодонликнинг аянч гуноҳи.)  
Ёзувлар бор; кечиб кўп йиллар,  
Ҳали ўчиб кетмаган улар.  
Ҳали мармар ҳовуздан сувлар  
Қирғоқларга тошиб гувуллар.  
Тиним билмай, тўхтамай бирон  
Дона-дона ёш тўкар фонтан,  
Ўғли жангда жон берган она  
Ҳудди шундай йиғлайди ёна...  
Ўтмишнинг бу ривоятини  
Ўёқларда қизлар билишган,  
Сўнгра ғамгин ҳайкал отини  
„Ёш фонтани“ бўлсин дейишган.  
Мен Шимолни ташлаб ниҳоят,  
Базмларни кўпдан унутиб,  
Боқчасарой томон йўл тутиб,  
Мудроқ кўшкни қилдим зиёрат;  
Халқ офати, жангари татар  
Ишрат қилиб, базмлар қурган,  
Урушлардан сўнгра бехатар,  
Беками-кўст фароғат сурган  
Тинч саройни мен танҳо кездим;  
Тинч уйларда, боғларда сездим;  
Ҳамон роҳат яшар туни-кун,  
Сувлар қайнар, гул чечак отар,  
Ток занглари товланиб ётар,  
Деворларда ярқирар олтин.  
Мен у ерда, — тинмай оҳ уриб,  
Ҳасрат ютиб, тасбиҳ ўгуриб,  
Баҳорида яшнамай сўлган  
Хотинларнинг макони бўлган

Панжарали дарчалар кўрдим.  
Кунгирали парчалар кўрдим  
Кўрдим хонлар қабристонини,  
Хўжаларнинг сўнг маконини.  
Гўрлардаги мрамар стунлар  
Гўё тақдир ҳақида секин  
Ҳазин-ҳазин таратиб унлар  
Сўзлагандай туюлди... Лекин  
Хонлар қани? Қани у ҳарам?  
Бутун атроф қайғули ва жим,  
Ўзгармишдир... Аммоки у дам  
Бу блан банд эмасди дилим.  
Атр гуллар майин нафаси,  
Фонтанларнинг куйлаган саси  
Жазб айлади, қилди фаромуш;  
Ихтиёрсиз; менда ақл-ҳуш  
Номуайян тўлқинга тушди,  
Шунда сарой ичида бир қиз  
Соя каби сирли ва изсиз  
Кўз олдимда липиллаб учди!..

• • • • •  
Дўстлар, кимнинг соясин кўрдим?  
Айтинг менга, мен сиздан сўрдим:  
У кўринмас, сеvimли, юмшоқ  
Кимнинг шакли, мени ўша чоқ  
Та'қиб этган эди? Ким эди?  
Чор атрофим сокин, жим эди...  
Мариянинг тоза жоними,  
Ё, Зарема рашк блан тўлиб,  
Бўш ҳарамда бир соя бўлиб  
Кўз олдимдан ўтган оними?

Ёдимдадир шундай бир чирой,  
Худди шундай сеvimли нигоҳ...

Дил ўшанга учар бутунлай,  
Қувгинда ҳам ғуссаси, эвоҳ.  
Эй, ақлсиз, бўлди! Энди, бас!  
Ғусса чекма, фойида бермас.  
Бахтсиз ишқнинг нотинч, ноилож  
Ис'ёнига бермишсан хирож —  
Ҳушингни йиғ, тўсиқларни буз,  
Токайгача сен ожиз маҳбус  
Кишанларни ўпиб ётасан?  
Токайгача енгил тор блан,  
Бу оламда оҳу-зор блан,  
Жунунингни ошкор этасан?

Мен музанинг мухлиси, ёри,  
Фароғатнинг мурид, хуштори,  
Тездан, бутун шуҳрат ўйлари  
Ҳам севгини буткул унутиб,  
Яна сизга томон йўл тутиб,  
Кўраман, шўх Салғир бўйлари!  
Хотиралар асири бўлиб,  
Мен бораман ўша ёқларга,  
Денгиз бўйи баланд тоғларга.  
Тавриданиянг сувлари тўлиб,  
Хурсанд этар хорис кузимни,  
Ҳур сезаман яна ўзимни.  
Сихрли юрт! Кўзим қувончи!  
Юрагимнинг эрка юпончи!  
У ерларда ҳар на жонлидир;  
Урмон, води, яшнаб ётган қир,  
Узумларки, ёқут, қаҳрабо,  
Тераклару, сувлар дилрабо,  
Таралганда, эсганда сабо,  
Айиқ тоғнинг айланасида  
Зангори кўк ярқирар экан,  
Тиниқ, кўмкўк сувнинг пастида



Қизғиш нурлар барқ урар экан;  
Тоғлар ошиб, қирғоқ йўллардан  
Учар экан йўлчининг тойи,  
Унинг кўзин ўнгу-сўллардан  
Жазб этади бу ер чиройи!..





## ЛУЛИЛАР

Лўлилар шовқинли тўда бўлишиб,  
Бессарабияда кўчиб юрарлар.  
Бир дар'ё лабида бугун қўнишиб,  
Жулдир чодирларин қуриб тунарлар.  
Озодлик сингари хурсанд, беқайғу  
Само остидаги ётоқ, тинч уйқу.  
Йиртиқ гиламчалар ярим осилган  
Арава ғилдираги ораларида  
Ўт ёнар: оила жам'улжам бўлган,  
Кечки ош тайёрлар; дала бағрида  
Отлар ўтлаб юрар; чодир кетида  
Қўл бола айиқ ҳам олади ором,  
Ҳар нарса жонлидир саҳро бетида:  
Эрталаб сафарга жўнаб кетучи  
Тоту оиланинг тараддуд ўйи,  
Болалар шовқини, хотинлар куйи,  
Сафар сандонининг янгроқ товуши.

Ниҳоят кўчманчи таборга шу он  
Мудроқ бир сукунат бўлди ҳукмрон.  
Фақат ит ҳуруви, от кишнашлари  
Саҳро тинчлигини турипти бузиб.

Сўнмишдир чироғу-ўтларнинг бари,  
Ҳарён тинч; самода ой аста сузиб,  
Шу жимжит таборни безар нурлари.  
Бир чодир ичида бир кекса бедор;  
Ўғларнинг ёнида ўлтирар ўзи,  
Ўтнинг сўнг таптидан олгандай мадор;  
Тикилмиш фақирнинг чарчаган кўзи  
Тун буғи қоплаган қирга нигорон.  
Чунки мўйсафиднинг ёшгина қизи  
Сайр қилиб кетмиш бўш саҳро томон.  
Унга шўх эркинлик одат, у, омон  
Қайтади: ва лекин тун ярим бўлди.  
Ой ҳам кўкни ташлаб ботиб қолади:  
Земфира ҳамон йўқ; чол ғамга тўлди,  
Фақир овқати ҳам қотиб қолади.

Ана у келмоқда... Лекин изма-из  
Саҳрода келади қизига ҳамдам,  
Лўлига нотаниш бир йигитча ҳам.  
„Ота, — деди келиб мўйсафидга қиз —  
Мен меҳмон келтирдим; адрдан нари  
Чўлда бу йигитни қолдим учратиб  
Ҳам бунда тунашга айладим таклиф.  
У лўли бўлмоқчи бизлар сингари;  
Бу йигитни қонун та'қиб этаркан,  
Ва лекин бўлғумдир мен унга дилдор.  
Исми Алекодир, — деди, — кетимдан  
Ҳар қайга бўлса ҳам бормоққа тайёр“.

## Ч о л

Мен хурсанд. Қола қол эртага қадар,  
Ана чодиримиз истасанг агар.  
Ундан узоқроқ ҳам биз блан ол дам,

Бахам кўр биз блан тузу-нонимни,  
Юрт эткин шу жулдир соябонимни.  
Чиниқ ва бўл бизнинг тақдирга ҳамдам,  
Дайди ғарибликка, эркинликка ҳам;  
Эртага ҳаммамиз туриб илк саҳар  
Битта аравада этармиз сафар;  
Истаган ҳунарни ўрганиб олгин:  
Истасанг — болға ур, истасанг, куйла,  
Истасанг — айиқни ўйинга солгин,  
Ихтиёр ўзингда, танагга ўйла.

### А л е к о

Қоламан.

### З е м ф и р а

Меники бўлур у энди,  
Қани тортиб олар экан мендан ким?  
Энди кеч... Янги ой кўкда беркинди,  
Ана саҳрода ҳам сукунат инди.  
Кўзларимни юмиб келмоқда уйқим...

---

Тонг отди. Ҳали тинч чодирлар четин  
Айланар эди чол аста ва секин.  
„Тур-тур, ҳой Земфира, қуёш чиқди, тур.  
Уйғон, ҳой меҳмоним, туриш вақти, тур,  
Ноз уйқу ўрнидан туринг болалар!“  
Шовқин-ла қўзғолди ҳамма бир пастда,  
Чодирлар йиғилди ва аравалар  
Йўлга тайёр бўлди, ҳамма пайваста:  
Ёши-ю — қариси, хотин — эркаги  
Кетабошладилар қупқуруқ чўлда.  
Эшаклар кетмоқда саватлардаги

Қувноқ болаларни тебратиб йўлда;  
Қий-чув, лўлиларнинг куйи, оҳанги  
Айиқ бўкириши, — биткудай қулоқ,  
Жулдир кийимларнинг ҳар турли ранги,  
Ёш ва қариларнинг яланғоч ҳоли,  
Итларнинг ҳуриши ва ингровлари,  
Сурнай товушлари... буларнинг бари  
Ҳам фақир ҳам ваҳший, тартибдан йироқ;  
Ва лекин тирикдир, ҳаяжонлидир,  
Қуллар қўшиғидай бирхил, кўнгилсиз,  
Бизнинг ҳашаматли, наш'али, лек сусти  
Ҳаётдан гўзалдир, ўтли, жонлидир.

---

Билолмай ғамининг сирли сабабин  
Йигит бўмбўш чўлга мунгли боқарди,  
Ҳаёли қайдадир қанот қоқарди,  
Ва шу боққанича қолар эди тин.  
Қора кўз Земфира бирга-ку, ахир  
Ҳозир у ҳаётда ҳаммадан ҳам ҳур,  
Жануб ҳусни блан яшнаган, хурсанд  
Қуёш жилмаяди устида бу дам,  
Қандай ҳаяжонла унинг қалби банд,  
Уни қийнаётган қай ташвиш, қай ғам?

Тангри қуши билмайди  
Надир ғам, надир меҳнат,  
Абадий ин солмайди  
Тартиб дарду-машаққат,  
Узоқ тун шохда мудрар;  
Чиққач қуёш бўлиб чўғ,  
Тангри нидосин тинглар,  
Сесканар, айтар қўшиқ.  
Гўзал баҳор кетидан  
Саратон ёз ўтади —

Ёмиру-қор ҳам туман  
Кеч куз ин'ом этади.  
Ташвишга тушар инсон;  
Келар баҳорга қадар  
Жанубга, денгиз томон  
Қушча ҳам учиб кетар.

Худди шу ташвишсиз қушча сингари  
У ҳам ҳеч тинимсиз қувғун — сарсари,  
Хавфсиз бир масканни билолмас эди  
Ҳеч нарсага кўнгил қўёлмас эди.  
Унга очик эди ҳар томонга йўл,  
Бор эди ҳар ерда тунашга изин;  
Уйғонгач, топширар эди кундузин  
Худонинг эркига; қалбининг мажҳул  
Эринчаклигига беролмас барҳам  
Ҳаётнинг шунчалик ҳаяжони ҳам.  
Ва уни ба'зида сиҳрли шуҳрат  
Юлдузи узоқдан қилади имо,  
Намоён бўлади олдида зийнат,  
Муҳташам дабдаба ҳам наш'у-намо;  
Унинг ёлғиз боши устида кўп вақт  
Гулдирак гулдираб, ёқилади ўт;  
Чақмоқлар чаққанда гар бўлса хушбахт,  
Очик кунлар келса қилади сукут.  
Кўр, маккор тақдирнинг ҳукмини иқроп  
Этмай кун кечирди йигит бу замон,  
Ва лекин, ёрабий, шу итоаткор  
Дилида ихтирос кўтарар туг'ён.  
Қандай ҳаяжонла қайнар эҳтирос,  
Унинг азоб чеккан сийнасида, оҳ!  
Кўпдан сўндимикан, ухларми бироз,  
Улар уйғонарлар; тўхта, бўл огоҳ!

## Земфира

Сўзлачи, азизим, афсусмасмисан  
Бор-йўғинг мангулик тарк этганингчун?

Алеко

Нимани тарк этдим?

## Земфира

Мен демоқчиман:  
Ватандошларингни, шаҳринг ва бутун...

Алеко

Нега афсусланай? Билсанг эди сен,  
Озгина тасаввур қилсанг эди сен:  
У, дим шаҳарларнинг эрксизлигини!  
Одамлар қафасда, билмас ноҳорнинг  
Муздай шаббодасин, ҳам навбаҳорнинг,  
Чаман далаларнинг тотмас ҳидини;  
Ишқдан ор қиларлар, ра'ини қуварлар,  
Улар кун кўришар эрklarин сотиб,  
Бутлар қаршисида бош эгиб, қотиб,  
Оқча ҳамда кишан сўрарлар улар.  
Нимани тарк этдим? Ғавғо, хиёнат,  
Урфу-одатларнинг жаҳолат ҳукми,  
Аламондан кўрган қувғуну-кулфат  
Ва ёки ялтироқ бир хўрлик! Шуми?!

## Земфира

Броқ у ерларда зўр кошоналар,  
Чамандай ёнучи ранггоранг гилам.

Ундаги кайф-сафо, зиёфат, ҳашам  
Қизлар ясанида ёнган гавҳарлар.

### А л е к о

Надур шаҳарларнинг хушвақт шовқини?  
Муҳаббат йўқ ерда севинч не қилар!  
Қизларни гапирдинг... Билгинки шуни,  
Қиймат либоссиз ҳам, бедур, бежавҳар  
Улардан афзалсан ҳамда му'табар!  
Фақат вафодорим бўлгин, жонгинам!  
Менчи... Жоним, менинг бир истагим бор:  
Қувгин кунларида муҳаббатинг ҳам  
Лаззатли дамларга бўлсам сазовор.

### Ч о л

Туғилган бўлсанг ҳам, ўғлим, бадавлат  
Одамлар ичида, севалдинг бизни;  
Лекин ким роҳатга қилмишдир одат  
Ҳарвақт ҳам букмайди эрк учун тизни.  
Бордир орамизда шундайин дoston:  
Подшоҳ ҳукми блан бир вақт биз томон  
Сургун қилинмишди жанубли бир зот <sup>1</sup>  
(Билар эдим унинг номин у замон,  
Ҳозир ёдимда йўқ ўша ажиб от).  
Гарчанд унинг ёши анча бор эди,  
Ва лекин ёш эди ғаразсиз дили:  
Куйлашда мислсиз сан'аткор эди  
Шўх ирмоқ сингари жаранглар тили.  
Ҳурмат, муҳаббатга бўлиб сазовор,  
Дунай бўйларида кечирди ҳаёт,  
У, зот ҳеч кимсага бермасди озор,  
Дилларни этарди қиссаларла шод.  
Лекин ҳечнарсанга етмасди фаҳми,



Гўдаклар сингари заиф ва қўрқоқ;  
Унга бошқаларнинг келарди раҳми,  
Унга емак овлаб берарди ҳар чоғ;  
Музлаши бланоқ тез оқар дар'ё  
Қишқи бўронлар ҳам бошланиб кетди,  
Ва дарҳол ҳалиги муқаддас бобо  
Юмшоқ либосларга бурканиб кетди.  
Лекин чол ҳечқачон бу каби йўқсил  
Ҳаётга кўникмай қайғирди буткул.  
У доим дер эди, дарғазаб худо  
Қилган гуноҳичун жазолар берди,  
Гўзал ватанидан айлади жудо,  
Қутулиш бўларми, деб кутар эрди.  
Дунай соҳилида танҳо кезаркан,  
Ёлғиз унга бўлди хотира йўлдош.  
Узоқларда қолган шаҳрин эсларкан,  
Аччиқ-аччиқ тўкди кўзларидан ёш.  
Яна ўлар чоғда қилди васият:  
Ғам блан қариган устихонлари,  
Жануб тупроғига қўйилсин албат.  
Чунки ёт ўлканинг ёт меҳмонлари  
Улса ҳам юпанмас, ётдир қонлари.

### А ле ко

Эй, Румо, шавкатли улуғ мамлакат,  
Мана фарзандларинг тақдири надир!  
Эй, севги, илоҳлар қўшиқчиси <sup>2)</sup>, айт,  
Айт менга шуҳратнинг та'бири надир?  
Наслдан-наслга кўчган бу садо  
Мозор гулдирави, мадҳлар сасими,  
Ё чодир ичида ўтирган гадо  
Ваҳший бир лўлининг ҳикоясими?

Икки йил вақт ўтди. Лўлилар ҳамон  
Тотув туркум бўлиб кезиб юрарлар.  
Улар қаердаки бўлсалар меҳмон,  
Шу ерда ҳурмату-экрот кўрарлар.  
Урфон занжирига ўқиб минг нафрат,  
Алеко лўлилар сингари овоз;  
Унда на пушаймон, афсус, машаққат,  
Кўчманчи ҳолатда яшайди у шод.  
У — ўша Алеко, оила ҳам шу;  
Бутунлай унутиб ўтмиш йилларин,  
Лўли ҳаётига кўникмишди у.  
Севди жарангли ва қашшоқ тилларин  
Севди лўлиларнинг ётоқларини,  
Мангу танбалликнинг маст чоғларини.  
Айиқ ўз инининг эркин қочоғи,  
Унинг чодирига бир пахмоқ меҳмон,  
Молдаван қасрининг яқинидаги  
Сахро йўлларида ўрнашиб қолган  
Кентларда эҳтиёт турган аламон  
Олдида судралиб ўйнар, ҳойқирар,  
Ҳам оғир кишанин тинмай кемирар.  
Чол ўз ҳассасига суяниб ҳамон,  
Эринчаклик блан чилдирма чолар,  
Алеко айиқни ўйнатар куйлаб,  
Земфира одамлар даврасин бўйлаб,  
Сахий қўллар берган эҳсонин олар.  
Кун ўтиб, кеч бўлар яна учовлон  
Тариқ ва қўноқдан пиширар овқат;  
Чол ухлаб кетади — тинчир ҳар томон,  
Чодирга чўкади тинчлик ва зулмат.

Баҳор қуёшининг нурлари блан  
Чол музлай бошлаган қонин илитар;  
Беланчак ёнида қиз қўшиқ айтар.  
Алеко бўзарар куйни тингларкан.

## Земфира

Қари эр, даҳшатли эр,  
Сўй бу дам, ёндир бу дам:  
Аҳдим қат'ий, қўрқмайман  
Пичоқдан ҳам, ўтдан ҳам.

Нафрат ўқийман сенга,  
Мен сендан жирканаман;  
Мен севаман бошқани,  
Севгисила ўламан.

## Алеко

Бас, дейман, қўшиқдан мен бўлдим безор,  
Ваҳший қўшиқларни яхши кўрмайман.

## Земфира

Шундайми? Севмасанг непарвойим бор!  
Қўшиқни мен ўзим учун куйлайман.

Сўй бу дам, ёндир бу дам!  
Бир сўз демайман броқ.  
Қари, эр, даҳшатли эр,  
Уни билиш қийинроқ.

У баҳордан гўзалдир,  
Қайноқроқ ёзги кундан,  
Ҳам ёшдир, ҳам дов юрак!  
У мени севар чиндан.

Мен уни эркаладим.  
Тун жимлиги тушганда!  
Биргалашиб кулишдик,  
Оқ сочингдан ўшанда!

Алеко

Бўлди, бас, Земфира, ҳаммаси равшан...

Земфира

Демак тушунарли, менинг қўшиғим?

Алеко

Земфира!..

Земфира

Койишга буткул ҳақлисан.  
Қўшиқни сен ҳақда, сенга деб айтдим.

„Қари эр, даҳшатли эр“ қўшиғини айтиб кетади.

Чол

Ёдимда: тарқалган эди тўқилиб  
Мана шу ашула бизнинг замонда,  
Кўпдандир дун'ёнинг эрмаги бўлиб  
Айтилиб юради ҳануз, ҳар ёнда.  
Кезганда биз Кагўл<sup>3)</sup> биёбонида,  
Менинг Мариулам, ба'зан, қиш туни  
Тебратиб қизини олов ёнида  
Жуда гўзал қилиб айтарди шуни.  
Менинг хаёлимда ўтган саналар  
Соат ўтган сари хира тус олди;  
Ва лекин бу қўшиқ шу кунга қадар  
Менинг хаёлимда ўрнашиб қолди.

Ҳарёқ тинч; тун сокин; жанубнинг зангор  
Тоза уфуғини ой безар эди,  
Земфира отасин уйғотиб, деди:  
„Отажон, Алеко жуда беқарор:  
Эшит, уни босган уйқу аралаш,  
Нолали йиғлайди, инграйди, яккаш“.

### Ч о л

Озор берма унга, ўтирабер жим.  
Мен рус афсонасин эшитган эдим:  
Эмиш, тун саҳарга яқинлашганда  
Ба'зан уйқудаги одам нафасин  
Уй руҳи сиқармиш; тонг ёришганда  
Ғойиб бўлар эмиш, ишинг бўлмасин.

### З е м ф и р а

Ана, „Земфира“ деб пичирлар тез-тез.

### Ч о л

Ҳатто тушида ҳам излар сени ул:  
Сени бор жаҳондан билади азиз.

### З е м ф и р а

Тўйдим севгисидан, зерикдим буткул,  
Юрагим озодлик этади талаб,  
Энди мен... Ота жим! Эшитдингми-а?  
У бошқа номни ҳам айтди ҳижжалаб.

### Ч о л

Қандай ном?

## З е м ф и р а

Қулоқ сол. Инграш ва нола,  
Тиши ғижирлайди! Қандай баҳайбат;  
Уни уйғотаман!

## Ч о л

Фойдасиз фақат,  
Қизим, уй руҳини ҳайдама ҳечвақт;  
Ўзи ҳам кетади.

## З е м ф и р а

Тўлғонди ана;  
Бошини кўтарди; уйғонди ана;  
Олдига бораман, сен ёт, қил роҳат.

## А л е к о

Қайдайдинг?

## З е м ф и р а

Ўтирган эдим отамла.  
Уйқингда юрагинг тортди кўп алам,  
Қандай бир оғир руҳ қилди ҳамла.  
Мени хўб қўрқитдинг: тишларингни ҳам  
Шундайдир ғижирлатдинг, тинглаш ҳам  
оғир...  
Ва мени чақирдинг.

## А л е к о

Туш кўрдим сени.  
Тушимда, гўёки ўртамизда бир...  
Оғир, мудҳиш ўйлар чулғади мени.

## З е м ф и р а

Асло ишонмагин маккор тушларга.

А л е к о

Йўқ, йўқ, ҳечнарсасага йўқдир ишончим,  
На тушга, на ширин ўтинишларга,  
Ҳатто қалбингга ҳам ишонмайман, чин!

Ч о л

Нелар тўғрисида сен девонавор  
Ғам-нола қиласан бунда доимо?  
Бунда инсон озод, тиниқдир само,  
Ҳотинлар ҳусн ила бўлмишдир донгдор.  
Йиғлама, изтироб маҳв этар сени.

А л е к о

Отажон! Земфира севмайди мени.

Ч о л

Шукур қил биродар, у бир гўдақдир;  
Қайғу-ҳасратларинг сенинг нома'қул:  
Сенинг севгинг бўлса чинакам, мушкул,  
Хотиннинг севгиси бу ҳазилдақдир.  
Ана боқ: у узоқ самода тинмай  
Ой ўз майли блан ўйнаб юрипти;  
Бутун табиатга у йўл-йўлакай  
Шу'ласин баравар сочиб турипти.  
У бирор булутга назар ташларкан,  
Уни ўз нурила этар муҳташам,  
Сўнгра бошқасига кета бошларкан,  
Узоқ қолаолмас ой у ерда ҳам.

Ҷим унга кўрсатар самода бир ер,  
Диялар: мана шу ердан силжима.  
Ким қизнинг қалбига буйруқ қилиб дер:  
Фақат сев бирини, ўзгани дема?  
Шукур қил!

## А л е к о

Илгари у севар эди!  
Кўксимга бош қўйиб шундай мулойим,  
Сахро сокинлиги қўйнида доим  
Мен блан тунларни ўтказар эди!  
Болалар сингари севинчга тўлиб,  
Дам-бадам ширин сўз, суюшлар блан  
Ва ёки роҳатли ўпишлар блан  
Ғаму-ҳасратимга у шерик бўлиб,  
Мени бир минутда юпатар эди!  
Энди-чи? Земфира севгиси сўниб,  
Мендан кўнгли буткул қолипти энди!

## Ч о л

Қулоқ сол, сўзлайин, ўғлим, сенга ман.  
Бир кичик ҳикоя ўз ҳаётимдан.  
Жуда кўп замонлар бундан муқаддам  
Дунайга таҳлика солмасдан москал<sup>4</sup> —  
(Кўрдингми Алеко: дилда эски ғам  
Уйғонабошлади, эслаш блан сал.)  
У пайт қўрқар эдик бизлар султондан;  
Буджакда<sup>5</sup> бир ҳоким ҳукм сурарди  
Оққирмон қал'аси<sup>6</sup> юксак макондан —  
Мен бўлсам ёш эдим; қалб жўш урарди,  
Жингалак сочларим ичида ҳали  
Битта ҳам кўринмас эди оқ тола;  
Бор эди қизларнинг жуда гўзали,



Гўзаллар ичида ўзи ягона...  
Мен унга қуёшдек сиғиниб ғоят,  
Ишқи блан ёндим кечаю-кундуз,  
Ва у қиз меники бўлди ниҳоят.

Оҳ, менинг ёшлигим бир учар юлдуз  
Сингари ярқираб ўтиб кетди тез!  
Лекин сен ишқ дами, латофатли кез,  
Яна ҳам тез ўтдинг: Мариула мени  
Фақат бир йил севди ўша гўзал қиз.

Учраб қолди бошқа лўли йиғини  
Кагул сувларининг бўйида бир кун;  
Биз қўнган адрда у лўлилар ҳам  
Чодирларин тикиб, бўлдилар ҳамдам,  
Тунадик уларла бирга икки тун.  
Учинчи кечаси ўша лўлилар  
Бошқа бир тарафга этдилар сафар,  
Менинг Мариулам ташлаб қизини  
Шу тун тутиб кетди улар изини.  
Мен қотиб ухлабман. Жилмайди қуёш;  
Кўз очсам ёнимда йўқ мунис йўлдош!  
Изладим, чақирдим — йўқ ундан асар.  
Қумсаб Земира ҳам бошлади гир'ён,  
Мен ҳам йиғлавордим!.. Шу кундан буён  
Дилимга сиғмайди ҳечқандай лобар;  
Кўзларим қизларнинг ораларидан  
Ўзига бирон ёр танлаган эмас,  
Ёлғизлик дамлари эзганда ҳам ман  
Бўлмадим кимсага ҳануз ҳамнафас.

## А л е к о

Нечун изларидан сен югурмадинг  
Ўша соатдаёқ ношукур ёрнинг

Ҳам ваҳший олчоқлар, ҳам ҳийлакорнинг  
Тошдай юрагига ханжар урмадинг?

### Ч о л

Не фойда? Бу ёшлик қушдан ҳам озод.  
Севгини ушлашга кимнинг ҳадди бор?  
Гал блан ҳамма ҳам бўлғусидир шод;  
Қўлдан кетган нарса, келмайди такрор.

### А л е к о

Мен бундай эмасман, курашсиз асло  
Воз кечаолмайман ҳуқуқларимдан;  
Жуда бўлмаганда ўч олиш блан  
Қилғумдир албатта мен кайф-сафо.  
Учратсам денгизнинг тик қирғоғида  
Ёвимни маст уйқу олган чоғида,  
Қасам'ёд этаман, бунда ҳам маш'ум  
Ёвузга оёғим этмас тараҳҳум;  
Денгиз гирдобига, бир сесканмаёқ,  
Тешиб юборардим ўша маккорни,  
Ваҳшатли кулгила этардим мазоқ  
Уйғониб қилгани оҳ ила зорни,  
Йиқилганда чиққан гувилловчи сас  
Лаззатли эрмакдай бўларди бир пас.

---

### Ё ш • л ў л и

Битта, битта бўса, биргина холос!

### З е м ф и р а

Эримнинг рашки зўр, ёвуз: етди пайт.

Л ў л и

Яна бир... Узоқроқ! Видо' учун хос.

З е м ф и р а

Бўлди, келиб қолар, хайр энди, қайт.

Л ў л и

Қачон кўришамиз, қайда жоним, айт?

З е м ф и р а

Шу бугун; худди ой ботгач, ва'да шу,  
Адр кетидаги ғалаҳад ёнида...

Л ў л и

Алдайсан! Келмайсан.

З е м ф и р а

Тезқоч, ана — у!  
Келаман, жонгинам, ой ботганида.

---

Алеко ухлайди, тасавурида  
Туманли манзара бошлайди ўйин.  
Бақириб уйғониб, ётган ерида  
Рашк блан ёнига ташлайди қўлин;  
Лекин чўчиб кетган қўллари броқ  
Бўмбўш тўшак узра муз бўлиб қолди,  
Унинг севган ёри ҳозирда йироқ...  
Титроқла қўзғолди ва қулоқ солди...

Атроф сув қуйгандай; хавф ўраб олди,  
Борлигин қуршади ҳам муз, ҳамда ўт;  
Ўрнидан турди-ю, чодирдан чиқиб,  
Арава атрофин кезди ҳовлиқиб;  
Ҳаммаси жойида; саҳрода сукут;  
Зимзиё; ой ўтган туман кетига,  
Нурини салгина сочар юлдузлар,  
Шабнамда салгина кўринган излар  
Элтар узоқдаги адр четига:  
Қаёққа бошласа ўша ёвуз из  
У ҳам из кетидан кетди сабрсиз.

Олисдаги йўлнинг четида лаҳад  
Унинг нигоҳида оқариб турар,  
Мажҳул ҳислар блан интилар беҳад  
Жонсиз қадамлари шу ёққа судрар.  
Лаби пир-пирайди, титрайди оёқ,  
Боради... Бу нима... Ёки тушми бу?  
Икки кўланкага учради шу чоғ  
Ҳам бадном лаҳаднинг тепасида у  
Пичирлаб айтилган сўзлар эшитди.

Биринчи овоз

Пайт етди!

Иккинчи овоз

Йўқ, тўхта!

Биринчи овоз

Жоним, пайт етди.

## Иккинчи овоз

Йуқ, тўхта! Кутамиз бирликда тонгни.

## Биринчи овоз

Кеч қолдим.

## Иккинчи овоз

Нақадар қўрқиб севасан.  
Бир нафас!

## Биринчи овоз

Сен мени ҳалок этасан.

## Иккинчи овоз

Озгина, бир минут!

## Биринчи овоз

Агар менсиз, оҳ,  
Уйғониб қолса у...

## Алеко

Мен уйғоқ, огоҳ.  
Қаёққа? Шошилманг, иккингиз бундан,  
Наҳот яхши бўлса узоқда гўрдан?!

## Земфира

Азизим, қоч бундан!

Алеко

Тўхта, тўхта, жим,  
Қаёққа борасан, эй барно йигит?

Пичоқ уради

Мана ёт!

Земфира

Алеко!

Лўли

Земфира, ўлдим!

Земфира

Алеко, уни сен этасан ҳалок!  
Боқ: бутун ерингга сачрамишдир қон!  
Нима қилиб қўйдинг!

Алеко

Уни тортди хок.  
Сен ҳам ишқи блан нафас ол, тўй, қон!

Земфира

Йўқ, йўқ, бас, қўрқмайман сендан энди, бас,  
Ҳиддат дўқларингга ўқийман нафрат,  
Сенинг қатлинг учун ла'нат, минг ла'нат.

Алеко

Сан ҳам ўл!

Уни яралайди

## Земфира

Ўламан севиб бу нафас.

---

Шарқ тонг нури блан ялтирар эди.  
Адрнинг кетида қонга буланиб,  
Алеко пичоқла ўтирар эди  
Қабр тоши узра жим, қайғуланиб.  
Олдида ётарди иккала мурда;  
Жуда мудҳиш эди қотил чеҳраси;  
Уни қуршаб олди лўлилар шунда,  
Қаттиқ бесаранжом бўлиб ҳаммаси.  
Нарида шошилинич қазилар лаҳад,  
Хотинлар мотамга кўмилиб беҳад,  
Мурдалар кўзидан ўпишар эди.  
Қайғу ва изтироб чангалида лол,  
Танҳо, бесўз, бежон, тик ўтириб чол,  
Марҳума қизига телмурар эди;  
Ҳамманинг руҳига зўр мотам ҳоким  
Ердан кўтарилди иккала жасад,  
Севги қовуштирган икки ёшни жим,  
Оч қўйнига тортди қоронғи лаҳад.  
Алеко йироқдан бунинг барига  
Қараб турар эди. Сўнгги бир қисм  
Тупроқни янги гўр узра тортишди,  
Алеко бош эгиб сукут ичра жим,  
Тошдан ўт устига йиқилиб тушди.

Чол унга яқинлаб сўзлади шу дам:  
„Тарк айла бизларни, эй мағрур одам!  
Биз ваҳший одаммиз, бизда йўқ қонун,  
Бизда на ўлдирмоқ, нада жазо бор,  
Бизга керак эмас нолиш блан хун,  
Қотил-ла яшашдан биз қиламиз ор.

Сен учун ваҳшилик бўлмади қисмат  
Эркни бир ўзингга истайсан фақат;  
Ҳатто овозинг ҳам мудҳиш бизга, бил;  
Биз ювош, кўнглимиз лекин мулойим,  
Сен ёвуз, жасурсан — бизларни тарк қил,  
Алвидо! Сенга ёр бўлсин худойим“.

Деди-да кўчманчи шу табор бирдан  
Шовқинли бир туркум бўлиб қўзғолди,  
Мудҳиш мазгил бўлган даҳшатли ердан,  
Сахро орқасида кўздан йўқолди.  
Йиртиқ шолча блан қопланган фақат  
Биргина арава жим, беҳаракат,  
Маш’ум биёбоннинг қўйнида қолди.  
Ба’зида шундай, қиш яқин қолганда,  
Тонгни кўмкўк туман ўраб олганда,  
Кеч қолган турналар тўдаси бирдан  
Шовқинла қўзғолиб ўз мазгилидан,  
Узоқ Жануб томон қараб йўл солар;  
Ўлим ўқи етиб азобга ботиб,  
Майиб қанотини қоқолмай, қотиб,  
Биттаси ҳасратла термулиб қолар.  
Тун чўқди, ва лекин танҳо, симсиёҳ,  
Аравада ҳечким олов ёқмади,  
Ҳечкимса соябон остида, эвоҳ,  
Уйқу лаззатига қониб ётмади.

## ЭПИЛОГ

Куйлашнинг сихргар енгучи кучи  
Туманли хаёлда кўтаргач туғ’ён,  
Гоҳ ёрқин, гоҳ ғамгин кунлар ўтмиши  
Ёдимда тирилиб бўлур намоён.



Урушу-жанжалнинг даҳшатли саси  
Узоқ вақт тинмаган шу мамлакатда,  
Ҳамда Истамбулга рус дабдабаси  
Унинг чегарасин кўрсатган пайтда,  
Ҳали икки бошли бургутимиз ҳам  
Қиларкан қадимги донг блан хашам,  
Саҳролар бағрида жуда ҳам қадим  
Мазгилларда ювош эрк болаларин,  
Ўлилар туркуми араваларин  
Уша вақтларда учратиб қолдим.

Уларнинг эринчак туркуми блан  
Саёҳат этардим чўлда дамбадам,  
Одий таомларин кўрардим баҳам,  
Гулханлар олдида ухлар эдим ман.  
Кўчганда мазгилдан аста мазгилга  
Хушчақчақ куйларни севар эдим мен.  
Ва Мариуланнинг мулойим номин  
Кўп узоқ замонлар олардим тилга.

Бахт йўқдир сизларнинг орангизда ҳам  
Табиатнинг мискин эй ўғлонлари!  
Кирмишдир азобли уйқу ҳамда ғам  
Ҳатто сизнинг жулдир чодирлар сари.  
Сизнинг ҳам кўчманчи маконларингиз  
Чўлларда офатдан қолмади омон,  
Маш'ум ишқ сиз блан юрар изма-из,  
Тақдир ўз ўйинин кўрсатар ҳар он.

### ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> Бу ерда Румо шоири Овидий ҳақида сўз боради (у милоддан 43 йил илгари туғилиб, милоднинг 17-нчи йилида ўлган). У милоддан 9 йил илгари император Август томонидан Дунай яқинидаги Томи шаҳарига

сургун қилинган. (Рим шаҳри Томидан жанубда бўлгани туфайли иқлими ҳам иссиқроқдир).


<sup>3</sup> Бу ерда Пушкин ўша Овидийга мурожаат этади.

<sup>3</sup> Дунайнинг Бессарабиядаги чап тормағи.

<sup>4</sup> Рус демакдир. Броқ бу сўз руслар ва украинлар ўртасидаги миллий низо'лар натижасида ҳақорат қилиш ма'носида айтилар эди.

<sup>5</sup> Бессарабиянинг жанубий қисми. Сўз 1812 йилгача, я'ни Бессарабиянинг Русияга қўшилувигача бўлган давр ҳақида боради.

<sup>6</sup> Оққирмон — Қора денгиз, Днестр дар'ёси бўйидаги қал'а.





## ГРАФ НУЛИН

Вақт етди, вақт етди! деб чалар бурғу:  
Ит боқар йигитлар овчи киймида  
Бари от устида, тонг ёришган — у  
Този галалари сакрайди шунда.  
Пеш айвон олдига чиқади тўра  
Қўли биқинида, ташлайди назар.  
Ҳаммасидан мамнун, ундаги чеҳра —  
Ёқимли ғурурла талтайиб порлар.

Елкага чекманин қийғоч ташлаган,  
Туркича пичоғи белбоғда — белда,  
Лимма-лим ром тўла фляга<sup>1</sup> блан  
Бронза занжирли қадаҳ қўйнида.

Тунги яланг қават дуррача бошда  
Уйқуси ўчмаган ҳали бусбутун  
Дарчадан қарайди ўқрайган хотин  
Сакбонлар кўтарган ғалва-ғулувга.  
Мана эрига ҳам от келди етиб,

---

<sup>1</sup> Фляга — сувдон,

Ёл тутиб, босаркан у узангуга,  
Хотинга қичқирар: мени кутма! деб.  
Жўнашар, йўл, дала тўлар қий-чувга.

Сентябрь ойининг сўнглари эди  
(Бечора проза шуларни дейди)  
Қишлоқ зиқ, шилта лой, ҳаво бад қовоқ,  
Кузги ел, ҳадемай учқунлайди қор,  
Бўрилар увиллар. Овчига брок  
Шу бахтдур. Роҳатга қилмай э'тибор  
Топталган далада от елдиради,  
Истаган ерида қўналади ул,  
Сўкинар, бақирар, усти жиққа ҳўл,  
Совириш ва топташ базмин қуради.

Бир ўзи нима иш қилади хотин,  
Уйда эри йўқ бўлгандан кейин?  
Унга топилмасми оз мунчалик иш?  
Қузқорин тузлашу фозга дон селиш,  
Тушки ҳам оқшомги овқат буюриш,  
Омбор ва қазноқларга ташламоқ назар,  
Кўз солиб бор ишни сингичлаб юриш,  
Керак ҳамма ишдан бўлмоқ бохабар.

Афсуски, бизнинг бу қаҳрамон — аёл  
(Ном қўйиш ёдимдан кўтарилипти,  
Эри Наташа деб атарди ҳар гал,  
Наталья Павловна деймизда энди)

Бахтга қарши бу бизнинг қаҳрамон  
Наталья Павловна тамоман — буткул  
Хўжалик ишларин кўрарди ёмон,  
Уй ишларига ҳам урмас эди қўл.  
Чунки у ота юрт удумида мас,  
Аслзод пансион та'лимин олган,

Ажнабий бир хотин — Фалбала деган,  
Нимаки ўргатган бўлса, билар бас!

У дарча олдида ўлтириб олган,  
Қайғули қиссаси хўб ёқиб қолган  
Романнинг тўртинчи томи тиззада:  
Қай хилда севишди Арман — Элиза,  
Ё икки оила мактуботлари —  
Классик бир роман — қадимий мазмун,  
Шунчалар узунки, узундан-узун,  
Ахлоқу адабнинг та'лимотлари  
Бирорта романтик ўйинсиз қисса.

Наталья Павловна аввал бир бошдан  
Ўқиб бормоқдайди ғоят қунт блан,  
Лекин тез орада алақсиб кетди:  
Тераза олдида бешланди сийрак  
Бир жанг — эчки блан урушар кўппак.  
Тамоша эс-ҳушин роса жалб этди.  
Атрофин қуршашиб болалар кулар;  
Шу топда қуйида бирдан қийқириб,  
Жиққа ҳўл хўрознинг изидан қувиб,  
Саҳнда чопади ғамгин куркалар;

Уч ўрдак кўлмакда чайқанмоқдадур;  
Бир хотин шу ифлос ҳовлидан ўтар,  
Деворлар устига кир ёйиб юрар.  
Ҳаво ҳам бадтарроқ айнамоқдадур,  
Қор ёғиш хавфи ҳам эмасдур йироқ...  
Тўсатдан чалиниб қолди қўнғироқ.

Ким ғамгин гўшада узоқ яшади—  
У билур, дўстларим, билур яхшироқ,  
Қанчалик қалбларни тўлқинлатади  
Узоқ-узоқлардан келган қўнғироқ.

Келучи, кечиккан йўлдош эмасми?  
Ё жасур ёшликдан қардош эмасми?  
Уша, ёр эмасми экан?.. Худойим  
Яқинлар, яқинлар. Қалб урар. Броқ...  
Ёндошлаб ўтади аста қўнғироқ  
Ва тоғни ошарак босилади, жим.

Наталья Павловна чиқар балконга,  
Қувонганча товуш келган томонга  
Қарайди, кўради: анҳор орқаси  
Тегирмон томондан каласка чопар,  
Кўприкка ҳам келди — бизгами — йўғе,  
Чапга томон бурди, изига боқар,  
Қарайди, оз қолди бошласа йиғи.

Йўқ, бирдан... Қанчалик қувонч! Тоғ ошиб  
Каласка кўринди.— Ҳой Филка! Ҳой Васька!  
Ким бор, ҳей? Тез бўл! Ағнади каласка;  
Ҳовлига етакланг, бу томон бошланг  
Ва бека сўрайди қўниб кетишини!  
Ўзи омонмикан?.. Чопинг, ҳол сўранг!  
Тез бўлинг, тез бўлинг! Хизматчи чопар.  
Наталья Павловна ғоят ошиқар  
Елкага шол ташлар, сочин тузатар  
Пардани тушириб стулни сулар,  
Ва кутар; худоё, кела қолсачи!  
Ниҳоят, каласка яқинлашади,  
Узоқ йўл юришдан, лойлар сачраган,  
Тусини йўқотган, хўп шикаст еган,  
Амал-тақал блан келмоқда эди;  
Орқада оқсоқлаб ёш тўра келар,  
Француз — хизматчи бепарво айтар:  
— Allons, courage! — я'ни шахтам бўл.  
Яқинлаб, қўрага бошладилар йўл.  
Махсус бир хонани ёш граф учун,

Яхшилаб дам олсин, ҳордиғи чиқсин,  
Деб тайёр қилдирар бека атайин.  
Шу дамда Ricard ку шошиб — пишмоқда,  
Кийим олмошлагга тўра шошмоқда,  
Айтайми бу тўра ким эканлигин?  
Бегона ўлкадан бу граф Нулин,  
Юртида, модалар гирдоби учун  
Сарф этган давлату даромад кучин.  
Нодир бир ҳайвондай кўринмоқ истаб  
Петропол шаҳрига кетмоқда жўнаб;  
Ғамлаган фраклар, плаш, нимчалар,  
Шляпа, корсетлар, елпуғуччалар,  
Рангдор рўмолчалар, гажим пайпоқлар,  
Тилла тўғноғичлар, тугма — ўймоқлар,  
Ғизотнинг ваҳмали китоби унда,  
Ўткир ҳажвларнинг дафтари шунда.  
Вальтер.—Скот ёзган янги роман бор,  
Париж саройининг қочиримлари,  
Беранжернинг ҳам янги куйлари  
Россин ва Пернинг мотивлари бор,  
Хуллас не керак, ҳаммаси тайёр.

Дастурхон ёзилган, ҳар нарса ҳозир,  
Бека меҳмонига турар мунтазир;  
Эшик очилдию граф ҳам кирди.  
Наталья Павловна ўрнидан турди,  
Одоб блан ундан сўрайди савол:  
Оёғингиз қалай? Ва қандай аҳвол?  
Граф жавоб бериб, айтар: Зарарсиз,  
Сўнг бориб ўлтирар, стол ёнига,  
Пичоқ ва чанчкини сурашлар унга.  
Дастурхон устида суҳбат бошлайди:  
Муқаддас Русьни ҳам қилар ҳақорат,  
Қандай яшаш мумкин — тушуналмайди,  
Русиянинг шундай қалин қорида.

Париждан чиққанга афсус чекади.  
 — „Театрчи?“ — сўраманг, етим қолмоқда.  
 (C'est bien mauvais; Ga fait pitie')  
 Аҳволи шундайин ғамгин ва хароб,  
 Тальма гарангланиб қолди, довдираб  
 Мамзель Марс кундан-кун қариб бормоқда.  
 Потъечи, у улуғ Потъе тоҳануз  
 Халқ олдида бўлган эски шуҳратин  
 Сақлаб қолмоқдадир яккаю ёлғиз.  
 „Ҳозирда қай адиб кўпроқ модада?“  
 — Ҳалиҳам d'Argincourt, Лармантинлар-да!  
 „Бизда ҳам уларга эргашганлар бор“.  
 — Йўғей!, Чинакамми, демак бизда ҳам  
 Ақл ва ма'рифат ўсиб қолди, денг?  
 Худоё, зехнимиз ёритиб юбор!  
 „Кийимларни қандай кияди улар?“  
 Жуда ҳам қисқа-да, худди... шунгача.  
 Рухсатми, бир кўрсам либосингизни,  
 Бу... Бурма, бу боғич, буниси уқа;  
 Буларнинг бариси модага яқин.  
 „Телеграф журналини олиб турамиз“,  
 — Шундайми!, тинглашга қаршимасмисиз,  
 Ажойиб вадевил? — граф куйлайди.  
 „Граф, буюрингиз. Овқатга қаранг“  
 — Мен тўқман. — „Гап шундай...“ Стол ёнидан  
 Турдилар. Ёш бека ғоятда хурсанд,  
 Ҳаддан тиш қувонган, кўнгли очилган;  
 Граф, Парижни ҳам тупдан унутган,  
 Беканинг ҳуснига, чиройига банд.  
 Кеча ҳам сезилмай ўтиб бормоқда.  
 Граф ўзида йўқ. Бека назари  
 Бир нафас табассум блан ёрқираб,  
 Бир дамда тунд бўлиб, хўмрайиб қарар.  
 Тун оғиб бормоқда ташқари боқсанг,  
 Далонда ходимлар ухлар ҳангуманг,



Қўшни хўрозлари қичқириб ўтган.  
Қоровул чалади чўян тахтани,  
Меҳмонхона шам'и тугашга етган,  
Наталья Павловна ўрнидан турар,  
Вақт етди, хуш қолинг!, ўринлар тайёр.  
Яхши туш кўринглар! Граф хуш ёқмай  
Туради, хуш қилиқ, муҳаббат омиз  
Қўлидан ўпади. Нима ҳам қипти?  
Кимни ноз — истиғно йўлга солмапти?  
Шўх бека, — худонинг ўзи кечирсин! —  
Графнинг қўлини оҳиста сиқти.

Наталья Павловна ечинган ҳолда;  
Параша туради унга юзма-юз  
Параша деганим, дўстларим, билинг,  
Унга, сирларига маҳрам, қошу кўз;  
Тикади, ювади, хабар ташийди,  
Эскирган капотни сўраб олади,  
Гоҳ унинг эрига ҳазиллашади,  
Гоҳида ўшқириб койиб қолади,  
Бекаси олдида руйи-рост ёлғон  
У сўзлай беради. Ҳозир гап сотар  
Графнинг хақида ва иши хақида,  
Миридан-сирини қўймасдан айтар,  
Буларнинг ҳаммасин қайдан билганин  
Ҳечким фаҳмламас, худойим билар.  
Охири бекаси унга айтади:  
— Жуда ҳам кўнглимга тегдинг, бас энди.  
Кофтаю чепчикни сўради, ётди  
Ва чиқиб кетишга буюрди, энди.

Граф ҳам француз ходими блан  
Тамоман ешинган, ётиш олдида,  
Сигара сўради, малайн чаққон  
Графга келтирди олтин стакан,

Сигара, графин, бронза шам'дон,  
Пружинли қисқич ва жомли соат  
Варақ қирқилмаган янги бир роман.

Вальтер-Скот қўлда, ўзи ётади,  
Кўзи китобдаю фикри паришон.  
Хаёли қандайдир бир ўй блан банд,  
Руҳини тинчитмай ташвиш, ҳаяжон,  
Алла нималарни ўйлайди тинмай:  
Севиб қолганлигим чинми, ноҳотки?  
Хўш нима қилади?— Жуда қизиқ гап;  
Ажаб иш бўларди, жуда ҳам ноёб;  
Мен ҳам у бекага ёққан ўхшайман,  
Ва Нулин шам'ни ўчирди бирдан.

Уни чулғаб олган қаттиқ ҳарорат,  
Граф ухлалмайди, кўзини юммас,  
Ҳисларини бедор шайтон қитиқлаб  
Гуноҳ ишлар сари қистар ҳар нафас.  
Енгилтак қаҳрамон, яққол ҳис этар  
Беканинг ма'нодор кўз қарашларин,  
Лүппигина юзи, расо қаддини,  
Хотин овозининг эркалашларин,  
Қишлоққа хос бўлган олма юзини,  
Соғлом қизилликда расо юзини,  
Нозик оёғининг учини эслар,  
Лоқайд қўл сиқишининг кучини эслар.  
Аниқ-аниқ билар, бека бепарво  
Қўлини сиқди-ку, бу аҳмоқ эса  
Қолиши керак эди вақтни бой бермай,  
Броқ ҳали фурсат қўлдан кетмаган;  
Эшик ҳам ланг очиқ, борса бўлгундай,—  
Шу дамдаёқ йўл-йўл шойи тўнини  
Елкага ташлади, қоронғи уйда,  
Стулни ағдариб юборди бирдан

Ширин ин'омларнинг нақ умидида.  
Ҳар нарсага тайёр янги Тарквини  
Лукреция томон йўл олди тездан.

Хизматчи хотинлар эрка ўстирган  
Бир турли муғомбир, қув мушуклар ҳам  
Сичқонни пойлашда пусиб боради,  
Кўзларин қисганча яқинлашади,  
Оёвлаб оҳиста қадам қўяди,  
Гоҳида ғужанак, қуйруғин ўйнаб,  
Айёр панжасининг тирноғин қайраб,  
Хап этиб шўрликни тутиб олади.  
Дайдир ошиқ граф қоронғиликда,  
Пайпаслаб йўлини топиб олади.  
Жўшқин истакларла арзиққан ҳолда  
Зўрға нафасини ростлаб қолади.  
Пол оёқ остида ғижирлаб қолса,  
Бирдан сесканади, сапчиб кетади.  
Ана у истаган эшикка етиб,  
Мис қулф зулфинин босиб кўради;  
Эшик секин-секин, қийғоч очилур;  
Тепада милтираб ёнади чироғ,  
Хирагина ёруғ эди уй, ётоқ.  
Кўради бекани тил-тинч ухлаган,  
Ё уйғоқ, ўзини уйқига солган.

У кириб, дам юриб, дам сал чекиниб,  
Хотин оёғига ташлайди ўзин.  
Хотинчи... Петербург хонимчалари  
Ижозат қилсалар, айтиб берардим  
Наталья Павловна ҳаяжонларин,  
Энди унга қандай қилиқ қилишни  
Батамом ўргатиб қўйган бўлардим?

У катта кўзларин графга тикди,  
Қаҳрамонимизчи қалбак ҳисларин

Тука бошладию бе адабларча,  
Кўрпага текизмоқ истади қўлин...  
Аввали уялиб, ғазабланди-ю,  
Броқ хотин тездан ҳушини йиғди  
Ва мағрур ғазабла тўлиқиб кетиб,  
Балки қўрқувдандир, қулочкаш этиб  
Тарквини ошиқнинг қоқ чаккасига

Шундайин тарсаки урдик, балли,  
Тарсаки бўлганда қанақаси денг!  
Граф уятдан топмай тасалли,  
Заққумни ютарди деялмасдан финг;  
Билмайман, бундан сўнг нетарди граф,  
Даҳшатли афсусла ўртанган эди.  
Лекин бароқ лайча бирдан вовиллаб,  
Параша уйқидан уйғонган эди.  
Унинг оёқ товушин эшитган граф  
Минг лан'ат ўқирди тунаб қолганга  
Ва ўжар, такаббур, мағрур жононга,  
Шармисор қочарди эшикка қараб.

У қандай? Бекаю ва Парашамиз  
Кечанинг қолганин ўтказди. Аммо  
Граф ҳоли нечук? ўйлай берингиз,  
Сизга ёрдамчилик қилмайман, асло.

Эрталаб мунғайиб ўрнидан туриб,  
Граф кийинади, эринибгина.  
Хавсаласизлик-ла эснашдан кейин  
Пушти тирноғини тозалар яна,  
Галстук боғлайди телва-тескари,  
Одати бўйича ҳўл чўтка блан  
Жингалак сөчини силамайди у.  
Нима ўйлаяпти, менга қоронғи.


Уни чой ичишга чақириштилар.  
Не қилсин? борсинми, ё бормасинми?  
У, махфий ғазабни, ноқулай шармни  
Енгди-да нонушта қилғали кетди.  
Ҳайноқи, тегишқоқ, ёш бека эса,  
Эрмак табассумла, бепарво қараб,  
Қизил лабларини оҳиста тишлаб,  
Гоҳ ундан-гоҳ бундан, ҳар нарса бўлса  
Сўз ташлаб кўради. Даст аввал граф  
Унғайсизланади ва бора-бора  
Кулимсаб қайтарар сўзларга жавоб.  
Ҳазл ҳам отади тап тортмай сра,  
Оз қолган қайтадан севиб қолишга.  
Тўсатдан далонда тўполон қўпди,  
Кимдир кирди. Ким денг бу келиб кирган?  
— „Наташа, ассалом“.

— Вой худойим эй!

Граф, бу, танишинг, менинг эримдир,  
Азизим, бу киши граф Нулиндир.  
„— Юракдан хурсандман, қани марҳамат.  
Ҳаво жуда расво, айнаб турипти,  
Чилангар олдида, кўзимга тушди  
Тап-тайёр турипти аравангиз ҳам.  
Наташа, полизнинг яқинида биз,  
Бир семиз қуённи отиб олганмиз.  
Ҳой, арақ келтиринг, ўтиринг граф.  
Узоқ жойдан келган, баҳам кўрамиз.  
Биз блан бирликда овқатланасиз?“  
— Билмадим, ўзим ҳам шошиб турибман.  
— „Қўйинг эй, ўтиринг, граф, сўрайман,  
Эр-хотин қўноқни жуда севамиз,  
Йўқ, граф, қоласиз, чиндан сўрайман“.  
Лекин афсусланиб, умидсизланиб  
Ўжарлик қилади қайғирган граф,  
Битта стаканни томоққа отгач,

Малай ҳам судралар чамадон тараф.  
Иккита хизматчи сандиқларини  
Арава устига боплаб жойлаган,  
Каласка пешайвон олдида боғлиқ,  
Малайнинг ишлари саранжомлоғлиқ,  
Граф ҳам жўнади. Ва шунинг блан  
Дўстларим, бу ерда қисса ҳам тамом.  
Икки сўз қўшаман, хулласи калом:  
Арава салонглаб узоқлашганда  
Қиссанинг бошидан-оёғигача  
Эрига сўзлади хотин бирма-бир,  
Қўни-қўшнига ҳам мақтанди пича.  
Наталья Павловна буни сўйларкан  
Ким кўпроқ у блан бирга кулишди?  
Барибир топмайсиз. Хўш нима учун?  
Эрими?— Ушадир. Йўқ эри эмас.  
Эр бундан жуда ҳам таҳқирландию  
Граф аҳмоқ деди, сўкди бир нафас,  
Оғзидан она сути кетмаган ҳали,  
Графни додлатиб урардим балки,  
Қопоғон итларга талатардим, деди.  
Йигирма уч ёшли қўшни помешчик  
Бу гапни эшитиб хўп кулар эди.

Энди инсоф блан айтганда, дўстлар,  
Бизнинг замонада эрига содиқ  
Хотинлар бор десак, эмас ажаб ҳол,  
Бўлиб қолиши ҳам мумкин — эҳтимол.





## ПОЛТАВА

The power and glory of the war  
Faithless as their vain votaries, men,  
Had pass'd to the triumphant Czar.

*Byron*

## БАҒИШЛОВ

Сенга бу — музанинг ҳазин фар'ёди  
Билмам қулоғингга бориб етарми?  
Муяссар бўларми лутфингга доди,  
Рози дилим сенга та'сир етарми?  
Ва ёким шоирнинг бағишлови ҳам  
Бир вақт рад этилган севгисисимон,  
Бу гал ҳам жавобсиз қолармикан?. Ғам —  
Утлари қалбимни ўртарми ҳамон?

Билгил, ҳеч бўлмаса мунгли унлари,  
Берган эди сенга ором, малоҳат —  
Ҳамда онглагилки, ҳижрон қунлари,  
Мени қийнаганда беқарор қисмат,

---

<sup>1</sup> Урушнинг қудрати ва шухрати, унинг беҳуда муҳиблари сингари бевафодир — одамлар тантана қилаётган шоҳ томонига ўтдилар. *Байрон.*

Кимсасиз бўш қолган ғамхонанг сенинг,  
Ширин сўзларингнинг сўнгги садоси  
Бўлган-ди муқаддас хазинам менинг,  
Қалбимнинг севгиси ва муддаоси.

### БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

Кочубей<sup>1</sup> бадавлат, тарқалган донгги  
Унинг яйловларин кўзлар илғамас;  
Йилқилари кўпдир, йўқдир саноғи  
Бўзда яйраб юрар ҳеч ерга сиғмас.  
Полтаванинг гирди хутор — қўрғонлар  
Унинг гўзал боғи блан ўралган.  
Ҳадсиздир ундаги мулку мол, жонлар —  
Атласлар, кумушлар, мўйна, чопонлар  
Блан сандиқлари, омбори тўлган.  
Аммо Кочубейнинг асли давлати,  
На Қрим тўлаган бож-олтин, кумуш,  
На қадим қўрғонлар унинг савлати,  
Ва на аргимоқлар блан кўнгли хуш.  
Кекса Кочубейнинг гўзал қизи бор,  
Шу қизи блан у қилур ифтихор<sup>2</sup>.

Бутун Полтавадан топилмас чиндан,  
Гўзал Марияга тенг келарлик қиз.  
Эман соясида наш'алар эмган,  
Баҳор гулларидай юзлари қирмиз.

Киев сарвисидай унинг қомати  
Зибо ва расоддир. Хиром этса у,  
Чўлдаги кўлларда майин юзучи  
Оққуни хотирга келтирар гоҳи.  
Гоҳи елар чаққон шавқли бир оҳу.  
Оппоқ кўпик каби гўзал қиз кўкси.  
Қопқора булутдек қопламиш зулфи,



Қиздаги у юксак кенг пешонани,  
Юлдуз каби порлар унинг кўзлари;  
Дудоқлар эслатар гул ғунчасини,  
Булар-ла битмайди та'риф сўзлари  
(Бу оний ранглардир) ёш Марияни,  
Одобда, ҳуснда, ақлда танҳо,  
Камтарлик бобида у қиз бебаҳо  
Деб та'риф қиларлар тилларда уни.  
Боиси шул, куёв юборди кўп шан,  
Унга Украина блан Россия,  
Кишандан қўрққандек гулдасталардан,  
Қочар эди шунда чўчиб Мария.  
Барча куёвларни рад қилди, энди  
Гетманнинг ўзидан совчилар келди<sup>3</sup>.

Қартайган у, умр, ёши ҳам ўтган,  
Меҳнат, тирикчилик ҳамда жанг блан;  
Аммо юрагида туйғулар қайнар,  
Мазепа қалбида ишқ яна ўйнар.

Бир лаҳзада ёш дил ёнар ҳам сўнар,  
У қалбдан тарк ўлиб севги-муҳаббат  
Қайта чирмашади у дилга албат,  
Ёш қалбда ҳар куни ўзга туйғулар;  
Бу қадар итоат, бу қадар енгил  
Бир оний оташин эҳтирос блан  
Ловуллаб ёнмайди кексадаги дил,  
Йиллар бўйи у дил тошга айланган.  
Аста-секин кўнгил, шиддаткор, оғир  
Эҳтирос ўтида хўб тобланадир;  
Аммо келмагунча ажал навбати  
Сўнмас сўнгги ўтнинг ҳеч ҳарорати.

Парвози салмоқдор бургут қўлидан,  
Қочмади қояга оҳулар каби;

Келин жавоб кутар ўз толи'идан  
Ёлғиз ўлтиради, титрайди қалби.

Онасин ўраркан ғазаб, ҳаяжон  
Қизининг олдига келади шу он.  
Қизнинг қўлин ушлаб онаси дейди:  
„Беҳаё, номуссиз кекса, виждонсиз,  
Бу қандай иш ахир?. Йўқ, биз ҳаётмиз,  
Йўқ! Бундай гуноҳни ул қилолмайди<sup>4</sup>.  
У, тутунган, ма'сум, гулдак қизига  
Ҳам ота, ҳам ака бўлмоғи керак.  
Умрининг сўнггида у телба, бешак,  
Хотин қилмоқчидир сени ўзига“.  
Мария сесканди. Унинг юзини .  
Ўлим сўлғунлиги қоплади шу дам,  
Донг қотиб қолди у бир жонсиз одам.  
Остонага ташлади сўнг ўзини.

Қиз ҳушига келди, аммо янгидан  
Кўзларини юмди, унинг оғзидан  
Бир сўз ҳам учмади. Ота ва она  
Қиз кўнглини овлайди қўйиш-чун малҳам,  
Қўрқув ва аламини қувмоқчи яна,  
Ғавғо, кулфатларга бериш-чун барҳам.  
Ташвишлар беҳуда. Икки кун бўйи  
Мария гоҳ йиғлар, гоҳ фиғон ўйи,  
Ҳечнарсга тотмади, сўлғун бир кўлка  
Сингари қут ўчган, паришон, бедор,  
Мижжа қоқмай уч кун ўтгач беқарор,  
Қиз ётоғи қолди ҳувиллаб якка.  
Қандай, қачон уйдан ғойиб бўлди қиз,  
Ҳечким пайқалмади. Балиқчи ёлғиз  
Шу туни эшитди отларнинг дуврин.  
Казакча сўзларни, хотин шивирин.

Қировли бўзларнинг устида саҳар,  
Саккиз от тақаси қолдирмиш излар.

Йигитларнинг сабза мўйлови фақат,  
Жинггалак сочлари этмайди мафтун,  
Ба'зан кексадаги жиддий қиёфат,  
Юздаги жанг доғи, оппоқ соч, бутун  
Эҳтирос орзусин тўлдирад дилга,  
Ажаб гўзалликнинг тасаввурига.

Бирдан Кочубейнинг ўз қулоғига  
Бу даҳшатли хабар тез бориб етди;  
Қизинг ҳаё, номус-орни унутди,  
Бир ёвузнинг кирди ул қучоғига!  
Қандай шармандалик! Оғир нақадар  
Ақлга сиғмайди бу маш'ум хабар!  
Шундагина у даҳшатли ҳақиқат  
Қўрқинчли сирлари бўлолди ошкор,  
Шунда бўлди аён у куткан ният  
Ёш қизнинг қалбидир тим жинояткор.  
Фақат шунда ойдин бўлди қилмиши.  
Ўжар қизнинг нечун алдаб, қочиши —  
Оиланинг банди ва занжиридан,  
Нечун оҳ чеккани, қоплаб изтироб,  
Ийманиб йигитлар саломларидан  
Ғурурланиб сўзсиз бераркан жавоб;  
Нечун, қизиганда уйдаги суҳбат  
Тўлиб тошганида қадаҳларда май  
Устол ёнида қиз, аста индамай  
Тинглагани гетман сўзини фақат;  
Нега у куйларди, завқли дилидан,  
Гетман ёшлигида, фақирлигида,  
Шухратдан беҳабар ҳақирлигида  
Яратган бир куйни қўймай тилидан<sup>б</sup>;  
Нега хотинга хос бўлмаган юрак

Севди отлар турса бир саф чекарак,  
Севди на'ра тортиб, довул қоққанин  
Малоросс амирин ўшанда бутун  
Бунчук, булавани титраб тоққанин<sup>6</sup>.  
Бу ҳавас сирлари аёндир бугун.

Кочубей бадавлат ҳамда отоқли,  
Кўпдир унинг ёру дўсти, ўртоғи.  
Оқлай олади у ўз шуҳратини  
Ис'ёнга кўтарар у Полтавани;  
Ота қасосини дилида сақлаб  
Бирдан жинояткор қасрида бошлаб,  
Қилаолур мағрур ёвузни яксон.  
Сола олур бардам қўл блан ханжар...  
Аммо ўзга хаёл, ўзга ўй шу он,  
Кочубей қалбини кўп тўлқинлатар.

У чоқлар галаён, но тинчди замон,  
Ҳали ёш, навқирон Россия бутун,  
Курашларда тўплаб кучу қувватин  
Пётр даҳоси-ла улғаяр ҳамон.  
Илмнинг шуҳрати шиддаткор бир чоқ  
Берилганди устоз Россияга кўп,  
Туйқус, тасодифий ва қонли сабоқ —  
Берарди шведнинг зодағони хўб.  
Аммо йиллар бўйи синоқ ҳарбига  
Бардош бериб, чидаб тақдир зарбига,  
Чиниқди Рус энди, шишаларни тик  
Янчиб шамшир қилган оғир болтадек.

Беҳуда шуҳратнинг тожини тоқиб,  
Ўрмалар жасур Карл<sup>7</sup> жардан тутоқиб.  
Қадим Москвага қилди у юриш,  
Руснинг қўшинларин янчиб беомон.  
Қўйин кўтаргандек чўлларда тўзон.

Гардли майсаларни у пайхон қилмиш.  
Босиб келар у ҳам энди, бир онлар  
Янги, кучли душман<sup>6</sup> қолдирган издан.  
Тақдир арбобининг қадамини шон-  
Шуҳрат қоплар эди у чекинаркан.

Украинада қўпар бир ёвуз ис'ён.  
Учқуни ловуллаб кетканди қачон.  
Қонли ўтмишларнинг дўстлари шунда  
Халқ урушин эдилар умидида.  
Зорланишар, талаб қилар ғурур-ла,  
Бандимизни уз, деб, гетман сен албат.  
Шодланиб энгилтак, соёз шу'ур-ла,  
Карлни кутишар эди бетоқат.  
Вақт етди! — дейилган ис'ён, ҳойқириқ,  
Мазепа гирдида янгради шуон.  
Аммо кекса гетман Пётрнинг содиқ  
Фуқароси бўлиб қоларди ҳамон.  
Шафқатсиз одатин сақлаб доимо  
Украинани сўрай берди хотир жам.  
Базму ишратларни қуриб бепарво  
Гўё ис'ёнларни тингламайдиҳам.

„Гетманга не бўлди? — Йигитлар уни. —  
Дейдилар — ҳориган, жуда қартайган;  
Йиллар, машаққатлар ғайрат ҳоврини  
Юрагидан аллақачон сўндирган.  
Қалтироқ қўллари блан у, нега  
Булавани ушлаб юради ҳамон?  
Уруш очиб баттол Масков устига  
Босиб бормоқ учун келганда замон!  
Бир ондаги кекса у Дорошенко<sup>9</sup>  
Ёки Самойлович<sup>10</sup> — у ёш, навқирон  
Ёки бизнинг Палей,<sup>11</sup> ё Гордеенко<sup>12</sup>  
Бўлганда, бош кучли қўшинга шу он;

Унда йироқ ҳам ёт ерлар қорида<sup>13</sup>  
Ҳалок бўлмас эди бизнинг казаклар.  
Малороссияни ҳам гузорида  
Қолдирмасдан озод этарди полклар“.

Бир чоқлар ватаннинг асир бўлганин,  
Багданнинг<sup>14</sup> бахтиёр талаш қилганин,  
Муқаддас жанглару шартномаларни,  
Боболар даврининг шуҳратларини,  
Унутиб, ман-манлик ўтида ёниб,  
Жасур ёшлик қилар тама', шикоят.  
Бир хатарли ўзгаришга жасорат.  
Эҳтиёткор қадам ташлар кексалик,  
Ва атрофга ташлар шубҳали нигоҳ.  
Нима қилса бўлар, нима қилмаслик  
Ҳақида қарорга келмас баногоҳ.  
Юзин муз қоплаган сокин денгизнинг  
Кимнинг кўзи кўраолар тагини?  
Ким раҳнамо қилиб ақл, сезгини  
Билаолар маккорнинг юрагини?  
Ундаги хаёллар бўғиқ ва тушқин,  
У, эҳтирос, туйғу ҳосилларидир,  
Қалбининг тубида бу хаёл сокин,  
Ўткан кунлардаги қасду найранглар  
Ажаб эмас, энди бирга етилар.  
Қандай билиб бўлар? Аммо Мазепа  
Қанча ғазабланса, қалби шубҳасиз  
Шунча маккор эрур ва шунча сохта,  
Зоҳиран бўлсада у эҳтиётсиз,  
Муомилалари майин ва содда.  
Ҳокимдек дилларни ўзга жазм этиб,  
Нақадар уларни билишга омил,  
Одамлар фикрини ўғирлаб тортиб,  
Ўзга сирларни ҳал қилишга комил.  
Базму ишратларда у кекса ничоқ,

Чоллар блан қилгай суҳбатларида,  
Сер такаллуф, сохта, оқ кўнгил, олчоқ,  
Ўтмишдан пушаймон унинг тилида,  
Эркинликни махтайди у доимо,  
Сўкар давлатни у норози аро.  
Жаҳл устида тўкар кўзлардан ёш-қон.  
Оқилона сўзлар ўтирса нодон.  
Унинг руҳи ва истаги жиловсиз,  
Кўпларга бу сирлар эмасдир аён,  
Жони блан инсоф ёки инсофсиз  
Ёвига етказар заҳмат ва зиён;  
Токи ҳаётдир у яшар дилда кек,  
Унутмайди битта ранжу аламини.  
Унинг қилмишига сра йўқдир чек,  
Такаббурлик блан чўзарди дами;  
Унутганмиш гўё муқаддас онни,  
Эслай олмас эмиш хайрли замонни,  
Ҳечнарсани севмас, бермас эмиш тан,  
Тўкишга тайёрмаиш дар'ё, дар'ё қон,  
Нафратла боқармиш эркка у ҳамон,  
Йўқмиш унинг учун дун'ёда ватан.

Йиллар бўйи шундай қабих ниятни  
Юрагида асраб келди яширин  
Кекса ёвуз. Аммо бу қабоҳатнинг  
Билиб қолди сезгир юрак, сирларин.

„Йўқ, йўқ мағрур ёвуз, йўқ, йўқ йиртқич!—  
Деб Кочубей қайрар тишларин шу он,—  
Менинг қизим учун зимзиё зиндон  
Бўлган бош панангни яксон қилмам ҳеч;  
Куйиб кул бўлмайсан ёнгин ичида  
Бошинг кетмас казакнинг шамширида.  
Ҳали Масков жаллодининг қўлида  
Қон ичида иқроп бўлмай беҳуда,  
Даҳшатли қийноқда сен титраб, қақшаб,

Тикка туриб мардуд, бергайсан жавоб,  
Шунда ла'нат дейсан у соат, кунга  
Аталар экан қиз, ном қўйгач, сенга,  
Бу шарафлар учун бериб зиёфат,  
Сенга узатганман қадаҳ тўлдириб,  
Шунда ла'натларсан, эй кекса калхот,  
Ҳалок қилган кунни, қизимни чўқиб!

Ҳаммага ҳам аён Кочубей блан,  
Мазепа дўст эди бир замонлари,  
Бир бурда нонни ҳам ўртада бўлган,  
Яширин бўлмаган юрак сирлари.  
Ғалаба жангининг майдонларида,  
Ўт ичра иккиси бирга от қўйган;  
Иккаласи бирга учрашганида,  
Хилват топиб, узоқ суҳбатлар қурган —  
Кочубейга гетман писмиқ ва маккор,  
Ҳасад блан тўлган ҳамда ис'ёнкор,  
Юрагини гоҳи очиб ташларди,  
Ва даҳшатли хиёнатлар ҳақида  
Музокира, шикоятлар ҳақида  
Туманли сўзлардан имо бошларди.  
Кочубейнинг қалби у замонлари,  
Мазепага содиқ, берилган эди.  
Аммо ғазаб ичра қайнаб қонлари  
Бир нидога солар қулоғин энди.  
У нидо қобилдир. Бир ўйни ўйлар,  
Йироқ кетмас шу ўй кеча ва кундуз:  
Ёки ҳалок қилар, ё ҳалок бўлар,  
Қасосдир нияти, сўкилгандир қиз.  
Аммо маҳкам тугиб қўйди қалбига  
Жур'ат блан ғазаб аламини у.  
„Ожизлик гамида ёниб, қабрига  
Энди кўз тикади, ожиздир туйғу.  
Ёмонлиқ истамас у Мазепага;



Ҳамма гапга қизнинг ўзи гуноҳкор.  
Аммо бормай қизнинг айбин юзига  
Кечирар, тангрига — дер: у жавобгар,  
Оилани қилиб бутун шармисор  
Унутди худони, урфу одатни...“

Бургут қараш блан уй — ичга боқар,  
Улардан кутади кўмак, жур’атни,  
Сотилмас, букилмас, вафодорларни,  
Ҳайиқмас ва толмас дўсту ёрларни.  
Хотинга айлади сирини ошкор:  
Кўпдан бери йиғиладир шиддаткор  
Бу ма’лумот осойишта, тинчликда.  
Ёниб изтиробу ғазабла хотин  
Унутади сабр блан тоқатин.  
Сокин тунда, уйда ётар чоғида,  
Париштадек эрининг қучоғида  
Хотин унга қасос ҳақида сўзлар,  
Далда берар, ўпка қилар ва йиғлар,  
Қасос талаб қилар. Хотинга шу дам  
Қайғули Кочубей ёд этар қасам.

Зарба ўйланилган. Кочубей блан  
Ҳойиқмас Искра<sup>16</sup> бирга шул маҳал.  
Уйлашар: „биз устун, енгилар душман,  
Ёвнинг енгилиши барқарор ва ҳал.  
Ихлос ўтларида ёниб аммо ким,  
Кўпнинг мулки учун тушиб қасдига,  
Қудратли бадкорнинг устидан токим  
Ҳайиқмасдан етказади ма’лумот,  
Огоҳ Пётр оёғининг остига“.

Полтаванинг казаклари ичидан  
Ла’натланган бахтсиз, шўрли у қизни,  
Ёқтириб, бир йигит ёшлик чоғидан

Севар эди бериб кўнгил ва ҳушни,  
Кечқурунлар ва ё тонг чоғларида,  
Жонажон дар'ёнинг қирғоқларида,  
Оличазорларнинг соясида у,  
Қизни кутар эди, дил тўла қайғу.  
Кутарди бесабр ва ютиб қонлар,  
Роҳат бағишларди учрашган онлар.  
Ошиқ эди қизга ноумид фақат,  
Қистамасди қилиб ундан илтимос.  
Мабодо рад қилса қилолмас тоқат.  
Гала-гала бўлиб келаркан бехос  
Куёвлар, уларнинг чиқиб сафидан  
У бечора ғамгин, кетди бош олиб.  
Казаклар ичига шу замон бирдан  
Мария қилмиши кетгач тарқалиб  
Ва шафқатсиз бундай хунук овоза  
Юборса ҳам қизни та'нага кўмиб,  
Шунда ҳам Мария вафодор, тоза  
Бўлиб кўринарди унинг кўзига.  
Мазепанинг номин оларкан тилга,  
Рангги қордек бўлиб ва қийналиб жон  
Бардош беролмасдан қарарди ерга.

Ким у, юлдуз чақнаб ой чиққан тунда  
От устида учар елдек бемаҳал?  
Кимнинг оти кўзлар илғамас чўлда  
Бедовдек югурар дамга бермай гал?

Кетар жадал блан шимолга казак.  
Дам олмасдан бирон қўнимда андак,  
На майсазор води, на эманзорда,  
На хатарли кечув на чангалзорда.

Кўзгидек ярқирар пўлат қиличи,  
Жаранглар ёндаги хуржиннинг ичи,

Суринамай, йиқилмай шимолга учар,  
Ёлин силкиллашиб яйратиб тулпар.  
Чопар учун олтин ва оқча керак,  
Пўлат шамшир унга қурол ҳам эрмак.  
Кўнглини хушлайди чопқир бедов от  
Аммо ҳаммасидан шапкаси қиймат.  
Шапка учун олтин шамшир, тулпорни  
Қурбон қилишга у доимо тайёр.  
Аммо шапкасини жангда ёварни  
Фақат боши блан бирга олинар,  
Нега шапкасини мунча қадрлар?  
Чунки унга тикилган ма'лумотлар.  
Жинояткор гетманнинг қилмишидан  
Пётр шоҳга ма'лумот Кочубейдан.

Аммо даҳшатларни сезмай ва билмай.  
Ҳечнарсдан қўрқмай, сра ҳайиқмай,  
Фитнани Мазепа этдирар давом.  
Битта мухтор роҳиб бирга шу дамда<sup>16</sup>  
Халқнинг ис'ёнини қўзғаб батамом,  
Субутсиз, беқарор тож қилар ва'да.  
Кечалари улар бўлиб зимзиё,  
Битим тузишади ўғридек гўё,  
Хиёнатни ордоқлашар ўзаро  
Ёзиб чиқар универсалнинг<sup>17</sup> жадвалин,  
Подшоҳ бошин савдолашар, можаро,  
Вассалларни сотар ичиб қасамин.  
Сарой ичра мудом қатнаб туради,  
Қаёқдандир мажҳул, беном девона,  
Ва гетман котиби Орлик<sup>18</sup> юради,  
Бошлаб келиб ҳам кузатиб парвона.  
Ҳар томонга сепади сирли заҳар  
У йўллаган жосус ҳамда қороллар:  
Булавин<sup>19</sup> ла бирга ис'ён кўтарар,  
Дон томонда яшаётган казаклар.

Ёвуз аламонни уйғотиб унда;  
Днепр дар'ёсин нарёқларида,  
Даҳшат солар запорожли бошига,  
Пётр ҳукуматин тахту тожига.  
Мазепа ҳар томон нигоҳ ташлайди,  
Нома ёзар ўлкалардан ўлкага:  
Маккор ҳиддат блан қўзғай бошлайди  
Боқчасарой элин Масков устига.  
Варшавада уни тинглайди қирол,  
Очаковда турк подшоси хайрихоҳ.  
Манзилда Карл ҳам тинглар бемалол.  
Мазепанинг маккор қалби мудрамас;

Ақли блан ақлларни у енгиб,  
Зарба бериш учун тинмай иш кўрар;  
Заифлашмас иродаси букилиб,  
Шум нияти тобора ёллуғланар.

Нақадар сесканиб, у сапчиб тушди,  
Гўё боши узра ра'ду барқ учди  
Гулдирослар солиб! Унинг ўзига,  
Россия ёвининг ўзгинасига,  
Полтавадан борган у ма'лумотни  
Юбордилар унга рус тўралари,  
Солмасдан бошига одил даҳшатни  
Қурбон деб, беҳуда силаб сийпади;  
Жанггу жадалларнинг ғам ташвишидан,  
Нафратланиб, сохта туҳмат ишидан,  
Ма'лумотга қилмай сра э'тибор,  
Иудани<sup>20</sup> шоҳнинг ўзи юпотди.  
Қаттиқ жазо олар у ёвуз бадкор  
Ва шунда тинар деб шоҳ ва'да этди!

Мазеда ғамгиндек бўлар ҳийлакор,  
Шоҳга боқиб сўзлар кўп итоаткор:

„Тангрига аёндир ҳам кўрар борлиқ;  
 Шўрли гетман қулинг подшоҳга содиқ,  
 Йигирма йил қилар пайдар-пай хизмат,  
 Шоҳдаги сахийлик ва чексиз ҳиммат,  
 Шуҳратга кўмгандир кўтариб кўкка...  
 Оҳ, нақадар сўқир, телбадир ғазаб!..  
 Менми, бир оёғим қабрга қараб  
 Турганда бош олай шум хиёнатга,  
 Шундай шуҳратларга қим қора сурқар?  
 Менмасми Станислав<sup>21</sup> кўмак берар —  
 Бўлганида ғазаб блан рад этган?  
 Тоқмай Украинанинг тожин жирканиб,  
 Яширин шартлари, хатлари тўлган,  
 Хужжатни подшоҳга дарҳол юбориб,  
 Узининг бурчини оқлай олган ким?  
 Мен эмасми хоҳнинг<sup>22</sup> васвасасига  
 Ва цареград султонининг сўзига  
 Қулоқ солмай келган? Ғайратда ёниб,  
 Оқ подшоҳнинг<sup>23</sup> ёвлари-ла олишиб,  
 Шуур, шамшир блан жанг қилиб фақат,  
 Меҳнат ва умрини аямай келган.  
 Эндиликда эса бир ёвуз душман  
 Менинг оқ сочларим қилар ҳақорат!  
 Тагин кимлардинг? Искра, Кочубей!  
 Шунча йиллар бўлиб унга қадрдон!..  
 Қўз ёш қилиб бадкор шу дам қумсаб қон,  
 Улим талаб қилар уларга ҳамон...  
 Кимни қатл этмоқчи у кекса қайсар!  
 Қизини бағрига босган чолними?  
 Аммо у бераҳм, совуқ қалбини,  
 Мужмал ҳамда мудроқ зор блан босар.  
 У дейди: „не учун тенгсиз талашга  
 Киришибди телба, ақлсиз у чол.  
 У такаббур бебош бу блан дарҳол,  
 Ўзи болта қайрар кекса бошига.

Қайга чопар энди у жоҳил шу он?  
Нимага таянган ундаги армон?  
Ёки... Броқ қиздаги ишқ-муҳаббат,  
Отасининг бошин сақлаб қололмас.  
Ошиқ гетманга йўл бермас экан — бас,  
Менинг қоним ерга тўкилар албат“.

Мария бечора шўрли Мария,  
Черкасс қизларининг моҳи тобони!  
Билмайсанки, оппоқ ма'сум бағрингда  
Эркалайсан қандай ёвуз илонни.

Қандай қилиб бадкор бузуқ юракка  
Қандай сирли кучнинг ҳукми-ла тикка  
Кўнгил қўйдинг ва берилиб кетдинг сен?  
Кимлар учун ўзни қурбон этдинг сен?  
Унинг оппоқ ва жинггалак сочлари,  
Қават-қават юздаги ажинлари,  
Ялтиллаган ботиқ, хунук қараши,  
Макру ҳийла блан сөз гаплашиши,  
Сенинг учун бўлди ҳарнадан қиймат:  
Шуларни деб чиқди онанг ёдингдан,  
Васваса қилучи ўшал ҳашамат,  
Ортиғроқ кўринди сенга уйингдан.  
Узининг ажойиб кўзлари блан  
Сени сеҳрлади, кекса авради,  
Майин, мас қилучи сўзлари блан  
Сенинг виждонингни у аллалади;  
Чексиз ҳурмат блан унга доимо  
Тикилади сенинг басир нигоҳинг.  
Эркалайсан қилиб нозу-таманно,  
Сенга ёқиб тушган шармсорлигинг.  
Ғурурланиб, бокиралар сингари  
Шунга кўниб, сархуш ҳамда шайдосан.  
Ҳаёнинг латофат, гўзалликлари

Сенинг блан бирга тутди юз тубан...  
Нима учун керак ор Марияга?  
Одамлар миннати, та'налар тоши?  
Қуллик қилиб кекса мағрурнинг боши  
Бағрига ташланиб турган дамларда?  
Қизнинг тиззасига бош қўйиб гетман  
Унутганда тақдир, меҳнат, гавғони,  
Сирли жасоратни, қаттиқ савдони,  
Қўрқоқ қизга бир-бир очиб ташларкан?  
Ма'сум кунларга қиз ачинмайди ҳам,  
Аммо булут каби гоҳида бир ғам,  
Унинг юрагига соя салади:  
Муштипар онаси ва ғамгин падар,  
Қизнинг кўз ўнггида гавдаланади.  
Уларни кўради кўз ёш ичра қиз,  
Кексаликда улар фарзандсиз ёлғиз,  
Гўё зор бўлгандай бўлиб туюлар.  
О, агар қиз воқиф бўлсайди бир-бир,  
Бутун Украинага тарқалган гапдан!  
Ва лекин даҳшатли жон олуци сир  
Гўзал Мариядан тутилар пинҳон.

### Иккинчи қўшиқ

Мазепа қайғули. Унинг бошида.  
Кезарди даҳшатли, бераҳм ўйлар.  
Мария парвона унинг қошида,  
Майин нигоҳ ташлаб нозланиб сўзлар.  
Бош қўйиб тизига, ардоқлаб уни —  
Айлар муҳаббатин ёрига изҳор.  
Аммо беҳудадир. Қора ниятни  
Йўқоталмас қизнинг севгиси зинҳор.  
Шўрли қизга сра қилмайин парво  
Қовоқ солиб турар, кўзлари тўниб,  
Ишва-навозишга боқмайин асло,  
Турар чехрасида сукунат қўниб.

Ажабланиб, ортиқ бу ҳақоратдан,  
Олиб зўрға нафас туриб ўрнидан,  
Изтироб ўтида қиз шундай деди:  
„Тингла гетман: фақат бир сенинг учун,  
Кечганман дун'ёда ҳарнарсадан воз.  
Севарканман умр бўйи мен бутун  
Биргина нарсани истардим холос:

Сен ҳам мени севсанг! Ишқинг чун шу он  
Бахту саодатим айладим қурбон.  
Аммо ачинмайман, бўлмам пушаймон —  
Ўдингдами: у даҳшатли сукунат,  
Ўша кеча, мен сеники бўлган тун,  
Қасам ичдинг дилда бор деб муҳаббат,  
Нега энди мени севмайсан бугун?“

### Мазепа

Азизим сўзларинг кўп тўғри эмас,  
Бу телба хаёлни тарк айлагил, бас;  
Бағрингни шубҳалар ёндираб бутун;  
Йўқ. Сендаги жўшқин ўша юракни  
Ҳаяжон, эҳтирос ўйнатар қаттиқ.  
Мария ишонгил, севаман сени,  
Шарафимдан ортиқ, тахтимдан ортиқ.

### Мария

Тўғри эмас: мени алдамоқдасан.  
Айрилмас эдикку бир чоқлар ахир?  
Қочмоқдасан энди ишва — нозимдан,  
Улар малол келар, сен учун оғир;  
Оқсоқоллар блан биргасан буткул,  
Базму, сафарларда ўтади кунинг.  
Мени чақирмайсан, хотирлаб бир йўл



Унутилган сенинг ёринг-мафтунинг.  
Узоқ кечалари ё ўзинг ёлғиз  
Ёнингда бир гадо, ё роҳиб фақат.  
Нигоҳларинг совуқ ҳамда кўнгилсиз,  
Шуни кутармиди бу пок муҳаббат.  
Сен яқинда,— бўлди менга бу аён,—  
Дульская деган битта хотиннинг  
Соғлигига қадаҳ кўтардинг ўзинг.  
Дульская ўзи ким? Айт қандай жонон?

### Мазепа

Дарров рашк қилдингми? шу ёшда манга  
Ким қўйибди, кибор, мағрур сулувнинг  
Та'зимига шайдо бўлиб юришни?  
Ким қўйибди ахир мендай кексага  
Ёшлардек хўрсиниб ва оҳ уришни!  
Хўрлик кишанини нега судрайин?  
Нега хотинларни авраб алдайин?

### Мария

Йўқ. Баҳоналаринг, важларинг бекор  
Тўғрисини қилгил сен менга баён.

### Мазепа

Ҳар нарсадан ортиқ мен учун зинҳор  
Жонинг ҳаловати Мария ишон.

Бир ишни биз кўпдан бери ўйлардик;  
Қизиб кетди энди ўша ишимиз.  
Бахтли замон келди у қоқиб эшик;  
Яқинлашиб келар улуғ жангимиз.  
Билмай шонни ҳамда эркин яшашни,  
Қуйи солиб, доим бизлар бу бошни,  
Варшава шоҳини паноҳ деб билдик.

Москвага бизлар доим топиндик.  
Украина ҳам битта мустақил давлат,  
Бўлиб яшайдиган бир пайти келди:  
Озодликнинг қонли байроғин албат  
Пётрнинг бошига сураман энди.  
Тарадди кўрилган. Ҳар икки қирол<sup>24</sup>,  
Мен-ла музокира қилиш блан банд,  
Жанггу жадал блан балки мен дарҳол  
Ўзимга тахтимни қуларман баланд.  
Менинг садоқатли дўстларим ҳам бор:  
Улар менга доим бўлар мададкор.  
Булар: княгения Дульская ҳам  
Сен кўрган роҳибим—девона-гадо.  
Фақат улар бо'ис қўлимга шу дам  
Етар қиролларнинг хати бехато.  
Мана менинг сенга муҳим иқрорим,  
Мамнунмисан? Юпан, ўксинма жоним.  
Тарқалдими ғаминг?

М а р и я

Меҳрибоним, оҳ,  
Сен бўласан она юртга подшоҳ!  
Шоҳлик тожи сенинг кумуш сочингга  
Бирам ярашади, бирам!

М а з е п а

Тўхтагил,  
Бўрон қўпсин, етайликчи мақсадга;  
Ким биледи мени не кутар шу дам?

М а р и я

Сенинг ёнингдаман қўрқмайман асло—  
Сен жуда қудратли, мен биламан, о,  
Тож-тахт кутар сени.

Мазепа

Ўлим кутсачи?

Мария

Ўлимга сен блан мен ҳам бораман.  
Тоқат қиларманми сенинг кўйингда?  
Йўқ. Шоҳликнинг нишонини тоққансан.

Мазепа

Мени севасанми?

Мария

Мендан сўрдингми?

Мазепа

Жавоб бергил: сенга ота ёки ёр,  
Қайсибири ортиқ?

Мария

Ёру вафодор

Беҳуда бу савол не учун даркор?  
Қилмоқда беҳуда мени у нотинч,  
Хотирламай дейман оиламни ҳеч.  
Уларга шарманда ҳамда шармсор,  
(Қандай даҳшатли ва оғир хаёл)  
Балки менга отам ўқир ла'натлар.  
Нима учун ахир?

Мазепа

Демак мен ортиқ,  
Сенга отангдан? Нега индамайсан...

Мария

О, танграм!

Мазепа

Қани? Жавоб бер.

Мария

Ўзинг топиб ол.

Мазепа

Қулоқ солгил: агарда шул замони,  
Иккимиздан биримизнинг бошимиз  
Зарур бўлиб қолса, сен бўлсанг қози  
Кимни қилар эдинг сен шунда қурбон,  
Кимга бўлар эдинг сен ўзинг қалқон?

Мария

Оҳ, етар энди, бас! Бағрим тилмагил!  
Жон олучи сан.

Мазепа

Жавоб бергил менга!

Мария

Ранггу қутинг учган. Сўзларинг ёмон...  
О, аччиғланма ҳеч! Сенинг кўйингда  
Ишонгил, тайёрман бўлишга қурбон.  
Аммо бундай сўзлар чўчитар мени  
Бас қилгил энди.

## Мазепа

Ёлғиз унутма,  
Мария, ҳозир ўз айтганларингни.

Украина тунни гўзал ва сокин  
Осмон мусаффордур. Юлдузлар чақнар.  
Мудраб соз уйқуда ел олади тин.  
Майин шилдирашар кумуш ёпроқлар.  
Осмонда ой балқиб юраркан мағрур  
Оқ Черковга<sup>25</sup> тинмай ҳадсиз сочар дур.  
Гетманнинг ҳашамли боғларини ҳам  
Қадимий қал'ани ёритмоқда нур.  
Сукунат ичида айлана, борлиқ;  
Қал'а ичра аммо шивир, ҳаяжон.  
Оғир хаёл блан қовоғи солиқ,  
Бир ровоқда, дарча тагида ҳайрон  
Ўтирар Кочубей қўл, оёқ кишан,  
Ва осмонга боқар ғам, алам блан.

Тонг отганда ўлим. Ҳайиқмай броқ  
Даҳшатли ўлимни ўйлайди шу чоқ.  
Ҳаётига ачинмайди сра у,  
Ўлим нима унга? Кутилган уйқу.  
Қонли тобутга у киришга тайёр.  
Уйқуни енгади. Одил худо бор!  
Тилсиз яратилган махлуқдай ётиб,  
Бадкор оёғига бошни қўймоқдан,  
Шоҳга душман бўлиб, виждонни сотиб,  
Ноҳақ таҳқир этиб, подшо бўлмоқдан,  
Ажралган яхшидир шуҳрат, ҳаётдан.  
Ўзингла дўстларни дорга элтмақдан,  
Эшитганча ундан тобутда қарғиш  
Болта остига сен қўйиб ма'сум бош,  
Ёв кўзига қилиб хушнуд бир қараш,

Афзалдир ўлимни қилганинг оғуш,  
Ҳечкимга васият қилмай ҳеч қачон,  
Кек сақлаб бадкорга, афзал бериш жон!

Шунда эслади у Полтавасини,  
Оиласи ҳамда дўсту ёрларни,  
Ўтган кунларини, бойлик шонини,  
Қизлари куйлаган тароналарни,  
Кўз очиб кўргани кўҳна маконни,  
Унда меҳнат, роҳат қилиб юрганин,  
Ҳаёт завқин эмган малоҳат онни,  
Ҳам уларни ўзи ташлаб келганин,  
Нима учун?

Броқ, зангли қал'анинг  
Калит тушган қулфи жаранглаб кетди --  
У бирдан уйғонди, шўрли ўйлайди:  
Ана у! оҳ, менинг қонли йўлимда,  
Салб байроғи менинг доҳим қўлида,  
Гуноҳлардан бутун кечишга қодир.  
Қалбимнинг ғуссасин табиби, моҳир.  
Биз учун жон берган Исовнинг қули,  
Келтирган муқаддас қонни бир йўли.  
Дадил бўлай, жасур борай ўлимга,  
Сўнгра борай мангу ҳаёт йўлимга.

Кўнгли вайрон бахтсиз Кочубей ранжиб,  
Ғаму-ғуссаларин қодир худога  
Арз қилишга тайёр шу дам ёлбориб,  
Кўзин очди етай деб муддаога.  
Аммо келган эмас зоти қадрдон,  
Кўзига кўринди бир бошқа меҳмон.  
У шафқатсиз Орлик турар қошида.  
Ғазаб, нафрат тўлиб ичу тошида,  
Кочубейнинг янграр аламли сўзи:  
„Сен шу ердамисан, қалби тош одам?

Сўнги тунимда ҳам менга бермай дам,  
Нега ранжитади Мазепанг ўзи?"

Орлик

Сўроқ тугамаган. Қани жавоб бер.

Кочубей

Мен сўроқ берганман: товшингни ўчир,  
Чиқиб кет.

Орлик

Иқроқ бўлишингни яна  
Пан Гетман истар.

Кочубей

Тағин нимага? Айт.

Сиз истаган нарсанинг ҳаммасига  
Иқроқ бўлган эдим мен аллақачон.  
Берган сўроқларим ҳаммаси ёлғон.  
Гетман ҳақ. Мен маккор. Фитначи, тамом.  
Яна нечун сўроқ қиласиз бу он?

Орлик

Биз биламиз, сенинг давлатинг ҳадсиз  
Яширин мулк Диканькада<sup>26</sup>, биламиз.  
Албатта муқаррар сенинг ўлиминг:  
Давлатга ўтади, тўла ва дарҳол  
Сендаги хазина ва молу-мулкинг.  
Қонун шундай. Ҳозир бераман имкон:  
Бу сенинг энг сўнги бурчинг: қил аён  
Қайларга кўмгансан хазиналарни?

## Кочубей

Янглишмабсиз, шундай: учта хазина,  
Умримни безарди ўша дафина.  
Биринчи хазинам номусим эди  
Уни мендан азоб тез тортиб олди;  
Бошқа бир хазинам бўлмайти такрор,  
Севган қизим йўқотган у номус-ор.  
Парвона эдим ман кундуз ва туни,  
Мазепа ўғирлади ул хазинани.  
Сўнгги хазинани сақлаб қолалдим,  
Учинчи хазинам: муқаддас қасос.  
Ин'ом қилмоқчиман тангрига рўй-рос.

## Орлик

Беҳуда гапларни қўйсангчи эй чол;  
Бугун қиларкансан бу оламни тарк,  
Шиддаткор ўйларла ўзингни юпат.  
Ҳазилнинг вақтимас, бир жавоб керак  
Истамасанг янги азоб-уқубат:  
Пулларни қайга яширдинг?

## Кочубей

Бадкор малай!

Тугайдими бу бема'но сўроғинг?  
Тўхта бироз: тобутга ётиб олай,  
Шунда бориб Мазепадек ўртоғинг  
Блан, мен қолдирган миросни сана.  
У қонли қўл блан менинг боғларим  
Омборларим, уйим қилиб вайрона,  
Ёндир ва яксон эт, топта ва қўпор.  
Ўзинг блан қизимни ҳам олиб бор;  
Унинг ўзи ҳаммасин айтиб берар,



Барча хазинани ўзи кўрсатар;  
Худо ҳаққи бўлди, сўзларим тамом,  
Кўйгил мени бироз олайн ором.

### О р л и к

Пулларни қаерга бекитдинг? Кўрсат.  
Ё истамайсанми? — Қаерда пул? Айт,  
Натijasи бўлар айтмасанг ёмон.  
Ўйлаб кўр: жойини айт, бўласан шод.  
Айтмайсанми? — Қани азоб бер, жаллод!

Жаллод кириб келди...

О, қийноқ туни!

Аммо қани гетман? қани у бадкор!  
Бардош бералмайин илон юраги  
Қайга қочиб кетди ёвуз жафокор?  
Ўйқудаги қизнинг ётоғида у  
Олмай ҳали роҳат, билмай фароғат,  
Кўзларига ҳали келмайин уйқу.  
Тутинган қиз тўшагига яқинроқ,  
Бошин қуйи солиб гапирмай фақат,  
Ўлтирар Мазепа, солуқдир қовоқ,  
Кўнглидан ўтади бир хаёл бир иш,  
Удар бир-биридан бадбин ва мудҳиш:  
„Ўлади Кочубей беақл, нодон,  
Бўлмас уни сра қолдириб омон,  
Яқинлашган сари мақсадга гетман  
Бўлади шунчалар қаттол, ҳукмрон.  
Олдида душмани бош эгар шу дам  
Омон қолмас унинг ҳамкорлари ҳам  
Ўлмоғи керакдир, омон қололмас!  
Ўлади албатта фитначи, жосус“.  
Аммо боқар экан қиз тўшагига,  
Мазепа шуларни олар эсига:

„О, тангрим, етишгач қизга шу хабар,  
Унинг бошларидан нималар кечар?  
Ҳозир қиз уйқуда ором олмоқда —  
Аммо сирни ортиқ яшириб бўлмас  
Болта кесар экан бошини тонгда  
Янграр Украинада бир садо, бир сас.  
Бутун дун'ёда гап бўладир бу сир!  
О, кўринмоқдадир менга бу равшан:  
Кимнинг қисматига ушбу ҳаётнинг  
Алам, стамлари бўлса ёзилган,  
Даҳшатларда кўрсин ўзини якка  
Чорламай аёлин сра кўмакка.  
Аравага от блаң бирга ёндош  
Қўшиб бўлмас экан осов оҳуни,  
Унутганман, энди эҳтиётсиз иш,  
Келтирар кўз ёшу телба қайғуни...  
Ҳарна бўлар экан тенгсиз, бебаҳо,  
Умр тотли экан унингла танҳо,  
Бечора қиз қилди менга мукофот,  
Гулдак умрин, — менга, бетавфиқ чолга.  
Менчи? Солмоқчиман бошига кулфат!“  
Тикилиб қарайди: юмшоқ тўшакда  
Нақадар тотлидир ёшликда ором!  
Нечоқ эркалайди уйқу қилиб ром!  
Лаблари очилди. Ис'ёнсиз тепар  
Нафас олиб қизнинг у ёш синаси;  
Эртагачи... Мазепа бир қалтирар  
Кўзин олиб ундан чиқмайин саси  
Аста туриб хилват боғига кетар.

Украина туни гўзал ва сокин,  
Осмон мусавфодур. Юлдузлар чақнар.  
Мудраб соз уйқуда ел олади тин.  
Майин шилдирашар кумуш япроқлар.  
Лекин Мазепанинг қалбида макон —

Қурмиш қўрқинчли ўй, жуда беомон.  
Осмонда чақнаган ҳарбитта юлдуз,  
Гуё уни шу чоқ қораловчи кўз,  
Юлдузлар кетидан таҳқирла кулиб,  
Тераклар туради зич қатор бўлиб,  
Секин қимирлатиб улар бошини,  
Шивирлаб огоҳлар ўз йўлдошини.  
Ёзнинг иссиқ кечалари зимистон  
Ва мисоли қопқоронғи дим зиндон.

Шу дам қулоғига қал'а томондан,  
Эшитилар заиф оҳ, фар'ёд бирдан.  
Тушми бу? Ва ёким бойқуш йиғлаши,  
Ё йиртқич ҳайвоннинг шум ўкириши,  
Ёки жазо доди, ёки бошқа роз,  
Аммо қалбидаги оғир ҳаяжон  
Тарк этмасди кекса қалбини ҳамон.  
Яна келди чўзиқ, заиф бир овоз,  
Бу овозга бардош бералмай дарҳол,  
Бутун кучи қудрати-ла ҳойқириб,  
Жанггоҳларни жаранглатди шу он чол.  
Бир замонлар Забело Гамалей блан  
Ўша блан... Ўша Кочубей блан  
Майдон кезган ўтда отин ўйнатиб.

Уфқ аста қирмиз шафағин судраб,  
Олди мовий кўкнинг юзларин ўраб,  
Ёришди далалар, тепалар, қирлар,  
Дар'ёлар долғаси ва хиёбонлар,  
Тонг отиб бошланди ғала-ғовурлар,  
Уйқудан уйғонди шунда одамлар.

Тотли нафас олар Мария ҳали,  
Енгил уйқу ичра мудраб кўзлари,  
Уйга биров шу он кириб келганин

Сезиб қолди ғира-шира уйқуда,  
Секингина оёғин ушлаганин.  
Нигоҳ ташлаб, бир табассум қилдида  
Чарақлаган тонгдан кўзи қамашиб.  
Дарҳол нигоҳини олди яшириб.  
Мария керишди қўлларин ёзиб,  
Ширин нафас олиб қиз пичирлади:  
„Мазепа санмисан?“ Қиз сўроғига  
Узга жавоб келди... О, худовандим;  
Чўчиб тушиб, боқди ҳамма ёғига...  
Кимни кўрди?  
Тулар олдида она...

Она

Жим, жим!  
Ҳалок этма бизни: тунда бир ўзим  
Кириб келдим бўлиб жуда эҳтиёт.  
Бугун жазо куни. Сен ўзинг фақат,  
Улар ваҳшатни юмшаталасан.  
Отангни қутқоргил.

*Қиз, изтироб ичиди.*

Қанақа ота? Қандай жазо, ўлим?

Она

Хабарсизмисан,  
Шу чоққача?.. Йўқ, йўқ, саҳро дамассан,  
Саройда яшайсан, билишинг керак;  
Гетманнинг қудрати зўр ва даҳшатли,  
У ўз душманига ғоят беомон,  
Унга қулоқ осар подшоҳ ҳамон.  
Кўриб турибманки: ота, онангдан

Воз кечибсан ўша Мазепа учун;  
Ваҳшатли бир жазо ижро боларкан,  
Сенга дуч келдим ман уйқунгда буқун,  
Ўқиларкан ҳукмнома шу чоқда,  
Отанг учун тайёр бўлганда болта.  
Билдим, бир-биримизга эканмиз биз ёт...  
Ҳушингга кел қизим! Марил, югур,  
Бориб унинг оёғига йиқил, ёт,  
Париштамиз, отангни қутқориб бер:  
Бадкорларнинг қўлин боғлаб нигоҳинг,  
Сен болтасин тортиб олишга қодир,  
Гетман рад қилмайди, талаб қил, югур,  
Унутдинг уни деб, ор ва номусни  
Отани, онани ҳамда тангрини.

### Қиз

Менга нима бўлди? Отам... Мазепа...  
Ўлим, жазо... Онам бунда — қал'ага—  
Қўмак истаб менга ёлбориб келмиш  
Йўқ, йўқ, ёзгандирман балки ақлимдан  
Ё хаёлми?

### Она

Сени тангри ёрлақасин,  
Йўқ, йўқ — хаёл эмас ва туш ҳам, ҳайҳот,  
Қизим шу чоққача билмасанг ноҳот.  
Қизи яксон қилгач орни чидалмай,  
Изтироб ичида отанг ғазабкор,  
Ташна қилгач қасос бардош бералмай,  
Гетман қилмишидан улуғ подшоҳга  
Ма'лумот юборди ва қилди изҳор.  
Шундан кейин қонли қийноқ бошланди,  
Зиндон уқубати тегаркан жонга,

Тухмат дея айбни бўйнига олди.  
Жасоратли ҳақни энди қурбони,  
Душманнинг қўлида отангни жони.  
Буюк қўшинларнинг сояси агар  
Тушмас экан унинг бошига бутун,  
Худойимнинг ўзи раҳм этмаса гар,  
Отанг қатл этилур ўладир букун.  
Ҳозирча у бу ерда ўлтирадир  
Зиндон манорасида.

### Қиз

О, худойим!  
Бугун шўрлик отам, а!

Шунда йиқилар қиз ўз тўшагига,  
Гўё қулагандек совуқ бир мурда.

Рангбаранг шапкалар найза ялтирар,  
Қоқилар довуллар, йўрттар сердюклар,<sup>27</sup>  
Сафларда зич бўлиб туради полклар,  
Аламон қайнайди. Уйнар юраклар.  
Илон изи каби қайрилма йўлда  
Лиқ тўла одамлар турар ғимирлаб,  
Тақдирнинг сўриси турар далада  
Хушнуд, мағрур, ўйнар унинг устида  
Ташна бир жаллодки, қурбонни кутар:  
Опшоқ қўли блан гоҳи кўтарар  
Болтасини, у ўйноқи, оғир-зил,  
Гоҳи қилар қора халқ блан ҳазил.  
Говур, гувур, ичра кетди қўшилиб,  
Хотинлар овози, кулги, ҳақорат,  
Хитоб саси келди қулоққа етиб,  
Ҳамма жимжит бўлди. Отларнинг фақат,  
Оёқ товушлари эшитилар эди.  
У томондан сердюкларла ўралган,

Мансабдор у гетман тўралар блан,  
Бедовига миниб, елиб келади.  
Киев томондаги кўчадан шу он,  
Арава келарди. Ҳамма ҳаяжон  
Блан боқар эди ўша томонга.  
Рози бўлиб олам ҳамда осмондан,  
Мадад олиб қудратли э'тиқоддан,  
Аравада келар ма'сум Кочубей,  
Келар унинг блан Искра ҳам жим,  
Тақдирга тан берган қурбондек мўмин.  
Арава тўхтади. Ҳамма томондан  
Бошланди ибодат блан гулдирос,  
Кўкка учди тутун исриқдондан  
Бахтсизлар ҳаққига чиқармай ҳеч сас,  
Топинар халойиқ виждонни оқлаб,  
Жафокашлар шунда душманни ёқлаб.  
Ана, улар баландликка чиқдилар,  
Чўқиниб бошини қўйди Кочубей.  
Қабрда сингари эл сукут чекар,  
Болта бор бўйича бир ярқиради  
Учиб кетди боши унинг танидан.  
Оҳ урди далалар. Унинг кетидан  
Юмалади иккинчи бош, титради.  
Майсалар қонлардан кийдилар либос —  
Қалбдан мамнун бўлиб, ҳар иккисининг  
Кокилидан ушлаб кўтарди жаллод,  
Қонли қўлларида кўрсатиб бехос,  
Силкитди аламон бошида, ҳайҳот.  
Жазо ижро бўлди. Парво қилмай жим,  
Халойиқ уй-уйга кетар тарқалиб,  
Тирикчиликлардан улар бетиним  
Шу оноқ ўзаро борар гаплашиб,

Аста-секин дала қолди бўшалиб,  
Шу чоқ кесиб ўтиб, чанг босган йўлни,

Икки хотин чошиб борар шошилиб,  
Юзларин чанг босган. Кўзлари ҳорғин,  
Ҳаяжон ичида қўрқаркан тағин,  
Жазо ижро бўлган ерга интилар,  
„Кеч қолдингиз“ деди уларга кимдир,  
Қўл блан далани аста кўрсатди.  
Бузардилар ўлим сўрисин унда,  
Поп ибодат қилар хирқаси тундак,  
Аравага қараб кўтарди шунда  
Ул эман тобутни иккита казак.

Даҳшатли Мазепа бир ўзи ёлғиз,  
Тушиб, отлиқ аламоннинг олдига,  
Жўнаб кетди қатл еридан уйига.  
У азоб чекарди, бўшлиқдан изсиз.  
Ҳечким унга яқинлашиб келмасди,  
У ҳам сўз қотмади бирон нарсадан;  
Оти тинмай елар терларга чўмган.  
Уйга етиб келгач „қани Мария?“  
Деб Мазепа сўради. Саволига  
Эшитди чўчиган, қалтироқ жавоб...  
Беихтиёр ваҳимадан сесканиб,  
Қизнинг ётоғига у келди кириб:  
Жимжит, бўмбўш қолган қизнинг ётоғи.  
У боққа киради. Унда ғам блан  
Довдираб юради. Аммо на боғи,  
На катта ҳовузнинг атрофларида  
На буталар ва на даҳлиз ичида  
Биронта ҳам из ва асар қолмаган.  
Қиз кетган! Чақирар содиқ қоролин,  
Отда учадиган сердюкларини,  
Улар елиб келар, отлар пишқирар —  
Қувинг! деган садо қулоқларини —  
Тешар, шунда елдак учиб йигитлар.  
Ҳар томонга ақтаришиб кетдилар.



Чопиб ўтиб кетар қийматли онлар,  
Қайтиб келмайди ҳеч гўзал Мария,  
Ҳечким эшитмади ва кўролмади,  
Нега, қандай унинг қочиб кетганин,  
Мазепа индамай тишини қайрар,  
Ҳаммаёқ сукутда, қороллар титрар.  
Кўкрагида қайноқ заҳарни сақлаб,  
Қиз ётоғин ичидан олди қулфлаб.  
Тўшак яқинида зим-зиё тунда,  
Кўз юммасдан ўтирарди у шунда.  
Уни ўртамайди бу ердаги ғам,  
Тонг отганда қувиб кетган қороллар.  
Кириб келабошладилар хотиржам,  
Отлар югурганда юган, айили,  
Тақалари, жабдуқлари ҳам чилги,  
Барчаси, қора тер, кўпикка чўмган.  
Қонга ботган, тайсаллар, қамчи еган.  
Аммо қоролларнинг биронтаси ҳам  
Дарак бералмади у қиздан шу дам.  
Бўш товуш сингари у қизнинг изи,  
Зимзиё, асарсиз бўлдида кетди,  
Қувғин зулматида онанинг ўзи  
Қайғу, қашшоқликни бир олиб кетди.

### УЧИНЧИ ҚЎШИҚ

Қалб тўлсада оғир ғаму фироққа  
Мағрур нигоҳ ташлаб ҳамон йироққа,  
Украина раҳбари ҳеч қилмай ор.  
Мақсади йўлида топмайин қарор,  
Фурурланган швед қироли блан  
Муносибат қилар яширин-зимдан  
Фаразгўй нигоҳин яшириб, алдаб,  
Табиблар чорлайди қошига маккор,  
Тўшакда қиладир у малҳам талаб,  
Инграб, азоб чеккан бўлиб жафокор.

Эҳтирослар, жанглар ва машаққатлар,  
Ҳасталик, кексалик ва ғам-ғуссалар,  
Улим тўшагига қадаб ташлади,  
Энг сўнгги нафасни олабошлади,  
Куни битар. Яқин фурсат ичида,  
Бебақо дун'ёни у ташлаб кетар;  
Муқаддас маросим қилмоқни истар.  
Черковдан чорлайди мулла-руҳоний,  
Шубҳали вафотнинг тўшаги узра;  
Ётар оқ соч кекса чиқардек жони,  
Тотли сўзлар сўзлаб унга бир сра.

Аммо ўтар кунлар. Москва бекор  
Меҳмонларни кутар бўлиб интизор,  
Қадимий ёв мозори ўртасида  
Шведлар бошига солиш-чун мотам.  
Бирдан Карл ўз йўлини ўзгартдида  
Қилди Украинага юришни шу дам.

Кутилган кун келди. Турар тўшакдан  
Ёлгон хаста, заиф ўша Мазепа,  
Ўша жонли мурда, кеча эшикдан  
Зўрға чиқиб, инграрди қабр устида.  
Энди у Пётрга қудратли душман.  
Энди дадил турар полклар олдида,  
Ифтихор чарақлар ҳар нигоҳида  
Қиличин ўйнатиб Деснага томон  
Энди от қўяди бардам ва чаққон.  
Қадим ҳаёт кулфатила букчайган,  
Бир замонлар ўша кардиналь<sup>28</sup> маккор,  
Рим салбининг қалпоғини кияркан,  
Қаддини ростлади, соғайди бемор.

Қанот ёзиб учди бу дарак шу он,  
Украинани тутди ғавғо-ғалаён;

„Ў, душман томонга ўтиб кетибди,  
Карл оёғи остига қўйибди,  
Қобил туғимизни“. Аланга яшнар,  
Қонли тонг отар.  
Бошланади халқларнинг жанги  
Шоҳнинг ғазаб нафратин  
Ким тасвир этар?  
Черковларда қарғиш, нафратлар янграр;  
Мазепанинг бошин жаллод<sup>29</sup> янчади,  
Йиғинларда ҳамда эркин баҳсларда  
Ўзга гетманни эл талаб қилади.  
Енисей дар'ёсин қирғоқларидан,  
Искра, Кочубей қавмини бирдан,  
Ўзининг ёнига Пётр чорлайди.  
Улар блан бирга йиғлаб, ёш тўкиб,  
Кўнгилларин олиб ҳамда юпатиб,  
Лавозимлар, моллар ин'ом қилади.  
Мазепа душмандир. Уста чавандоз  
Кекса Полей шунда мудҳиш сургундан  
Украинага-шоҳнинг ўрдасига боз  
Қайтарилди ўша даҳшатли кундан.  
Титрар етим қолган ғалаён-ис'ён,  
Ботир Чечель<sup>30</sup> ҳалок бўлар зиндонда,  
Запорожли атаман бўлди қурбон,  
У мис қалпоқ учун тождан воз кечган,  
Жанглар шуҳратининг ошиқи сен ҳам,  
Билиб қўйки, ўлимнинг яқинлашган  
Полтава ис'ёнин бошқардинг шу дам.

Ўша ёққа подшоҳ аскар юборди,  
Бўрон каби оқди улар шу замон,  
Бир-бирини макр ила ўраб олди,  
Икки қўшин яланғоч чўлда шу он,  
Дадил курашларда кўп саваланган,  
Қонни қумсаб, илгаридан маст бўлган,

Орзу қилган жангчи блан ниҳоят,  
Дуч келди бу жангчи солиб кўп даҳшат.  
Кучли Карл ғазаб ўтида боқар,  
Тарқатилмагандир ҳали булутлар,  
Нарванинг у бахтсиз қочқинларидак.  
Аммо, ҳали, чаққон ва итоаткор,  
Мўмин, сарбас ҳамда жуда шиддаткор,  
Дадил полклар сафи турар яширин,  
Турар улар маҳкам ушлаб найзасин.

Броқ, у шундай бир қарорга келди:  
Тонг отиши блан жанг бошланади.  
Ҳамма ухлар Швед қароргоҳида,  
Биттагина чодир ичида фақат  
Бўлмоқдадир пичир-пичир бир субҳат.

„Йўқ. Орликим, пайқаб турибман шу он.  
Шошилибмиз бизлар бекор ва бехос:  
Ўйларимиз қалтис ҳам жуда ёмон,  
Бундан сра яхшилик келиб чиқмас.  
Ниятларим барбод бўладир аммо,  
Нима қилмоқ керак? Иш бўлди содир,  
Карл деб панд ебман, қилибман хато,  
У бола кўп жасур ҳамда баҳодир:  
Бир икки жангда у дарров севиниб,  
Енгиб чиқаолар туриб бемалол,  
Овқат чоғи ёв бошига от қўйиб<sup>31</sup>  
Бомбаларга иршайиб жавоб бериб;<sup>32</sup>  
Тунда душман ўрдасига киришда,  
Бугун отганидек, казак отишда,  
Отиб, орқасидан отилишда ҳам<sup>33</sup>  
Руснинг мерганидан ҳеч келмайди кам.  
Броқ юриш қилиб зўр подшоҳ сари,  
Бардош бералмайди, жанг қилолмайди.

Ўз қисматин полклар юрган сингари,  
Довул қоқиб ҳайдаб юрмоқ бўлади;  
У, гумроҳ ва қайсар, жуда бесабр,  
Бе андиша, енгил ҳамда мақтанчоқ.  
Худо билар ҳали кимнидир тақдир;  
У янги душманнинг қувватин броқ,  
Ўтмиш ютуғига қилади қиёс,  
Шохларини албат синдирад бунда.  
Орим келар: у жанговар дайдига,  
Кексаликда қилибман бекор ҳавас;  
Қўрқоқ қиздак унинг дабдабасига,  
Ва бахтнинг енгилтак ғалабасига.

### Орлик

Жангни кутайликчи, ўтмаган фурсат,  
Пётр блан яна қил муносибат.  
Балонинг олдини олармиз албат.  
Агар яксон қилсак, бунга ҳеч йўқ шак,  
Рад қилмайди подшоҳ, сулҳ таклиф қилсак.

### Мазепа

Йўқ, кеч қолдик. Рус шоҳига мен блан  
Ярашмаклик жуда ҳам амри маҳол.  
Тақдирим кўпдандир бўлган эди ҳал:  
Кўпдан қаҳру-ғазаб блан тўлганман.  
Бир куни мен Азованинг тагида,  
Даҳшатли шоҳ блан бош қароргоҳда.  
Базму ишратларда бирга бўлганман:  
Шароб тўла жомлар қайнарди унда.  
Тилларимиз тинмай сайрарди, шунда  
Мен бир қалтис сўзни айтиб қўйибман.  
Қизаришди ёш меҳмонлар сўзимдан.  
Шоҳнинг жаҳли чиқиб шу оғ қўлдан

Қадаҳ тушиб кетди. Туриб ўрнидан  
Даҳшат солиб тутди оқ мўйлабимдан.  
Ғазабимни шунда ютиб ичимга,  
Уч олиш чун бердим қасам ўзимга:  
Она боласини сақлаб ичида  
Юргандак сақладим кекни ичимда.  
Фурсат келди. Мени хотиридан у  
Улгунча чиқармас. Мен унга қайғу,  
Азоб бахш этаман. Топалса имкон,  
Ўлдирур, мен унинг гулига тикон.  
Ўша сафаргидек яна бир карра,  
Мўйловимдан ушлаш учун у айёр,  
Энг азиз вақтини аямай зарра,  
Зўр шаҳарлар ин'ом қилишга тайёр.  
Аммо умидимиз бордир ҳали: ким  
Қочади, тонг блан ма'лум бўлади.

Кўзларини юмиб яна қолди жим.  
Рус шоҳининг кекса хиёнаткори.

Ўртар шарқни букун янги тонг отиб,  
Тепалар ва яйдоқ қирларда тинмай  
Гулдирар замбарак, осмонга етиб  
Тутунлар юради ҳеч ерга қўнмай,  
Тонгнинг нурларига чиқиб пешвоз.  
Сафларини зичлай бошлади полклар,  
Буталар остига ётди ўқчилар.  
Ўқлар зингғиллайди, гурлар замбарак.  
Ҳавода ярқирар пўлат найзалар.  
Севикли зафарнинг ўғли шведлар  
Ўтли хандақ босиб югурадилар.  
Ҳаяжон остида сувори учар;  
Пиёдалар жўнар улар кетидан,  
Ўзининг бардоши саботи блан  
Суворига улар куч бериб турар.

Тақдир майдонида кураш янгради,  
Тўзон кўкни қоплар, майдон ичра қон.  
Жанговар бахт аммо шаксиз шу замон  
Табассумлар блан бизга қаради.  
Қуршовга олинган аскарини ёвнинг,  
Қоришиб қулайди тупроққа, кулга.  
Қочиб қолар Розен<sup>34</sup> ёриб қуршовни  
Ғазабкор Шлипенбах тушадир қўлга.  
Кетма-кет сурамиз швед аскарини,  
Улар байроғининг шони қораяр,  
Ордоқлаймиз бизлар уруш тангрисин,  
Ҳарбир қадамимиз хотирда қолар.

Шунда юксак илҳом завқига тўлган,  
Пётрнинг оҳангдор овози келди:  
„Энди ишга, сизга худоёр бўлди!“  
Пётр чиқиб келар экан чодирдан,  
Дўстлар атрофини ўрашиб олган.  
Кўзлари ёнади хуррам ва хушнуд.  
Қадами сарбасу шодлиги даҳшат,  
Ёвнинг яшинидек гўзал бир қудрат.  
Келаётир. Унга тутдилар тулпор,  
Тулпор шум овозни тинглаб қалтирар.  
Сўнгра ҳар томонга бир қийғоч боқиб,  
Майдон томон учар қуюндек якбор,  
Сувориси блан — қилиб ифтихор.

Тушга яқинлашган. Авжда ҳарорат.  
Жанг тўхтаб, жангчилар олмоқда роҳат.  
Унда-мунда ёлғиз казаклар чопар.  
Полклар саф тузишар бўлишиб қатор.  
Жанговар музика чиқармас овоз.  
Замбараклар сўзсиз туришмоқда ғоз  
Тепаларда мағрур. Қоплаб далани  
Янгради ҳайбатли урра садоси —

Пётрни кўрганда, олқишлаб уни  
Кўкларга юксалди полклар нидоси.

От ўйнатиб ўтди полклар олдидан,  
Қудратли, жанг каби бўлиб шодумон.  
Ерларни ютарди ҳар нигоҳида,  
Унинг орқасидан қолмайин шу он,  
Давлат машаққати, талаш, тортишлар,  
Сафарларда бирга бўлган дўстлари,  
Барча а'ёнлари ҳам фарзандлари,  
Келмоқда бахтиёр минишиб отлар.  
Келар Шереметов<sup>35</sup> у олий жаноб  
Келмоқдалар Брюс, Боур ва Репнин<sup>36</sup>  
Ва бахт эркалаган у якка асир<sup>37</sup>,  
Ҳокимлар, сардорлар келарди шу он.

Шу он кўк либосли сафлар қошида.  
У жанговар аскарларин бошида,  
Рангги-рўйи ўчган, заиф, бедармон,  
Замбилни кўтартиб ўз қулларига,  
Карл етиб келди кенг эди майдон.  
Мансабдорлар келаётир ортидан,  
У келадир секин, чўмиб хаёлга,  
Ҳайрат блан боқиб ҳамма томонга.  
Чиқалмайин ҳаяжонлар остидан.  
Унга шудам орзу қилинган бу жанг,  
Бекор қўлдан кетган каби, у гаранг.  
Секин имо қилиб бармоқла бирдан.  
Сурди рус устига полкини душман.

Подшоҳ аскарлари чўлда шул замон,  
Дуч келдилар ёвга, бўлиб беомон:  
Шунда янгради жанг, Полтава жангги!  
Дўл синггари ёғдирилган ўқларга,  
Одамларнинг жасади жонли девор.



Бир саф қулаб, ўзгаси қалқон бўлар,  
Борган сари зич бўлади найзалар.  
Босар оғир булутдек суворилар.  
Қиличларни ялтиратиб, янгратиб,  
Елкадан учириб бошларни кесар.  
Улар ўртасида зўр чўян ўқлар,  
Уйнайди, янчади, қилади яксон,  
Кул кўкка совириллар, тирқирайди қон.  
Ҳам Швед, ҳамда Рус янчар ва қирқар.  
Чорлайдилар жангга довуллар тинмай,  
Замбарак гулдирар, кишнайди отлар,  
Қичқириқ, ҳойқириқ, фиғон ва додлар,  
Улим, дўзах қуршаб олган ҳеч қўймай.

Изтироб ичида ҳам ҳаяжонда,  
Илҳомланиб, жанггоҳ қонли майдонга,  
Сардорлар кўзларин узмай боқади,  
Мағлубият ўртаб, зафар ёқади.  
Тахмин қилиб зафар ё ҳалокатни  
Хилватда қизитар улар суҳбатни.  
Аммо Масков шоҳин яқинроғида  
Сочлари оқарган кекса жангчи ким?  
Қўлтиғидан суяр икки казак жим,  
Ёниб содиқ ғайрат, ҳиммат ўтида,  
Кўпни кўрган ботирларнинг кўзила,  
Кузатади жангнинг ҳаяжонини.  
Энди отга ирғиб миниб чополмас,  
Кучсизланиб қувғинларда у танҳо,  
Полей нидосини казак тингламас,  
Босиб келмас улар ҳар ёндан асло!  
Ғазабидан гўё бир зимзиё тун,  
Каби кўзлар нега чақнади бугун,  
Қуйи солди нега бошини бу дам?  
Ҳаяжонга солди уни қандай ғам?  
Ёки жанггоҳдаги тўзонлар аро,

Ёки Мазепани кўриб қолдими?  
Шу дамда қуролсиз ва мотам саро  
Умрига нафратла назар солдими?

Мазепа ҳам шунда ўйларга чўмиб,  
Ис'ёнчи казаклар, қавму қариндош,  
Сердюклар, тўралар ичида туриб,  
Кузатарди қонли майдонни ювош.  
Бирдан ўқ отилди, кекса қаради.  
Войнаровскийнинг қўлида ҳали<sup>38</sup>  
Пилта милтиқ оғзидан дуд чиқарди.  
Уч-тўрт одим нарида ўққа учиб,  
Ётарди ёш казак муккадан тушиб.  
Терга чўмиб тўзон ичида ёлғиз,  
Йигит оти қочар эди эгасиз,  
Ҳам қораси ўчар ўтли уфуқда.  
Қасд қилганди казак гетман жонига,  
Жанг бораркан, қўлда қилич шу чоқда,  
Қаттиқ ғазаб сингган эди қонига.  
Сўрди кекса, олдига йўртиб келиб,  
Броқ казак шу он берар экан жон.  
Россия ёвига нурсиз кўз ҳамон  
Даҳшат солар эди ҳали тикилиб;  
Ўлим қоплар экан нурсиз юзини,  
Астагина тилга олди у шу дам,  
Гўзал, нозик Мариянинг исмини.  
Аммо яқинлашди ғалаба они.  
— Ура! Енгмоқдамиз, швед қайишар,  
О, шонли соатлар! Шухрат етишар!  
Яна битта сиқсак, душман қочади.  
Суворилар ёвни шу дам қувдилар,  
Калла кесиб қилич ўтмаслашади.  
Қора чигирткалар тўдаси каби  
Ўликларнинг тани чўлни қоплади.

Базим берар Пётр. Нигоҳларида  
Ёрқин шухрат, ғурур тўлиб тошади.  
Ўзалдир, ярашар базимлари-да,  
Қўшинларда шодлик тўлиб тошади.  
Чодирда ўзининг сардорларини,  
Ҳамда кутар ёвнинг саркорларини.  
Шонли асирларни ордоқлаб шу дам,  
Ва ўз устозлари соғлиги учун<sup>39</sup>.  
Сипқаради қўлга олар экан жом.

Аммо қайда қолди азиз — бош меҳмон?  
Қани у даҳшатли биринчи устоз?  
Қани у, Полтава ғолиби шу он  
Зарб бериб кўзини очган қиличбоз?  
Ва қани Мазепа? Қани у бадкор?  
Қўрқиб қайга қочди кекса мунофиқ?  
Меҳмонлар ичида нега қирол йўқ?  
Нега дорда эмас у хиёнаткор?

Бепоён, яланғоч чўлларда отлиқ  
Қирол блан гетман боради қочиб.  
Қочар. Иккисининг тақдири боғлиқ.  
Хатар яқин учун ғазаби тошиб,  
Кучин тўплаб, елади қирол фақат,  
Ҳатто унутилган оғир жароҳат.  
Қочадилар бошини қуйига солиб,  
Руслар борадилар ортидан қувиб.  
Содиқ малайлари қирол кетидан,  
Зўрға чопиб борар тушмай отидан.

Ҳуш'ёр нигоҳини бепоён чўлга.  
Ташлаб йироқларни кечириб кўздан,  
Кекса гетман йўрттар унингга бирга.  
Чиқди рўпарадан бир азим қўрғон. —  
Нега чўчиб кетди Мазепа бирдан?

Нега у қўрғонга яқинлашмасдан,  
Отини тезлатиб овлоқдан ўтди?  
Ва ё ҳувиллаган, қаровсиз ҳовли,  
Ҳашаматли қўра ва хилватгоҳ боғ  
Ва далага қараб очилган эшик,  
Хотиридан чиққан бир ҳикояни,  
Юрагига солиб қўйдими шу чоғ?  
Азиз бокирликни нобуд қилгучи!  
Танидингми шу дам ўша ҳовлини,  
Ўша уйни, ўша хушнуд ётоқни,  
Шароб ичиб унда қизишганингда,  
Бахтиёр оила ўз атрофингда,  
Ҳазил-мазоғингни эсга олдингми?  
Танидингми, у кўркам бош панани,  
Унда яшар эди ювош паришта,  
Ўша боғни, ўша боғ бир кун сани  
Тунда чиқарганди чўл томон аста...  
Эсладингми бадкор ҳозир ўшани!

Саҳронинг кўксига соя солган тун,  
Кўмкўк Днепрнинг соҳилида, тор  
Қоялар ичида мудрайди ҳуш'ёр,  
Россия, Пётрнинг ёвлари бугун.  
Ботир ором олар, уйқу блан маст,  
Полтава зарбасин унутди бир пас.  
Аммо Мазепанинг уйқуси ёмон.  
Қалбида изтироб ваҳима ҳамон.  
Бирдан жимжит тунда чорлайди биров.  
У уйғонди, ҳамда қаради дарров:  
Бармоқлар-ла ҳиддат қилиб қошида  
Турар кимдир жим, энгашиб бошида.  
Болтадан қўрққандек кетди у титраб...  
Қаршисида, сочи ёзиқ, паришон,  
Чўкик, ботиқ кўзларини чақнатиб,  
Усти жулдир ориқ, рангги за'фарон

Биров турар, юзин ой ярқиратиб...  
„Тушимми? Мария... Бу сан эмасми?

### Мария

Оҳ, секин, қичқирма, дўстим!.. ҳозироқ  
Отам ҳам, онам ҳам ухладилар, боқ.  
Сабр қил... Эшитиб қолмасин улар...

### Мазепа

Оҳ шўрлик Мария, Мария, етар!  
Эсингни йиғ! Тангрим! Сенга не бўлди?

### Мария

Қулоқ сол: эшитиб рангларим сўлди!  
Бир айёр сўзлади ғаройиб қисса.  
Чиқариб кулкили қиссадан ҳисса,  
Менга бир сир айтди: бечора отам  
Улганмиш, ва менга оқ соч бир калла  
Кўрсатди — о, тангрим! мени шу палла  
Ваҳима қоплади, дилни босди ғам.  
Аммо ёлгон чиқди: ўйлаб кўр: у бош  
Одам боши эмас, бўрининг боши!  
Кўраябсанми? Нега бағри тош  
Мени алдамоқчи бўлибди? Ёши  
Оқсин, дебми? Нега? Сен блан бугун  
Қочиб кетмасин, деб, узоққа бутун!  
Бу мумкин бўларми?

Оғир ғам чекиб,  
Шафқатсиз ошиқи тинглар сўзини,  
Аммо фикр келар қуюндак учиб,  
„Броқ, хотирлайман — дея сўзлар қиз,—  
Далаларни... байрам — шавқли дамларни...

Ўша авом халқни... жонсиз танларни...  
Онам байрамларга борарди олиб...  
Сен қаёқда эдинг?.. Нечун мен эсиз  
Қора тунда юрмоқдаман дарбадар?  
Уйга кетайлик. Юр тезроқ... Кеч бўлган.  
Оҳ, айниб қолган бу бошим нақадар.  
Беҳуда ҳаяжон уй блан тўлган.  
Мен бошқа одам деб қилибман хаёл  
Сени, эй, чол. Қолдир мени бунда ёлғиз.  
Боқишларинг масхарали ва нурсиз.  
Сен ярамас одам. У олий жаноб:  
Унинг кўзларида порлар муҳаббат,  
Унинг сўзларида нақадар роҳат!  
Унинг мўйловлари оқдир қорданам,  
Сеникида эса қон қотмиш шу дам“.

Шу он ваҳший қаҳ-қаҳ уриб чийиллаб,  
Ёш кийикдек ирғиб тушиб пириллаб,  
Қочиб кетди ҳамда у зимзиё тун  
Ғойиб қилди қизни бағрида бутун.

Тонг ёришиб, қизарабошлади шарқ.  
Ёнар эди казак ўти уриб барқ.  
Бугдой пиширади шунда казаклар;  
Шахсий соқчи Днепр қирғоғида  
Яйдоқ отларини шу дам суғорар.  
Қарл уйғонди. „Оҳо! Вақт етибди!  
Ўрнингдан тур, Мазепа, тонг ёришар“.  
Аммо кўпдан бери ухламас гетман.  
Тирнар бағрин алам-қайғу ва армон;  
Нафас сиқиб келар унинг кўкрагин.  
Туриб жимжит ўз отини эгарлаб,  
Қирол блан бирга йўртарди ҳамон  
Даҳшат блан унинг кўзлари ёнар,  
Туғишган ер блан видо’лашган он.

Юз йил ўтди. Энди нималар қолди,  
Шунча кучли, шонли жасур эрлардан,  
Шунча завқли ирода эгасидан?  
Уларнинг авлоди ўтди, йўқолди  
Улар блан ўтди у қонли излар,  
Ғайрат, фалокатлар, зафарли кезлар.  
Шимол давлатига граждон бўлиб,  
Унинг ботир, жанговар тақдирида,  
Полтава ботири, ёлғиз сен туриб,  
Қолдиралдинг ёдгор эл тарихида.  
Шамол тегирмонлар қатор ўлкани,  
Тинч ҳаётнинг панжараси қуршади.  
Бендер чўлларида аста ёйилиб,  
Шохдор қўтаслар-да тентирашади.  
Жанговар мазорлар атрофларида,  
Вайрона уйларнинг қолдиқларида,  
Уч бармоқ изи бор, у, ерга ботган,  
Атрофини шўралар босиб кетган.  
Швед қиролидан булар ёдгор.  
Телба ботир, туриб худди шу ердан,  
Уйдаги малайлар ичида якка,  
Турк сарбозин қадам саси келаркан,  
Қиличини ташлар туғнинг тагига.  
Уша ерда ғамли келгинди бекор,  
Гетман мазорини тинмай оқтарар.  
Тантанали намоз чоғида фақат,  
Бир йилда бир марта ўқилиб ла'нат,  
Янграйди йиғинда халқнинг каломи,  
Айтилади шунда нафратла номи.  
Аммо сақлангандир икки жафокор  
Жасади кўмилган у икки мазор.  
Уларга қадимий гўрлар ичидан  
Черковлар осойиш, бошпана берган.  
Дўстлар экиб кетган қадим эманлар,  
Гулламоқда Деканкада гуркираб,

Қатл бўлган оталар ҳақида улар,  
Ҳалигача берар авлодга сўзлаб.  
Аммо жинояткор қиз... тўғрисида  
Ривоят қилинмас. Тортган жафоси,  
Ҳам тақдири, ҳамда умрин вафоси  
Биздан олиб қочган бир зимзиё тун.  
Гоҳи украиннали сўқир қўбизчи,  
Қишлоқда тўпланган халқ орасида,  
Куйлаб гетман куйин дўмбирасида,  
У гуноҳкор қиздан жиндак ривоят  
Қилар казак қизларига ҳикоят.

### ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> Василий Леонтович Кочубей — бош судья. Граф авлодларининг бири.

<sup>2</sup> Кочубейнинг бирнеча қизлари бор эди. Улардан бири Кочубейнинг жияни Обидовскийга теккан эди. Бу ерда эсланган қиз Матрёна деб оталар эди.

<sup>3</sup> Гетман — Украинанинг казаклар томонидан сайланадиган бош ҳукмрони.

<sup>4</sup> Мария — Мазепанинг аталган, чўқиндирилган қизи эди. Православ динига мувофиқ аталган қизига уйланиш мумкин эмас.

<sup>5</sup> Ривоятларда халқ ичида ҳозиргача айтилиб келган бирнеча қўшиқларни Мазепа яратган дейдилар.

<sup>6</sup> Бунчук ва Булава — Гетманларнинг даража нишони. Бунчук битта ёки бирнеча от думидан тўпланиб узун ёғочга бойланган бўлади. Булава — тилла суви югуртирилган кумуш копток. Унга қийматбаҳо тошлар жойлаштирилган бўлиб, узунлиги ярим метр бўлган ёнғоқ таёққа ўрнатилган бўлади.

<sup>7</sup> Швед қироли Карл XII.

<sup>8</sup> Наполеон. 1812 йил.

<sup>9</sup> Дорошенко — қадим Малороссиянинг қаҳрамонларидан бири. Рус ҳокимиятининг ашаддий душмани.

<sup>10</sup> Григорий Самойлович — Пётр тахтга ўлтирган йилнинг бошида Сибирьга сургун қилинган гетманнинг ўғли.

<sup>11</sup> Семен Палей — мақтанчоқ полковник, ўткир чавандоз. Ўзбошимчалик билан қилган босқинчилиги учун



Мазепанинг шикояти блан Енисейскга сургуи қилинган. Мазепа сотқин бўлиб чиққандан кейин унинг ашаддий душмани Палей сургундан қайтарилиб, Полтава жангида иштирок этган эди.

<sup>12</sup> Костя Гордеенко — Запорож казакларининг кичик атамани, сўнги вақтларда Карл XII га сотилиб кетган. Асир олингач, 1703 йилда қатл қилинди.

<sup>13</sup> 20.000 казак Лифландияга юборилган эди.

<sup>14</sup> Богдан — Богдан Хмельницкий. Украина гетмани. Украинанинг мустақиллиги учун Польша блан анчагача муваффақиятли курашди. Броқ бирнеча муваффақиятсизликлардан кейин ниҳоят Украинани Русия шохининг қўл остига топширди.

<sup>15</sup> Искра — Полтава полковниги, Кочубейнинг ўртоғи, у блан ҳамфикр, ҳамтақдир.

<sup>16</sup> Княгиня Дульская ҳам ватанидан ҳайдалган қандайдир бир булғор архиепископи, Мазепа хиёнатига бош жосус бўлган эди. Ўша архиепископ гадоё сифатида Польшадан Украинага бориб келиб турар эди.

<sup>17</sup> Универсаль — гетманлар манифести шундай деб оталар эди.

<sup>18</sup> Орлик — ёш котиб, Мазепанинг сирдоши. Мазепа ўлгандан кейин (1710 йил) у, Карл XII дан Малороссия гетмани деган қуруқ унвон олган эди. Сўнги йилларда Ислом динини қабул қилиб, Бандерада 1736 йилларда ўлган.

<sup>19</sup> Булавин — ўша вақтларда бош кўтарган дон казаги.

<sup>20</sup> Иуда — хоин.

<sup>21</sup> Станислав — Карл XII нинг одами бўлган Станислав Лешчинский.

<sup>22</sup> Қримга қилган муваффақиятсиз юриш вақтида Қази Гирей унга, рус қўшинлари устига бирга қўшилиб ҳужум қилишни таклиф қилган эди.

<sup>23</sup> Оқ подшо — рус подшоси.

<sup>24</sup> Икки қирол — швед қироли Карл XII ва Польша қироли Станислав Лешченский.

<sup>25</sup> Оқ черков — Киевдан 90 километр нарида бўлган жой. Бу жой Мазепанинг муваққат қароргоҳи эди.

<sup>26</sup> Диканька — Кочубейнинг қишлоғи.

<sup>27</sup> Сердюклар — гетманларнинг боқимида бўлган қўшинлар.

<sup>28</sup> Кардинал — Кардинал, Монтальто (XVI асрда) янги салбни католик черковининг бош аёнлари бўлган

руҳонийлар мажлиси сайлар эди. Монтальто ўзини қартайиб қолган, зўрга қимирлаб турган қилиб кўрсатар эди. Унинг ўлими яқинлашганини кўзда тутиб, руҳонийлар уни бир овоздан папаликка сайлаган эдилар. (Сикст номи блан) Тиарани (диний қалпоқни) Сикст кийиб олгандан кейин, ўзини қарилликка солмай, ғайратчан фаолият кўрсата бошлади.

<sup>29</sup> Жаллод — „1708 йил 8 ноябрьда Глухов деган жойга Киев, Чернигов ва Переяславль архиепископлари келган эдилар. 9 ноябрьда эса ўша архиепископлар Мазепага халқ ўртасида ланат ўқиганлар. Ўша кундаёқ, хонин Мазепага ўхшатиб ясалган қўғирчоқни халқ ўртасига чиқариб, ундан барча нишонларни (бу нишонлар аслда Мазепанинг кўкрагига тақилган бўлар эди) юлиб олиб, қўғирчоқнинг ўзини жаллоднинг қўлига итқитганлар. Шунда жаллод унга арқон боғлаб, майдон ва кўчаларда дорга қадар судраб бориб, сўнгра осиб қўйган эди“.

<sup>30</sup> Чечель — Чечель Батурин шаҳарини князь Меншиков қўшинларидан қаттиқ мудофаа қилган эди.

<sup>31</sup> Дрезден шаҳарида турган қирол Август устига.

<sup>32</sup> „Эй, жаноб ҳазратлари! Бомба!“ — „Сенга айтиб турган хатим блан бомба орасида қандай муносабат бор? Ёз!“.

<sup>33</sup> Отиб орқасидан отилишда ҳам — Карл тунда бизнинг лагеримиз атрофида айланиб юриб, гулхан ёнида ўтирган казаклар устидан чиқиб қолди. Шундан кейин уларга қараб от қўйиб, казаклардан биттасини ўз қўли блан отиб ташлаган эди. Казаклар унга қараб уч мартаба ўқ отиб, оёғидан қаттиқ ярадор қилдилар.

<sup>34</sup> Розен. Шлипенбах — швед ҳарбий саркардаси.

<sup>35</sup> Шереметев — фельдмаршал, бош қўмондон.

<sup>36</sup> Брюст — артиллерия бошлиғи. Боур — ўнг қанот бошлиғи. Репнин — марказ бошлиғи.

<sup>37</sup> Бахт эркалаган у якка ейсир — чап қанотнинг бошлиғи князь Меншиков. Меншиков болалигида кўчаларда сомса сотиб юриб, сўнгра Пётр I нинг хизматкори ва охирида Пётрнинг энг яқин дўсти ва энг катта ҳуқуқли (ним ҳукмрон) бўлиб қолди.

<sup>38</sup> Войнаровский — Мазепанинг жияни ҳам фикрдоши, Сибирьга сургун қилиниб, ўша ерда ўлган эди.

<sup>39</sup> Устозларим соғлиги учун — ўз шодликларини ҳечкимдан яширмасдан (шодликнинг сабаби бор эди) рус императори жанг майдонида туриб ўз олдига тўда-тўда кел-

тирилган асирларни қабул қилар экан, ҳар доим „менинг биродарим Карл қани?..“ деб сўраб қўяр эди. Шунда шароб тўла қадаҳ кўтариб, „ҳарбий сан’атдаги менинг устозларимнинг соғлиги учун“ деб айтган эди. Шунда Реншильд сўради: „Кимни бу номга сазовор қилаётир?“. „Сизларни, швед генерал жаноблари“ деб жавоб берган эди Пётр. „Бўлмаса, жаноб олийлари, ўз устозларингиз блан шундак кескин муомила қилиб, жудаям ношукурлик қилаётирсиз“.





## АНЖЕЛО

### 1 БЎЛИМ

#### 1

Саодатли Италиянинг бир шаҳарида  
Қачонлардир Дук деган чол бўлмиш ҳукмрон.  
Халқ отаси, кўнгли тўлқин фарзанд меҳрила,  
Сулҳ, ҳақиқат, сан'ат, фанга дўсту-қадрдон.  
Броқ олий ҳокимликка сра лойиқмас —  
Кўнгилчанлик. Чол Дук эса ортиқ меҳрибон.  
Халқи севар, лекин ундан қитдак ҳайиқмас,  
Ов қилмоққа мадори йўқ, қарри ва нимжон  
Ҳайвон каби — суд чоғида қонун бедармон.  
Дукнинг юмшоқ кўнгли буни кўпдан сезарди,  
Зорланарди тез-тез; қайғу бағрин эзарди.  
Борган сари боболардан невара ёмон,  
Онасининг кўкрагини тишлар чақалоқ,  
Қовуштирмиш қўл адолат, турар паришон,  
Ҳатто унинг бурнин ялқов чертмасди —  
Барчасини Дук кўрарди очиқ ва аён. бундоқ,

## II

Кўнгилчак Дук ба'зан ўйлар, ўкинар ночор,  
Қайта тартиб ўрнатмоқчи бўлар устивор.  
Лекин, қандоқ? Ахир кўпдан судлар бўшанг,  
лол.

Шунинг учун ёвузлик ҳам яшар ошикор.  
Қўққус жазо берса — ноҳақ, дилтанг бўлур  
чол.

Бошлаб тизгин бўшаштирган ўзи айбдор.  
Нетмоқ керак? Узоқ ўйлаб қилди у қарор:  
Ҳокимият юкин ўзга олсин муваққат,  
Янги ҳоким, ўрнатолсин дарҳол, бешафқат,  
Янги тартиб; ва бўлолсин қатиқ, шиддаткор.

## III

Бир таниғлиқ Анжело ном киши бор эди,  
Ҳукмдорлик сан'атида кўп ғаддор эди.  
Меҳнатсевар, қанда қилмас номоз-рўзасин,  
Жиддий хулқи таратганди шон овозасин.  
Қонун деган исканжада жон чекар ўзи.  
Иродаси бурро, доим серзарда юзи.  
Дук ўшани ўз ўрнига қилганди мўлжал,  
Сипоҳилик ва марҳамат ўргатди тугал,  
Чексиз ҳуқуқ бериб унга, этди ҳукмрон.  
Илтифотдан олис тутди ўзин; безор жон.  
Халқ блан ҳам видо'лашмай, якка ва пинҳон,  
Бошин олиб кетди, гўё қадим паҳлавон.

## IV

Анжело ҳам ҳукмдорлик бошлашиданоқ  
Ҳамма нарса ўзга тарзда кетди тез оқиб.  
Занг мурватлар ҳаракатга тушдилар шу чоқ,  
Ёвузликка панжа солди, қонунлар қолқиб.

Ва майдонлар қўрқувдан жим халқ блан  
тўлди.

Ҳар жум'ада жазо бериш бир одат бўлди.  
Бошин қашиб, бармоқ тишлаб халойиқ деди:  
„Эҳе! Бундан эскиси ҳам тузукроқ эди“.

## V

Ўша чоқлар унутилган қонундан бири  
Жуда ёмон, қаттиқ эди. Ма'ниси шуким:  
Зино қилган учун ўлим! Йиллардан бери —  
Бирон одам эшитмовди бундақа ҳукм.  
Анжело-чи, қаттиққўлли, золим, ситамкор,  
Топди қонун жилдларидан, қилди барқарор,  
Шаҳардаги саёқларнинг бахтига қарши,  
Нозирларга шиддат блан деди юрт боши:  
„Ёвузликни даф этайлик, бежилов кўймай,  
Бузуқ одат — ҳақ, ҳуқуқдай майдон қурма-  
син,

Мудроқ арслон атрофида кезган сичқондай —  
Қонунларни масхаралаб озод юрмасин.  
Бу қандай гап, қонун бўжи каби кўринса,  
Елкасига паррандалар бемалол қўнса“.

## VI

Шоҳ шундайин элга титроқ соларди тажанг.  
Зорланарди ҳамма ночор, кулар ёш-яланг,  
Аскияда аялмасди бераҳм мансабдор.  
Енгилтаклик, аммо, жарга қулатди афгор,  
Ва ойболта зарбасига биринчи қурбон,  
Ёш, шумтака Клавдио номлик зодагон.  
У — чиройли Джюльетани кўпдан қилиб ром,  
Никоҳ тўйсиз йўлдан урган, васваса тамом,  
Аммо бир кун ювилар-ку гуноҳу, бало,  
Ўйнашим-мас, хотинимни буолам аро —

Кўрсатаман, дея умид қиларди мудом,  
Оқибати ёмон чиқди, рўй берди офат.  
Жазманларни тутишганди гувоҳлар аён.  
Суд чоғида фош этилди бўлмиш жиноят,  
Ёш йигитга қонун ҳукмин қилдилар баён.

## VII

Аяв билмас бу ҳукмини тинглагач, бебахт,  
Бошин эгиб, кетди яна ғамгин зиндонга.  
Кимни кўрса, ночор, аянч қўзғарди шу вақт,  
Шиква қилар, пушмон бўлар; ҳам зодагонга—  
Учраб қолди йўлда бехос Луцио — саёқ,  
Такасалтанг, ўта каззоб, сўққа бош, расво,  
Меҳрибонроқ. Клавдио қилар илтижо:

— „Утинаман, монастирга югур илдамроқ,  
Синглимга айт, мени ўлим кутмоқда, жўрам,  
Шошқин халос этсин мени, топсин бир даво,  
Дўстларимга айтсин жадал, ҳукмдорга ҳам—  
Ўзи борсин! Луцио, у тадбирлик доно.  
Ширинзабон, зийрак, ақл кўп берган худо,  
Қолаверса ёш кишининг ҳўнграши бешак,  
Ҳарбир одам юрагини тез эритажак!“  
Саёқ деди: „Сўзлашурман бориб бегумон“.  
Ва йўл солди монастирга қараб шу замон.

## VIII

Ўша кезде отинбиби роҳиба ила,  
Гурунглашиб ўлтиради ёш Изабела:  
Зарур эди бўлғуси кун сочин кесдирмоқ,<sup>1</sup>  
Шу тўғрида сўйлашарди гўзал қиз иноқ.  
Луцио ҳам эшик қоқиб кирди югуриб,  
Панжарада шўрлик тутқун тасбиҳ ўгириб—

<sup>1</sup> Монастирга тушган ҳарбир қиз сочини кесдириши керак бўлган экан.

Қарши олди — „хўш, ким керак?“ Йигит  
дер: — Ҳой қиз,  
(Бу анор юз кўрсатарки, чинакам қизсиз),  
Изабела деган қизга айтсангиз, ўтинч,  
Юборганди қиз оғаси, тақдири кўрқинч,  
Ва бахтсиздир! Қиз дер: „Нима? Нега у  
бахтсиз?

Ўзи не гап? Нима бўлди, дадил сўзлангиз.

Клавдио синглиси-мен“. — „Шундайми?

Мен шод.

Чин юракдан салом айтди оғанг, ҳоли танг,  
У зиндонда азоб чекар“. — „Нечун? Айтинг

бот!“

— „Шундай ишки, мен миннатдор бўлардим,

аттанг,

Ва бермасдим бундай қаттиқ, жоним, ҳеч

жазо“.

(Воқияни сўзлай бошлар йигит мукамал.

Бундай гаплар унинг учун оғир ва дангал.

Тарки дун'ё қилган қизга айтар беҳаё.

Аммо тинглар ҳамма гапни қиз диққат қўйиб.

Ва энсаси қотгани йўқ, уят, ғазабсиз.

Чунки унинг қалби осмон каби мусаффо.

Ҳижолатга қўймас эди нотаниш дун'ё—

Кирдикори, — бетутуриқ сўзлари асло).

Луцио дер: „Энди фақат Анжелого сиз

Тезроқ бориб ёлворингиз, шу қолди халос.

Акангиз ҳам мана шуни қилди илтимос“.

Қиз айтади: „Ё, худойим, сўзимдан фойда —

Кутмаганман! Гумоним бор, менда куч

қайда?“

— „Гумон — душман“ дея кескин жавоб

айтди у.

— Хоинлар-чи, урунманглар деб солар

кўрқув.



Ҳаққимизни олишга ҳам йўл қўйишмас ҳеч.  
 Қани тезроқ Анжелого боринг, қолмай кеч,  
 Ва билингки қизлар эркак киши олдида,  
 Гар тиз чўкса ва ҳўнграса, қилса илтимос,  
 Тангридай у барин берар, сра аямас“.

## IX

Отин биби онасидан қиз жавоб олди,  
 Ва ихлосманд Луцио — ла кетди у томон.  
 Акаси-чун қиз тиз чўкиб, нолиб арз қилди,  
 Ҳукмдорнинг қаршисида ёлварар чунон.  
 — „Эй қиз!“ — деди унга қараб шиддаткор  
 ҳоким, —

Қутқазиш ҳеч мумкин эмас! Ўлмаги лозим,  
 Ва албатта! Сенинг ақанг яшаган ёшин“.  
 Изабела йиғлаб, мунгли эгади бошин,  
 Кетмоқчийди, лек, раҳмдил Луцио шу чоқ,  
 Қизни дарҳол тўхтатди-ю, сўзлади секин:  
 — „Чекинманг ҳеч, қайта сўранг, яна тиз  
 чўкинг.

Этагига кўз суртинг сиз, йиғланг қаттиқроқ,  
 Ишлатингиз аёлга хос сан’атнинг кучин.  
 Арз қилингиз! Совуққонсиз ахир бунчаям!  
 Дадил бўлинг, бу гап йиғна савдоси эмас,  
 Муомила шундай экан, чиқмас фойда ҳам.  
 Бўшашманг ҳеч, ахир яна қилинг илтимос“.

## X

Куйиб-пишиб ўтинишга тушар қиз бошдан,  
 Қонунларни қўриқловчи юраги тошдан,  
 Ва дедики, „Ишон менга на шоҳона тож,  
 Суд бахмали<sup>1</sup>, на ҳокимнинг тиғи яланғоч,

<sup>1</sup> Ўша чоқларда судьялар қора бахмалдан узун кийим кийишган.

Саркарданинг чуқмори ҳам — бу шонлар  
барн —  
Ҳеч нарса ҳам ер шоҳларин безатаолмас —  
Шафқат каби! Шафқат барин элтар кўк сари.  
Гар, сендаги ҳоқимият бўлса акамда —  
Башарти сен у ҳолига тушсанг, аламда,  
Аммо акам асло сендай бераҳм бўлмас“.

## XI

Анжело, қиз та’насидан тортди ҳижолат,  
Кўзларида қора оташ порлаб, ниҳоят —  
Секин сўйлар: „Сўрайман, ўз ҳолимга  
қўйгин“.  
Лек, камтар қиз борган сари дадил ва  
жўшқин:  
„Ўйла, биздай гуноҳкорни у парвардигор  
Кечирмаса, ахир шафқат қилмаса агар,  
Бизлар қандай бўлур эдик, ўйла, ҳукмдор,  
Балки, қалбинг эшитгуси севгининг сасин,  
Балки, тилинг кўйлагуси шафқат нидосин,  
Балки шунда бўлур эдинг янги одам сен“.

## XII

Ҳукмдор дер: „Жўнаб қол тез, илтимос  
пучдир,  
Ахир менмас, жазоловчи қонундир — кучдир.  
Қутқазим мумкин эмас, топилмас даво,  
У эртага ўлар.

Изабела

Нима? Эртага-я? Бас!

У тайёرمас<sup>1</sup>, қатл қилиш мумкинмас асло,

<sup>1</sup> Христиан динидаги киши қатл қилинишидақ ил-  
гари тоат-ибодат қилиши, тавба-тазарру қилиши керак  
эди.

Уйла, наҳот, гуноҳсизни парвардигорга  
Шошиб-пишиб йўллагаймиз? Улар бекорга?  
Ахир ҳечким жўжани ҳам вақт келмай  
сўймас.

Ахир шундай апир-тапир жазо ҳеч бўлмас.  
Уни қутқаз, қутқаз тезроқ, ўйлаб кўр расо:  
Бу жиноят учун бадбахт тортарми жазо,  
Жиноятки, ҳечким бундан тортмаган озор  
Кечирилар эди, сенга ма'лум ҳукмдор,  
Наҳотки, у элдан бурун чекади жафо!

А н ж е л о

Ўлмаганди қонун, фақат, эди ул мудроқ,  
Энди-чи у қалқиб турди.

И з а б е л а

Бўл раҳмдилроқ!

А н ж е л о

Мумкин эмас! Гуноҳ ёқлаш жиноят бўлмай,  
Жазоласам бирин, кўпи бундан қутулмай.

И з а б е л а

Сенми илк бор чиқаргансан ҳукмингни  
қўрқинч?  
Наҳот, дастлаб, бебахт акам бўлади қурбон?  
Йўқ, йўқ, ахир, раҳмдил бўл! Ноҳот қалбинг  
тинч,  
Ма'сум ва пок? Ундан сўра, наҳот,  
ҳечқачон —  
Унда гуноҳ ўйлар тутаб ёнмаган бир он?

### XIII

Бейхтиёр сесканди у, қуйи солиб бош —  
Кетмоқчийди, қиз дер: „Тўхта, тўхта,  
қил бардош,  
Кетингга қайт! Сенга улуг армуғоним бор.  
Армуғоним қабул қилгил, у кўп мазмундор.  
Армуғоним — пок ва меҳр блан тўладир.  
Ҳад'ям сени осмон сари олиб чиқади.  
Сенга жимжит кеч ва тонгда дуо ўқийман.  
Бу, муҳаббат ва тинчликнинг ювош дуоси.  
Авлиёлар, осмонга хос<sup>1</sup> қизлар дуоси,  
Борлик учун ўлган нури кўзлар дуоси“.  
У, хижолат тортиб, ҳамда бўшашиб қолиб,  
Тайин этди эртагаёқ келиш соатин.  
Кетди шошиб, олмоқ учун узоқ ором-тин.

### II БЎЛИМ.

#### I

Анжело-чи бутун куни хомуш, хафа ҳол,  
Якка ўзи жим ўлтирар, суради хаёл.  
Кечаси-ла мижжа қоқмай чиқди уйқусиз.  
У ўйлайди: „Наҳот ақлим олди гўзал қиз,  
Не ҳол бўлди, дийдорига кўзларим муштоқ,  
Уни ўйлаб мунгли қалбим эзилар бу чоқ.  
Хаёлимни жалб этдим у чиройли юз...  
Ёхуд, шайтон тузоғига имлармикан, ё?  
Оздирарми, жазб қиларми гўё авлиё?  
Броқ, ҳеч пайт гўзалларга учмаган эдим,  
Энди эса гўзал қиздан тамом енгилдим.

---

<sup>1</sup> Диний э'тиқодда роҳибалар ўлгач осмон қизлари (фаришта) бўлармиш.

Шу дамгача ошиқларни мазах қилардим.  
Ошиқ одам ишларига ҳайрон бўлардим.  
Энди эса...“

## II

У астойдил тоат-ибодат —

Қилмоқчи ва ўйламоқчи, лекин фикри ҳам,  
Ибодату-тоати ҳам паришон-тарқоқ.  
Тилда сажда, дуо қилар осмонга, броқ,  
Дили ўйлар қизни ҳамон, бу бўлди одат.  
Ма'юс; ҳадеб худо номин такрор қиларди,  
Лекин ҳамон юрагида гуноҳ қайнарди.  
Дилда ташвиш этган эди уни кишанбанд,  
Ҳукмронлик унинг учун умрбод, — гарчанд,  
Мустаҳкам ва йўл-йўриқлар беручи китоб,  
Энди унга ёқмай қолди, бўларди хуноб.  
Зерикади, мансаб зулм каби кўринар.  
Энди ундан воз кечмоққа далил урунар.  
Бир вақтлар бу мансабдан ҳайиққан-барча,  
Ажабланган; Анжело-чи мағрурди ундан.  
Энди мансаб учган бир пат, бир сомон парча,  
Назарига илмай қўйди уни шу кундан...

.....  
Изабела Анжелога келди эрталаб,  
Ва иккови ўртасида ғалати бир гап...

## III

Анжело

Не гапинг бор?

Изабела

Амринг билай деб келдим, сенга.

А н ж е л о

Эҳ, агар, сен пайқасайдинг! Сенинг акангга —  
Яшамоқлик мумкин эмас... Балки...

И з а б е л а

Кечирмоқнинг йўли йўқми? Хўш нега?

А н ж е л о

Кечирмоқ? Асло!  
Бундан ортиқ жирканч гуноҳ кўрганми дун'ё?  
Улим афзал!

И з а б е л а

Тўғри, шундай ҳукм қилар олло.  
Броқ ерда-чи?

А н ж е л о

А! Шундайми? Қилайик, фараз,  
Агар сенга айтсаларки ҳал қил беғараз:  
Ё акангни қатлгоҳга-ўлимга йўлла,  
Ёки уни оқлаш учун борлигинг ила  
Гуноҳларга ботгин-да, сен ўзни қурбон қил,  
Десалар, хўш, сенинг учун қай бири ма'қул?

И з а б е л а

Шуни билки руҳимни мен булғашдан кўра,  
Борлигимни унга қурбон қилай, эй тўра,

## Анжело

Рух ҳақида сўйлашмайман, гапнинг мазмуни:  
Аканг қатл қилинажак, гуноҳ-ла уни  
Қутқазмоқлик шафқатмасми?

## Изабела

Унинг қалбида —  
Ҳеч гуноҳ йўқ. Бунинг учун худо олдида —  
Виждоним-ла жавоб бермоқ учун мен ҳозир.  
Ҳо ишону, ҳо ишонма, акамни қутқаз,  
Бунда фақат марҳамат бор, ҳеч гуноҳ  
бўлмас.

## Анжело

Тарозуда шафқат блан гуноҳ баравар  
Бўлса, уни қутқазмоққа сенмисан қодир.

## Изабела

Майли, уни қутқазиб мен, бўлай гуноҳкор,  
(Башарти бу — гуноҳ бўлса) бунинг  
учун мен,  
Ибодатга кеча-кундуз бўларман тайёр.

## Анжело

Йўқ, қулоқ сол, ё сўзимга ҳеч тушунмайсан,  
Ё, сўзимни тушунишдан атай қочасан.  
Содда қилиб айтай — аканг қилинган ҳукм.

## Изабела

Шундай.

Анжело

Қат'ий қонун қилди ўлимга маҳкум.

Изабела

Худди шундай.

Анжело

Қутқазмоқнинг бир чораси бор.  
(Барчаси ҳам бир тахминга бориб тақалар.  
Ўртада бир масала бор, бошқа ҳеч нарса).  
Фараз қилсак, уни озод қилучи кимса,  
(Судьянинг энг яқин дўсти, ё у мансабдор,  
Унинг ўзи қонунларга изоҳ беручи,  
Ва уларнинг оғир ҳукмин тез юмшатучи).  
Сенга етмоқ учун унда бир истак ёнса,  
Жиноятли истаги бор. У талаб қўйса:  
Аканг қатлин ювмоқ учун борлигиндан кеч.  
Ўзингдан кеч, йўқса қонун кечирмайди ҳеч.  
Хўш, не дейсан, ақлинг буни қандай ҳал  
қилар?

Изабела

Акам учун, ўзим учун ҳарбир жабрга  
Мен розиман, ишон, ҳатто борардим гўрга,  
Тўшагимдай жим ётардим қонли тобутда.  
Бўлганимдан кўра бадном.

Анжело

Аканг ўлади.



## Изабела

Қандай чора? У тўғри йўл топар албатта.  
Синглисини бадном қилиб, руҳин ҳеч маҳал  
Қутқазмас; мен, мангу ҳалок бўлгандан кўра  
Яхшироғи, ака, бир гал ўлганинг афзал.

## Анжело

Нима учун суд қарори туюлди оғир?  
Бизларни ҳам раҳмсиз деб сен айблайсан.  
Хўш кўпданми? Ҳақ қонунин нега, сен ҳозир,  
Қаттиқ дейсан? Аканг айбин ҳазил ўйлайсан?

## Изабела

Кечир мени, у чоқ қалбдан ҳеч ихтиёрсиз +  
Ҳийла қилдим, ўзга қарши чиқдим ўнғайсиз.  
Ҳайҳот! Уни қутқазай деб урундим эссиз,  
Бизлар заиф.

## Анжело

Бу иқроринг берди тасалли,  
Ҳа, хотинлар шундай ожиз, ишондим бунга.  
Фақат хотин бўлгин дейман, шунинг туфайли  
Сенда қадр-қиммат бўлар, тан бер тақдирга.  
Бўйин экгил.

## Изабела

Тушунмайман.

## Анжело

Ахир тушунгил.  
Мен севаман сени.

Изабела

Хайҳот! Не десам бўлур?  
Джюльетани севган бебахт акам ҳам ўлур.

Анжело

Мени севгин, тирик қолар аканг.

Изабела

Биламан:

Одамларни синар ҳоким, истайсанки сан...

Анжело

Йўқ, қасам'ёд этаманки, қайтмайман сўздан,  
Номусим-ла қасам'ёдки...

Изабела

Ў... бунча номус!

Иши ҳам соф виждонлимиш, ёлғончи! Иблис!  
Клавдиони озод қилгил, имзо чек тездан,  
Ё қилигинг, кир қалбингни қиламан ошкор,  
Кишиларга айтиб, сени этгум шармисор.

Анжело

Ким ишонар? Жиддийлигим биледи жаҳон,  
Тахт, ҳаётим шуҳрати ҳам, ёйилган бу он.  
Аканг учун берилган у жазо ҳам машҳур,  
Айтган гапинг ҳисобланур иғвою-бўҳтон.  
Эҳтироснинг жиловини қўйдим энди бўш,  
Уйлаб кўргин, ихтиёрим олдида эг бош.  
Аҳмоқона ишингни қўй, йиғлашингни ҳам.

Улар блан акангни ҳеч қутқараолмайсан,  
На ўлимдан, на қийноқдан! Бўйсуниб бу дам  
Ҳалокатга олиб борган айбин юварсан.  
Ҳа мен, сендан эртагача кутаман жавоб,  
Билки, сенинг бўҳтонингдан асло қўрқмайман.  
Неки гапинг бўлса айтгин, ҳеч бўшашмайман.  
Ҳар ёлғоним ҳақиқатинг қилади хароб.

#### IV

Шундай деб у чиқиб кетди, қўрқувга солиб  
Бу пок қизни. Ёрқин нигоҳ блан ёлбориб —  
Унг қўлини кўтарганди кўкка томон қиз —  
Мудҳиш, совуқ саройдан у чиқиб

кетди тез.

Зиндон сари етди. Эшик очилди юзга,  
Очилди-ю акаси ҳам ташланди кўзга.

#### V

У кишанда, чуқур уйда, ўлтирар ғамнок,  
Бу дун'ёнинг лаззатларин истар унутмоқ.  
Яшаш хоҳлар, ўлимга ҳам ҳозирланарди,  
Қора бўрку, ҳирқа кийган, салиб қўлида —  
Бир чол роҳиб суҳбат қилар маҳбус ёнида.  
Ҳаёт-мамот баравар деб исбот қилар чол.  
Азоб чеккан ёш йигитга уқдирар шу ҳол:  
„У дун'ё-ю, бу дун'ёда руҳ сраўлмас,  
Фони дун'ё асло сариф чақага тенгмас“.  
Ҳам бечора Клавдио қўшилар ма'юс,  
Лекин гўзал Джульетанинг висоли дилдан —  
Асло кетмас. Кирди тарки дун'ё қилган қиз:  
„Салом сизга!“ У кўз очди, жонланди бирдан.  
Қарар унга, Изабела айтар роҳибга:  
„Отахоним, акам блан сўйлашай якка“  
Роҳиб кетди.

VI

К л а в д и о

Хўш, қадрдон синглим, не дейсан?

И з а б е л а

Акажоним, вақтинг етди.

К л а в д и о

Йўқми ҳеч чора?

И з а б е л а

Йўқ, йўқ, асло, ёки рухдан афзалми бир бош.

К л а в д и о

Демак, бир йўл бор?

И з а б е л а

Бор, сен-ку яшардинг, зеро?  
Шафқат қилмоқ учун тайёр судья—қалби тош.  
Иблисона шафқат унда, шафқатки гўё —  
Сенга ҳаёт бериб, сўнгра мангу қийноқда —  
Қолдирмоқчи.

К л а в д и о

Нима экан? Мангу қамоқда —  
Қўймоқчими?

## Изабела

Ахир зиндон говсиз, занжирсиз.

Анжело

Айт, нимадир?

Изабела

Қадирдоним, жонажон акам!  
Қўрқаяпман, тингла мени меҳрибон акам!  
Айт, наҳотки, саккиз-ўн йил ортиқ яшамоқ,  
Умрлик шон-шарафлардан сенга афзалроқ?  
Ака, ёки сен ўлимдан қўрқасанми, айт?  
Сенга ўлим ваҳимаси соларми даҳшат?  
У бир лаҳза, чекармидинг азоб кўп маҳал?  
Полвон одам ўлим пайти чидаган каби —  
Мажақланган қурт-қумурсқа чидар бемалол.

Клавдио

Синглим менми қўрқоқ? Ёки ўлимга томон —  
Бормоқ учун кучим йўқми, сўзимга инон:  
Бу дун'ёдан воз кечаман, ёр ҳузурига —  
Шошилгандай тез бораман қора гўрига.

Изабела

Ака, деган шундай бўлсин! Англадим, гўё,  
Эшитаяпман отамизнинг гўридан садо.  
Гуноҳларга сра ботмай ўлишинг даркор,  
Қулоқ солгил сенга айтай яширмай асло —  
Ёвуз суднинг ўзи ҳам бир тошдил, риёкор —  
Ҳам ўшадир, унинг жиддий қарашлари ҳам

Ҳамма учун солар даҳшат, қилади бемор.  
Ҳарбир нутқи ўсмирларни ўлимга йўллар,  
Ўзи иблис, қалби қора, мудҳиш жаҳаннам.  
Дили жирканч!

К л а в д и о

Ҳукмдорми?

И з а б е л а

Жаҳаннам юзин —  
Зеҳирлаган айёр одам, билгилки, сўзин —  
Ва ҳаёсиз истагини агар бажарсам —  
Сен яшардинг.

К л а в д и о

Ў, йўқ, керак эмас асло ҳам.

И з а б е л а

У айтдики, бу кечаси келгин ёнимга.  
Бад учрашув! Гар бормасам сени ўлимга—  
Эртагаёқ йўллар.

К л а в д и о

Синглим, бормагил асло.

И з а б е л а

Жоним акам! Барин ахир, билади худо,  
Агар сени бу ўлимдан қутқазिश учун —  
Менинг гўрга киришим-ла иш битса, кучим —  
Ҳаётимни аямасдим.

Клавдио

Раҳмат азизим!

Изабела

Шундай қилиб эртага бўл ўлимга тайёр.

Клавдио

Ҳа, хўп... Унда эҳтирос ҳам шундай  
зўр қайнар!  
Ёки бунда гуноҳ йўқ, ё етти гуноҳдан —  
Энг энгили будир.

Изабела

Қандай?

Клавдио

Ёки даргоҳдан —  
Бу гуноҳга жазо бўлмас, кечирар фалак,  
Наҳотки бир лаҳза учун умрбод ҳалок —  
Бўлмоқчимиз йўқ, йўқ! Бундай ўйламайман ҳеч,  
У ақлли — асли одам.

Оҳ, Изабела!

Изабела

Нима, нима? Не деяпсан?

Клавдио

Ўлмоқлик қўрқинчи!

## Изабелә

Уят ҳам қўрқинч.

К л а в д и о

Шундайку-я... Аммоки ўлиш...  
Ва нома'лум жойга бориш, мозорда чириш,  
Зах, тор гўрда... Ҳайҳот! Ҳайҳот! Еримиз  
гўзал!

Ҳаёт ширин. Броқ мудҳиш адамга бормоқ,  
Қулаб тушиб қайноқ мўмнинг ичида ётмоқ,  
Ёки музда қотмоқ ва ё қуюнда учмоқ  
Чўл-сахрода! Йўқ! Йўқ! Асло! Ердаги ҳаёт  
Ҳам беморлик, ҳам гадолик, гамда, ниҳоят—  
Қариганда, эркисизликда ҳам... гўё жаннат,  
У дун'ёдан кутгандан кўра.

Изабела

Эй худо!

К л а в д и о

Қадирдоним, синглим менга ҳаёт қил ато!  
Акасини бу ўлимдан қутқазиш агар,  
Бўлса гуноҳ, табиатнинг ўзи кечирар.

Изабела

Не деяпсан? Қандай жур'ат қиласан? Ҳайҳот!  
Қўрқоқ! Беқалб махлуқ! Синглинг этиб  
фоҳиша

Эвазига ўзинг учун истайсан ҳаёт.  
Ҳаромисан! Йўқ! Ақлимга сифмас ҳамиша  
Наҳот отам бағишлаган сенга саодат?



Парвардигор кечир мени! Наҳотки онам —  
Тўғмиш сендай бир ҳароми, қилган хиёнат?  
Улгил! Агар хоҳишим-ла қутқазмоқ бўлсам —  
Энди асло! Барибир-ку қиларлар қатл!  
Улишинг-чун ҳозир минг-минг дуо  
қиламан —  
Яшашингга энди асло!

! Клавдио

Синглим тўхтагил!  
Тўхта, синглим, кечир мени!

## VII

Ушларди сингил —  
Этагини у ёш маҳбус ва Изабела —  
Аччигидан зўрға тушиб, ғариблик ила —  
Акасини кечирар ҳам яна эркалар,  
Жафокашни овунтирар, тасалли берар.

## III БЎЛИМ

### I

Очиқ эшик орқасида роҳиб турарди.  
Сингил блан ака сўзин жиддий тингларди.  
Ҳақиқатни айтсам сизга ушбу роҳиб чол  
Бошқа кийим кийиб олган Дук эди яққол.  
Халқи уни чет элларда ҳисоблар эди.  
Ҳазиллашиб уни „дайди юлдуз“ ҳам дерди.  
Аммо Дук-чи, халқ ичида юради яширин,  
Ўз кўзила кўпни кўрди, кузатди барин.  
Таниб бўлмас айғоқчидай борди кўп жойга.  
Қасрга ҳам, майдонга ҳам, монастырга ҳам.  
Касалхона, фоҳишхона, театрга ҳам.  
Зиндонларга борганди Дук. Жонли тасаввур —

Ҳосил этди. Романларни севганди ба'зур.  
Эҳтимолки, Ҳорун Рашид ҳалифа каби —  
Бўлмоқчидир. Тарки дун'ё қилган қиз гапи —  
Сўзин тинглаб ҳаяжонли хаёлида ҳал —  
Этганди тез: шафқатсизлик, кулфатга жазо  
Берибгина қолмай, ба'зи нарсани дарҳол —  
Тўғрилай, дер. Секин кирди, чиқармай сазо.  
Қизни тортди бир бурчакка. „Эшитдим, барин  
Сен махтовга сазоварсан, бурчинг муқаддас  
Бажардинг сен, ўғитимга энди қулоқ ос.  
Хотиржам бўл. Ҳамма нарса яхшилик блан  
Тамом бўлур. Сўзимга кир ва ишонсанг бас“.  
Шу тоб қизга тушунтирар мўлжал-режасин.  
Кетар чоқда уқиб қолди у ўз дуосин.

## II

Биродарлар! Сержаҳл, ёвуз, ичи қора тун —  
Пешонаси — мал'ун кўзгу, бадҳайбат одам,  
Хотин киши қалбин қилса умурбод мафтун, —  
Гўзал қизнинг латофатин қилса агар ром  
Шунга сизлар ишонарсиз? Му'жиза, балки?  
Афсуски, бу шундай! Ўша Анжело тулки —  
Ўша ёвуз золим одам, ўша гуноҳкор,  
Бир дилдорнинг ёри эди. Қиз уни севмиш —  
Нозик қалби унга бўлмиш ошиқ беқарор  
Бад, стамкор, қийновчи қалб ўзга ром этмиш.  
Анжело ҳам аллақачон унга уйланмиш.  
Ёш хотинга туҳмат бўлди, чиқди овоза,  
Ҳеч сабабсиз, сўкиб уни, хор қилиб тоза  
Эри ҳайдаб, мағрур кулиб, айтдики: „Майли —  
Истасалар ёғдирсинлар маломат тошин.  
Лекин қайсар<sup>1</sup> хотинига шубҳанинг даҳли

---

<sup>1</sup> Қ а й с а р — подшо.

Бўлмасин ҳеч". Ғамгин хотин тўкиб кўз ёшин,  
Азоб чекиб, яшар кўпдан шаҳардан четда.  
Дук ўшани эслаганди ушбу пайтда.  
Ёш қиз роҳиб гапин сра ерда қолдирмай  
Ўша хотин сари кетди вақт ўтказмай...

### III

Марьяна-чи, ўлтирарди йигириб урчуқ,  
Деразанинг ёнида у, йиғларди жиқ-жиқ.  
Изабела фариштадай кирди тўсатдан —  
Тарки дун'ё қилган бу қиз ошнайти кўпдан.  
У бахтсизни юпатмоқ-чун бориб турарди.  
Бу гал роҳиб фикрин дарҳол изҳор қилганди.  
Марьяна, тун қоронғиси тушгани чоғда,  
Қаср сари Анжелого бормоғи даркор.  
Учраш лозим тош деворнинг ёнида, боғда.  
Ўша дамда бажарилгач шартланган ва'да,  
Кетатуриб қулоғига шивирлаб, секин:  
„Акамни сен унутма“ деб айтмоғи лозим.  
Ёш аралаш кулиб, қўрқиб Марьяна мискин —  
Таёрланди. Қиз ҳам кетди, хайрлашиб жим.

### IV

Зиндон ичра ўтказиб тун, кутиб оқибат  
Ўтирар Дук Клавдиога қилиб насиҳат,  
Жафокашни юпатарди. Тонгни отқизмай,  
Изабела келди, бари кўнгилдагидай.  
Марьяна ҳам қиз уйида, ўтирар ҳозир.  
Ранги ўчган, эрин алдаб келган, қазанч зўр.  
Тонгда, бирдан келди чопар, буйруқ қўлида,  
Герди турма бошлиғига; ўқишди унда:  
Маҳбусни тсз ўлдилинг, деб амр ёзмиш ҳоким  
Келтирилсин боши сарой сари деб ҳукм.

Дук ўйлади янги ўйин, кўрсатди зиндон —  
 Бошлиғига узугини, шоҳлик муҳрини.  
 Ва жазони тўхтатди у, Анжело томон —  
 Бошқа бошни юборинг деб қилди амрини.  
 Зиндон ичра кеча ўлган денгиз ўғрисин  
 Кенг яғриндан бошин кесиб, сочини олиб  
 Юборинг деб буюраркан, золим жазосин —  
 Бермоқ учун сарой сари кетди йўл солиб.  
 Яширинча жирканч ишлар қилган ҳокимни —  
 Халқ олдида фош қилай деб.

Клавдио қатли —

Ҳақидаги овозанинг аниқ сурони —  
 Босилмайин, янги хабар тарқалди ҳали —  
 Шаҳар томон Дук қайтишин билган замони  
 Халқ, аламон уни кутмоқ учун ёприлди.  
 Анжело ҳам ҳижолатда, келар балони —  
 Сезиб дарҳол унга томон югуриб қолди.  
 Меҳрибон Дук ўз атрофин ўраган халққа —  
 Салом берар ва дўстона Анжело ёққа —  
 Қўлин чўзар, лекин бирдан тарқалди овоз;  
 Ииқилди Дук оёғига бир қиз қилиб роз:  
 — „Кечир шоҳ! Сен гуноҳсизлар пушти-паноҳи  
 Кечир подшо! Марҳаматнинг сен қиблагоҳи!“  
 Анжелонинг қони қочиб, ранги оқарди —  
 Ва титрайди. Изабела сари қараган  
 Кўзларида ваҳший ўчнинг ўти порларди.  
 Броқ ўзин босиб олди ва йиғиб эсин —  
 Дер: „Қиз телба, ўлимга ҳукм бўлган акасин  
 Кўриб жинни бўлмиш, кулфат ақлини олган...“  
 Дук кўнглида кўпдан ётган ғазаблар ошкор,  
 Жаҳли чиқиб деди: „Менга барчаси аён.

Бу ердаги ёвузлик ҳам жазосин топар.  
Қиз, Анжело! Қани юринг саройга томон“.

## VII

Сарой ичра тахт олдида турар Марьяна  
Ва бечора Клавдио ҳам. Золим кўрибоқ —  
Титраб кетди, бошин қуйи солди жим шу чоқ.  
Бари аён, равшан бўлди ҳақиқат яна.

Дук ўша пайт этар савол: „Қани, Анжело,  
Айт, ўзингга нима жазо кўрасан раво?“

У йиғламай ва қўрқмайин, қовоғи солиғ —  
Дадил айтар: „Улдир тезроқ! Мен шунга  
лойиқ.

Ўлдир, фақат илтимосим: тез бергил ҳукм“.  
Подшо дер: „Кет! Қабиҳ судья ўлимга  
маҳкум“.


Броқ ғариб хотин унинг оёғига тез  
Йиқилиб дер: „Шафқат қилгил! Эримни  
берган —

Ўзинг бўлдинг, яна олма! Кулмагил шу гез“.  
— „Менмас, эринг Анжело-ку сени хўрлаган.  
Аммо, сенинг тақдиринг-чун бўламан ғамхўр.  
Сенга қолур хазинаси, ўзинг ўйлаб кўр —  
Яхшироққа бахтли хотин бўлгин, сўзга кир“.

— „Яхшироғи ҳеч керакмас, кечиргил подшо!  
Тош юракли бўлма, ахир! Ўзинг-ку ногоҳ —  
Уни менга ҳад'я қилдинг. Шу учун наҳот  
Бева бўлдим қанча чоғлар! У берди фақат —  
Башар учун ўз хиссасин. Жонажон сингил!  
Изабела! Бу офатдан мени қутқаргил.

Азиз дўстим! Унинг учун сўра, ёлворгин.  
Тиз чўк, сиғин, ё сукут-ла қўлинг кўтаргин“.  
Гуноҳқорни Изабела фаришта сумон,  
Аяганди. Шоҳ олдида тиз чўкиб шу он

Кўп ялворди: „Менинг учун кечиргил подшо,  
Унга жазо берма ахир, у менга нигоҳ—  
Ташлагунча (бу ҳақ, чунки мен бундан огоҳ)  
Соф виждонли, ҳам ҳаққоний умр кечирмиш,  
Уни кечир, подшо!“ Дук ҳам уни кечирмиш.





## МИС ЧАВАНДОЗ

ПЕТЕРБУРГ ҚИССАСИ

1833

Ушбу қиссада та'риф қилинган воқиа, аини ҳақиқатдир. Сув тошиш ҳақидаги тафсилот бўлса, ўша йиллардаги журналлардан олинган. Қизиқучи кишилар В. И. Берх томонидан тузилган ахборотни кўриб чиқишлари мумкин.

### КИРИШ

Кимсасиз тўлқинлар соҳилида ул  
Турарди, ўйлари улуғвор буткул,  
Боқарди йироққа. Сувлари ёйиқ —  
Зўр дар'ё оқарди, мавжида йўқсул.  
Ва танҳо сирпанар эди бир қайиқ.  
Бу ботқоқ қирғоқни босган пўпанак,  
Соҳилда кулбалар жудаям сийрак,  
Фақир чухунлига бу ерлар — макон;  
Туманда офтоб чўмиб кетгандак,  
Унинг шу'ласидан бенасиб ўрмон —  
Гувуллар ҳарёнда.

Ўйлар эди у:

Шведни болаймиз шу ердан туриб,  
Бу жойда бир шаҳар қургаймиз мангу —  
Такаббур қўшнининг жаҳлин чиқариб.  
Берибди табиат ўзи ижоза:  
Бундан Оврупога очсак дераза.  
Денгиз қирғоғига тираймиз оёқ.  
Тўлқинларни ошиб келар биз томон  
Олисдан кемалар бўлгали меҳмон.  
Яйраб кенгликларга очгумиз қучоқ.

Юз йил ўтиб кетди. Навжувон шаҳар —  
Шимол элларининг фаҳри, чиройи,  
Ботқоқдан, тўқайдан қалқиб юксалар,  
У ғоят сервиқор, кўркама ва олий;  
Ўтмиш замонларда фин балиқчиси,  
Хилқатнинг у ўгай ўғли, бечора  
Нишаб соҳилларда якка бир ўзи  
Нома'лум сувларда бўлиб овора  
Ўз кўҳна тўрини ташлаган жойда  
Серқатнов лиманлар бўлмишдир пайдо.  
Қатор-қатор сарой ва кошоналар,  
Тизилган хушбичим мужассамалар,  
Дун'ёда, ҳарёқдан чиққан кемалар  
Бу сув бекатига лангарин отар.  
Нева кийиб олди тошдан бир либос,  
Сувларнинг устида кўприклар осиқ,  
Ям-яшил боғчалар тигиз ва ўсиқ —  
Унинг ороллари қоплабди кўп соз.  
Ёш пойтахт олдида қадимги шаҳар —  
Москва ўз донггин аста йўқотар,  
Тахт узра чиққанда янги малика  
Нечукки четланар шоҳона бева.

Севаман сени, эй Пётр ижоди,  
Севаман келишган қадду-қоматинг,



Серсовлат Нева ҳам менга ёқади,  
Севаман мустаҳкам тош қирғоқларнинг;  
Севаман у темир панжараларни,  
Севаман ўйловчан оқ кечаларни,  
У ойсиз ёруғлик, шаффоф кўлкалар  
Ошифта дилимни доим эркалар.  
Шундоқ кечаларда чироғни ёқмай  
Ёзаман, ўқийман уйда пайдар-пай,  
Жимжит кўчаларда ўйлар сираси,  
Адмиралитет биносин юксак қўлласи  
Равшан кўринади кундуздагидай.  
Бу ерда саҳарлар, бермай навбатни,  
Кетма-кет олмошиб кўкни нурлатар,  
Олтин самоларга қўймас зулматни,  
Ярим соатгина кеча мўралар.  
Севаман қаҳратон қишинг ҳавосин —  
Изғирин, шамолни, тош қотган музни,  
Нева бўйлаб чопган чана сафосин,  
Гул мисол қизларда алвонранг юзни.  
Севаман базмлар шовқин-ғалвасин,  
Бўйдоқ йигитларнинг кайф палласини,  
Вижиллаб кўпирган бода жилвасин,  
Ма'жун шаробларнинг кўк шу'ласини,  
Севаман ғалати Марс майдонида  
Аскарнинг жанговар жўшқинлигини,  
Лашкарнинг, отларнинг машқ асносида  
Тўлқинланган гўзал бутунлигини,  
Севаман чайқалган узун сафларда  
Ҳилпираб турганда ғолиб байроқлар,  
Жангларда ўқ тешган, лекин зафарда  
Ялтираб ёнаркан у мис қалпоқлар.  
Севаман мен сени эй ҳарбий пойтахт,  
Қал'ангнинг дудини, ҳангомасини:  
Шимол малиқаси қачонки хушбахт,  
Даргоҳга бағишлар янги бир фарзанд

Қачонки ғалаба жангномасини  
Русия яратар, олқишлар хурсанд,  
Қачонки Нева ўз музларин ёрар,  
Парчалаб денгизга судралиб борар,  
Баҳорни ҳис этиб қувонар, яйрар.

Яшна, эй Пётрнинг шаҳри, бўл обод,  
Русия сингари тургин мустаҳкам,  
Сендаги у синмас ирода, сабот  
Ёнгуси табиий офатларни ҳам.  
Энди унутсинлар фин тўлқинлари  
Эски хусуматни, кўтармай ҳой-ҳу,  
Беҳуда жаҳлини ирғитсин нари,  
Бузмасин Пётрнинг уйқусин мангу!

Бағоят даҳшатли бир чоғ эди у ...  
Хотиралар тирик бу ҳақда ҳали.  
Энди мен бу ҳақда бошлай ҳикоят,  
Бамисли кечаги қисса ваҳмали;  
Дўстларим, сиз учун қилай ривоят.

#### БИРИНЧИ БЎЛАК

Хўмрайган Петроград устида қаттиқ  
Ноябрь шамоли изғирди совуқ.  
Суронли тўлқинин ҳарён сачратиб,  
Мунтазам узанин уриб асабий,  
Нева тўлғанарди осов, бетартиб,  
Ётоқда безовта бир хаста каби.  
Кечки палла эди ва ҳам қоронғу,  
Ёмғир деразага қуйилар дув-дув.  
Аламли қичқириб шамол увлайди,  
Ёш йигит Евгений бир зиёфатдан  
Уйига қайтганди айни шу пайти,  
Уни биз атайлик шу исм блан.

Евгений аталсин бизнинг қаҳрамон,  
Бу исм қулоққа ёқади, ширин,  
Қаламим бу ном-ла эски қадирдон,  
Аммо фамилияси — қолсин яширин.  
Зотан у не лозим? Ўтмишда балки  
Донғдор, танилгандир уруғ-аждоди,  
Карамзин шу қадар мадҳ айлаганки  
Элда дoston бўлган шуҳрати — ёди.  
Аммо, у аждодни унутмиш тамом  
Бугун ҳам киборлар, ҳам улус-авом.  
Яшар бир хужрада бизнинг қаҳрамон,  
Қочар киборлардан, ўзи хизматкор,  
На марҳум аждодга қайғирар шу он,  
На ўтган тарихлар, у учун даркор.

Хуллас, уйга келгач бизнинг Евгений,  
Қоқиб шинелини ечинди, ётди,  
Кўп қийналди, бўлмай уйқу та'йини,  
Ҳархил андишага, ҳаёлга ботди;  
У қандай андиша? Йўқсуллик дарди,  
Қийналиб яшашнинг ғам-зарурати,  
Яна шу ташвишки, дун'ёда албат  
Эрк ва фароғатни топмоқлик заҳмат,  
Хоҳласа уни ҳам қиларди хурсанд  
Унга ақлу пулдан қўшиб худованд;  
Ўйларди: дун'ёда бекорчилар бор,  
Калтабин, дангаса, аммо бахтиёр,  
Ҳа, ғоят ўнг келган уларга ҳаёт!  
Аммо, бунинг ўзи билмас-ди ҳайҳот  
Лавозим олурми икки йил кейин,  
Дар'ё тошар эди вақт ўтган сайин;  
Ҳаво қутурарди дамба-дам баттар;  
Қўприкларни олиб қўярлар балки;  
Йигит, Парашага қаттиқ ачинар...  
Балки икки-уч кун ундан айрилар.

Шу чоғда шалпайиб кетди юраги,  
У хаёл сурарди мисоли шоир,

„Уйланмоқ? Не бўбди? Мумкин-ку ахир?  
Дарвоқи', қурарман менга яраша  
Хилватда бир уя, содда ва ихчам,

У ерда тинчийди азиз Параша.  
Иккита стулу бир каравот ҳам  
Бир хумча шўрва. . . Хўш, тағин не керак?  
Кутмаймиз ортиқча нозу-не'матлар,  
Якшанба кунлари у блан бирдак  
Қирларда кезармиз топиб роҳатлар;  
Тузукроқ бир хизмат сўраб олурман,  
Параша рўзеорнинг иши блан банд,  
Ҳамда болаларни қилур тарбия. . .  
Биз қўша қарирмиз гўргача йўлдош,  
Ўлсак набиралар кўздан тўкиб ёш  
Кўмишар бизларни „раҳматлик“ дея. . .“

У шундай ўйларди. Лекин шу кеча  
Евгений авзойи бузуқ ва дилтанг,  
Хоҳларди бу шамол пасайсин пича,  
Ёмғир ҳам урмасин ойнакни тажанг.  
Ниҳоят у юмди ухлоқ кўзларин,  
Бу бадбахт кечанинг зулмати кетар,  
Тарқаб қоронгилик оҳиста-секин,  
Кўринабошлади сўлғин бир саҳар. . .  
Бағоят мудҳиш кун!

Нева бутун тун  
Толпинди денгизга, бўронга қарши,  
Ва лекин бўш кетди жаҳди-кураши,  
Невани қайирди бўрон ва тўлқин. . .  
Эртан бу дар'ёнинг лабида қалин  
Тўпланди тамоша учун аламон,  
Сайр этар ғазабкор сувлар сачрашин,  
Кўпириб ҳавога сакрашин ҳар он.

Бўгади Неванинг йўлини довул-ёл,  
Кўрфазнинг оғзига у борар, қайтар;  
Пишқирар газабга тўлиб мисли сел,  
Тошиб оролларни сувга ғарқ этар.  
Ҳар лаҳза ашадди жўшиб гуркураб,  
Ҳайқириб, қайсарлик қаҳри-ла балқиб,  
Қозонда сув каби қайнаб бурқираб,  
Ахир ваҳшиёна қутуриб қалқиб —  
Ўзини отади шаҳар устига,  
Одамлар қарамай баланд-пастига  
Қочишди. Атрофда қолмади ҳечким.  
Кўчалар, уйларга кирди тўлқинлар,  
Нева каналлар-ла яна туташар,  
Петрополь белгача сув ичра қақшаб,  
Қалқади сув рабби тритонга ўхшаб.

Хужум! Муҳосара! Ваҳший тўлқинлар  
Дарчаларга шилқим суқилаборар.  
Қайиқлар югуриб сувлар-ла ҳамроҳ  
Уриб ойналарни синдираб ҳаргоҳ;  
Қасирға кўчириб кетган кўприклар,  
Йиқиқ кулбалардан хари, эшиклар,  
Бисотли савдогар жамғарган юклар,  
Фақир оиланинг шара-бараси,  
Енгил араванинг чархи-парраси,  
Тўлқинлар гўрлардан очган тобутлар,  
Шаҳарда сузмоқда!

Аммо халқ эса  
Худованд қаҳридан кутмоқда жазо.  
Озиқ ҳам, томлар ҳам афсус маҳв бўлар.  
Қандай яшаш мумкин? Тошқин зўр бало!

Балойи ногаҳон тушган ўша йил  
Русия тахтида у марҳум подшоҳ  
Шон ила суларди ҳукмин муттасил;

Ҳайбатли офатни эшитгач ногоҳ,  
Балконга чиқди-ю деди кўнгилсиз:  
„Оллоҳнинг қаҳрига шоҳлар ҳам ожиз!“  
Бу оғир офатга қарар эди у,  
Чуқур андешада, кўзлар серқайғу.  
Шаҳар майдонлари кўллар сингари,  
Кўчалар дар'ёдай, бу кўллар сари  
Оқарди уйларни қилиб вайрона,  
Ғариб бир оролдай турар кошона.  
Чор буйруқ беради: бошдан оёққа,  
Ҳархил кўчаларга, яқин-йироққа  
Қайноқ тўлқинларнинг хатари аро  
Жўнади подшоҳнинг генераллари,<sup>4</sup>  
То сувда гарқ бўлган уйларда бари  
Гангиган бу халққа топгайлар чора.

Пётр майдонида, ушбу „Ҳой-ҳой“да  
Янги бир иморат солинган жойда —  
Баланд остонанинг олдида тетик  
Икки посбон шер тирикдай худди  
Оғир панжаларин кўтарибди тик,  
Шу мраммар ҳайвоннинг бирин минган-ди  
Бошланг ва ҳушсиз, юзда йўқ ранги,  
Қўлин чалиштириб бизнинг Евгений.  
Тили қотиб қолган, паришонхотир,  
Ўзи учун эмас бунча хавотир.  
Нафси оч долғалар босиб юқори  
Ялаб турар эди унинг товонин,  
Юзини қамчилар ёғмур сувлари,  
Йиртқич шамол эса увуллаб тагин  
Бошидан шляпани учуриб ногоҳ,  
Олиб қочганидан эмас у огоҳ.  
Унинг девонавор кўзлари шайдо,  
Фақат бир нуқтага тикилиб турар,  
Чақчайган кўзлари нарида кўрар:

Сувларнинг тубидан бўлмоқда пайдо —  
Ғазабли тўлқинлар тоғдек баҳайбат,  
Бўрон гувуллайтиди... сурон — маҳобат...  
Тахта парчалари сузади пасда,  
Ёраббим, ёраббим! Эвоҳ! Не аҳвол?  
Бўронлар қутурган кўрфаз қошида  
Бўёқсиз бир девол ёнида бир тол,  
Ва кўҳна кичкина бир кулба ҳам бор...  
Унда тул бир хотин ва унинг қизи  
Параша яшарди — Евгенийга ёр.  
Ёки бу тушмидир, нимадир ўзи?!  
Ё умримиз тушдай бема'ни, пучак?  
Дун'ёни масхара қилар ё фалак?  
Жоду қилингандай қотибди у мот,  
Мармарга ёпишиб қолгандай ҳайҳот!..  
Арслон ҳайкалидан тушолмас! Ҳамон  
Сув, яна сув! Бўлак нарса йўқ тамом.  
Фақат орқасини унга ўгириб,  
Ис'ёнкор Неванинг устидан туриб  
Баланд бир мақомда маҳкам, серсавлат,  
Бир қўлин қулочкаш қилгандай кериб  
Турарди мис отни минган валламат.

## ИККИНЧИ БЎЛАК

Ана, хароб, яксон қилиб ҳарёқни  
Толгандай у беюз, қутурган дар'ё,  
Шу бузуқчиликдан хушланиб гўё  
Ташларди фарқ бўлган ерни — тупроқни,  
Чекиниб иргитар ўлжасин ҳатто.  
Нақ шундай: гоҳида қўрбоши ғаддор  
Бўлиб қароқчилар аҳлига сардор  
Босади қишлоқни жабр этиб ғоят:  
Бузади, ёқади; фар'ёд, шикоят,

Дашном, зўравонлик, войдод, ҳаяжон!..  
Ниҳоят бас бўлгач торожу-толон,  
Орқадан бўлмасин дея бир қувгин,  
Қайтар қароқчилар уйларга шошқин,  
Йўлларда тушириб қўлдан ўлжалар.

Сув ётди, очилди энди кўчалар,  
Евгений чопади ўша манзилга,  
Кўзлари маҳталу, дард тўлган дилга,  
Дилида умиду, дилида хатар,  
Энди сал тинчиган дар'ёга етар.  
Зафар наш'асидан аммо кеккайиб,  
Тўлқинлар жўшарди ҳали тиккайиб;  
Тубида биқсирди оташ асабий,  
Дар'ёнинг саҳнини тутмиш кўпиклар,  
Нева оғир нафас олиб энтикар  
Жангдан чопиб келган арғумоқ каби.  
Евгений пайқарки, турибди қайиқ,  
У учун бу гўё бир омад аниқ;  
Ундаб чақиради у қайиқчини,  
Бепарво қайиқчи ундовга қараб,  
Хизмати ҳақиға бир танга сўраб  
Мудҳиш тўлқинлардан ўтқазар уни.

Соҳибкор қайиқчи қийналди хийла,  
Курашди бўронли тўлқинлар ила;  
Қайиқ эса гоҳо тўлқинга чўмар,  
Балки бир шўнгиса ботиб ҳам кетар —  
Жур'атли сузғирлар блан баробар.  
Соҳилга етишди қайиқ ниҳоят.  
Кўчалар оралаб чопар

бечора,

Излайди ошна жойни овора,  
Қарайди. Тополмас. Ҳартомон даҳшат!  
Тикилиб қарайди мисли девона:  
Буёқ ўпирилган; уёқ — вайрона;



Қийшайган бир қатор биною равог,  
Бошқа бирхиллари тамоман барбод;  
Бир хилин ўрнидан силжитган тўлқин,  
Атрофда жасадлар ётарди тўкун —  
Гўёки ўлгандай жанг майдонида  
Евгений эс-ҳушин бирдан йўқотиб,  
Ҳолидан тояди дард фиғонида,  
Югурар нома'лум бир хабар кутиб,  
Не-нелар атабди у учун тақдир,  
Худди муҳурланган бир хат сингари.  
У чопар ошна манзиллар сари,  
Ана кўрфаз ўзи, уй ҳам яқиндир...  
Нимани кўрар у?..

Тўхтади йигит.

Орқага қайтдию ўгрилди сокит.  
Телмуриб қарайди... Ҳамон қарар у:  
Ахир, бунда ёрнинг уйи эди-ку!  
Мана тол. Нариеқ дарвоза эди,  
Тошқинлар қўпориб элтганми буткул.  
А — бунда уй қани? Ўртаниб энди,  
Синчиклаб айланар атрофни нуқул.  
Ўз-ўзи-ла қаттиқ гаплашар. Броқ,  
Бирдан пешонага солиб шапалоқ  
Қаҳқаҳа урди у.

Кеча зулмати

Қақшаган шаҳарга қўнганди дардли.  
Аммо ухламасдан тунда фуқаро  
Бу кунги гаплардан сўзлаб ўзаро  
Узоқ гурунглашди. Уфуқларда тонг  
Сўлғун булутларнинг кетидан бир он —  
Ярқираб ёритгач сокит пойтахтни,  
Кечаги балодан топмади асар,

У даҳшат аламин, у фалокатни  
Қоплаб олган эди қирмизи нурлар.  
Ҳарнарс қолипга тушди саросар.  
Офатдан қутулган кўчалар аро  
Аламон юрарди совуқ, бепарво.  
Тунги ётоғини тарк айлаб вақтли,  
Хизматга жўнади идора аҳли,  
Пинагин бузмасдан дадил савдогар  
Нева талаб кетган омборин очар,  
Тортган зиёнини чўтлаб бирма-бир,  
Бирон қадрдондан ундирмоқчидир.  
Ҳарқайда қайиқлар топилса шу дам  
Йиғиб олишарди.

Граф Хвостов

Шоир ҳам, осмон арзандаси ҳам,  
Нева ҳалокатин дарҳол, бетўхтов,  
Ўлмас мисра'ларда куйларди бардам.

Оҳ, бизнинг бечора Евгений шўрлик...  
Афсуски, йигитнинг сермалол ақли  
Бало қайнаганда кўрсатмай зўрлик  
Айниди. Қулоқда гувуллар ҳали  
Неванинг ҳайбатли, қўрқинч на'раси,  
Мудҳиш шамолларнинг совуқ ғарази.  
Маш'ум хаёлларда у гўё беҳуш  
Соқовдай кезарди ҳар'ён дарбадар,  
Уни кемирарди аллақандай туш.  
Ўртадан бир ҳафта, бир ой ҳам ўтар,  
На уйга қайтади, на ундан хабар.  
Унинг келмай қўйган бекас хужраси —  
Муҳлат тамом бўлгач уйнинг эгаси  
Бир йўқсул шоирга кирага берди;  
Евгений рўзғордан лозим аш'ени

Олиб кетгани ҳам бир келмас эрди.  
 Кўп ўтмай ётсинди тамом дун'ёни.  
 Бутун кун пиёда ва ёлғуз юрар,  
 Сув бекатида у тунарди ғариб,  
 Ҳарбир деразадан садақа сўрар,  
 Жулдур кийимлари тўкилар чириб.  
 Бадбахтни учратган хумпар болалар  
 Унинг орқасидан ёғдирарди тош,  
 Кўп маҳал кўчада қаттиқ савалар  
 Кучерлар фарқ этмай орқа, елка, бош.  
 Чунки назарида кўча ҳам, кўй ҳам  
 Барибир: йўл эди; аммо у сезмас,  
 Фарқига етмасди. У карахт беғам,  
 Ички бир зўр дарддан аллақандай маст.  
 Шундай ўтказарди умрин дардманд,  
 На инсон нусхаси, на ҳайвон монанд,  
 На одам сифатли, на ваҳший мисол,  
 На ўлик, на тирик, на арвоҳ — хаёл...

Нева бўйида у

Бир кун бенаво  
 Ётганди, кузакка мойил-ди ҳаво.  
 Эсарди тескари шамоллар бугун,  
 Қирғоққа шапиллаб бадқовоқ тўлқин,  
 Кўпириб, арз қилиб ириллар эди,  
 Текис зиналарга уриллар эди,  
 Менсимас судьядан кутиб бир „лаббай“  
 Эшикда пойлаган аризачидай.  
 Евгений уйғонди. Ҳар'ёқ қоронғу;  
 Ёмғир сепалайди; ел эсар ғув-ғув;  
 Қоронғи кечада елнинг ҳамсози —  
 Жўр бўлиб келарди миршаб овози...  
 Евгений тез сакраб турди-ю, дарҳол —  
 Хотирда жонланди у мотам — ўсол,  
 Шошилиб қолқди-ю, юрди саргардон,

Юрди-ю, жим тўхтаб қолди ноғаҳон.  
Атрофга кўзларин ташлар оҳиста,  
Бетида хавфсираб ҳайиқиш — қўрқув:  
Келиб қолган экан сезмасдан аста,  
Зўр бино олдида устунларга у.  
Шунда остонада посбон шерлар  
Панжасин тирикдай кўтарибдирлар.  
Тўғрида баланд бир мақомда фақат  
Қал'абанд қоянинг устида туриб,  
Бир қўлин қулочкаш қилгандай кериб  
Кўринар мис отни минган валлават.

Евгений сесканди. Эсида дарҳол  
Уйғонди мусибат, даҳшатли хаёл.  
Таниди тўфонлар ўйнаган жойни,  
Ваҳший тўлқинларнинг жавлонгоҳини;  
Эслади: сувларнинг қутурганини;  
Бу ерда шерларнинг лол турганини;  
Қоронғи майдонда мис калла блан  
Вазмин ва улуғвор турган кимсани —  
У маш'ум ва темир ирода блан  
Денгизда зўр шаҳар қурган кимсани...  
Бу зулмат қўйнида у ваҳмадор!  
Ўша пешонада не-не ўйлар бор!  
Қанча куч эгаси бу паҳлавон, боқ!  
Бу отда нақадар оташ бор шу пайт!  
Қаерга чопасан, мағрур арғимоқ,  
Қаерга босгайсан туёғингни, айт!  
Сен, эй тақдирларга қодир ҳукмрон!  
Нақ тубсиз жарларнинг устидан ҳамон  
Темир юган ила шу баландликка  
Русияни сенми кўтардинг тикка!?

Сарқарда ҳайкалин ҳартомонини  
Бечора савдодий айланди хийла,

Бу, ярим дун'ёнинг ҳукмронийи  
Сайр этди ёввойи қарашлар ила:  
Нафаси тиқилди, кўкси сиқилди,  
Совуқ панжарага боши эгилди,  
Евгений кўзлари туманга тўлди,  
Қалбига гуп этиб урди аланга,  
Қонлари қайнади, хўмрайиб қолди —  
Ва келди бу мағрур ҳайкал олдига,  
Тишин ғижирлатиб, муштини қисиб  
Қора васвасага бўлгандай дучор,  
Ҳайкалга шивирлар кекдан ғижиниб:  
„Бобладинг, биносоз, эй му'жизакор,  
Эҳ, сени қара-я!..“ — дедию бирдан  
Чопиб тумтарақай кетди бу ердан.  
Шу дамда кўргандай бўлди гўё у:  
Бу ёвуз подшоҳнинг юзи бир пасда  
Қаҳрдан ёлқинга тўлиб кетдию  
Угирди бошини телбага аста...  
Бўш майдон ичидан қочар бечора,  
Орқадан эшитиб турар якбора  
Гулдираб мисоли — момоқалдироқ  
Тарақлаб югуриб келар аргимоқ,  
Зарбидан тош куча тамом ларзада.  
Сўлгун ой остида қадди кўриниб,  
Юксакдан қўл чўзиб сипоҳи-шоввоз  
Ўзининг чопоғон отини миниб,  
Кетидан қувмоқда у мис чавандоз.  
Тун бўйи девона кетди тинкадан,  
Броқ, у қай томон қўймасин қадам,  
Мис чавандоз қувар уни орқадан,  
Босиб келароғир дукурлаб шахтам.

Шу кундан бошлаб у ҳарқачон, ҳардам  
Майдондан ўтмоқчи бўлса башарти,  
Юзида кўриниб изтироб — алам

Дарров кўкрагига қўлин босарди,  
Гўёки сал тиниб қолгудай дарди;  
Олиб қўяр эди жулдур қалпоғин.  
Саросим кўзларин индириб тагин —  
Четлаб ўтар эди.

## ХОТИМА

Соҳилга яқин  
Кичик бир орол бор, кўринар ёрқин.  
Гоҳида денгизда кечикса агар  
Балиқчи тунашга бу ерга чўкар,  
Пиширар камбағал овқатин бунда,  
Ёки, тасодифан якшанба кунда  
Бу бекас оролга қайиқда кезиб  
Келар бирон ма'мур, шаҳардан безиб.  
Бу ерда на майса ўсар, на тикан,  
Тошқинлар ўйноқлаб бунга бир маҳал  
Кўҳна бир кулбани келтирган экан,  
Оролда қўққайган у, мисли чангал.  
Бултурги баҳорда кулбани олиб  
Кўчириб келдилар кемага солиб.  
Кулба холи эди ва ҳамда вайрон,  
Аmmo бўсоғада жонидан жудо  
Девонам жасадин топдилар ҳайрон  
Ва дарҳол кўмдилар барҳақи — худо.

## УҚТИРИШЛАР

- <sup>1</sup> Альгаротти бир жойда деганки: „Петербург — Русиянинг Европага қарайдиган деразасидир“.
- <sup>2</sup> Князь Вяземскийнинг графиня З \*\*\* га бағишлаб ёзган ше'рига қаралсин.

- <sup>3</sup> Петербург тошқинининг графа кунини Мицкевич гўзал сатрларда тасвирлаб бергандир. Афсуски, унинг тасвири унча рост эмас. У маҳал қор йўқ ва Нева муз блан қопланмаган эди. Бизнинг шу тасвиримизда поляк шоирининг яққол ранглари мавжуд бўлмаса ҳам, ҳарҳолда бу ҳаққонироқдир.
- <sup>4</sup> Граф Милорадович ва генерал-адъютант Бенкельдорф.
- <sup>5</sup> Бу ҳайкалнинг Мицкевичдаги тасвирини қаранг. Мицкевичнинг ўзи кўрсатганидай бу тасвир Рубандан олинган.



## МУНДАРИЖА

Руслан ва Людмила — <i>Миртемир</i> таржимаси. <i>Зулфия</i> таҳририда . . . . .	7
Кавказ асири — Ҳ. Олимжон таржимаси. <i>Миртемир</i> таҳририда . . . . .	97
Боқчасарой фонтани — Х. Фулом таҳририда . . . . .	124
Лўлилар — Т. Фаттоҳ таржимаси. <i>Зулфия</i> таҳририда . . . . .	146
Граф Нулин — <i>Ғафур Фулом</i> таржимаси. <i>Ойбек</i> таҳририда . . . . .	171
Полтава — Н. Охундий таржимаси. <i>Уйғун</i> таҳририда . . . . .	183
Анжело — Ж. Шарифий таржимаси. <i>Миртемир</i> таҳририда . . . . .	236
Мис чавандоз — <i>Шайхзода</i> таржимаси. <i>Ойбек</i> таҳририда . . . . .	263